



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛҚСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Хайриддин СУЛТОНОВ  
(масъул секретарь),

Худойберди ТҲТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмаамбет ХҲЖАНАЗАРОВ,

Урие ЭДЕМОВА,

Ўткир ҲОШИМОВ.

(32)

1984

ЙИЛ

АВГУСТ



ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛҚСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида инфор­мацион билдириш . . . . . 3

## «ЕШЛИК» ЙЎҚЛАМАСИ

Азиз НОСИРОВ. Меҳнат ва муҳаббат на­шидаси . . . . .	4
Нурилло ОСТО­НОВ, Зай­ниддин БАҲРИДДИНОВ . . . . .	5
Омоной РАББИМОВА, Дилором ЕРМАТОВА, Мели БОБОҚУЛОВ, Олқор ДАМИН . . . . .	6
Абдували ҚУТБИДДИНОВ . . . . .	7
Шукри АППАЗОВ . . . . .	39

## НАСР

Эркин АЪЗАМОВ. Жавоб. Қисса . . . . .	8
Ҳожиақбар ШАЙХОВ. Дархон кўшиғи. Ҳикоя . . . . .	35

## НАЗМ

Хуршид ДАВРОН . . . . .	40
Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ . . . . .	45
Муқаррама МУРОДОВА . . . . .	45
Анвар ОБИДЖОН . . . . .	47

## ПУБЛИЦИСТИКА

Раҳимжон ОТАЕВ. Унутилмас сабоқлар . . . . .	43
Шароф БОШБЕКОВ. Семинардан сўнгги ўйлар . . . . .	44
Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Яхши ёзайлик, рост ёзайлик . . . . .	46
Ҳамид ИСМОИЛОВ. Давр талаби . . . . .	46

## НАФОСАТ ЧАМАНИ

Шерали СОКИН. Машаққат, завқи . . . . .	33
---	----

## ҚЎПЧИЛИККА ҲАВОЛА

Муроджон МАНСУРОВ. Парвоз ва инқироз . . . . .	48
--	----

## ЎЗБЕКИСТОННОМА

Жўра САЪДУЛЛАЕВ. Фарғонадай сўлим бир чаман . . . . .	51
---	----

## САДОҚАТ

Юрий РЯЖЕНЦЕВ. Умри ўзи бир дoston . . . . .	55
Борис ТИХОМОЛОВ. Буюк учлик . . . . .	58

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, Тилак ЖўРА. Табиатдир менинг давомим . . . . .	61
Ҳадича ЛУТФИДДИНОВА. Ҳаёт каби улуг . . . . .	66

## «ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

Орзуларим бир жаҳон, аммо . . . . .	68
Мендан муаллим чиқармикан? . . . . .	69
«Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» . . . . .	70

## ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

Панчатантра . . . . .	72
-----------------------	----

## ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Ислom ШОҒУЛОМОВ. Гаров . . . . .	78
----------------------------------	----

# ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ёшлик» журна­лига  
1985 йил учун

ОБУНА давом этмоқда.

Обуна

«Союзпечать»нинг

барча район бўлимларида

қабул қилинади.

Обуна баҳоси:  
бир йилга — 6 сўм;  
олти ойга — 3 сўм.

МУҚОВАДА:  
Биринчи ва тўртинчи бетларин рассом  
Одилбек БОБОЖОНОВ чизган

# Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлди. Пленумда «Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток К. У. Черненко йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўрток И. Б. Усмонхўжаев доклад килди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкентдаги Октябрь революцияси номли завод электр слесари Н. М. Железнов, Сарийосиё районидаги «Коммунизм» агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Омонов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори А. А. Петров, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Самарканд область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ашуралиев, «Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари И. В. Правослов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов, Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари С. Ғаниева, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов,

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат Университетининг ректори С. Х. Сирождидинов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Х. Абдуллаева, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Х. А. Шоғазатов, Фарғона тўқимачилик комбинатининг мастери Н. И. Ермолаева, Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Қаюмов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов ўртоқлар катнашдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўрток Е. К. Лигачев катнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул килди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси ўрток В. А. Хайдуrow Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Ўрток В. Г. Кретов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирини, ўрток З. Хайдаров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудирини қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари ўрток К. Н. Могильниченко, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудирини ўрток В. И. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. М. Лигостаев ва И. Е. Пономарев ўртоқлар иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.



Азиз Носиров,

Ўзбекистон ЛКСМ Самарқанд область  
комитетининг биринчи секретари

# Меҳнат ва муҳаббат нашидаси

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом кўҳна ва ҳамиша  
навқирон Самарқанд ҳақида:

Ишқу вафоларнинг «Ҳамса»син битган  
Жомий, Навоийларнинг асрий нидоси,  
Ҳали гумбазлардан гуңгираб келур,  
Олимлар баҳсининг аксу садоси, —

дея ёзгани бежиз эмас. Самарқанд азал-азалдан илму ўрфон  
маскани. Шаҳарнинг келин тушган ҳовлидек сўлим, саришта  
кўчаларида улўғ бобокалонларимиз Улуғбек, Навоий, Жомий-  
ларнинг табаррук излари бор.

Йиллар елдириш. Эзгу ишлар, анъаналар абадий. Бир  
пайтлар Ҳамид Олимжондек, Усмон Носирдек, Уйғун Мирте-  
мирдек шоирларга илҳом берган Самарқанд ҳали-ҳануз бир-  
бирдан таланти, иқтидорли ижодкорларни вояга етказмоқ-  
да.

Бундан бир неча йил муқаддам область комсомол комитети  
ҳузурида ёш ижодкорлар билан ишлаш совети тузилган эди.  
Филология фанлари доктори, профессор Нуриддин Шукуров  
раҳбарлик қилаётган бу совет областимиз ижодкорларини  
танлаш, тарбиялаш, уларга зарур шароитларни яратиб бериш,  
ёшлар ижодини тарғиб қилиш борасида ибратли фаолият  
кўрсатмоқда.

Самарқанд Давлат университети ўзбек ва тожик филология-  
си факультети ҳузуридаги «Шалола», педагогика институтида-  
ги «Зарафшон» адабий уюшмалари, Пахтачи, Иштихон,  
Жомбой районларидаги шеърят клубларига кўплаб адабиёт  
шайдолари бирлашган. Бу уюшма ва клубларда ҳаваскор шоир  
ва ёзувчиларнинг дастлабки асарлари муҳокама қилинади,  
керакли йўл-йўриқлар берилади. Энг яхшилари эса область  
республика газета-журналларига тавсия этилади. Эндиликда  
Асад Дилмуродов, Уткир Саидов, Ойхумор Асадова, Исо  
Абдурахмон, Владимир Данко, Омоний Раббимова сингари  
ёшларнинг номи кўпчиликлари таниш. Улар ўз асарларида Ватан  
муҳаббатини, эл-юрт саодатини, замондошларимизнинг бун-  
ёдкорона ишларини ўзига хос овозда куйлашга интилоқдалар,  
изланмоқдалар.

Самарқанд — сайқали рўйи замин аст...

Асрлардан-асрлар оша дилдан-дилга кўчиб келаётган бу  
шеърый сатр Самарқанд шаънига муносиб. Қадимий шаҳримиз  
ўзининг ажиб меъморчилик дурдоналари, осори атиқалари  
билан барчани лол этиб келган. Кўкни кучган миноралар, ўзида  
қуёшни акс эттирган гўзал нилий нақшлар ажиб бир мўъжизага  
ўхшайди. Булар шу соҳага ихлос қўйган ёшларимизга руҳ ва  
илҳом бермоқда. Областимизда меъморчилик, рассомлик,  
ҳайкалтарошлик сингари санъат турлари ҳам гурираб ри-  
вожланыпти. Нуриддин Калонов, Абдуманнон Темиров, Аслид-  
дин Исаев сингари рассомларимиз, Туркмен Эсонов, Эргаш  
Қаҳҳоров каби ҳайкалтарошларимиз ўз асарлари билан  
Москва, Ленинград шаҳарларидаги ва ҳатто чет эллардаги  
кўргазмаларда қатнашиб, юқори баҳо олдилар. Ёш меъморла-  
римиздан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауре-  
ати Неъмат Содиқов, область Ленин комсомоли мукофотининг  
лауреатлари Ғолиб Салоҳиддинов, Фарид Галиевлар аждодла-  
римизнинг афсонавий обидаларда акс этган санъатларини  
сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Самарқандда театр санъати соҳасида ҳам бир талай таланти  
ёшлар ижод қилишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, областимиз ёш ижодкорлари  
қадимий воҳа адабий ва маданий анъаналарини давом эттириб,  
давримизга муносиб асарлар яратишга интилоқдалар. Улар-  
нинг ижодий муваффақиятлари эса, жонажон республика-  
мизнинг 60 йиллик тўйига муносиб тўёнадир.





## Пахта

Пахта — оппоқ парқу:  
Оппоқ парқу ёнди жумла-жаҳонни.  
Дунё ухлар экан парқу тўшакда,  
Туш кўрар севикли Ўзбекистонни.

## Омоной Раббимова

\* \* \*

Баҳодирим, от кишнатиб ўтмоқдасиз, Сиз бу дам,  
Аргумоқнинг қадамлари юрагимда кезади.  
Ҳисларимга ўт чақнатиб ўтмоқдасиз Сиз бу дам,  
Ойдин тушга чўмилганча осмонда ой сузади.  
Дилбар-дилбар туйғуларга маст бўлганча мен бу дам  
Ишқ суратин гоёибона оқ қоғозга чизаман.  
Рости, равон йўллар қолиб тулпорингиз изидан  
Ирмоқлардан ошиб ўтиб, саҳроларда кезаман.  
Маъюс-маъюс қанот қоқиб кўкдан тушар оқ каптар,  
Соғинч хатин унга тутиб, қанотини силайман.  
Ишқдан бемор юракларга дармон бўлар оқ дафтар  
Заминнинг сор лочинига ойдин йўллар тилайман.  
Гуллар атри димоғимга висол ҳидин эслатар,  
Анвойи туш таъбирини йўларимга улайман.

\* \* \*

Қалбимда туйғулар тўлғонар,  
Туйғулар зарбидан дил ёнар,  
Чўғ мисол нигоҳинг зарбидан  
Қалбимда ҳисларим уйғонар.

Нигоҳим яширмоқ истайман,  
Севгингни яширмоқ истайман.  
Сўнг соғинч порлаган қалбимни  
Қўлингга топширмоқ истайман.

## Дилором Ерматова

\* \* \*

Алла айтар бир аёл,  
Мурғак бола қўлида.  
Кўнглидаги не хаёл,  
Нелар бордир йўлида.  
Гоҳ осмонни қучоқлар,  
Ойга ўхшар болакай,  
Юлдуз-юлдуз япроқлар  
Учиб тушар пайдар-пай.  
Ирғишлайди асов той  
Сойнинг кунгай бетиди.  
Урмоқда кимдир буғдой  
Кўёшининг ол тафтида.  
Бўзтўрғайнинг навоси  
Айни пешин зўр бўлар.  
Чигирткаларнинг саси  
Ул аёлга жўр бўлар.  
Оқ докаси бошида,  
Не хаёлда бу аёл.  
Гўдак, дунё қошида  
Алла айтар бир аёл.

## Мели Бобоқулов

## Янги кун

Мен тонг билан қоламан энди,  
Туйғуларнинг баридан ушлаб.  
Оғир туннинг кўз ёши тинди,  
Тонг келарди янги кун бошлаб.

Лаҳзаларнинг учқур отида,  
Эриб борар тундаги тушлар.  
Янги куннинг зил қанотида,  
Туғилади янги юмушлар.

## Ишчи бармоқлар

Эғнида жомакор, ютиб чанг, тутун,  
Чайир билакларда куч оқиб бетин.  
Дилда ловиллатиб оташли ўтин,  
Ҳунарин ардоқлар,  
Ишчи бармоқлар.

Хамир янглиғ узиб зувала-деталь,  
Баҳайбат домнада эритар металл.  
Чатнаган оловда синовдан ўтар  
Кудратин салмоқлаб  
Ишчи бармоқлар.

Кўллар станокда боғлар зўғата,  
Гувиллаб ип ўрар, тўқийди мато,  
Кўз-қулоқ бўлсанг бас, ишлар бехато  
Бошқарар ўрмаклар,  
Ишчи бармоқлар.

Юрак қай бир ишга этмасин жазм,  
Ишчи бармоқларда этилар ҳазм.  
Улар қаршисида этаман таъзим,  
Эл ишончин оқлар,  
Ишчи бармоқлар.



## Олқор Дамин

## Ўрик Болаларга

Наим ўрик қоққан дам  
«Ҳа, яшавор!» деб турдик.  
Тек турмадик бизлар ҳам;  
Тушганини еб турдик.

«Кўпайдимми?» деса у,  
«Э, қўявер!» деб турдик.  
Отасига раҳмат-е,  
Тушганини еб турдик.



Самарқандлик ёш рассомлар (чапдан): Аслиддин ИСАЕВ, Нуриддин КАЛОНОВ, Абдуманнон ТЕМИРОВ ва ҳайкалтарош Туркман ЭСОНОВ ижодий сўхбатда

## Абдували Қутбиддинов

Қийналиб кетасиз, дилингиз оч қолар  
Севгига, мёҳрга.  
Ёлғизлик тошбақадай судралади  
Етолмайди эшикка, деразага, шифтга,  
Кўксингизда пиқ-пиқ йиғлайди юрак,  
Раҳмингиз келади.  
Сиз ҳам пиқ-пиқ йиғлайсиз:  
«Мен сени сотаман севгига,  
Мендан қутуласан».  
Кўчага чиқасиз.  
Сиз сўлгин термуласиз  
Одамларга, дарахтларга, магазинларга!  
Секин оҳиста қўшиласиз  
Бу телба тўлқинларга,  
Бу телба ёлқинларга.  
Кейин симёғочга ёпиштирасиз эълон:  
«Дилим севгига сотилади!»  
Ва интизор кутасиз пок лаҳзаларни  
Улар етиб келар, етиб келади.  
Кимдир шивирлайди: «Уни менга беринг»,  
Илтижо қилади: «Оҳ, менга беринг».  
Сиз дилни ўрайсиз шу илтижога,  
Кўлига берасиз, қўлига унинг.  
Шахло кўзларида кўрасиз маъсум  
Заррин тўлқинларда оққан кемани.  
Сўнг қайтиб келасиз уйга бежавотир  
Хам хурсанд, ҳам беҳол, ғамгин қимирлаб:  
Эшикка, дераза ва шифтга



Айтасиз оҳиста титраб шивирлаб:  
«Бир қиз олиб кетди уни узоққа,  
У қизнинг қалбида кундай оқади.  
У бахтдан кетади энди семириб,  
Қиз уни муҳаббат билан боқади».

\* \* \*

### I

Омочлар тишлайди далани,  
Элакдан тўкилиб кетар шом.  
Тунларга беланар чумчуқлар.

Айланар тегирмон тошидай  
Гирчиллаб ой сиғмай фалакка.  
Осмонга ёпилар юлдузлар,  
Муҳаббат ёпилар юракка.

Омочлар майдалар далани,  
Элакдан тўкилиб кетар тонг.  
Куйлайди бахтиёр чумчуқлар.

Айланар тегирмон тошидай  
Қуёш ҳам безавол йиқилиб.  
Кундузлар нур экар, нур экар,  
Дастасиз кетмонга тикилиб.

### II

Омочлар майдалар далани,  
Дунёни майдалар фалак, жим.  
Хаётга беланар одамлар.

Кулгини, йигини, аллани  
Майдалаб яшайман бедармон.  
Суюкдан ясалган паллада  
Юрагим бўлади торозбон.



Эркин  
Аъзамов

## Жавоб

### ҚИССА



Б у одам бирдан ўзгариб қолди. Ҳамманинг кўз ўнгида ўзгарди, бутунлай ўзгарди. Юриш-туриши ҳам, атрофдагиларга муносабати ҳам олдингидек эмас. Гўё аввалги Нуриддин Элчиев қаёққа қадир ғойиб бўлган-у, унинг қиёфасида бошқа кимса юрибди: рангу рафтори ўша-ўша, лекин ичига ўзга бир одам кириб олган. Сиртдан қараганда, таниш-билишлари, хизматдош биродарлари учун у ҳамон «Уртоқ Элчиев», «Нуриддин Элчиевич» ёки яқинлик туфайли, ҳазил аралаш — «Элчиевич», оиласида ҳам азалгидек — ота, эр. Илло — йўқ, йўқ, илгариги Элчиев эмас у, синган, портлаган, ботинан портлаган. Неки бўлди, неки кечди — ёлғиз ўзига аён, бировга оғиз очолмайди: нима деб айтади, қандай айтсин?!

Тўғри, одам, одамзоднинг феъл-атвори ўзгариши мумкин, ҳаётга, теварақдагиларга муносабати бошқача тус олиши ҳам раво, бироқ моҳияти қолади, ўзгармайди: яхши — яхшилигича, ёмон — ёмонлигича. У бировларнинг назаридагина бегона сиёққа киради; буни кўпинча вазият, туриш-турмушимиз белгилайди.

Нуриддин Элчиевга нима бўлди? Илгари қандай эди у?

Элчиевга ўхшаган одам ҳамма жойдан, ҳамма идорадан топилади. Улар мажлису машваратларда ҳадеб кўзга чалинавермайди, ҳал қилувчи овозга ҳам эга эмас, лозим пайтдагина эл қатори қўл кўтариб ёки чапак чалиб қўяди, холос. Байрам кунларию бирон бир ёруғлик тегадиган тақсимот чоғларида ҳам бунақаларни камдан-кам тилга оламиз. Лекин, б а р ч а ни шуларсиз тасаввур этиб бўлмайди: оммавий саҳналарга одам керак-ку! Мушкул вазиятларда, айниқса, бировнинг бошига ташвиш тушганда ўша заҳоти уларни қидириб қоламиз: беғараз, беминнат, ишончли. Баъзилар ҳафталаб ишхонада кўринмаслиги мумкин, аммо у бир соат бўлмаса, дарров билинади-қўяди — ўрни бор, ўрни! Камтарин, камписанд, лекин бошқа одам босолмайдиган, бошқа одам ярашмайдиган ўрни!

Элчиев ҳамма қатори эрталаб ишга борар, ҳамма қатори кечқурун ишдан қайтар, бир хусусияти — шахматбозлигу газетхонликка суяги йўқ эди: қўли бўш



қолдими, ўтириб олиб ё шахмат суради, ё газета ўқимоққа тушади. Унинг яна бир жиҳати — улфатчиликни хуш кўради, бир зум ҳам ёлғиз туролмайди. Ишдан кейин гоҳо ўзига ўхшаган хизматдошлари билан кўчанинг нариги бетидаги, тутуну турфа оломонга тўла, ғала-ғовур қаҳвахонага ўтиб андак шакарғуфторлик қилади. Косагуллик мудом унинг зиммасида; аския айтишади, кулади, кулдиради, даврада ўзини ҳам аямайди, бошқани ҳам — шўх-шалайим, одамнинг жони. Сўнг ана шу хушвақтликни уйига ҳам олиб қайтади, ҳазиллашавериб хотин-болаларининг ичагини ўзади.

Чойхонапаловларда ошнинг сабзисини албатта Элчиев тўғрайди, ёшлар қолиб, ўтинни ҳам ўзи ёради, ўзи олов қалайди. Бу юмушларни у бировнинг гапи билан эмас, ўзидан билиб қилади — гўё фақат унинг иши, унинг бурчи. Бошқа маврид-маросимларда ҳам кўпчилик эп кўрмаган ёки бўйни ёр бермаган даҳмазаларга Элчиев балоғардон. Гоҳо чунон хокисорлар бўлиб кетади, лекин ўша вазифани бажаради. Бошқалар эса бунга ўрганиб қолишган, бирор сабабга кўра Элчиев ўз ўрнида бўлмаса — ажабланишади, ҳатто таъна қилишади: «Ия, Элчиевич?!», «Нега энди Элчиев? Нега бошқа одам эмас-у, Элчиев?», дейдиган мардум йўқ. Уларнинг назарида Элчиев шундай, шундай бўлиши керак, Элчиев қилиши керак, чунки у — Элчиев! Ҳа! Узи ҳам бунга кўнигиб кетган, баъзида дили оғрийди-ю, аммо кимсага сездирмайди: майли, хафа бўлишмасин, мен қилсам нима бўпти, бирор жойим камайиб қоладими?

Элчиев турмушдан нолишни билмас, бирон бир мўъжиза ҳам кутмас, бор бахтига шукрона айтиб яшашга одатланган эди. Камсукўмлиги туфайлими, у талай йиллардан буён қимирламай бир курсида ўтирар, кечагина келганлар турга ўтиб буйруқ берганида ҳайратланган каби бир қараб кўйиб, ичида «Э, шундай бўпти-да», дея, айтилган ишни бажариб кетаверар эди. Шунданми, ўзи ўйламаганидек, унинг лавозимини ошириш бошқаларнинг ҳам хаёлига келмасди. Уларга шу Элчиев — Элчиевнинг шундайлиги ёқар, ўзларининг унга ёқиш-ёқмаслиги ҳақида бош қотиришмас, бунга ҳоҳат ҳам йўқ эди.

Элчиев уйда ҳам ишхонадагидек: хотини йўқ пайтда қозон-товоққа ўзи уннайди, кези келса, ўғлининг ҳам шимини дазмоллайверади. Ҳамма уларга ҳавас қилади: киройи оила шундай бўлса, тинч-тотув. Кўни-қўшниллар ҳали бу хонадонда бирон можаро ўтиб, кўнгилсиз сас чиққанини эшитишмаган — мудом кулги-ханда.

Элчиевнинг яна бир одати — уйига тез-тез меҳмон чақириб туради. Баҳонаси ҳам кўп: қизи ўқишни битиради, ўғли ишга жойлашади, кенжаси мактабдан мақтов ёрлиғи олади. Оддий меҳмондорчилик эмас, расмонасига базм беради: дастурхонда тоғли юртидан келган анор суввио тандиркабобгача муҳайё. Бу тўкинлик, бу неъматлардан оғзи очилган меҳмонлар ҳавас билан еб-ичишади, яйрашади-ю, уйнинг аҳволига қараб таажжубланишади: қўп-қуруқ, талабанинг омонат ҳужрасидек ғариб. Мезбоннинг бугун топганини бугун ейдиган антиқа тоифадан эканини англашга эса ақллари ҳайрон!

Ана шу одам кейинги пайтда ўзгарди, бирдан ўзгариб қолди. Ҳеч кимга қўшилмайди, ўзи билан ўзи, ниманидир ўйлагани ўйлаган. Кўрингандан уялгандек, хижолат чекаётгандек. Аввалги авжи йўқ, тунд, чарс. Оқибати шу бўлдики, у ўз жонига қасд қилди.

Дарвоқе, бундан олдин баъзи бир гаплар ўтган эди.

\* \* \*

— Камолиддин, сизга нима бўлди?

Элчиев ўзига келганидан сўнг уч кун давомида ҳеч ким билан гаплашмади, ҳеч кимнинг сўзига жавоб бермади. Одам келса, юзини деворга буриб олади. Бировни кўргиси, бировга кўрингиси йўқ. Ҳаммадан уялади, уялади. Ўзидан нафратланади, йўқ бўлиб кетгиси келади.

Нега қолди у? Кетмоқчи эди ахир, кетмоқчи! Кетиши керак эди, кетиши! Бутунлай! Тўйиб бўлган эди! Баридан! Уни нима, ким олиб қолди, ким? Нега?!

— Камолиддин, сизга нима бўлди?

Элчиев ҳушига келиб эшитган гапи шу. Биров йиғлапти, пиқ-пиқ йиғлайди: «Камолиддин, сизга нима бўлди?»

Ким у йиғлаётган? Кимнинг овози бу? Бу овозни қачон, қаерда эшитган?

Базўр киприкларини кўтарди. Бошида бир аёл ўтирибди. Қўлида рўмолча, рўмолчаси ҳўл, ғижим; кўзлари қизариб кетган, ёшланаверганиданми чақнайди, ўтдек, оловдек.

Ким бу? Бу сиймони қачон, қаерда кўрган эди биринчи марта?

— Сизга нима бўлди, Камолиддин?

Ҳаммаси худди би-ир пайтлардагидек, орадан шунча йил, шунча гап ўтмагандек...

Уша кезлар у Нуриддин эди, суяги бузуқ, бесўнақай қишлоқи ўспирин. Ҳамгузар оғайниси Ҳайдар билан Арпа-поя кўчасидаги бир яхудий кишиникида ижарага турарди. Уй хўжалари — эр-хотин сартарош — хушфёъл, лекин негадир биқиқроқ кишилар эди; қачон қараманг, бир катак товуқ билан овора, буларнинг келди-кетдигига деярли ишлари йўқ, ижара ҳақи вақтида тўлаб қўйилса бас. Дарвозадан кираверишдаги бир уй, бир даҳлиз баъзан одамга тўлиб кетар, Тошкентдаги ҳамқишлоқларнинг бари шу ерда «туғилар», катта-кичик гап-гаштаклар ҳам шу ерда ўтказилар эди.

Ешлик экан, умр аталмиш тезоб дарёнинг айни кўпирган, жўшқин палласи, ҳамма нарса сирли, ҳаммаси сержилва буюқларга чўмилган. Бешоғоч, шаҳарнинг жони — безовта, беусул дукиллаб турадиган юраги; Молия институтининг дарахтларга кўмилган ҳовлиси, йўлкаю хиёбонлари; оқшом Кўйнидаги Муқимий театри, «Тоҳир ва Вухра», «Лайли ва Мажнун»лар; Комсомол боғи, тўполон аримайдиган гав-жум сайилгоҳ; энди эсланса, сурункалидек туюладиган турли-туман фестиваллар, ғаройиб карнаваллар, шўх-шан хуррамликлар; қопдек шиму ёқа-енги каштали украинча кенг-мўл кўйлақлар... Бугун кийиб чиқсангиз, ҳамма кулги билан қарайди. Ушанда, ўшанда бундай либосларсиз жамоатга аралашолмасдингиз. Нуриддин ҳам ягона — ўқишга кирган йили акаси олиб берган бўрим шимию пахта теримидан орттирган каштали кўйлагини кийиб, ярашса-ярашмаса, кўпчиликка таассуб — қалин, ўжар сочларини орқага тараб, ўзича башанг бўлиб юрадиган содда-баёв йигитча эди. Эди! Булар ҳаммаси энди туш, «Маҳаллада дув-дув гап» ёки «Гуллар очилганда» сингари ўша йилларга дохил кинофильмларни кўрганда ёдга тушадиган, эслаганингиз сари эслагингиз, оғушида қайта-қайта яшагингиз келадиган туш. У вақтларда ташвиш йўқ эдимиз, ғам йўқ эдимиз? Бор эди, ҳаммаси бор эди. Билинмасди. Бугунга келиб эса, ўшандаги ғам-ташвишлар ҳам тотли туюлади, хотиралар жатдан ўзгача жилва билан намоён бўлади. Ешлик экан...

Баҳор кезлари эди чоғи, икки қути «Беломор»дан гаровлашиб Анҳорда чўмилган Нуриддин, тоби қочиб, бир ҳафтача дарсга боролмади. Иситмаси гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушади, бошини ёстиқдан узолмайди. Бир кун кўзини очса, тепасида мана шу... қиз ўтирибди.

— Сизга нима бўлди, Нуриддин?

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди! Уша гап, ўша овоз. Фақат энди «Нуриддин» эмас, «Камолиддин» — «Сизга нима бўлди, Камолиддин?»

Бирга ўтириб, қиз олиб келган мошхўрдани ичишди, ундан-бундан сўхбатлашишди. Ажаб, Нуриддин шунда ўзини анча тетик, соғайгандек ҳис қилди. Аммо, қарахтлик вақиданми, на қиз ёнида ўтирган пайти, на у кетгач бу ташриф, бу меҳрибонликка муносиб маъно беришга журъат этолмади. Нима бўпти, бирга ўқишади, бетоблигини Ҳайдардан эшитиб, шунчаки кўргани келибди. Ўзи шунақа жонсарақ, ҳаммага меҳрибонлик қилиб кетаверадиган очиккўнгил қиз.

Ана шундай хушфёъл, хушмуомалалиги учунми, Мастуранинг хуштори кўп эди. Бироқ у ҳаммага ҳам бундай мурувват кўрсатавермасди. Буни — қизнинг ўзига алоҳида меҳри борлигини Нуриддин кейинроқ, анча кейин пайқайди. Кўрсодш қизларнинг маънодор қарашларини Ҳайдарнинг шўх қочиримларидан сезгандек бўлди. Сиртдан қараганда билинмайдиган, лекин аслида алланечук шикаста бу қизга нисбатан кўнглида пайваст бир туйғу уйғонди.

Мастура хийла юпун, дугоналари орасида балки но-

чорроқ кийинар, аммо замонавий бичимли ярашиқ ли-  
бослари биланми, кўпчиликдан яққол ажралиб турар эди.  
Ўзиям чиройли эди-да, кўрган қарарди. (У вақтлар  
кийимнинггина эмас, ҳуснинг ҳам шайдоси бисёр эди!)  
Бешоғочлик безорилардан юрак олдирган ошиқ-маъшук,  
таниш-билишларнинг ҳам назаридан нарироқ деб, дарсдан  
кейин сайр қилгани трамвай изи бўйлаб пиёда-пиёда  
Инқилоб хиёбони томон жўнар, ёнида шундай қиз,  
ўткинчиларнинг суқланиб қарашларидан дилтанг, безовта  
Нуриддин йўл бўйи терга пишиб борар, Мастуранинг  
гапларига дудуқланиб, пойма-пой жавоб қайтарар эди. Кеч  
қоронғиси тушгачгина титроғи андак ариб, қизни хотиржам  
қўлтиқлаб оларди. Ўша кезлардаги гавжум Карл Маркс  
кўчаси — турфа оломони аломат кўча, машҳур китоб  
магазини, Марказий магазин... Икковлон у ёқдан-бу ёққа  
кезавериб, дўконларга қайта-қайта киравериб, бу ёш-  
ларнинг кунда-шунда фуқаросига айланиб қолишган эди.  
Кейинчалик, Нуриддин Бешоғочнинг «ҳокими» Анвар пахан  
билан бир мушлашиб, дўстлашиб олганидан сўнг ҳаммаёқ  
ўзлариники бўлди — кўнгиллари туссаган жойда сайр қила  
бошлашди.

Бир куни одатдагидек етаклашиб юрган эдилар, Арпа-  
поядан чиқаверишда, театрнинг рўпарасида кимдир уларни  
чақириб қолди. Қарашса... анчайин бир одам эмас,  
кимсан — катта шоир, машҳур шоирнинг ўзигина! Бошига  
чуст дўпписини дол қўйган, эгнида каштали кўйлак, кенг  
шим, пастак курсичада чала чордана қурган кўйи, квас  
сотадиган тахта дўкончанинг олдида савлат тўкиб ўтирибди.  
Юзлари ёришганча уларни имламоқда. Шошиб қолишди,  
ҳаяжонга тушишди, ажабланишди — шоирга қараб юриш-  
ди. Шоир оғзидаги алланимани ошиғич тарзда четга  
тупуриб, лабларини енгига сурта-сурта жойидан турди, ҳар  
иккаласи билан ҳам қўл бериб кўришди. Сўнг ортига  
бурилиб:

— Квасдан қуй, Мишел! — деди сотувчига. — Каттароқ  
қуй, охи! Булар кимлигини биласанми? Бил-май-сан!  
Шунинг учун манга ўхшаган анойи чолни лақиллатиб,  
чўнтагини қоқиштириб бўтта ўтирибсан. Булар — келажаги-  
миз, квасхўжа, билиб қуй, келажагимиз! — Кейин Ну-  
риддинга ўғирилди: — Қизимиз-ку, гап сўрасанг, «вотти-  
вотти»лаб юборишга шай турибди. Е мирободлик, ё Камо-  
лон тарафлардан. Муаллимнинг қизими дейман ўзиям. Сан  
қаттан бўласан, йигит?

Шоир қандайдир дағал, тергов оҳангида сўрарди.  
Нуриддин довдираб қолди, қўрқа-писа айтди қаерданлигини.

— Алпомишнинг юртидан демайсанми, шер! Тошни  
ёриб чиққан тоғ боласан, десанг-чи! Қўнғиротми, чаға-  
той?.. Буни қаранг, бири шаҳри азимдан, бирови — аз кўҳи  
баланд! Ширинингни ахтариб келган экансан-да? Дуруст,  
дуруст. Фарҳод бўл-э! Аммо, бўшашма, Фарҳод! Тоғ  
бурғути чўққини кўзламаса бекор!

Хайрлашаётиб у дафъатан Нуриддиннинг енгидан қаттиқ  
тутиб, сўради:

— Яхши кўрасанми, а, чинингни айт?

Нуриддин қизариб-бўзариб ерга қаради.

— Яхши кўрасан, ана, кўзларинг айтиб турибди, — деди  
шоир ўзича қаноатланиб. — Яхши кўради бу, қизим. Шун-  
доқ бўлсин, ҳа. Боринглар энди, иқболингларни берсин!

Унутиб бўларканми бу гапларни, унутиб бўлармикан?

Яна кўклам келиб, Мастура бир куни: «Ҳовлимизда  
озгина ҳашарлик ишимиз бор эди, бирорта ўртоғингиз  
билан яшанбада бизниқига боролмайсизми?», деб қолди.  
Нуриддин Ҳайдарни эргаштириб борди. Мастура кекса  
бувиси билан Қоратошдаги чоққина ҳовлида яшарди.  
Бувиси ҳали тетик, ҳазил қўшиб гапирадиган, ўтмиш  
илмларидан унча-мунча хабардор отин кампир экан; чой  
маҳали Ҳувайдодан ғазаллар ўқиб икки ўртоқни ҳайратга  
солди.

Мастуранинг ҳашар дегани арзимас бир гап бўлиб чиқди.  
Ҳайдар икковлон тўрт туп токни очиб, ишқомга тараб  
қўйишди. Сўнг Ҳайдар бориб суғада кампирга гап бериб  
ўтирди, Нуриддин нарвонга чиқиб ток бойлади. Мастура  
чизимча узатиб турди, Нуриддин бойлади. Мастура оёқ  
учида туриб узатади, Нуриддин эгилиб олади. Мастура  
бошини орқага ташлаб, оппоқ бўйнидаги нозик-нафис

ҳалқачалар таранглашган кўйи, кўзлари, қўллари, елкала-  
ри — бор вужуди билан унга талпинади, Нуриддин қучоқ  
очиб жавоб қилади.

Чоққина ҳовли, ширинзабон кампир, ўчоқда дамлана-  
ётган ош, уй, хонаки либос, коржомма... Шунда, шунда  
Нуриддин орзуга чўмди. Аммо у, ўша кезлар ўзича бир  
нималарни ният қилиб юрса-да, ўртасида каттакон ковакли  
шотут ўсган бу ҳовличаю бу мушфиқ кампир ҳали талай  
йиллар унга қадрдон бўлишини хаёлига ҳам келтиролмас-  
ди.

«Бувимларга ёқиб қолибсиз. Уртоғи пича маҳмадона,  
туллакроқ кўринади, ўзи оғир, баммаъни йигит экан,  
дедилар».

Шу гап Нуриддиннинг тақдирида узил-кесил бурилиш  
ясади.

Май байрами кечаси (кампир Паркентга тушиб кетган  
кенжа қизиникида экан) бир неча йигит-қиз Мастураларни-  
кига йиғилиб, вақт алламаҳалгача ўйин-кулги қилишди.  
Ўртоқлари ичкарида — шодмонликдан маст, улар — икки  
ошиқ-маъшук ташқарида, шотутнинг тағидаги, четларида  
майса ниш урган суғада бир-бирининг пинжигга тикилиб  
тонг оттиришди. Ҳасратлашдилар. Асосан Мастура гапирди,  
йиғлай-йиғлай гапирди, гапира-гапира йиғлади. Онасидан  
гапирди, отасидан гапирди. Онаси ундан кейинги болани  
туғишда қийналиб ўлган экан. Отаси бошқа хотин қилиб  
кетбди; ҳозир бола-чақали, ўзи катта мансабдор эмиш.  
Унинг номини эшитиб Нуриддин лол-ҳайратда қолди:  
дарҳақиқат, жуда таниқли одам эди бу. Бувисининг раёйига  
қараб, негадир унчалик борди-келди қилишмас экан.  
Отасининг ўзи ойда-йилда Мастурани кўргани келиб  
турармиш, холос.

Кейин бундай тунлар, бундай тонглар кўп бўлди.  
Шуларнинг бирида...

Тўйлари ғариброқ бошланди-ю, қиёмида қизиб кетди.  
Келганларнинг кўпчилиги ёш-яланг эди: курсдошлари,  
Нуриддиннинг ҳамқишлоқ жўралари, Мастуранинг уч-  
тўртта қариндоши. Ҳаммасини, барча сарф-харажатни  
ўзлари, ўз кучлари билан қилишди. Ҳайдар бош кайвони,  
ташкilotчи бўлди. (Унда ҳали «Ҳайдар Самадович» эмас  
эди-да!) Кеча яримлаганда бир машинага тандиркабобу  
ичимликлар ортиб, тўрт-беш оғайини билан, кўёвнинг  
совхозда бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлайдиган акаси  
Нажмиддин кириб келди. Базм қайтадан бошланди.

Қишлоқда чол-кампир Нуриддиннинг бу ўзбосимча  
қилигидан норози бўлишди, албатта. Баъзи қариндош-  
уруғлари юз ўғириб кетишди. У болалиқдан бир хешлари-  
нинг қизига «номғўй», қиз ҳам сочини тараб уни кутиб  
ўтирган эди.

Ўқишни битиргач, Нуриддин шу ерда ишга жойлашиб,  
бир-икки йил қишлоққа боргани бети бўлмади юрди. Кейин-  
кейин тўй-ҳашам, ўлим-йитим баҳона, бориб келадиган  
бўлди. Чол-кампирнинг гапини қилиб, биратўла кўчиб кетай  
деса, туққан онасидек бўлиб қолган отинбувини кўзи  
қиймасди. Бошқача йўриқни-ку хаёлига ҳам келтиролмас,  
хотини уни «Камолдин», у хотинини тўнғичининг исми  
билан «Жасура» деб атар — болалари улғая бошлаган эди.  
Кампирнинг қазосидан сўнг эса, сал вақт ўтмай ҳовли  
бузилиб, Қўйлик тарафдан уларга уй берилди. Уй-рўзғор,  
бола-чақа ташвиши — энди қаёққа ҳам кетади?

Шу тариқа, муқим томир отиб, шаҳардан ёр-оғайни  
орттириб, шаҳарлик бўлиб қолди. Бугунга келиб, қишлоққа  
бориб яшашни тасаввур ҳам қилолмайди. Аммо баъзи-  
баъзида, тўпорилиги тутиб, «Сени деб бу ерларда мусофир  
юриман-да, уққағар тошқандлик!», дея хотинига гина  
қилиб қўяди.

Қишлоқда уни ҳамма, тузуккина амалдор бўлса керак,  
деб ўйлайди чамаси, борган вақтларида ошна-оғайинлари  
кўнглига ўт ташламоққа уринишди: «Келмайсанми энди,  
мундайроқ бўлса ҳам бирон иш топилар». Дарҳақиқат,  
у билан ўқиганларнинг бири ҳозир область статистика  
бошқармасининг бошлиғи, бири — район молия бўлими-  
нинг мудири, яна бири — банк бошқарувчиси, бири эса  
мана — Ҳайдар, Ҳайдар Самадович!

У қолиб кетди, оддий инспекторлигича қолиб кетди.  
Республика миқёсидаги дабдабали маҳкамада хизмат  
қилади, лекин юзларининг бири, биттагиниси. Номини улғу —



супраси қуруқ. Тўғри, силжишига, хизмат пиллапояларидан кўтарилишига кўп имкониятлар туғилди, туғилди-ю, ҳаддан зиёд камсуқумлиги, бориға барака талаб ўргангани сабабми ёки бошқа бирон қусури бормиди, хуллас, улардан фойдалана олмади. Унинг пешқадам мутахассислигини, ишчанлигини ҳамма бирдек эътироф этар, аммо қандайдир мўъжизавий турткими, нимадир етишмас эди. Ун йилча бурун уни дабудрустан «катта хўжайин»нинг ўзи қақриб, область банкидан йирик бир лавозимга таклиф қилди. Шунда у ўша сеҳрли турткини сезиб қолди: қайнотасининг, кексайган, истеъфога чиққан, бироқ ҳамон эътиборли қайнотасининг қўли! (Бир ойлар аввал у талай совға-салом билан илк марта қизини, невараларини кўргани келган эди.) Элчиевни алланечук ваҳм босиб, хотинига маслаҳат солди. Табиатан ўзига ўхшаброқ қолган Мастура эса рағбат билдирмади: «Кўйинг. Яримта бўлса ҳам, нонимиз етиб турибди. Адагинамнинг феълларини биламан. Кейин бир умр қутулолмайсиз. Энди керак бўлиб қолибмиз-да!» Узи ҳам шуни маъқул кўрди, иши яхшилигини, соғлиги чатоқлигини айтиб важ кўрсатди — ўтмади. Шу-шу, кейинги оёқ, ҳеч кимнинг у билан ортққ иши бўлмай қўйди, ўзи ҳам интилмади, бориға шукр қилди, кўнди, кўникди.

Хотини унга ҳаммша ана шундай зукко маслаҳатчи, дилдор суянчиқ. Улар ҳамон — шунча йил ўтиб ҳам бир-бирларини ўша ёшлик чоғларидагидек қизгин бир меҳр билан ардоқлашади. Тўғри, баҳор еллари ҳам дам сусайиб, дам кучайгани каби, бу муносабатда ҳам унча-мунча беқарорлик ҳоллари бўлган.

«Дом»га янги кўчиб келган кезлари эди. Рўпарадаги бино деразасидан ҳар кеч бир қиз — ким билсин, балки жувондир — Элчиевга қўл тўлғаб қолар, Элчиев ҳам унга жавобан қўл силкир, кейин имо-ишора билан «гаплашишар» эди. Бу нарса бора-бора «муҳаббат»га айланди. Қирқдан ошган, тўрт болали Элчиевнинг муҳаббатига! Уша кунлар хотинидан алланечук совиганроқмиди-ей ўзи? Телбалиги шу даражага етдики, тезроқ кеч бўлишини, «учрашувни» сабрсиз кутарди. Бу қилиқлари, бақкана йилари учун ичида хотин-боласидан уялар, лекин барибир оқшомлари дераза пойлашини қўймас эди. «Ошиқ-маъшуклар» ўртадаги тўсиқ — ойналар оша бир-бирларига талпинар, чинакамига изтироб чекар, бир кун кўришмасалар туролмас эдилар. Элчиев эртаю кеч ҳовлидаги қиз-жувонлар орасидан «севгилиси»ни қидиради, қидиравериб жони беҳуда ҳалак.

Бир гал эндигина «изҳори дил»га ўтишган эди, орқадан кимдир луқма ташлади: «Уям севарканми? «Жонимдан ҳам ортққ кўраман», деяптими? Ишонманг!» Қараса — хотини! Кулимсираб турибди; иягини олдинга чўзганча — суй-гандекми, янигандекми — асабиёна бир титратиб қўйди у. Нима, усталик билан қўлга тушириганидан ғолиблик нашъасими бу? Хотини кўзига бирдан ганимга, ашаддий бир маккорога ўхшаб кўринди. Негадир уни ургиси, боплаб дўппослагиси келди. (Тентакларча фош этилгани учун эмасми?!). Мастура эса жимгина кулимсираб тураверди; беозор, беғараз, аини чоғда қандайдир ночор, шикастами...

Элчиев шу-шу деразага яқинлашмай қўйди, зарурат юзасидан яқинлашганда ҳам ўз-ўзидан қизариб кетади. Ҳануз ўша воқеа ёдига тушса, таажжубланади: хотини нега кулди, нега индамади, миқ этмади-я! Ҳануз шуни эсласа, ўзини ёмон, жирканч сезади. Мастура эса бу гапни ҳеч қачон, бирор марта ҳам қайта эсламади, башарасига солиб изза қилмади. Шуниси Элчиевни баттар эзар, худди вақти етиб пинҳона бир даҳшат портлайдигандек изтиробга солар, кўрқитар эди.

Ҳолбуки, у кўпма фаришта эмас, ҳамма қатори хом сўт эмган банда эди. Ишхонасидаги тул жувон — Васила билан бўлган саргузаштлари қулоғига етганда ҳам хотини чурқ этиб оғиз очмаган. Бу гапларда олам-жаҳон ҳақиқат борлигини қаёққа яшириб юбора оларди Элчиев — тешик қулоқ, Ҳайдарнинг бунақа миш-мишларни эшитганда жони кирадиган маломатбардор хотини тагин ташаббус кўрсатди, ғамхўрлик билан эгасига етказди. Унга нима деган бўлса дегандир, бироқ Элчиев тиз чўккудек бўлиб ўзини оқлаганда Мастура жеркиб берди: «Э, қўйсангиз-чи, хотинларнинг гапига аралашиб нима қиласиз!»

Тамом, вассалом.

Бир куни кўчадан келса, Мастура унинг ўша — талаба-ликдан қолган, ёқа-енги каштали украинча кўйлагини сандиқдан олиб, юзига босганча йиғлаб ўтирибди. Шу тобда сабабини сўрасангиз айтмайди, айтолмайди, «Ўзим», деб қўя қолади. «Ўзим...» Мададкор сўз, силри сўз. Аёл зоти сир, мўъжиза!

Элчиев ҳамон — неча йил турмуш қилиб, бола-чақали бўлиб ҳамон гоҳи-гоҳида ҳайратга тушади: наҳот шундай аёл, шундай дилбар, шундай меҳрибон аёл унинг хасми, унга тегшли, ўзиники?! Бунчалик ситамларга у қандай чидади? Нега, ниманинг эвазига? Ушанда, не-не йигитлар орасидан нечун уни танлади, нимасига учди? Тўғри, Элчиев яхши одам, ўша Нуриддин ҳам ёмон йигит эмас эди. Лекин, яхши одам камми бу оламда!

Буларни ўйлашдан қочарди у. Уйласа — дилини шубҳаю гумонлар ўртайди. Бир сир бордек туюлади, қандайдир сир! Ўзидан сўрасинми? Нега менга тегдинг, нега мен билан яшаясан, мен бир ношуд, сенга номуносиб ландовурман-ку, десинми? Уят бўлади, шармандалик, қабиҳлик! Элчиев шуларни мулоҳаза қиларди-ю, бу аёл тақдирнинг унга эҳтимомл ягона туҳфаси эканини эътироф этишга бўлсин журъяти етмасди. Шунданми, у ҳамон аросатда, қийноқда: шоир айтганидек, «топганими бу, йўқотганими?»

Мана, ўша аёл, ўша Мастура, йигирма беш ёшга улғайган Мастура! Шунча йилдан бери ёнида! Мана, бугун ҳам бошида ўтирибди. Бир ярим ой муқаддам, ўша а машъум кўргилик туфайли бу ерга тушганида ҳам худди мана шундай бошида парвона эди. Бўлган гапни ҳеч кимсага, болаларига ҳам сездирмади: «Озгина кайфлари бор экан, автобусдан тушаётиб оёқлари сал тойиб кетибди...»

Бунча меҳр, бунча шафқат, бунчалик бардошни қаердан олгансан, Мастура? Мен билан яшаб нима рўшнolik кўрдинг ўзи? Доим шукр дединг, қаноат қилдинг. Аввал, болаларимиз ўссин, шулар вояга етсин, қолгани — бўлар, деб жонингни гаровга қўйдинг, тиришдинг, тирмашдинг, кейин — рўзғор ташвиши, улғайган болалар ташвиши. Лекин сен... толеингдан мудом рози, мудом мамнун эдинг. Жонинг сабилмиди, Мастура, ўзингни ҳам сира йўладингми? Мана, бугун эса мен — нотавон шарманда, бошиганда баттар бало бўлиб ўтирибман...

— Камолиддин, сизга нима бўлди?

Элчиев киприкларини базўр кўтариб қаради. Рўмолчасини кўзига босган қўйи пиқ-пиқ овоз чиқариб елкалари титратган бир аёл, бир мўъжиза! Чаккаларида кумуш толалар йилтирайди...

Димоғи ачимсираб кетди, юзини девор томон бурди.

Юзини девор томон буриб, кўзларини юмди. Кўз олдида ўш а воқеа намоён бўлди. Йўқ, йўқ, туш, даҳшатли, босинқи туш!

Элчиев бир ярим ой бурун ҳам худди шу касалхонада, худди шу «Фалокатлар палатаси»да ётиб чиққан эди. Икки ҳафтача ётди, лекин бу ерга тушганини, нега тушганини хотини, мана шу муштипар аёлдан бошқа деярли ҳеч ким билмади. У эса ҳатто болаларига ҳам сездирмади. Кейин эшитишди, албатта, эшитмаган одам қолмади. Ишхонасида-гиларга ўзи айтди. Улар қаттиқ ғазабланишди; бирови бардор-бардор қилди, бирови астойдил йўл-йўриқ кўрсатган бўлди: бу қандай бедодлик, куппа-кундузи, ўзи айбдор бўлатуриб, отаси тенги одамга қўл кўтарса-я; қаматиш керак унақаларни, ҳаммасини қаматиш керак; судга беринг, қатиққа беринг, газетага ёзинг!..

Элчиев ҳеч қаёққа югурмади, бу нарсалар унинг табиатига ёт, қолаверса, бунга ҳожат ҳам йўқ — тергов органлари аллақачон иш қўзғаб юборган эди. Қўзғамоққа қўзғашди-ю, тайинли бир натижа чиқаришолмади, қайтага Элчиевнинг бошига баттар ғавго ёғилди.

Уша куни ҳамма бараварига Баҳромни мақтади, кўкка кўтариб таърифлади: укамиз ишга яқинда келганига қарамай жуда кордон, серғайрат чиқди, одоби ҳам жойида, асил тарбия кўргани сезилиб турибди, эсли бола экан, келажаги порлоқ, бу кетишда раҳбар бўладиган сиёғи ҳам бор-ов, ул-бул. Баҳромнинг ўзи ҳеч кимни мақтамади, ҳавойи сийловларни баҳузур эшитиб ўтираверди. У дам-бадам ўрнидан туриб муолишдаги дўкандан қозоғна

ўроғлиқ шиша олиб келар, уни секин қўйнидан чиқариб, стол тагидан косагул Элчиевга узатар, яна жойига ўтиб улфатларнинг оғзига кўз тикар эди. Зийрак йигит, серфаҳм йигит. Бошқа нима қилсин, расми улфат, оғиз очиб бировни мақтайин деса — бугун туғилган кун, ноқулай, иннайкейин, ўзи яқинда ишга келган, кўпчилик нотаниш, маҳмадона экан, деб ўйлаши мумкин, у эса табиятан мана шундай камгап, мўмин, асил тарбия кўрган эсли бола-да, раҳбар бўладиган сиёғи ҳам бор эмиш... Сухбат қизигандан қизиди, ҳаш-паш дегунча фаррош кампир стол тагидан тўртта бўшаган шишани этагига солиб кетди. Элчиев «Энди қўзғалсақ», дегандан сўнггина улфатлар Баҳромни мақтовга тўйдириб, аммо ўзлари бир-бирларининг дийдорига тўймагандек истар-истамас ўринларидан туришди.

Элчиев «Фаввора» хиёбонидан ўтиб метрога қараб юраркан, ойнаванд дўкончалардан бирининг олдида «Тошкент сувига» кўзи тушди. Узун пештахтага териб қўйилган шишалар ярақлаб нигоҳни тортар, кишининг дафъатан чанқоғи тугиб, сипқара-сипқара ундан ичгиси келар эди. Элчиевнинг тез-тез сафроси қайнар, шунинг учун уйдан газ-сув узилмас, кўрган жойида тўрхалтасини тўлдириб олиш одати бор эди.

У, эҳтиёт шарт, доим шимининг орқа чўнтагига солиб юрадиган чўзма тўрхалтани пайпаслаб қўйди-да, пештахта томон юрди.

Тақдир, пешона деганлари ҳақ гап экан, ажаб гап экан. Баҳром келиб-келиб ўша кун туғиладимиз! Узи, ўғлининг кечаги беномус қилмишидан дили хуфтон эди-ку, шу зиёфатга қолмаса биров уришармиди? Гоҳида шаҳарни чор айланга ахтарсангиз ҳам топилмайдиган зорманда матахнинг ўша кун пештахтада ярақлаб турганига дод дейсиз! У эмас, бу эмас, тақдир экан, пешона экан.

Ҳа, Баҳром туғилган кунини нишонламаганда, Элчиев унга иштирок этамаганда, йўлда ўша лаънати сувга кўзи тушмаганда (уйида неча шишаси ачиб-айниб ётган эди-ку, ахир!), сотувчи йигит билан пачакилашиб ўтирмай жимгина йўлига кетаверганида бу кўргилик, бу балолар ҳам йўқ эди. Э, у ёғини айтса, бир замонлар — талабалик кезлари бетон бўлганида Мастура исмли киз уни йўқлаб келгани, сўнг ўзи уларниқига ҳашарга боргани, «Бувимга ёқиб қолибсиз», деган гапдан юрагига баттар ўт тушганию ўша қиз туфайли бу шаҳри азимни макон тутгани, эндиликда айнан шу ишхонада ишлашию айнан шу йўлдан қатнаши, Баҳромнинг зиёфатига қўл силтаёлмаганию анови сабилдан бир қўлтумгина ҳўплаб қўйгани... Ахир, акс ҳолда у Нуриддин Элчиев эмас, ўзга одам бўларди-да! Ажаб, бандасининг ҳар бир қилмиши, ҳар бир қадами бошқаларига минг бир ипу минг бир из билан боғланган экан! Бунда тасодиф йўқ, тадбир йўқ — тақдир бор, пешона бор! Мастурада нима айб! Унинг ҳузир, ўзи умр бўйи орзу қилдиги — дорилбақода «юрган» бовисидан нима айб? Бу шаҳри азиму туғилган кун баҳона битта-яримта билан яқинроқ танишиб олмоқни истаган бечора Баҳромда нима айб? Баҳонаи сабаб дейдилар бунинг баҳонаи сабаб! Сув ўз-ўзидан оқмайди, ўт ўз-ўзидан чиқмайди!

Сотувчи — юзининг териси тиник, озода қалпоғи остидан бир тутам сочи чиқиб турган, кўркам мўйловчали хушрўйгина йигит эди. Узи хушрўйгина эди-ю, гапини эшитган одам ҳайрон қоларди: гўё бу сўзларни у эмас, орқасига яшири-ниб олган бадфеъл, бадбашара бир кимса айтяпти, бу эса унинг оғзидан чиққанини яқнаш такрорляпти, холос.

— Бу гази сув деяпман, оқа! — дея кўзининг пахтасини чиқариб ўшқирарди у.

— А, кўриб турибман, — деди Элчиев ўзини босишга уриниб. — Лекин, бунинг нархи, сиз айтгандай, ўттиз беш тийин эмас, ўттиз тийин, ука, билмасангиз — билиб олинг!

— Бу — ўттиз беш тийинлиги, бунинг гази кўп!

— Ё тавба, — деди Элчиев ҳайрон бўларини ҳам билмай, энсаси қотиброқ. — Шунаси ҳам чиққанми ҳали?! Газсиз сув уйимда ҳам бор!

— Боринг, ўшандан ичинг!

Бирдан Элчиевники ҳам тутди:

— Шикоят дафтарингни ол!

— Шикоят дафтари хўжайинда! Бошни қотирманг, жўнанг!

— Уша, хўжайинингни қақир бу ёққа!

Таажжуб, йигит қутилмаганда алланечук итоаткорлик билан ойнаванд дўкончининг орқасига ўтиб кетди, ҳаял ўтмай қайтиб келдию:

— Узингиз кираркансиз, — деди тўнғиллаб.

Дўконни айланиб ўтган Элчиев баланд қилиб тахлаб қўйилган бўш қутиларга дуч келди. Унинг панасида, орқа эшик зинасига яқин қўлбола стол атрофида тўрт нафар йигит ўтирарди. Уртада шўр помидор, колбаса, қоқ балик, оёқ остида бўшаган шишалар. Улфатлар бир-бирининг кифтига қўл ташлаган, бақриб-чақриб нима ҳақдадир баҳслашишмоқда. Элчиевни кўриб ҳеч бирови пинак бузмади, одаммисан, ҳайвонмисан ҳам деб қарамади.

— Ҳи? — деди бир маҳал миқтидан келган сарғиш йигит столдаги ароқни қўлига олиб. — Отасизми?

— Йўқ, мен... — Элчиев нима демоққа, нима қилмоққа ҳайрон, довдираб турар эди.

Орқа ўгириб ўтирган норғул йигит аста жойидан қўзғалди, бошини бир ёнга солинтирганча сузмоқчидек лапанглаб Элчиевнинг олдига келди.

— Қанақа даптар керак сизга, оқам?..

Ҳамма гап кўз очиб юмгунча рўй берди.

— Мана сенга даптар! Мана, мана!..

Элчиевнинг кўзидан ўт чиқиб кетгандек бўлди, боши билан бетон зинага бориб урилди, тахлаб қўйилган қутилар тарақлаб устига ағдарилди; ҳар жойига устма-уст тепки, йўқ, тошлар ёғила бошлади. Елкасига тушгани айниқса ўсал қилди: гўё ичак-чавоғи узилиб, пастига тамма бўлди. Ойнаги сениб, кўз-пўзига кириб кетмадими ишқилиб? Қизининг совғаси эди, биринчи маошидан... Ағдарилган қутилардан бирининг қиррасидаги тунука тасма тилиб юбордим, пешонасидан шариллаб қон оқди; ловиллаётган кўзларини очолмайди, очса — дунё қонталаш, қон аралаш кўрнанади; тамоми жойи пўла, жонсиз, мурдадек...

Хиралашиб бораётган шуурдаги ягона сезги, ягона саволлар: тош, тош, тош... нимага, нимага, нимага?.. тош, тош, тош... нимага, нимага, ни-има-а...

— Бўлди, Шовкат, бўлди қилларинг энди, ўлиб қолади...

Қулоғига чалинган охирги луқма шу: «Бўлди қилларинг энди...»

Ким эди у? Қайси бири айтди? Раҳмат, раҳмат-э, бор экансан-ку, о д а м!..

Касалхонада ўзига келди. Бўйин-боши чандиб ташланган, чап кўзи, чаккалари ёрилгудек лўқилламоқда. Тепасида муштдеккина бўлиб хотини ўтирибди, қовоқлари қип-қизил.

— Сизга нима бўлди, Камолиддин?..

\* \* \*

— Узининг кайфи тарақ экан...

(Тўхматдан қўрқмоқ керак, маломат — гуноҳи азим. Унча-мунча ичиб турадиган одам, буни қарангки, ўша кун деярли оғзига олмаган, Баҳромнинг кўнгли учун, сиполик юзасидангина бир ҳўплаб қўйган — кейинги пайтларда сафроси қайнаб безовта қилмоқда, бунинг устига, бир кун олдин ўғлини шармандали аҳволда учратганидан фиғони ошиб, тутаб-тутақиб юрган эди.)

— Узидан ўтган. Замоннинг зэйлидан хабардор зиёли одам, беш тийиннинг бетига бориб, ўша безорилар билан пачакилашиб ўтирмаса бўларди. Беш тийин нима, қаерларга тушиб қолмайди? Қўрумсоқ экан!

(Йўқ, уни истаган нарсада айблаш мумкин, лекин зикна, майдакаш деб бўлмайди. Асло. У ҳар қандай пулга қўлнинг кири деб қараган. Зикна ёки баъзи бировлардек тутумли, уddaбурон бўлганида, елкасини қисиб юрмасди бундай. У ўша хушрўй сотувчининг муомаласига, сурбетлигига тоқат қилолмади, холос. Қўл силтаб ўтиб кетаверса ҳам бўларди-ю, хуноб аҳволдалиги учунми, бирдан ўзини тутолмай қолди.)

— Бедодлиқни қаранг! Сўрагандан кейин бериши керак-да шикоят дафтарини! Бунинг ўрнига, оталари тенги одамга қўл кўтаришибди, номардлар! Нашаванд болалар экан, кўзларига балодек кўринганми, хумордан чиққунча калтаклашибди. Тағин шу кепата ташлаб кетишганини айтинг! Фаррош хотин кўриб қолмаганда, ётаркан қазосини кутиб! Шўрликнинг тамоми жойи қорайиб кетган, бошлари ёрилган, кўз дабдала, тишлар синган...



(Майли, уришин эди, яна калтаклашсин эди, уларга шу керак экан, улар шунга қодир экан, майли, қўллари, оёқларини уриб синдиришин, эт-суягини мажақлашсин эди бирийўла! Унга бошқа нарса алам қилади: юраги абгор бўлди, юраги! Золимлиқ, зўравонлиқ, ҳақорат эзди уни. Энди одамлардан, хотини, болаларидан уялади у, мудом хижолатда юради!)

— Отиш керак унақаларни, отиб ташлаш керак!..

Одамларнинг гап-сўзи булар. Кўрган биров, гапирган биров. Ҳар ким ўзича ҳақ. Ҳар кимнинг забони бор. Забон жонивор суяксиз. Суяксиз бўлгани ҳам тузук — ялашга ярайди, гоҳо қақишга ҳам!

Бировнинг бошига иш тушса, қўшилишиб қайғуриш, унга кўмаклашидан кўра, чеккадан туриб томоша қилиш, чеккадан туриб ҳамдардлик кўрсатиш ўнғайроқ. Уша савдо ўзимизнинг бошимизга тушганда-чи, ҳаммадан ажса муруват, меҳрибонлик кутамиз, дуч келганинг оғзига қараймиз: нима дер экан? Ваҳоланки, улар энди томошабин, яхшидир-ёмондир, яқиндир-ёвуқдир — бари бир томошабин, холос. Худди ўзимизга ўхшаган, ўзимиздек. Зеро, одамзод табиатан томошага ишқибоз. Томошабиннинг эса тили бор, тилнинг ҳоли маълум — суяксиз, ҳар балони сайрайверади.

Бир ҳисобда шуниси ҳам шукр, суякли бўлганда нима қиларди — чайармиди, тишларга қўшилиб? У, унда чақинлар чиқарди оғиздан, чақинлар! Аммо, фақат оғиздан!..

Тилнинг суяксиз бўлгани ҳам тузук — кесиб ташлаш осонроқ...

— Бизларни ўйламадингизми, дадажон?..

У, тиззасидаги газетага норинж арчаркан, шундай деб такрорлади. Бошқа гап айтмади. Айтмайди у. Эшикдан кириб, хонадагиларга билинар-билимас бош силкидию сумкачасини кўкрагига босган кўйи келиб каравотнинг адоғидаги курсига ўтирди, отасига аллатовур тикилиб шундай деди: «Дадажон, бизларни ўйламадингизми?» Бошқа гап айтмайди у, йўқ. Бутун меҳри, бутун дарди шу сўзларда унинг.

Нима бу — таънами ё гина?

«Ўйладим, қизим, ҳаммасини ўйладим. Ўйлаганим учун...»

Элчиев билади: мабодо у к е т г а н и д а, хотин-боласию қишлоқдан ёғилиб келган барча қариндош-уруғи ўзини уриб, уввос солиб йиғлаган, танҳо шу қиз кўзини нам қилмай бир чеккада бўзрайиб тураверган бўларди. Яхши-ёмоннинг гап-сўзига ҳам («У-а, фарзанд бўлмай! Туфугинг ҳам йўқми, кўзингга суртгани!») пинак бузмасди.

Бироқ, Элчиевнинг имони комилки, шу аснода ҳеч ким қизчаллик қаттиқ куймасди унга. Имони комил, тобут ердан узилганда — э худо, шундай ҳам бўлиши мумкин эди-я! — мана шу қиз, бир чеккада тошдек қотиб турган т о ш м е х р қиз юракларни ларзага солиб: «Мусофир отам!», дея бир фарёд кўтарардики!..

«Мусофир отам...» Мусофир одам... Емон, мусофирлик ёмон. Йиғлай-йиғлай бир куни кўзёшлар қурир эди, албатта. Қизи ҳам унутади секин-аста. Ҳамма учун хотирага, олис бир хотирага айланиб қоларди. Уғиллари, қизлари — қони, жигари бу ерда, мусофирликда, усиз, уни унутиб...

Элчиев бир лаҳза юзини деворга бурди, вужуд-вужудини жимирлатиб келган обидийдани ютишга уринди, ютди. Қайтиб ўгирилганида қизи норинж тутиб турарди:

— Манг. Дина опам олиб келган экан. Москвадан.

Бу гапни эшитиб Элчиев қўлини тортгандек бўлди-ю, сўнгра олди, қизининг кўнглини ўйлаб олди, лекин лабига ҳам тегизмай бош томонидаги сочиқ устига қўйди.

— Ўзингнинг ишларинг қалай, қизим?

— Ишим... Бошқа жойга ўтмоқчиман, дада.

— Ие, нега?

— Э-э! — Қизи норинж пўчоқларини газетага ўраб сумкачасига жойларкан, чимирилди. — Бўлим бошлиғи бўлармишман!

— Ҳа бўл, нимаси ёмон?

Қизи кафтларини жуфтлаштириб иягига тираганча унга тикилди.

— Нимаси ёмонлигини ўзингиз биласиз-ку, дада! Неча йиллаб ишлаганлар туриб, менинг бошлиқ бўлишим бекордан-бекорми?..

Аъзои баданини мўматалоқ қилиб ичига кириб олган анови лаънати тош яна бир қалқиб қўйди, ҳаво етишмаётгандек бўлди Элчиевга. «Ўғлимиз бор, қизимиз бор, ўшаларнинг тақдирини ўйлашимиз керак» — шу гап унинг жон томирини тирнаб-тимдалаб ўтди. Энди бу йўлни танлашибди, «Қизини ишда бир поғона кўтарсак, оғзига қум тиқилгандек бутунлай жимиб кетар», деб ўйлашганда. Садақа қилмоқчи бўлишган, садақа! Ух, қандоқ томир отган-а булар, қа-андоқ! Нақадар тадбиркорлик, нақадар маккорлик! Кечагина эсини таниган бола шунинг англаб етибди, бугун отасининг ор-номуси эвазига тутқазилаётган жирканч садақани қайтариб ўзларининг башарасига улоқтирмоқчи! Балли, қизим!

«Ўғлимиз бор, қизимиз бор...» Ҳа, бор, бор! Мана, биттаса — синчалакдек ушқоқ ҳолида, маъсума ҳолида мардона туриб отасининг шаънини ҳимоя қилмоқда! Бас, унинг ортида қоладигани, номини оқлайдиган муносиб ҳимоячиси, муносиб фарзанди бор экан — Элчиевга шу кифоя!

Қизларига эр-хотин алоҳида кўнгила қўйган эдилар. Меҳрларининг боши-аввали — тўнғичлари бўлгани учунгина эмас, йўқ, турмушдаги талай қайғу ва қувончлари шу фарзандлари билан боғлиқлиги, энг кўп хизматлари шунга синггани учун ҳам. Мастуранинг юзидаги дастлабки ажинлар мана шу қизлари туфайли тушган. Кичкиналигида Жасуранинг номи «Касалой» эди. Ўзиям чалинмаган дарди, ётмаган касалхонаси қолмади. Гўё укаларига аталган дарду балоларга ҳам шугина балоғардон бўлди; бошқа болалари қачон ўсишди, қачон улғайишди — ота-онага унча билинмади ҳисоб. Элчиев худонинг берган куни ишдан кейин егулигу дори-дармон кўтариб шаҳарнинг бу четидан нариги четига қатнардди. Беҳисоб игналардан бадини илма-тешик бўлиб кетган, лекин руҳан ажаб тетик қизчаси уни кўрган ҳамона қилтилла-югургилай келиб, чилчўпдек қўллари билан бўйнига осилиб олар, «Дадажон, дадажон, уқол қилганда йиғламадим», дея мақтанашга тушар эди. Сўнғ, дадасининг тиззасида ўтираркан, ғалати ҳол — ўз-ўзидан унинг қўлларини, бармоқлари учини ўпа кетарди. Буни кўрганлар: «Қизингизда бир гап борга ўхшайди, Хосият кўйингиз исминини», деб маслаҳат берарди. «Йўқ, — дер эди Мастура. — Бунинг оти Жасура, жасур бўлмаса, шундай азобларга чидармиди!»

Жасура мактабга бордию, орада яна бир дардга чалинганини айтмаганда, тишогриқдан бошқасини билмай кетди. Лекин эт олмади — ҳамон болаликдагидек нозик, ингичка. Феъли ҳам тенгдошлариникига ўхшашмайди, дардманд ўсган болаларга хос эркаликлар унга ёт. Ҳеч қачон «Уни олиб беринг, буни олиб беринг», деб тантиқлик қилган эмас. Институтда ўқиган йиллари ҳам мактаб давридаги пальтосида юрди, аммо бирор марта чурқ этиб нолигани йўқ. «Дарсга кечикаман», дея азонда туриб жўнарди. Бундай сахархезликнинг сабабини Элчиев анча кейин, унинг эғнида янги пальто кўрган кунини хотинидан эшитди. Мастура қизининг сумкасидан аллақандай қора коржома топиб, қийин-қистов билан билиб олибди: Жасура дарсгача бир жойда фаррошлиқ қилар экан. Буни эшитиб Элчиевнинг жажли чиқди: «На мендан, на оингдан бир оғиз сўрамай... Айтсанг, олиб бермасмидик шу матаҳни? Дарров бўша!» Жасура эса кулиб: «Э, нима қипти!», дедию билганидан қолмади.

Қизларидаги бу тантилиқ, бу қаноат эр-хотинини ҳам суюнтирди, ҳам хийла сергаклантуриб қўйди. Ушандан бошлаб унинг кийим-кечаги юриш-туришини жиддийроқ назорат қиладиган бўлишди: Жасура бўй етиб қолган эди.

Аммо, мустақиллигини ота-онага бергудек эмасди у. Ўқишни битиргач, ўзи бориб, қатновга ўнғайроқ жойдаги лойиҳа институтига ишга кирди, дастлабки маошидан онасига японча шамсия, отасига чиройли бир кўйлак билан кўзойнак совға қилди, ўш а кўзойнакни...

Мана энди, ана шу йиғлаб-сиқтаб вояга етказган арзандалари кимгадир майна бўлиб ўтирибди. Балки, бирийўла ўша касофатдан ҳам узокроқ юриш учун бошқа ишга ўтмоқчидир у...

А н о в и кўргилдикдан сўнг уч ҳафтала ўтгач, Элчиев бир куни ишдан қайтса — уй тўла хотин-халаж. Ошхонада Мастурадан эшитди: «уй кўрар»га келишганмиш. Қизининг ишхонасидаги бир йигит билан гапи борлигидан Элчиев хабардор, хотини айтган эди. Аввал-бошда бир оз ғашикқан, Жасура кўзига зимдан иш пишитадиган писмиқдек кўриниб, жаҳли ҳам чиққан, кейин: «Қиз бола бировнинг хасми-да, бугун бўлмаса, эртага кетади — бу тайин», дея ўзини юпатган эди.

У айвончага чиқиб сигарет тутатиб ўтирди. Уфри мушук мисоли уйнинг бор тешик-туйнугини кишибилмас тинтувдан ўтказгач, хотинлар жўнашди. Улар эшик олдида узундан-узок дийдиё қилиб туришаркан, бир маҳал кутилмаганда форма кийган терговчи келиб қолди. (У билан айтишиб қолиб, терговга бормаи қўйган кунлари эди.)

«Уй кўрар»нинг натижаси икки кундаёқ маълум бўлди: «Рўзгорлари ҳалигидек... бизларга тўғри келмас экан», дейишибди. Бу шунчаки бир баҳона, гап бошқа ёқда эканини Элчиев дарров фаҳмлади. Формали терговчини кўриб, кўни-қўшидан сир олишган; яхши бор, ёмон бор, биронтасининг тили қичиб... Отаси нобороқ эканми, уйлари мелиса босиб ётибди, ҳаммаёқ тўс-тўполок, эртакетар-бугункетар лўлининг кулбасидан фарқи йўқ, қиз қирадиган хонадонга ўхшайди...

Орадан бир ой ҳам ўтмай ўша йигит уйланди. Таг-тугли, бою бадавлат, уйлари саранжом-саришта бирор бойвучча хонимни толган бўлса керак. Ана, муҳаббат! Элчиевнинг қизига ичи ачирди. Болам, келиб-келиб шунақа бетайин, бетамизга кўнгил берасанми? Унга сен эмас, сенинг юрагинг эмас, анчайин бир хотин, ҳис-туйғудан маҳрум бўлса бўлаверсин, лекин кўр-қутли бир бойвучча зарур экан, холос. Наҳот шуни илгарироқ сезмаган, пайқаманган бўлсанг? Ахир, бундайларга инсон, инсоннинг кўнгли деган гаплар бозордаги бежама матаҳдек бир нарса: нарх қўйишади, баҳолашади, савдолашади, чоғларига мос тушмаса — пинак бузмай итқитиб ҳам юборишаверади. Аммо, ўзларининг инсон эмас, шунчаки бозор жаллобига айланиб қолишганини, гоҳо эса катта бозорда қўлма-қўл бўлиб юрадиган бир қулдан, аянч, жирканч қулдан фарқлари йўқлигини билишмайди... Энди кўзинг очилгандир, қизим? Энди инсон киму бозордаги бежама матаҳ нималигини англаб етгандирсан? Еки энди кечми? Мен — отанг, буни сендан сўраёлмайман, сен — қизим, буни менга айта олмайсан... Балки мен янглишаётгандирман. Шундай бўлсин, зора шундай бўлса!..

Уша воқеадан кейин Жасура кескин ўзгарди: баттар индамас, одамови, баайни бир шарпага айланди-қолди; гапирганда ердан кўз узмайди, ишдан қайтиб хонасига кириб кетадию шу бўйи қорасини кўрсатмайди; оласи сўз сўраса, ё «Ишим кўп», ё «Бошим оғрияпти», деб қўя қолсади. Бу орада икки жойдан совчи чиқди, ҳар иккаловига ҳам: «Овора бўлишмасин, мен эрга тегмайман», деганмиш...

Қизининг тақдирини ўйласа, Элчиевнинг юрак-бағри ўртаниб кетарди. Сени шу умидда катта қилганмидим, қизим? Бахтиқаро бўлсин, дебмидим? Мабодо, бахтингга мен — шарманда отанг зомин бўлган чиқмай? Агар шундай ўйласанг, у чинакам бахт эмас экан, қутулганинга шукр қил, қизим! Балки шунинг учун, бирйўла ўша бадбахтнинг башарасини кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, деб бошқа жойга ишга ўтмоқчидирсан?..

Элчиев қизига тикилиб қолганини ўзи сезмасди. Жасура сумкачасидан кўз узиб бошини кўтарди, негадир жилмайди. У жилмайганга эмас, йиғлаётганга ўхшаб кўринди отасига.

Мастура кунда икки маҳал — тушда бир хабар олиб кетар, кечқурун овқат пишириб келар эди. Бугун узокроқ ўтириб қолди.

— Борақол энди,— деди Элчиев ташвишланиб,— қоронғи тушиб қолмасан.

— Қоронғи тушса нима, Камолиддин шу ерда.

— Камолиддин?! Қани, қаерда?— деди ажабланиб Элчиев.— Нега кирмади бу ёққа?

— Қайдам. «Уяламан», дейдими-ей, кўрқармишми-ей...— Мастура хижолатомуз илжайди. — Ташқарида, Нус-

ратилла билан гаплашиб ўтиргандир. Ҳар куни бирга келади. Билмайман — нега, нимедан...

Неча кундан бери отанинг ётиши бу: жонкушлик жафоси, пучга чиққан муддаонинг аламу изтироблари; кетма-кет келгувчиларнинг таскин-тасаллилари, дилдорликлари; қонқус, дока-малҳамлар, соатлаб чақиллаб турувчи осма уюқлар, кўнгилни баттар беҳузур қиладиган дори-дармон ҳиди... Уғли эса, ҳар куни онаси билан бирга келади, бирга кетади-ю, отанинг олдига киргани уяладими-ей, кўрқармишми-ей! Нега, нимага?

Нега, нимагалигини билади Элчиев, яъни ўзича тусмоллайди. Ахир, бу кўйга тушишига бир чеккаси ўғлининг ҳам айби йўқми? Ажабки, унинг к е т о л м а й қолишига ҳам шу бола сабаб бўлибди! Уша кеча у чанқаб бир маҳалда сув ичгани ваннахонага кириб қолмаганда... Бунинг учун, пуштикамаридан бўлган фарзандини айбласинми, дуоибад қилсинми? Еки шукрона айтсинми, уни алқасинми? Мурраккаб, бари мураккаб, чигал савдо! Ҳар қалай ҳозирча шундай, иссиғида аниқ-тиниқ фикр этиш, бир хулосага келиш мушкул, бисёр мушкул. Кейин-чи? Кейин бир гап бўлар.

Еки ўғли ундан гина қилмоққа ҳақлими? Ҳақли бўлса-чи?! Шундаймикан? Унда, унда... Барибир ҳозирча эрта, ҳаммасига эрта. Майли, кирмасин у ҳозирча, кирмай турсин. Ахир, унинг ҳам кўнглида дардлари, гинаю таъналари бордир...

Элчиев ўғлини кўрмаганига бир ойдан ошди. Дарвоқе, орада бир марта кўрди. Кўрди деб ҳам бўлмайди буни: ўғли лип этиб биқинидан ўтиб кетди, вассалом. У ша кеча! Кейин ўғли у ни кўрган, кўриб қолган. Тасодифан. Қандай ҳолда, қандайин ҳолатда!..

Уша манзаранинг устидан чиққан одам энди қандоқ кирсин унинг олдига?!

Фарзандининг ўсиши, улғайиши ота-онага унчалик билинмас экан. Кўз ўнгингизда кечади-да ҳаммаси. Илк қадам қўйганида суюнасиз, бола ўсапти, дейсиз; мактабга борганида тагин шодланасиз — бола ўсапти; бир куни кўчадан ғалва кўтариб қайганида ҳам шундай — бола-да, деб қўясиз; пайти етиб мустақиллик даъво қилганида-чи, бола, ўзимнинг болам, қаранг, улғайиб қолибди, дея ғурурланасиз; ахирги бир кун раъингизга қарши чиқади, гапингизни қайтариб ташлайди — оғринасиз, қойиб берасиз, жазолайсиз ҳам, лекин барибир болам дейсиз, ҳали эси қиради, пушаймон қилади, узр сўрайди, ўзимники, ўзимнинг пуштикамаримдан бўлган, жигаримнинг қони, дилимнинг дармонидан яралган — қайга борарди! Бир умр шундай, бир умр. Кўзингиз юмилаётган чоғда ҳам шу — болам, болам, менсиз нима қилади, ҳоли не кечади? Ваҳоланки, энди у сизни эмас, ўз фарзандини ўйлайди, ўз фарзанди учун қайғуради, куйиб-ёнади — худди сиздек, сизнинг ўзингиздек. Бу туйғуни унга сиз бергансиз, ўзингиз бергансиз, мерос қилиб! Мерос эса ҳеч қачон адо бўлмайди. Сиз бор экансиз, авлоднингиз бор экан, у пойдор-устовор экан, бу мерос боқий. Гап шунинг сифатида, қандай ривож топишида. Бу эса алал-оқибат ўзингизга боғлиқ. Хулоса — эканлигини ўрасиз. Экинг, экаверинг, аммо нимани экяписиз, қандай экяписиз, парварини қанақа — ўйланг, ўйланг! Акс ҳолда, бор сазъ-ҳаракатингиз, ҳою ҳавасларингиз, чеккан жон-жафоларингиз — бари бефойда, беҳуда... чумчуққа дон ташлагандек бир гап! Чумчуқ нима, сепганингизни қўйида, жиғилдонига жойлайди, жойлайдию пирр этади учади-кетади. Донни ким сочди, нима ниятда сочди — унга бари бир, хўрак бўлса бўлди!

Элчиев буларни билмайди? Билади, билганда қандоқ! Лекин, амал бошқа экан, амал — а м а л, мева бермоғи керак!

У ўғлини «бола, бола» деб юриб, улғайиб қолганини сезмабди. Сездиргудек бир қилиқ кўрсатмай ўсди-да ўзи. Бошда ювош, уятчан эди. Болалигида ҳатто, ўтқазилган жойдан қимирламасди. «Урнингдан тур». «Турсам, ойил, уришадилар». «Ма, манавини ол». «Менга бўлмайди, ойим конфет ема, деганлар». Мактабда ҳам ана шундай батартиб ўқиди, бирор кун кўчадан ғалва билан келган эмас. Кўни-қўшни доим ҳавас қиларди: «Қиз боладек ҳалим-ал Бор-йўқлиги билинмайди».

Мактабни битирдию дафъатан шашти қайтиди. Туппа-тузук



ўқиган бола, институтга киролмади. Шундан кейин кўрс, тўнг бўлиб қолди, сал нарсага ойисигами, укаларигами бақириб берадиган одат чиқарди. Аммо отанинг бетига қараб бир оғиз бир нима демоққа ботинолмасди.

Уч-тўрт ой ана шундай — ҳеч қаерга сигмай юргач, ҳарбий хизматга қақирилди. Икки йил бадалида ёзган бўлса, тўртта хат ёзгандир-да: «Ойи, дада, яхшимисизлар? Мен тузулман, бу ер бир оз совуқроқ. Укаларимни ўйиб қўйинглар. Жасурага айтинглар, чарм кўлқоп юборсин, битта альбом билан фломастер ҳам — бу ёқларда топилмас экан. Хайр».

Ўғли хизматни битириб қайтгач, Элчиев уни таниёлмай қолди: рўпарасида ўзига иккита келадиған давангирдек бир йигит турарди. Ўзининг чўкаётгани — қариб бораётганини ўғлининг улғайиб келаётганини ота шунда сезди. Ҳам алам, ҳам гурур қоришиқ бир туйғу қамади вужудини. Асли, қаноатбахш шўкроналик туйғуси эди бу.

Камолиддин хизматдан хийла ўзгариб қайтди. Оғир-вазмин, сипо, опа-укаларию бошқаларга ҳам аллақандай меҳрибон, ғамхўр. Жасуранинг каттакон чизма тахтасини гоҳо институтгача бирга кўтаришиб бориб, бирга кўтаришиб ҳам келади. Кенжатоғ Жалолиддиннинг-ку барча ташвишлари шунинг зиммасида: эрталаб мактабга олиб боради, пешинда олиб қайтади, соатлаб у билан ўтириб, дарсига қарашади. Кундузи уйда ўзи ёлғиз, рўзғорнинг кам-кўстини кўрган, бозор-ўчарни ўринлатган, кечқурунлари хатто дастурхонга қўлидан келганича бир аскарый ёвгон ҳам ҳозирлаб қўйган... Хуллас, ҳарбий хизматдан қайтгач рўзгор юмушларига қовушмай қолган салт-сувои ўспирин эмас, онасининг бор хунарини бекам-кўст ўзлаштирган, оёқ-кўли чакқон уй қизининг ўзгинаси!

Бу ҳол икки-уч ой давом этди. Сўнг Камолиддин заводга ишга кирди. Иши смелани экан, қачон келиб, қачон кетишини билиб бўлмай қолди. Келаси йили, отасининг изидан боришни ўйладими, шу йўлдан бориб ҳам чакана одам бўлмаслик мумкинлигини исботламоқчи эдимиз — бу ёғи Элчиевга қоронғи — Халқ ҳўжалиги институтининг иқтисод факультетига ҳўжжат топширди, кечки бўлимига жойлашди. Шу-шу, ҳам ишлаб, ҳам ўқийдиган тенгдошларидан фарқи қолмади: азонлаб заводга жўнайдиган, ундан чиқиб дарсига боради, дарсдан кечаси бир маҳалда қайтади, уй-рўзгор билан, ота-онаю опа-укалар билан иши йўқ, бунга фурсат ҳам топмайди — қисқаси, ижарага турган еттиёт талаба нимаю у нима!

Кейинги йили унда яна бир ўзгариш сезилди. Ича бошлади. «Йигитчилик, бирор баҳонада жиндак ичган бўлса бордир-да», деб аввалига Элчиев бунга унчалик аҳамият бермади. Бора-бора, кечалари ярим тунда қайтган ўғлининг ваннахонага танда қўйиб ўқчишларини эшитиб ётаркан, юраги сиқиладиган, қийиб: «Ҳа, намунча? Отанг ўлдими, онанг ўлдими, нима ғанинг борки, жонингни азонга солиб шу заҳарни ичмасанг?!», дея боплаб қулоқчаккасига туширишни хаёл қиладиган бўлди. Лекин, баъзиларнинг боласига ўхшаб жанжалу ғавғо кўзғамаса, эгри йўлга юрмаса, «Машина олиб берасиз, олиб бермасангиз...», деб пайтавасини чаппа ўраб турмаса, ҳамма қатори ишласа, ўқиса, ўзи билан ўзи, дарди бўлса бордирки, чурқ этиб бировга билдирмайди, гум-гурс, ҳайбати ўзига иккита келади... Ана шу мулоҳазалар жўнидан шайтонга ҳай берарди Элчиев. Майли, ичгиси келибдими, ичсин, қонсин, шу сабилнинг фойда-зарарини ўзи кўриб, ўзи билсин, бундай вақтда бировнинг, хатто етти карра отангизнинг ҳам панд-насихатлари сариқ чақчалик кор қилмайди. Бир кун бориб ўзи ақлга энар, айниқса, эрта-индин бирор жойдан тенги топилиб уйланса, бола-бақрали бўлса, бу ишга вақти ҳам, нақди ҳам қолмайди.

Сирасини айтганда, Элчиев болаларига қўл кўтариб одатланмаган эди. Мусофирчиликданми, бу шаҳарда, тақдирнинг изми билан риқзи сочилган бу шаҳри азимда шинг отаси ҳам, онаси ҳам, ака-укасию ёлғиз оллоҳи ҳам мана шу болалари эди. Болалари деганда жони-жаҳони кўзига кўринмас, бўлса моли, бўлмаса меҳри билан ардоқлаб ўстираётган фарзандларига қўл кўтариш у ёқда турсин, қаттиқроқ гапириб юборса ҳам кейин неча кун ўзи ёниб, ўзи ўртаниб юрар эди.

Айтишларича, ота-онанинг жами фазилату нуқсонлари

болаларига ҳам ўтар эмиш, айнан ўтмаса ҳам, ҳар бутоқдан бир барг узиб улашгандек, ҳар бир фарзандга ё отасидан, ё онасидан гоҳо кўпроқ, гоҳо озроқ аллақайси жиҳатлар, хулқининг аллақайси қирралари юқиб қолар экан. Қайси фарзандингизда қандай хислатингиз акс этмоғи эса қодир табиатнинг моҳир қўлларига боғлиқ. Бўй-баст, афт-ангор масаласида ҳам шундай. Дейлик, Жасура қадди-қомат, хушрўй-хушбичимликда худди онасига тортган; қош-кўзлари ҳам, гап-сўзю қилиқлари ҳам қўйиб қўйгандек Мастуранинг ўзгинаси. Лекин Мастура очиқфеъл, хушчақчақ, кулгани ҳам, куйгани ҳам ташида. Жасуранинг эса, ичдагини чироқ ёқиб ҳам билиб бўлмайди; мудом нимадандир азоб чекаётгандек тунд, паришон, қиз болага ярашмайдиған даражада жиддий, мулоҳазакор. Бу жиҳати мендан ўтганмикан деса, Элчиев унақа эмас, табиатан дали-ғули, суюнса — етти маҳаллага жар солгудек, куйинса ҳам бир кун ичига ютади, икки кун ютади, ахийри очиқ-ошкор портлайди. (Мана, п о р т л а б ётибди-ку!) Ишқилиб, шу қизнинг бир дарди бор. Дарди ҳам-ку аён бўлди-я, бироқ олдин-чи, олдин ҳам шундай эди-да. Худо берган феъл деганлари шумикан? Шу бўлса, худо ҳам бу қизгинага қолганда андак ноинсофлик қилган экан...

Аммо Элчиев бир марсага ҳайрон: ўғли Камолиддиннинг на бўй-баст, на феъл-атвори унга ўхшади. Қиррабурунлигу кўз қарашларида сал монандлик бор-у, гап-сўзлари, қилиқлари тамомила бошқача. Элчиев ўртабўй одам, бирон бир ташқи жозибаси билан ажралиб ҳам турмайди. Ўғлига қараб эса баъзан тонг қолади: «Бу бўйни қайқдан олган? Сўнг, юз-кўзига тикиларкан, уни киноартистларга ўхшатиб, баттар ҳайрати ошади: «Шу бола ростдан ҳам менинг ўғлимми?!» Чехра буғдойранг, тиниқ, қош-кўзлар сим-сиёҳ — сурма тортилгандек, қарашларда маҳвум бир ифода: нимадандир норозиликми, ижирганишим, такаб-бурлигу шиддатга ҳам тус беради... Тавба, кимга ўхшади бу? Илло, Элчиев бунинг ёшлик эканини, гуркираган ёшлик эканини унутиб кўяди. «Бувасига тортиди-да бунингиз, бувасига», дейди шунда Мастура отасини эслаб. Майли, жуссаси, афт-ангори ўша басавлату хушсуврат бувасига тортган бўлсин, бироқ феълчи-чи, феълчи кимга тортиди? Элчиев бундай ўжар эмас, бундай олифта ҳам эмас. Азалдан одати — қўлига илинган кийимни эгнига илиб кетаверади, кейинги йилларда-ку ўзига атаб бирор нима харид қилганини эслаёлмайди: хотинининг дидига ишонади, шунданми, ҳануз биров бурнини жийириб қараганини ёки кулги қилганини билмайди.

Ўжарликка келганда... бу қалтис хислат. Баъзан шу феълчи тўфайли биров осмонга қийиб кетади, баъзан шунинг касридан осмон баробар ерга келиб уриб чанги чиқади, хор бўлади. Ўжарлик ярашганга ярашади, эплаган, тепасида қудратли бир эпкин эсиб турган одам қиладу бу ишни. Элчиев эса бундай эпкиндан бенасиб, бенасиб эдики, кўрпасига қараб оёқ узатди, бенасиб эканки, мана, узатиб ётибди...

Отада йўқ бу икки жиҳатни — ўжарлигу олифта кийимга ўчликини худо ўғилга берган экан. Мактабда ўқиганда ҳам, ундан кейин ҳам эл қатори одмигина кийиниб юрган бола сўнгги кезларда уст-бошга ружу қилиб, шундай аломат матаҳларни топиб кия бошладики, сизу биз оладиган маош урвоқ ҳам бўлолмайдиган бундай ноёб либосларни ўғли қайқдан топаётганини ўйлайвериб Элчиевнинг боши қотарди. Уйлай-ўйлай тилига келадиған гап битта эди: «Уш! Уш! Уш! Ясанчоқ мегажининг иши бу!» Бўлмаса, бошдан-оёқ ажнабий фирмаларнинг заррин нақшу нигорлари чекилган, турли-туман ажи-бужиларга тўла темир-тасқа билан бежалган бу жинси либослар, пошнасига қарич етмайдиган, учи мис тўғали бу пойабзаллар, фалон пул турадиган бу асл чарм плаш, мурватини босганингиз заҳоти наъма чалиб очилгувчи бу чўнтак соати (ниманинг вақти, ниманинг муддатини кўрсатаркан бу?), ўзини билган йигит кишига иснод — жимитдеккина пискали, бўйинга осиб юриладиган бу тилла занжирларга қайси бир бойваччанинг ҳамёни етарди?! Шармисор бўйин... занжир, пискаси ҳам бор, занжир, лекин тилладан, тилладан, лекин занжир, тилла занжир... Шармисор бўйин! Ким ўйлаб толган экан буларни? Қаердан топиб келишади? Қандай йўллар билан? Пулни қайқдан олишади?

Топишади, топишади! Шармисор бўйинлар бўлса бас! Бундай бўйинлар эса йўқ эмас, кўп, кў-ўп!

«Мегажин! Мегажин!» — Элчиевнинг тилига шундан бўлак сўз келмасди. Келганда нима? У андишали одам, аёл кишининг юзига тик қараб гапиролмайди. Гапирганда ҳам нима дейди, нима дея олади? Қолаверса, бу — ўғлининг иши; ўғли энди ёш бола эмас — йигирма тўртга кирган, институтни битириш арафасида турибди, заводда ўзига яраша обрў-эътибори бор, смена бошлиғи, ишлаб чиқариш илғори!

Тўғри, ўғил уники, унинг пуштикамаридан бўлган, у ўстирди, у вояга етказди. Бироқ Камолиддин энди мустақил одам: ҳарбий хизматга мустақил бориб келди, ўқишга мустақил жойлашди, мустақил ўқияпти, мустақил касб танлади, ишлаяпти — мустақил! Лекин барибир унинг ўғли-да, қони, жони, жигаридан бунёд бўлган — ёмонликни раво кўрадимиз ўз фарзандига?!

Ўз фарзанди деймиз-у, ammo у бошқа одам, бошқа замоннинг одами, ўй-фикрлари, мақсад-муддаолари ҳам ўзгача... Буларни ўйлагиси келмасди Элчиевнинг. Уйласа — сиқилиб кетар, ўғлини худди биров тортиб олаётгандек, тўғри, сен ўстирдинг, сен тарбияладинг, лекин энди бу сеники эмас, меники, деяётгандек, юраги аламдан тутагудек бўлар эди.

Ахир, у ҳам орзу-ҳавасли ота, ўғлим ўзимга ўхшасин, дейди, кўрсатган йўригимга юрсин, дейди, йигит номи бор, ўзбекчилик деган гаплар бор, тенгини топсин, айтсин, дейди; кўзи тирик, бировдан камдир, бировдан зиёд, расм-русмини қилиб берар, ўлдими!

Йўқ, бу бошқа давр, бошқа одамлар экан, Элчиев орқада қолиб кетибди, тушунмайди, тушунолмайди.

Ўғлининг ўша бир қилмишига унинг ҳамон ҳўрлиги келади.

Оила жамулжам, бамайлихотир телевизор кўриб ўтиришган эди. Шу кеч дарси йўқмиди, Камолиддин ҳам уйда, хонтахтага тирсаклаб чой ҳўпларди. Телевизорда «Ғариблар» деган спектакль намойиш этилмоқда, қариган чоғларида ҳеч кимга, ҳатто ўз фарзандларига ҳам кераксиз, совуқ сизинди бўлиб қолган бепаноҳ, бенаво, лекин бир-бирларига ажиб меҳру садоқат билан талпинган чолкампири ҳақидаги ғўссига тўла бу мунгли қиссани ҳамма таъсирланиб, ҳаяжон ичида томоша қилмоқда эди. Баъзи ўринларида Мастура дуррасининг учи билан мижжаларини артиб-артиб кўярди. Жасура экрандан кўз узмайди, кўнглида не кечаётгани баёнсиз ҳам маълум: йиғлаб ўтирибди, унсиз йиғляпти. Оила бошлиғи Элчиев-ку дамбадам хотинига назар ташлаб олади: «Қара, шунақасиям бўларкан-да. Капиталистик жамият деганлари ҳақиқатан ҳам дўзахнинг ўзи экан».

Ўша кунни қандайдир жин чалган эканми, кайфияти бузукроқмиди, Камолиддин бир оғиз гап билан ҳамманинг дилини сиёҳ қилди-қўйди. Ўз қиблагўларига уйдан бир парча жойни раво билмаган анво оқадар олчоқлардан биттаси: «Бадавлат хонадонларнинг болалари камбағал хонадонларнинг болаларига нисбатан ота-оналарини кўпроқ яхши кўрадилар», деганга ўхшаш бир сўз қилган эди, Мастура: «Ўл-а, гапни қаранг!» деб луқма отди. Шунда Камолиддин кутилмаганда: «Зўр фикр! — деб қолди. Кейин, худди айтган гапидан кўнгли тўлмагандек, отаси ва онасига алоҳида-алоҳида қараб олиб, комил ишонч билан, наинки ишонч, балки пичингу надомат билан таъкидлади: — Тўғри-да, тўппа-тўғри!» Элчиев «Оббо!» дея олди, холос. Жасура шитоб билан жойидан туриб, қичқирди: «Камо-ол!» Сўнг югуриб бориб телевизорни чирт ўчирди-да, пиқиллаб йиғлаганча хонадан чиқиб кетди. «Тўғри гап ана шунақа!» деб тўнғиллади Камолиддин асти бўшашмай. Бу сўзларни у шу қадар илзда, шу қадар совуқонлик билан айтдики, ота мия-миясигача музлаб кетгандек бўлди. Мастура аста уҳ тортиб ўрнидан турди. Элчиев эса қимирламади, ёнбошлаган жойида ётаверди. У бамисоли яхлаб қолган, миясидаги муз аъзои баданига ҳам тарқалган эди.

Шу кўйи гафлат босибди, чироқни ким ўчирган, ким устига кўрпа ташлаб қўйган — билмайди. Эрталаб боши лўқиллаб ўйғонди. Уйда ҳеч биров қолмаган, ишлайдигани ишига, ўқийдигани мактабига кетиб бўлган эди. Хонтахта-

нинг четида нонуштаси, қалпоқ кийгизилган чойнак аллақачон совиб улгурган...

Хонадондаги вазият яна талай кун ана шу совиб қолган чойга ўхшаб турди.

Буниси ҳали ҳолва экан.

Иқтисод бўлимидаги бефарзанд Зиёмухамедов қизли бўлиб, севинганидан ишхонадагиларга ош қилиб берган оқшом эди. «Паловни энди ўзингиз дамлайсиз-да, Нуриддин ака, би-ир кўнгилдан чиқариб ясанг, жон ака!» деб қўймади. Элчиев, одатдагидек, бозорлиқдан тортиб ўтин ёришу олов ёқишгача, бу ёғи косагуллигу ошатишгача бажо келтириб берди: «Бир банд тилай-тилай фарзандли бўпти, хизмат қилсак қилибмиз-да».

Югуриб-елиб ҳориган экан, боз устига андак ширакайф, уйига яқин бекатда автобусдан тушиб, унинг олдини айланди ўтаётган эди, лоп этиб орқадан чиққан такси туртиб кетишига озгина қолди. Ҳайдовчиси ойнадан бўйин қўзиб, тузукроқ хумордан қиқш учунми, бошлаб ўрчисасига сўкиб олдию йигирма қадамлар нарида машинани тўхтатди. Бир қор-қол бўлишидан хавфсираб жойида туриб қолган Элчиев машинадан баланд бўйли йигит билан сочларини алвастидек ёйиб олган хипчабел қиз тушганини, сўнг такси яшил чирогини липиллатганча шигиллаб жўнаганини кўриб кўнгли тинчиди-да, бемалол йўлни кесиб ўта бошлади.

Ҳалиги йигит билан қиз ҳам шу тарафга қараб юришган эди. Йигит ниҳоятда новча, қизнинг елкасига қўл ташлаган кўйи судралгандек, эран-қаран одимлаб боряпти. Қиз нозикина, эғни-бошига кўра унча-мунчани писанди илмай-диган таманнолардан бўлса керак; йигитнинг пинжиги тиқилиб, бир қўлини унинг белидан ўтказиб олган, дамбадам оёқ учида узалиб мушук каби сўйкалиб-сўйкалиб қўяди.

Орадаги масофа ўттиз-қирқ қадамча, бунинг устига қоронғи бўлса-да, йигитнинг келбати Элчиевга танишдек кўринди. Аммо у синчиклаб тиқилиб ўтирмади, қўшни болалардан-да, деган хаёлда бепарво кетаверди.

Муўюлишга етганда қиз қиқирлаб қўлидаги алланимани тепага отиб юбордию йигит сакраб ҳалигини илиб олаётганида бурчакдаги деразадан тушган ёғду бир зумга унинг юзини ёритди. Элчиев келаётган жойида сурат бўлди-қолди. Эпирай, туш-пуш кўрмаётибдими ишқилиб? Бу нима гап, бу қандай савдо?!

У эси оғғудек бир алфозда қараб тураркан, ошиқ-машуқлар сакрай-ирғишлай, бир-бирларига сўйкалганча етаклашиб ҳовлига кириб кетишди. Агар ўш а лар бўлса, уялишмайдими, хижолат чекишмайдими? Чор атроф уй-иморат, юзлаб деразаларда чироқлар чарақлаб турибди, уларда юзлаб томошабин кўзлар, бекорчи оғизлар, суяксиз тил-забонлар... Бу ҳолни кўриб нима дейишди! Дейишади, дейишади, албатта гап қилишади. Лекин уларда нима айб? Айблари — кўрмоққа кўзлари, гапирмоққа тиллари борлигимми?.. Ё тавба, бу қанақаси, а! Еки ичиб олишганми? Ичганда ҳам... Камол... Дина билан... Ақлга сизмайди, ахир! Еки янглишдимикан? Янглишсин, янглишган бўлсин!..

Гангиб қолган Элчиев Дина яшайдиган йўлак ёнидан аста писиб ўтаркан, юраги гурс-гурс урганча иккинчи қаватдаги деразага назар ташлади. Чироқ ёниқ, ҳарир пардалар майин солланаётгандек, ичкаридан қўшиқ эшитилляпти: «Жи-изнь невозможно повернуть наза-ад...»

У, остонасига ҳам ҳадик, ҳам жуда-жуда заиф бир илинж билан қадам қўйди. Ҳа, кутганидек, ўйлаганидек бўлиб чикди: «Камолиддинми? Йўқ, ҳали келгани йўқ». «Келган, келган! Ишонмасанг, ана бор, Динанинг уйини кўр! Кўр, ҳаммасини ўз кўзинг билан кўриб кел!» дея хотинига бақирмоқчи бўлди-ю, Мастуранинг хавотирли чехрасига тикиларкан, раҳми келиб, ўзини базўр босиб қолди: «Кейин, кейин... Ҳаммасини, кўрганнинг барини ётиғи билан эртага айтаман, эртага...»

Эртаси кун... ўш а қиёмат содир бўлди. Касалхонадан чиққанидан сўнг эса, ўз дарди ўзидан ортиб, ҳадеганда бунга айтишининг мавриди топилавермади.

Дарвоқе, нима дейди, нима деб айтади? Дина — кўздек қўшилари, ёндош подьезддан, болалари билан бир ҳовлида ўйнаб катта бўлган, айниқса, кейинги бир-икки йилдан бери ўзлариникидек...

Бу бинога улар бир вақтда кўчиб келишган. «Мамлакатни



кеза-кеза, мана, ахийри шу ерда кўним топдик, энди сизлар билан қиёматли кўшнимиз-да, биродар», деган эди Тоҳиржон ака. Ушфееъл, ҳазилкаш одам эди раҳматли. Полковник унвони билан истеъфога чиқиб, қайсидир институтда граждандар мудофаасидан дарс берарди. «Уфри қариса сўфи бўлармиш. Бизнинг домлалигимиз ҳам шунга ўхшаш бир гап,— дер эди кулиб.— Ҳафтада тўрт соат дарс. Дарски, бир чўпчак айтгандай. Ҳозирги болалар анойи эканми! Граждандар мудофааси эмиш! Осмондан бало келармиш-у, биз мўлтайиб қараб турармишимиз! «Осмондаги балодан эмас, биқинингда ўтирган шерингидан қўрк, шундан ўзингни ҳимоя қил», дейман мен уларга. Тўғри-да, одамзод бир-бирини тушунса, аяса, осмондан қору ёмғирдан бўлак нимаям ёғарди! Уша, бало деганимизни ҳам одам боласи ўйлаб толган-да, ахир. Энди бўлса, ўзи шунга чора қидириб сарсон! Граждандар мудофааси эмиш! Ҳаммага жон ширин. Вот масала!»

Янги кўчиб келган кезлари бу ерлар бир патарот қурилиш майдони эди, шу киши — Тоҳиржон ака обод қилди дейиш мумкин. Умри ҳарбий хизматда ўтиб, оддий дала-боғ ишларини соғинган эканми, эртаю кеч ҳовлида ғимирлаб юрарди. Буйруқ бериб, иш юргизиб ўрганган одам, кўшнларга бош бўлди, шанбалик устига шанбаликлар уюштириб, ҳаммаёққа олма, ўрик, чинор эктирди. Ўзи, кўлида пакир, кун-уззукун уйдан сув ташиб дарахтларни суғорарди. Кейин, қаёқдандир темир-терсак топиб келиб, йўлакларнинг олдини ишқом қилдирди, чеккароқ бир жойда улфати чорга мўлжаллаб сўри ҳам ясади.

Тиниб-тинчимайдиган киши эди. Ҳарбийда юриб одатла-ниб кетган эканми, бир зум бекор ўтиролмасди. Бир куни аллақабдан эски, шалоғи чиққан «ЗИМ» машинасини судратиб келди. Темир-тақага ишқибоз ёш-ялангни гирдиға тўплаб, шанба-яшанба кунлари ана шу шалақаравани кавлаб ётарди. Сўнг, кечкурунлари «қашар базми»: ҳарбий хизматдан эсдалик — каттақон чўян хумига тўлдириб пиво келтиради, ишқомчанинг остидаги салқингина сўрисига ўтириб олиб, улфатлари билан пивохўрлик қилади, Элчиев билан шахмат суришади. У ерга электр чироқ тортилдию ёз кечалари аллаҳалгача гангир-гунгур, қаққаха янграб турадиган бўлди. Доминобозлиги қартабозлик; баъзан ҳовлини тутунга кўмиб кабобхўрлик қилишарди, гоҳида қўлбола ош ҳам дамланги қоларди. Ажаб серзавқ, сергашт даврлар экан. Бу шовқин-сурон, бу ташвиш-тараддуллар ҳовлида бирор кимсага малол келмасди: ташаббускори — ўзбеклар-ку ўзимизники, бошқаларга ҳам бирдай суюмли «Дядя Толя» эди-да.

Улфатлар келаси шанба яна «ЗИМ»нинг теварагини ўраб олишарди. Кавлашгани кавлашган. Қидирган нарсаларини топишолмади, бу матоҳ жойидан бир қадам жилганини эслаёлмайди Элчиев. Унинг «одам бўлмаслигини» Тоҳиржон аканинг ўзи билмасмиди? Ичида эҳтимол биларди. Унда нега бу даҳмазани азда-азда сотиб олиб, вақт кетказиб уриниб юрди, нега? Одамзодга ҳаммиша бир эрмак, бир овунчоқ керак экан-да.

Уша «ЗИМ» ҳозир ҳам турган жойида турибди. Эгаси оламдан ўтдию катталардан ҳеч ким унга яқинлашмай қўйди; бола-бақра ичига кириб олиб ўйнайди, ўзича «ҳайдайди», ўзича «тўхтатади» — шунча уриниб оталари эплаёлмаган иш! Аммо, бу ҳовлида истиқомат қиладиган бирор кимса уни бу ердан қўзғатишни хаёлига келтирмайди. Турсин, бир пайтлар ҳовлининг жони, уриб турган юраги бўлган ўша ажойиб одамдан эсдалик, хотира сифатида тураверсин!

Дина ана шу кишининг ойдан тилаб, кундан тилаб олган, момиққа ўраб катта қилган яккаю ёлғиз арзандаси эди. Эр-хотин уни қаттиқроқ шамол бўлса кўчага чиқармай, авайлаб-ардоқлашарди. Ота «жоним қизим» деб, сизлаб гапирарди; ҳарбий эрининг хизмат важидан турфа-талай юртларда юриб ҳам ўзбеки урф-одат, турқи-тароватни сақлаб қолган онанинг-ку тилидан бол томиб эси кетарди: «Одинахон, ойдин қизим»; рус мактабида таълим олган қиз эса уларга бирдай сенсираб, «папа, мама»лаб муомала қилар эди.

Ота-она эркатой фарзандларининг оғзидан чиққанини муҳайё этишарди. Дина ҳовлидаги қизалоқлар ичида чамандаги танҳо-тансиқ гулдек очилиб, ясаниб юрарди. Еш-

ланг орасида неки либос, неки оҳанжама расм бўлса, дастлаб шу қизники, шу қизнинг эғнида кўрардингиз. Ўзи ҳам тенгдошларига нисбатан тез етилди, тез кўзга ташланиб қолди. Кечалари деразаси тагидан ҳуштак овозию гитара садолари аримасди — беҳисоб шайдоларининг нолаю нидолари эди бу. Унинг устидан ўқтин-ўқтин жанжал-олишувлар ҳам бўлиб турарди ҳовлида. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган қиз, дадил уйдан чиқиб, харидорлари билан эмин-эркин, очикчасига гаплашар, масалани ажрим қилиб, ҳаммасининг жавоб-жавобини бериб юборар эди. Шўх-шаддодлик ҳам, тантиқлигу тантилик ҳам мужассам эди унда.

Дина балет мактабини битириб, тағин аллақерда ўқий бошлади. Уни тугатдини, йўқми, «Баҳор» ансамблига раққоса бўлиб кирдию кечагина мана шу ҳовлида қўғирчоқ ўйнаб юрган қизча «Дина Шокиржонова» аталиб, тилга тушиб кетди. Кунора телевизорга чиқарди. У чиқиб хиром этганда, расо қадди-қоматини кўриб, нозик адоларига маҳлиё бўлиб, жоду кўзларининг ишвасидан сеҳрланиб қоларкан, Элчиевдек покдоман одамнинг ҳам имонига раҳна хавф соларди — ростини айтиш керак-да! Кейин уялиб, ўзидан нафратланиб, у шартта жойидан турарди-да, кўшни хонага кириб кетарди: «Шармандага шерик бўлмай ўл! Қарийб қизинг баробари-я! Шўрлик Тоҳиржон ака қай аҳволда ўтирган экан ҳозир?...»

Элчиевга — эскича ақидалар билан суюя қотган ориятманд одамга бу ҳол жуда эриш туюлар, у «санъат курбонсиз бўлмаслигини» тушунмас, тушунгани ҳам келмас, гоҳи Тоҳиржон акага ачиниб кетса, гоҳи уни якнаш айблар эди: «Мусулмон мардум ҳам қизини шунақа ўқишга берадими?! Мана, энди томошасини, томошами, шарманда-сини кўри-иб ўтирибди! Ҳа, болаликда бошқа гап: қиз бола бўлгандан кейин ўйнайди, ўйинга тушади. Энди-чи, энди? Минглаб кўз қизингизнинг жиблажибон муқомларини кузатиб ўтирса... қандай чидайсиз?! Ёки худди шуни орзу қилиб ўқитишганмикан? Наҳотки ҳозир бундан ғурурланиб ҳам ўтиришган бўлса? Ажаб, ажаб, алҳазар!»

Иттифоқо Тоҳиржон аканинг хонадониди чуваккина лейтенант йигит пайдо бўлиб қолди. У бир кўришиб, кейин анча вақт йўқолиб кетарди. «Йигирма беш йил бирга хизмат қилган кадрдонининг ўғли экан», деб айтишди кўшнлар. Эски кадрдонларнинг фарзандлари ҳам кадрдонлашиб қолишди, Дина кечалари бир маҳалда ўша йигит билан ҳовлида кўлтиқлашиб юра бошлади. «Ичкуёв бўлиб келганмиш», дейишди кўшнлар яна. Бу гап ҳам тўғри чиқиб, Тоҳиржон аканинг ўзи бир куни қор атроф бинодаги ҳар бир хонадонга алоҳида-алоҳида кириб, ҳаммани қизининг тўйига таклиф қилди. Тўй, келин-кўёвнинг хоҳишига кўра «Зарафшон» ресторанида бўлиб, қандайдир сабаб билан Элчиев қатнашолмади, қолган оила аъзолари (Қамолиддиндан бошқа — у ҳарбий хизматда эди) бориб келишди, кимлар келганию нималар бўлганини неча кунгача таърифлаб ҳам юришди.

Бироқ, орадан йил ҳам ўтмай, тўй-тантананинг таъриф-тавсифи ҳали унутилмай, куёв қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлиб қолди. «Характерлари тўғри келмаганмиш», деган гап тарқалди энди.

Ёнғоқнинг мағзи ичида, нима кечгани ўзларига аён, лекин шу гапдан кейин Тоҳиржон ака — ҳали бардам, бақувват кўринган одам тўсатдан қаттиқ ётиб қолдию бир ойга бормай оламдан ўтди. Кулфат-касофат қўшалоқ келаркан, жудолликка бардош беролмади, юраги хастароқ эканми, эрининг қирқини ўтказгач, хотин ҳам бирпасликка учраб қазо қилди. Шу тариқа куни кеча файзу фароғатга тўлиб турган хонадон бирдан ҳувиллаб, куни кеча ота-она ардоғида беғам-беташвиш яйраб юрган, билибми-билмайми, уларнинг бошига етган арзанда қиз бирдан кенг уйнинг кўргилик тул келинчаги, яйдоқ уйнинг қуруқ беланчагига айланиб қолди.

Илло, ота-онанинг ногаҳоний қазоси уни хийла ўзгартириб қўйди. Марҳумларнинг иззати — маълум муддат бинойидекина бош эгиб, қора кийиб юрди. Бор беғамлигу эркаликлари, шўхлигу шаддодликларини ота-онаси олиб кетгандек, у фавқуллода сипо тортиб, ҳалиму ҳазим, мунису мушфиқ бўлиб қолган эди. Бошқа жойларда ўйнаган

бўлса ўйнагандир — касби-да, аммо талай вақт телеви- зорда кўриниш бермади.

Кўни-кўшни, мўйсафидлар саркорлик қилиб ота-онаси- нинг маърака-маросимларини ўтказиб беришгач, ёлғиз бошини қаерга кўярини билмагандек, азаси тарқаб, ишига шўнғиб кетди. Яна доврुक қозониб, энди уйдан кўним топмай, дунё бўйлаб кеза бошлади: бир қарасангиз — Японияда, бир қарасангиз — Америкада, Туркия, Арабис- тонда... Сафардан қайтган куни уйи ёш-ялангга тўлади, тонггача ўйин-кулги...

Уша куни албатта Элчиевнинг уйига бир киради. Бошланг, оёқланг, умрингизда кўрмаган либос-ласга ўраниб кириб келаверади — бемалол. Келибоқ ҳаммани бирма-бир, жумладан Элчиевни ҳам, кучоқлаб ўпиб чиқади, «Бу сизга, бу сизга, мана буниси — сенга», дея барчага совға-салом улашади. Сўнг, диванда оёқларини чалиштириб олиб, ғаройиб сафар таассуротларидан сўзлай кетади. Туриб-туриб, «Мастур холам, холажоним! Жасур, Жасурочка! Сизларни қа-андоқ соғиндим!» дея уларни қайтадан кучоқлаб, қайтадан ўпишга тушади. Антиқа бўйли атирлару бу қизнинг ажабтовур қилиқларидан боши айланиб, энсаси қотган Элчиев секингина нариги хонага чиқади. Дина кетгач, орқасидан кирган хотинига қараб норози тўнғиллайди: «Беҳадми бу қиз... Тўшлари — томо- ша, уялмай-нетмай одамнинг бўйнига осилиб олиб... Айт, бу уйга кўпам ўралишавермасин!» «Ие, ғалатимисиз, нима қипти?— дейди Мастура ростакмига таажжубланиб.— Нима қипти? Яхши-да, очиқ-сочиққина. Узингизнинг қи- зингиз-ку!» Кейин, анови одати: иягини олдинга чўзганча — суйгандекми, янигандекми — асабиёна титратиб алланечук жилмайиб кўяди. Бу аёл билан бир ёстиққа бош кўйганига йигирма беш йилдан ошди, лекин ҳамон Элчиев унинг мана шу жилмайиши маъносини чақолмай доғда...

«Узингизнинг қизингиз» эмиш! Шундай қизим бўлганда ўзим билардим нима қилишни!» Аммо, афсуски, ўртада бир андиша бор...

Жасура олтинчи синфда ўқиётганида сариқкасалга чалиниб қолди. Дарди жиддийроқмиди, вақтини ўтказиб юборишган эканми, дўхтирлар қон қуймоқчи бўлишди. Онаси ўзи камқонликдан қийналиб юрарди, Элчиевнинг эса қони тўғри келмади, Камолитдин қишлоқда эди чоғи — хуллас, ночор қолишди. Бу гапни кимдандир эшитган Дина ўзидан-ўзи бориб, олам-жаҳон қон бериб келибди. Улар бошдан бир-бирлари билан иноқ эдилар, Дина уч-тўрт ёш катта бўлишига қарамай, Жасура кичкиналикда доим кўғирчоғини кўтариб: «Дина ўртоғимникига кетдим», деб жўнарди. У касалхонадан чиққач, янада қалинроқ дугона бўлиб кетишди. Бунга Мастуранинг бир гапи ҳам сабаб бўлгандир: «Сизлар энди чин опа-сингилсизлар, чунки икковларингнинг қонларинг бир,— деган эди у.— Энди сен ҳам менга қиз бўлдинг, Одинахон қизим». Элчиев эса бундай қиздан безор, неча марталаб Жасурага танбех ҳам бериб кўрган, лекин бефойда — қизи барибир уни тилидан қўймайди: «Дина опам, Дина опам...»

Ана шу — қизининг «опаси», «ўзининг қизи» бугун келиб энди «укаси»ни — Камолитдинни илакиштириб, бошини айлантириб юрибди. Мегажин-да, мегажин!

Ниҳоят, бу савдон оидинлаштириб олмоқ мавриди етди. Элчиевнинг касалхонадан чиққанига тўрт-беш кунлар бўлган эди. Мастура ишдан қайтишда бозордан бир кучоқ равоч кўтариб келди — омонлик-сомонлик. Айвончада ўшани ўртага қўйиб, хув бир галгидек телевизор томоша қилиб ўтиришарди. «Баҳор» ансамбли концерт бермоқда эди.

— Вой, Дина опам!— деб қолди бир пайт Жасура.— Запись шекилли, ўзи ҳозиргина уйда эди.

Шу гапдан кейин фурсат ўтгани йўқ, Камолитдин курси суюнчидаги чарм камзулини олиб ўрнидан турди.

— Ҳа?— деди ниманидир сезган Элчиев.— Йўл бўлсин!

— Шундай, бир айланиб келгани.

Ота ўзини тутолмади:

— Яна ўша ёққами?!

— Қаёққа?

— Уша...нинг олдида-да!

— Ҳа, ҳа! Ушанинг олдида!— деди Камолитдин тап тортмай.— Ушанинг олдида! Бўлдимми?

Элчиев ғазабдан титраб кетди, қўлини пахса қилиб ўшқирди:

— Утир бундай!

Камолитдин елкасидаги камзулни истар-истамас су- янчиққа ташлаб, отасига рўбарў ўтирди.

— Мана, ўтирдим. Нима дейсиз?

Элчиев андак шаштидан тушди, бўшашиброқ, оталарга хос бир вазминлик билан гапирди:

— Кимга ўхшадинг, ўғлим? Ичганинг ичган...

Ажа-аб, Камолитдин ҳам худди шундай хотиржамгина оҳангда жавоб қайтарди:

— Сизга ўхшадим, дадажон, сизга!

Аммо ана шу хотиржамлик замиридаги аллақандай таъкид, кесатиқни сезмаслик мумкин эмасди.

— Менга?! Мени нима қипти?— Элчиев саросималанди: пешонасининг мўматалоғи кетмаган, чап кўзи ҳали қонта- лаш, қовоқларининг теграси ҳалқадек бўлиб кўкариб турар эди.

— Билмадим...— Камолитдин кўзини ерга олди.

Элчиевнинг қалб бир жойига тиг тегиб ўтгандек бўлди, дийдасига ёш келадими. Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Бу гапни ўзимга қараб айтмадинг, лоақал шунисига шукр.

Ота вазиятдан чиқишнинг йўлини қидира-қидира, данга- лига кўчиб кўя қолди:

— Юраверсанми шундай? Уйланмайсанми?

— Уйлантиринг,— деди Камолитдин энди унга тик боқиб. У бу гапни шу қадар осойишталик билан, соддагина қилиб айтдики, бамисоли худди «Копток олиб беринг» ёки «Велосипед олиб беринг» деган каби эшитилиб, Элчиев ҳайрату мулзамликдан қотиб қолди.

Бу ота-ўғилнинг шу мавзудаги ва умуман илк бора жиддий суҳбати эди. Элчиев суҳбатга тайёр эмаслигини дафъатан пайқади, пайқадио сергак тортди. Бу бола энди копток сўраётгани йўқ, велосипед сўраётгани йўқ — хотин олиб бер, деяпти. Рўй-рост, очиқдан-очиқ. Е ўзинг олиб бер, ёки ўзимга қўйиб бер, деяпти. Е алҳазар, ўғил отасига типпа-тик қараб хотин сўраса-я! Элчиев бўлганида уялган, уялиб ўлган, ерларга кириб кетган бўларди. Лекин бу бола...

Дарвоқе, у энди бола эмас — қирчиллаган йигит, расмона одам. Шу чоққача отасидан бир садо чиқмагач, нима қилсин? Мана, бугун отаси сўраяпти, у жавоб бераяпти.

— Уйлантиринг,— деб такрорлади Камолитдин яна худди бояги оҳангда.— Мунирани олиб беринг. Ҳайдар амакимнинг қизини. Беришса!..

Бу энди очиқ-ошкор таъна, зил-замбилдек таъна эдики, Элчиев ана шу замбилнинг остида қолиб бўғин-бўғинигача эзилди кетди.

Уйлантирмоқчимисиз? Уйлантиринг! Мана, мен тай- ёрман! Мунирани олиб беринг, Ҳайдар амакимнинг қизини. Қўлингиздан келса! Ахир, Ҳайдар амаким — болалик дўстингиз, бирга ўсгансизлар, бирга ўқигансизлар. «Қуда бўламиз», деб аҳдлашгансизлар. Бу гап менинг қулоғимда қолган, аминманки, Мунира ҳам унутган эмас. Лекин сизлар кейинги пайтда негадир бу ваъда-аҳдларингни эсламай қўйдиларинг, тўғрими? Гап шундаки, Ҳайдар амаким энди бизларга қиз бермайди. У энди ўзининг «шефи», институт ректори, профессор Қориев билан қуда бўлмоқчи! Профессорнинг қизи профессорнинг ўғлига муносиб-да! Ана шундай, дадажон, ана шундай! Энди сиз менга қишлоқ- пишлоғингиздан биронтасини топинг. Ёки, ёки... ўзимга қўйиб беринг!

Ниҳоят, Элчиев тилга кирди, эзгин бир қўйда айтди:

— Бу гапни қўй, ўғлим, бир пайтдаги гаплар.

— Нима қил дейсиз бўлмаса?

— Эсингни йиғ дейман, анавинга ўралишаверма дейман.

— Унга нима қипти?

— Ахир, у опангдан ҳам катта! Ахир, у...

— Нима қипте-е?!— Камолитдин жойидан туриб кета- ёзди. Кейин тағин аста чўкди, пешонасини чангаллаб пичирлади:— Э, сиз уни билмайсиз, дада, айтган билан барибир тушунмайсиз!

— Нимасини билмас эканман? Нимасини тушунмас эканман?— деди Элчиев зардаси қайнаб.— Уйинчи!

— Майли!



— Майлими?! Янами? Сендақанинг сон-мингтасини кўрган бузуқи!

— Гапирманг, гапирманг!— Камолиддин сапчиб ўрнидан турди.

Айвонча эшигида ҳозиргина идиш-товоқ ювгани кириб кетган она-бола кўринди.

— Дада-а!..— деди Жасура бўғилгудек бўлиб. Онаси ҳам ҳовлиқиб қолди:

— Сизга нима бўлди, Камолиддин?! Уят эмасми? Кўшиллар эшитса нима дейди?!

Элчиев мувозанатини йўқотди, столга муштлаганча шовқин солиб бақирди:

— Эшитсин! Ҳамма эшитсин! Бутун дунё эшитсин! Агар ўғлинг яна ўша ерга қадамини қўйса!..

— Қўяман!— деди Камолиддин камзулини кифтига илиб.— Ҳозироқ бораман!

— Борса-анг...— У ёғини айтолмади Элчиев, тили бормади, айтиб юборса — кейин, кейин... У олдидаги пиёлани чангаллаб ўғлига отди:— Бор, бор, йўқо-ол!..

Пиёла айвон тўридаги сервант қиррасига тегиб, чил-чил бўлди.

Камолиддин ўқдек отилиб уйдан чиқиб кетди.

Жасура йиғламсираганча пиёла синиқларини тера бошлади.

Хотини, пешонасини муштумлари устига босган тахлит қотиб қолган Элчиевнинг бошига келди, кафтини унинг бўйнига қўйди, қўйдию дарҳол тортиб олиб, қўрқа-писа унга энгашди:

— Нима бўлди сизга, Камолиддин?..

Элчиев бошини кўтармади.

Бир соатлардан кейин у аста уйдан чиқди, ҳовлига тушди, қўшни йўлакка кириб, иккинчи қаватга кўтарилди, узоқ мулоҳазалардан сўнг чап ёндаги малла чарм қопланган эшикнинг кўнғироғини босди, бир мартагина, билинар-билинамас бармоқ теккизди.

Эшик шу заҳоти очилиб, бўсағада қўлида супурги, пешбанд тутган Дина кўринди. Ранги қув оқариб, саросимага тушди у.

— Келинг, Нуриддин ака,— дея олди.— Ассаломалекум.

— Одинахон, қизим...— Элчиев бошқа гап айтолмади, индамай бурилдию зинадан тушиб кета бошлади. Дина орқасидан йўлакка чиқди:

— Нуриддин ака, нима бўлди? Тинчликми?— деганча қолаверди.

Нималар демоқчи эди ўзи бу қизга? Гапи кўп эди, кўп. Лекин шунча гап биргина калимага сиғибди: «О д и н а х о н , қ и з и м . . . » Ажабо!

Кечаси, ётар маҳали Жасура отасининг ёстиғи қошига бир чойнак чой қўяркан, унга узоқ тикилиб, чайнала-чайнала шундай деди:

— Дада, боя сиз яхши тушунмадингиз. Унақамас, йўқ...

Элчиев унга бақрайиб қаради. Индамади. Мана шу қизни ҳам, анови болани ҳам ўзи дунёга келтирган, ўзи ўстирган, ўзи тарбиялаган, бугунга келиб эса уларни тушунмайди, ҳеч нарсани тушунмайди, билмайди — нима десин!?

Уша кеча Элчиев яна ухлаёлмай, алаҳлаб, босинқираб чиқди.

Уша кеча уни тагин калтаклашди, бу гал энди ўғиллари, қизлари билан қўшиб, аямай, ваҳшиёна дўппослашди. Нобакорларнинг дастидан додлай-додлай уйғониб кетиб, бошида хотинини кўрди. Уялди, хўрлиги келди. «Бошим лўқиллапти», деб баҳона қилди. Яна ухламоққа уринди. Уйқу аралаш, босинқи аралаш калласига ҳар турли хаёллар оралади.

Эркак киши дунёга нима учун келади? Аёл зоти-чи? Улар нега бунчалик бир-бирига талпинади? Фақат ўша иш учунми? Шусиз ҳам яшаса бўлади-ку! Аммо унақа ҳаёт бебаҳра, беқадр, беҳуда умргузаронлик эмасми? Бас, шундай экан, одамзоднинг бу ишдан кўзлаган муҳимроқ, улғувроқ мақсади бор. Бор, борки, бу ёруғ дунёда узоқроқ турмоқни, узоқроқ яшамоқни, умрзоқликни, абадийликни истайди. Шунинг учундир эҳтимол, ўша ишга талпинади, ўйлаб-ўйламай, билиб-билмай, англаб-англамай талпинади. Сирдан қараганда, бу ҳайвонга хос хислат — ит ҳам, ҳўкиз ҳам қодир. Бироқ бунинг таги замирида ҳали тугал анланмаган туйғу — абадиятга интилишдек олижаноб туй-

ғу, улғу инсоний худбинлик ҳисси ётади! Уша дамда бунинг мутлақо ўйламайсиз: шунчаки майл, кўнғилхушлик, табиий эҳтиёж. Ана шуларнинг меваси ўлароқ дунёга келган кашфиётдан эса ҳайратга тушасиз; демак, энди сизга ўлим йўқ, қонингиз қолди, мангу яшайди — ўзингиз қолдингиз, мангу яшайсиз! Яшанг, яшайсиз! Лекин бир нарса ҳаргиз хаёлингизга келмайди: ўша кундан эътиборан сиз ҳам руҳан, ҳам жисман қарий борасиз, ҳорий борасиз, ўла борасиз! Негаки, энг улғу вазифангизни ўтаб бўлдингиз, энди унинг меваси яшамоқда, гуллаб-яшнамоқда; энди сиз унга қурбон, унга жонфидо бўлмоғингиз фарз. Бу ҳам мерос, муқаррар мерос. Бўйин товламоққа ҳаққингиз ҳам, иложингиз ҳам йўқ. Табиатнинг энг адолатли ва энг адолатсиз қонуни ҳам шу. Энди сизда биргина илинж қолади: ўша кашфиётингизнинг заволини кўрмасангиз; майли, унинг учун сизни хўрласинлар, топтасинлар — майли, фақат унинг камолини кўриб кўз юмсангиз кифо! Ахир, у — сиз, сизнинг ўзгинангиз! Борди-ю, у сизга ўхшамаса, сизни тушунмаса, айтган йўлингиздан юрмасачи, унда нима қилиш керак? Ўзингиздан, ўз кашфиётингиздан воз кечолмайсиз-ку! Унда, унда — уни тушуниш қолади. Уни тушуниш эса... Бу ҳаётнинг азоби ҳам, лаззати ҳам — демакки, мазмуни ҳам шу эмасми?..

Ким билсин! Элчиев файласуф эмаски, тугал-турғун бир хулосага келса! Булар унинг сўнги пайтларда бошига ёғилган қўшалок балолар туфайли руҳини ҳам жисминини ларзага солган ўй-хаёлларнинг бедорликдан жунбишга келган, аламу изтироблар аралаш бир бўлаги, холос...

Камолиддин шу чиқиб кетгани бўйи уйга қайтиб келмади. Динанинг олдида эмаслиги аён эди: келса, биров кўрарди, биларди. Мастура турса ҳам, ўтирса ҳам обидийда қилади. Ишонасига суриштириб борса, Чилонзордаги қайсидир оғайнисиникида ётиб юрганини айтишибди, «Уйга қайтмасам керак», деган эмиш. Ўзини учратолмай, йиғлай-йиғлай кириб келди. Бунинг эшитиб Элчиевнинг пушаймон дили баттар ўртанди: унга тагин бир азоб қўшилган эди.

...Мана, энди неча кундан бери отанинг ётиши бу, ўғил келади, кетади, лекин қирмайди: уялармишми-ей, қўрқармишми-ей. Нимага, нимадан — бунисини фақат ўзи билади, ўзидан сўрамоқ керак.

...— Нусрат ҳали ҳам шу ердами?— деди Элчиев хотинига ҳорғин ўгирилиб.

— Кириб-чиқади-ку, кўрмайсизми?

— Мен унга «Энди кетавер», деган эдим...

— Билмасам, «Амаким оёққа туриб кетгунларича шу ерда бўламан», дейди. У шўрлик ҳам ишдан қолиб...

— Ким унга қолсин, дебди? Кетаверсин,— деди Элчиев зардали оҳангда.— Қаерда турибди?

— Шу ерда. Аллаким билан гаплашибди, коридорга қараёт қўйиб ётармиш кечаси. Жигарингиз-да, нима қилсин, сизни кўзи қиймай... «Уйга юрақолинг», десам, унамади. Жуда тортинчоқ-да ўзиям. «Яна қон-пон керак бўлиб қолса...», деб баҳона қилади.

— Менга энди ҳеч нарса керак эмас, айт, иши бўлса — кетаверсин.

Элчиев уҳ тортди. Яна бир уҳ, яна бир дард...

Ҳайдар Самадович палатадан чиқар-чиқмас, бурчақдаги қаравотда ётган Музроб амаки деган бемор Элчиевдан сўради:

— Каттаконларданми дейман? Баланд учадиган қўшга ўхшайди...

Элчиев жавоб бермади, ботинан хўрсинди: «Ҳа, Музроб амаки, менга-ку катталиқ қилолмайди, лекин «баланд учадиган қўш» деганингиз тўғри, жуда баланд учадиган хилдан бу...»

Ҳайдар Самадович уч-тўрт ҳамширани эргаштирганча ўзига хос вазоҳату дабдаба билан кириб келди палатага. Барваста, басавлат, аксар зиёли ва арбоблар мисоли чакка сочларига кумуш оралаган; эғнида оҳорли костюм-шим, бўйнида кўз тушган заҳоти диққатни тортадиган камёб галстук, билагида кулранг плаш, ўнг қўлида шунга мос шляпа — хуллас, Музроб амаки айтган «баланд учадиган қўш»нинг ўзгинаси!

У, хонадагиларга бир-бир кўз ташлаб вазмин бош силкиб қўйди-да, ҳамшираларга жавоб бериб, ўртадаги курсини

Элчиевнинг каравотига яқин суриб ўтирди. Утирди, гапирди. Таъна қилди, дашном берди, дағдағаю замзама урди, лекин бир оғиз дард-ҳол сўрамади: гаплашмади — нуқул ўзи гапирди. Гапирди, гапирди ва ниҳоят, улуғвор қиёфали профессор Ҳайдар Самадович и н с о н и й б у р ч и н и адо этиб, салобат билан ўрнидан турди. Тураркан, одатдагидек беихтиёр сўради: «Бизга топшириқлар йўқми?»

Келди, кетди — бурчи, вазифасини бажарди, бўлди. У кетди-ю, Элчиевнинг юрагига тагин бир тош чўкиб қолди.

«Бизга топшириқлар йўқми?» Сенга топшириқ бериб бўларканми, Ҳайдар?! Сенга — фан докторига, профессорга, каттакон институтнинг йўғон устунларидан бирига! Уйлаб гапирсанг-чи, оғайни! Сенга топшириқ берса ҳам, ҳеч қачон ўзинг бажармайсан, дарҳол бошқа бировга оширасан. Бировга оширасан-у, яна сўрайсан: «Бизга топшириқлар йўқми?» Қолаверса, энди мен сенга қандай топшириқ бера оламан?..

Болалиқдан бир гузар, бир кўчада униб-ўсган икки дўст, икки жўра олис тоғ қишлоғидан олис Тошкентга ўқишга келдилар. Бир институтга ҳужжат топширдилар, бирга ўқишга кирдилар, бир жойда истиқомат қилдилар, бирга юрдилар, бирга турдилар, ҳаёт пиллапоояларига ҳам бирга қадам қўйдилар. Аммо, кези келиб, улардан бирови маълум бир зинада тўхтади, «Менга шуниси ҳам кифоя, у ёғига кучим етмайди», деди; иккинчи ўртоқ эса, сабрни билмади, қаноатни билмади, ҳеч нарсадан ҳайқилмади, ҳазар қилмади — дадил босиб зиналарни забт эта кетди. Ке-етди! Кўзлаган манзилига етгач, уча бошлади, баланд-баланд уча бошлади. Бугун энди, хув пастдаги зинада қолиб кетган ўша собиқ биродаридан, айна чоғда ҳаётдан безиб, дили абгор бир кўйда ётган ғамбода биродаридан ҳ о л с ў р а м о қ д а : «Бизга топшириқлар йўқми?»

Ким ишонади бу гапга?!

— Бу нима аҳмоқлик? Кап-катта одам, эсингни еб қўйдингми?! Бола-чақанг бор ахир, қавм-қариндошинг... ўйламадингми? Лоақал мени ўйласан бўларди. Яхшимни, ёмонми, бир қаричликдан сен билан дўстмиз, ўртоқмиз. Ҳе, эсини еган!..

... Кўй, Ҳайдар, гапирма, юрагимни эзма — зардобга тўлган нарсани гижимлаб нима топасан? Уйладим, ўйлаб қилдим бу ишни: бошқа чорам йўқ эди; шармандаи шармисор бўлиб яшагандан кўра шуниси маъқул эмасми?

Лекин сен хаёлимга ҳам келгандай йўқ, оғайни. Дарвоқе, нега, нима учун сени ўйлашим керак экан ўша да ма да? Тўғри, дўст... эдик. Бир вақтлар. У, қандайин дўст, жонанон жўра эдик! Мен учун дунёда сендан яқинроқ, сендан содиқроқ, сендан азизроқ кимса йўқ эди гўё! Аслида ҳам шундай эдинг, сенинг садоқатинг, сенинг ҳамиятингни кўриб мен гоҳида ўзимдан уялиб, нафратланиб кетардим. Эсингда бўлса, Мастура билан ўтган энг масъуд дамларимда ҳам сени ёнимдан бир қадам жилдирмаганман. Сен Мастура иккимизнинг барча сир-асроримиздан хабардор эдинг, тилдек ягона, дилдек маҳрам гувоҳ! Омон бўл, биродар, умрингга барака!

Аммо, ёшлиқдаги дўстлик ўзгача бўларкан, оғайни, бегубор бўларкан. Бегубор — гард-губорсиз дегани, бинобарин, гард ҳам, губор ҳам тушиши мумкин дегани. Тушди! Э, гард, губор нимаси... Узинг биласан-ку, Ҳайдар!

Лекин ҳамон дўст, дўстлик деганда сени эслашим, сени ўйлашим рост — яширмайман. Шу ёшга етиб, сендан бошқа ҳам талай дўст, талай биродарлар орттирдим, ошна-оғайнигарчилик кўрдим, бироқ булар бари юзакироқдек, омонатдек туюлади, шунда беихтиёр сени ўйлаб кетаман. Аммо икковимизнинг муносабатимизни дўстлик деб бўладими? Агар дўстлик бўлса, эндиликда ўтмиш қадрдонликнинг ёдию ҳамқишлоқлик юз-хотиридан бўлак нима қолди ундан?.. Ваҳоланки, шуниси ҳам шубҳам бор: бошимда бир савол сиртмоқдек осилиб турган ўша лаънати кун сўнгги илинж билан йўлингга кўз тутдим — қорангни кўрсатмадинг! Қайта-қайта тайинлаган эдим, қайта-қайта ваъда бериб эдинг...

Мана, эски дўстлигимиз ҳурматими, шунчаки одамгарчилик юзасиданми, бугун ҳартугул йўқлаб келибсан, куйиб-куйиниб гапиряпсан, мени айбляяпсан, дашном беряпсан. Қуллук, минг қуллук, борингга шукр! Лекин билиб қўй,

оғайни: мен бу ишни сен айтгандек а ҳ м о қ л и қдан қилганим йўқ. Зинҳор-базинҳор!

— ...Менинг шарманда бўлишимни ўйламадингми?

...Ие, сен нега шарманда бўларкансан?! Уйлаб гапиряпсанми ўзи? Мабодо, мендан — бир замонлар бўлса ҳам майли-да, дўст санаган, ош-қатиқ бўлган одамнингдан, у ўзини иснодли ишга маҳкум этгани учун, «Фалончининг оғайниси экан», дейишларини ўйлаб ор қилаётган, номус қилаётган бўлиб чиқма? Шундайми? Ҳа, балли! Бор экансан-ку, биродар!

Лекин мен наҳотки сени ерга қаратиш учунгина азм этган бўлсам бу гуноҳ ишга?! Еру кўкка сиғмайдиган бемаънилик, маломат-ку бу! Узимнинг жоним, ўзимнинг номусим-чи! Ҳисобга ўтмайдим!

Утмайди, сенинг ҳ и с о б и н г г а ўтмайди бу! Шундайми? Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, баракалла! Мен — бандан нодон эса, сендек олиму уламо, сендек мартабали дўстим борлигидан ҳануз фахрланиб, ғурурланиб юрибман...

Бурноғи йили қишлоққа борганим сира ёдимдан кетмайди. Гузарда бирга ўсган тенгқур оғайнимиз Имонқул ўғилчасининг хатна тўйига таклиф қилган эди. Уни сенинг — болалик ошнаси, қишлоғимиздан чиққан баобруў олимнинг ш а р а ф и г а Ҳайдар деб атаган экан. Етти қиздан кейин тилаб-тилаб олган ўғлини! Ушанинг тўйи экан, данғиллама тўй берди. Тўйда сенинг номинг тилларда дoston бўлди: ҳамма сени гапирди, сени таърифлади. Тўй гўё беш яшар Ҳайдарники эмас, сеники — Ҳайдар Самадовичники эди. Аммо сен «муҳим ишлар билан банд бўлиб», ўша — «ўзингнинг тўйинг»га ҳам қатнашмадинг, тўғрироғи, бормадинг-қўйдинг. «Сенинг тўйинг»ни мен кўрдим, сенинг шаънинга айтилган мақтовларни мен эшитдим; бу мақтовларга менинг ҳам номимни тиркаб гапиршарди, сенига қўшиб мени ҳам таърифлашарди: «Ҳайдар Самадовичнинг дўсти, бирга ўқиган, бирга...» Қизиғи шундаки, учраган одам мендан сени, сенинг соғлиғингни, сенинг ишларингни суриштирарди. Хижолатда қолдим, худди шухратингга шерик бўлгандек ўзимни сенинг олдинда қарздору айбдор ҳис этдим. Бу тўхтовсиз таърифлару саноқсиз савол-сўроқлардан иззат-нафсим оғригани, бир оз ғамим келгани ҳам рост, яшириб қаёққа бораман!.. Ҳасадми бу, ҳавасми? Ҳавас ўзимники, сен билан ғурурланиб юришимни яхши биласан. Лекин гоҳида, ўқиниб кетганимда ҳасад қилмайманми сенга? Эҳтимол. Ахир, сен кўз олдимда «Ҳайдар Самадович»га айландинг-ку! Ахир, сени мен билмай ким билсин! Ахир, мендан руҳланиб, менга эргашиб Тошкентга келган, ҳар не масалада мени пири дониш санаган сен эмасмидинг? Уқишу юриш-туришда сенга ҳам бош, ҳам кўмақдош бўлган мен эмасмидим? Буларнинг бари эсингда, барини биласан, тан оласан — шуниси га ҳам шукр.

Уқишга сен қийналиб кирдинг, ўртача талаба эдинг, қийнала-қийнала битирдинг. Сўнг, менга баҳс қилиб, шаҳарда ишлаб қолдинг. Ҳамма иш, ҳамма соҳада интилган маёғинг мен эдим. «Устасан-да, Нуриддин жўра, шаҳарлик қизга уйланиб олдинг-а, ҳовли-жойли ҳам бўлдинг», деб ҳавас қилганларинг ёдингдами? У чоғлар сен менга ҳавас қилардинг! Эҳ, Ҳайдар, дўсти орзуманд, бу шаҳар, унда яшаб қолиш етти ухлаб тушимга кирганмиди? Мастура бўлмаганда... Бошда биргина шуни деб юрдим бу ерда, кейин эса... Кўй, бу ёғи ўзингга маълум.

Сен бу орада Холбекани топдинг. Шуни топдинг... дабдурустдан илмий ишга чоғланиб қолдинг. Сен — институтни эл қатори, ўқиб-ўқимай битирган одам! Мен аввалига унчалик ишонқирамай, ичимда қулиб юрдим. Ажабо, бирдан сенинг ишларинг юришиб кетди, тез орада кандидатлик диссертациясини ёқлаб олдинг. Ҳимоя муносабати билан «Шарқ» ресторанида берган зиёфатингда турфа уламо орасида талтайиб ўтирганингни кўриб, қувончдан теримга сиғмай хизмат қиларканман, ҳамон ишонгим келмас эди: «Шу ўзимизнинг Ҳайдар боди-да, қаёққа борарди!» Лекин сен узоқни кўзлаган чиқдинг, манзилинг аниқ экан, йўлингга тўхташни билмадинг, бу ёғи ўз-ўзидан бўлиб кетди...

Эсимда, сен ғамхўрлик билан мени ҳам кўп мартаба қистаб кўрдинг, «Мавзу олгин, ўзим ёрдам қиламан ҳаммасига», дея ваъдалар бердинг. Аммо мен журъат этолмадим, ўзимга бу ишга ноқобил санадим.



Аста-аста муносабатларимиз бошқача тус ола бошлади. Авваллари менга ачиниб юрдиг, кейинчалик... энди, ҳозир ичингда аҳволимдан кулсанг, киноя билан кулсанг керак — биламан, сезаман-да! Бу менга қилган муомалаларингдан ҳам аён. Илгари мен сен учун «Жўражон, Нуриддин жўра» эдим, кейин-кейин «Ҳа, Нуриддинбой!» дея акалик қилмоққа ўтдинг, кўрган жойингда насиҳатга тушардинг, бора-бора куруқ, расмийнамо бир тарзда «Элчиев» деб атайдиган бўлдинг, энди эса ярим ҳазил, ярим чин, беписанд, истеҳзо аралаш — «Элчиев-евич»... Аста-аста ҳаммасига кўндим, кўникдим. Нима ҳам дея олардим — энди сен «Ҳайдар Самадович»сан-да!

«Мени шарманда қилдинг» эмиш! Сени — Ҳайдар Самадовични, фан доктори, профессор, кафедра хўжайинини шарманда қилиб бўларканми?! Бир вақтлар ким кимни шарманда қилгани ёдингдир... Хотининг сочини юлиб айюҳаннос кўтарганда сен бепарво, «ҳа, шундай» дегандек безрайиб туравергансан. Холбуки, «Бас қил-э, шаллақи!», деб бир оғиз жеркиб берсанг кифоя эди. Жону жаҳоним ўртаниб, титраб-қалтираб оғзингни пойлаганимда мужмалгина қилиб: «Ишонма», дединг-кўйдинг, вассалом. Нимага ишонинишнимо нимага ишонмасликини билолмай доғда қолавердим. Ахир, ўшанда менинг оилавий ҳаётим ҳал бўлмоқда эди, сендан — ўз бўйинса-биродаримдан бошқача, мардона бир гапни кутган эдим. «Дўстингиз-ку, дўстингиздан сўранг!», дерди бечора Мастура кўзига ёш олиб. Мен сендан, жонажон оғайнимдан қандай, қайси юз билан, нима деб сўрардим? «Хотинимга тегишганинг ростми?», деб сўрардимди?!

«И ш о н м а». Нимага ишонай, нимага ишонмай, Ҳайдар? Хотинингга ишонмаганимда... ўшанда сени ҳам, Холбекангни ҳам тупроққа қориштириб ташламасмидим! Аммо менга бошқа нарса алам қилади: Холбеканинг-ку феъли маълум эди, сен нега ўзингни бундай тутдинг? «Э, жўра, шунинг гапига қулоқ солиб ўтирасанми, бўлмаган гап!», десанг-ку, олам гулистон эди, бунинг ўрнига эса... «Хотинини мендан рашк қилди», деб овоза тарқатдинг. Баҳона тайёр, ҳар ким ўз майлига бичиб-тўқиб олаверсин. Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди йўсинида гаплар бор. Бунга ғунажини буқача нақлини ҳам қўшса... Шу керакмиди сенга? Ҳе, ўша шамолни ер ютсин, дарахтга шох-похи намон ўт тушсин, ғунажини буқачасига қирон келсин!.. Мақсадинг мени бадном қилишимди ёки шу ирқит маломатдан ҳам мартаба ясамоқчимидинг? Жирканч мартаба!

Сен учун мартаба бўлган бу мोजаро, бу миш-мишлар мени қандоқ изтиробларга солганини билсанг эди! Уша воқеадан кейин Мастуранинг кўзига қараёлмай, алланечук уяладиганми, кўрқадиганми бўлиб қолдим: худди қайтиб сўз очсам, ниманидир батамом бой бериб қўядиганга ўхшардим. Ваҳоланки, у гап — аламзада кўнгилнинг телба бир хуружи, ғирт уйдирма эканига жилла шубҳам йўқ эди. Лекин ҳамон шу эсимга тушса, эзилиб кетаман, ўртаниб кетаман.

Ҳа, мен сендан ҳануз домангирман, Ҳайдар, ҳануз кўнглимда сенга кек сақлайман. Сен ўшанда менинг нимани кутаётганимни билардинг, жуда яхши билардинг. Аммо — айтмадинг, бир оғиз чурқ этмадинг. Нега, нимага? Шуниси менга алам қилади, шуниси менга армон.

Сен... ана шунақасан, дўстим! Бировга очиқ-ошкор қабиҳлик қилолмайсан, айниқса, менга буни раво кўрмайсан — ишончим комил. Лекин, одамнинг кўзи олдида пичоқ, ўтмас пичоқ ўйнатиб туришни яхши кўрасан, шундан завқ, лаззат оласан. Қиёфанг, асл моҳиятинг шу сенинг! Баракалла сенга!

«Мени шарманда қилдинг» эмиш!..

...Ҳайдар Холбекани бирдан топди. Топдию икки ойнинг орасида эр-хотин бўлди. Севги-муҳаббат ҳам, синов даври ҳам, учрашув ва фироқ ўртанишлари ҳам шунинг ичида. Аввал уни Нуриддинга роса таърифлади: «Бахтим чопди, жўражон! Кўрсанг, оғзинг очилиб қолади!» Нуриддин кўрди-ю, таажубдан оғзи очилди: бунинг нимаси... Аммо ичидагини сиртига чиқармади: майли, подшонинг ишқи қурбақага тушибди. Ҳайдарнинг куткилаб берган сўроқларига эса: «Яхши, ўзингга ёқса бўлди-да», деб қўя қолди.

Дабдабали ўтган тўйдан кейин келин-куёв бошпанасиз, қаёққа боришни билмай қолишди. Келин Ҳайдарнинг

ижарадаги хужрасига ҳам, ётоқхонадан алоҳида жой олиб яшашига ҳам кўнмабди. Ҳайдар бир кунни хотинининг инжиқлигидан шикоят қилиб келди. Нуриддин дарвозадан кираверишдаги қаровсиз ётган бир хона билан даҳлизнинг шикаст-рехтини тузатиб, кампирнинг ҳовлисидан уларга жой қилиб берди. «Кўчиб келинлар шу ерга, бирга тураверамиз, гангир-гунгур, яхши бўлади», деди.

Бироқ адашган, катта хатога йўл қўйган экан. Буни бир ҳафта ўтмаёқ фаҳмлади, аммо энди кеч эди.

Холбека мирзачўллик машҳур бир раиснинг тўрт ўғил ичида ел кўрмай ўсган эрка, тегманозик қизи эди. У ҳали иккинчи курсдами ўқир, дарсларга хоҳласа борар, хоҳламаса бормас эди. Кун-уззукун «вой, бошим»лаб уйда қамалиб ётади, на рўзғорига қараш бор, на қозон-товоққа. Утакетган арази, сал гапга тумшайиб автобусгами, поездгами ўтириб Мирзачўлга жўнаб қолади. Ҳафта-ўн кундан сўнг ҳар бири у ёқда бир мансабни сўраб ётган мурти йўғон, нордек акаларидан биронтаси довул қоқиб келиб, куёвболага аччиқ-тизиқ сўзлар айтиб синглисини ташлаб кетади.

Кампир Паркентдаги қизиникида юрган кунлар эди. Бир оқшом Нуриддин ишдан кечикиброқ келса — ҳаммаёқ тўс-тўполон, қий-чув, Холбека ҳовлининг у бошидан-бу бошига югуриб дод соляпти, кўрган одам тус ақлдан озган дейди; Ҳайдар уйдан чиқаверишдаги ишқом устунига суяганча, лабида папирос, ер остидан хотинининг телбанамо қилиқларини жимгина кузатиб турибди; Мастура тош зинада ўтирибди, букчайибгина ўтирибди, юзини қафтлари билан тўсиб олган, куляптими, йиғляптими — билиб бўлмайди.

Нуриддин дарвозадан кирган жойида серрайиб қолди. Сўнг ўзини қўлга олиб, Холбекага қараб юрди.

— Ҳа, келин, нима бўлди, тинчликми?

Нимадандир норозидек мудом тиришиб-ториқиб юрадиган ичимдантоп Холбека уни кўриб дафъатан портлади — кўзлари хунук чақчайиб, титраб-қақшаб, ўпкасини тутолмай арзу дийдиёсини тўка кетди... Бугун консультацияга қолиб, институтдан кечроқ қайтибди. Келса, «менинг эргинам билан сизнинг хотинчангиз!» — Ҳайдар билан Мастура ҳовлидаги сўрида, ўртада чой баҳона, ошиқ-маъшуклардек қувнаб-қийқиришиб, бир-бирларининг билакларидан тортиб-тортқилаб қарта ўйнаб ўтиришган эмиш!

— Ҳа, нима қипти? — деди Нуриддин ранги қув ўчиб, лекин ўзини босишга тиришди. — Бирга ўқишган... Қарта ўйнаса нима қипти?

— Вой, шўри-им! — Холбека жазавага тушгандек чийиллаб юборди. — Эркакмисиз ўзи?!

Бошига гурзи бўлиб урилган бу гапдан гангиб, Нуриддин титрай-қалтирай, алланечук кўрқув билан Ҳайдарга яқинлашди.

— Ҳайдар... нима, нима бу?

Ҳайдар унга бир нигоҳ ташладию:

— Ишонма, — деди ва қўлидаги папиросни ҳовлининг ўртасига итқитиб, шитоб билан дарвозадан чиқиб кетди.

Шармандадек шалвираб қолган Нуриддин бир-бир босиб хотинининг олдига борди, қўлиги аралаш елкасидан гижимлаб уни уйга судраб кирди, каравотга ўтқазиб, кафтининг орқаси билан иягини кўтарди:

— Мастур... нима?..

— Бу оймчанинг феълени биласиз-ку! — деди Мастура кўзига ёш олиб.

— Биламан, лекин...

— Билсангиз, қолганини Ҳайдардан сўранг, дўстингиз-ку!

Шу пайт бешикдаги Жасура биғиллаб йиғлаб қолди. Чўккалаб унга кўкрак тутаркан, Мастура кутилмаганда Нуриддинга қараб, иягини олдинга чўзганча — суйгандекми, янигандекми — асабиёна бир титратиб жилмайди. Уша, ўртантиргувчи табассум! Нуриддин бирдан бўшашиб кетди, тиззалари аста букилиб, хотинига ёнма-ён ерга чўкди, бир қўли билан унинг кифтидан, бир қўли билан бешкини кучдида, энгашиб мўралади. Ютоқиб-ютоқиб сут эмаётган чақалоқнинг мунчоқ кўзлари унга ҳайрон боқарди...

Бир маҳал рўпарадаги уйнинг эшиги қарсиллаб очилди, туган-турмак кўтарган Холбека кўринди. У ҳеч қаёққа алағламай, ҳурпайганча дарвозадан чиқиб кетди, шамолдек учиб чиқди. Мирзачўлга олиб борадиган поездга улгуриши керак!

— Ҳм, жўнадиларми?— деб кўйди Мастура алланечук хушхоллик билан.— Бойвучча! Даф бўлсинлар!

Нуриддин чурқ этмади.

Эр-хотин бир-бирларини ҳеч қачон ўша тундагидек қизгин суймаган бўлсалар керак. Камолиддиннинг зуваласи ҳам ўша кеча қорилган бўлса ажаб эмас...

Бир ҳафталардан кейин Ҳайдар машина олиб келиб, қолган-қутган юкларини ортиб кетди. У Нуриддин билан ҳам, Мастура билан ҳам худди ҳеч нарса бўлмагандек саломлашиб, ҳеч нима бўлмагандек сўрашди, кетар соғидагина аянчли илжайиб: «Хафа бўлмайсизлар-да энди», деб кўйди, холос. Аммо, хотинидан сўз очмади, на бир оғиз қоралади, на бир оғиз... Қандайдир кўниккандекми, ҳатто мамнундекми кўринарди у. Нуриддин ошнасининг энди аввалги Ҳайдар эмаслигини шунда сезди. Қайнотаси унга шахардан ҳовли олиб берганини эса кейинроқ эшитди.

Уша можародан сўнг икки дўстингиз муносабатига раҳна тушди, борди-келди қилиш ҳақида-ку сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Лекин, бир-бирларини кўрган-нетган чоғларида улар яна эски қадрдонлардек очилиб-ёзилиб саломлашар, сўрашар эдилар. «Уйга келмайсан?» «Аввал ўзларинг бир келсанглар-чи!» Одатдаги сохта, совуқ бир манзират.

Ўртадаги муносабат кейинроқ, Ҳайдарнинг ташаббуси билан андаккина тиклангандек бўлди. Ҳимояси арафасида эр-хотинни зиёфатга таклиф қилиб унинг ўзи келди. Нуриддин, кўнглидаги гина-кудуратни йиғиштириб, Мастура билан бошлашиб борди. Ушандаги қилмишидан пушаймон бўлганми ёки эрининг байрамидан масрурлик таъсиридами, ишқилиб, юзига ҳомила доғлари тошиб баттар хунуқлашган, феъл-атвори мулоймалашиброқ қолган Холбека уларни очик чехра, хушвақт қарши олди, қоринни лапанглатиб келиб Мастура билан кучоқлашди.

Кейин-кейин оилавий борди-келдига ҳам ўтдилар, эски гиналар унут бўлди. Бола-чақалари улғайди, дўст-ўртоқ тутинишди. Нуриддиннинг уйдаги бир зиёфатда нариги хонада чуғур-чуғур қилаётган болаларидан сўз кетиб, сархушроқ ўтирган Ҳайдар: «Ке, куда бўламиз», деб қолди. Шу-шу, икки оила бир-бирини «куда, куда» деб атай бошлади. Болалар ҳам шу гапни эшитиб катта бўлишди.

Лекин, бора-бора муносабат бирёқлама тус олди: Ҳайдарнинг оиласи хоҳласагина келишади, Ҳайдарнинг оиласи хоҳласагина боришади, Нуриддину Мастурада қолган гап йўқ — ташаббус уларнинг қўлида. Хуллас, маъноси шуки, ҳар ким ўзининг йўлидан, ўзига ажратилган йўлдан юриши керак, яъни: сен — Исо, мен — Мусо.

Холбека кейин ҳам Мастуранинг бошига кўп кунларни солди. Ҳар келганида ёки булар борганда албатта бир кўнгилсизлики орага сўқар, ғийбат ё маломатни тайёрлаб қўйган бўлар эди. Сўнг — неча кун Нуриддиннинг уйда-ғурбат. Ғурбатни Мастура бошламайди, у бир оғизгина беозор шавъа қилади, холос: «Шу Қимматхоним (Холбека демоқчи) қизик-да, уйда ўтириб бунча гапни қаёқдан оларкан? Сизнинг ишхонангизда Василадеган жувон бормиш, жуда антиқа жувонмиш. Бўлса бўлар, бизга нима, тўғрими?» Тамом, кифоя — Элчиевнинг туси ўчиб, тинч-қарори йўқолади, талай кун хотинининг ўзига қараёлмай, ичини ит тирнаб юради.

У неча марта Ҳайдарнинг оиласи билан борди-келдини бас қилишни ҳам ўйлади, аммо кейин фикридан қайтарди: «Хотинларнинг майда-чуйда ғийбати деб, ошначиликни йиғиштириш кулгили бўлади. Энди ёш эмасмиз, болачақали одамлармиз. Қолаверса, ўртада аҳд бор, ваъда бор...»

Ҳамма гап, ҳамма бало шундаки, Холбека — Ҳайдар Самадовичнинг хотини Мастурадан — Элчиевнинг хотинидан хунук эди, шохи-атласлар ичидаги бир алвасти эди!

Нега Ҳайдар келиб-келиб шу кўнгли зулмат алвастига уйланди? Мана бундай Ҳайдар Самадович бўлиб юриш учун эмасми?..

—...Одамнинг гапига кирмадинг-кирмадинг-да, Нуриддинбой! Мен ўшанда айтдим сенга: «Кўй бу ишни», дедим...

...Бир нарсага ақлим етмайди, Ҳайдар: нега сен кишининг кўзига бақрайиб ёлгон гапирасан-у, мен сира «Ёлгон!» деб айтолмайман? Ёлгон гапирётганингни, мен унга ишонмаётганимни ўзинг ҳам сезиб турасан, лекин гапираверсан,

мен эса, сўзларинг ёлгон эканини билатуриб ҳам эътироз қилолмайман — ўзаро мунофиқлик эмасми бу? Ажабо, мунофиқлик ҳам сенга ярашади, мен эса бунга мажбурман! Нега бундай, Ҳайдар, Ҳайдар Самадович? Сизга энди ҳамма нарса ярашади-да, а? Қойил!

Ушанда сен менга «Кўй бу ишни», деганинг йўқ, оғайни, буткул бошқа гапни айтган эдинг. Касалхонадан эндигина чиққан кунларим, ҳали бет-бошимнинг шишгани, юрагимнинг алами кетмаган, боз устига терговлар безор қилиб юборган кезлар эди. Келиб бир бор аҳволимдан хабар олмаган одам, тўсатдан сиз қоқиб қолдинг. «Ҳа, герой! Еш болалар билан ёқалашиб юрибсан, деб эшитдимми? Энди сену бизнинг давримиз ўтганини эсдан чиқарибсан-да! — дединг хушчақчақ оҳангда. — Кўй энди, бўлган иш бўпти, орқасидан суришиб юрма, маъни чиқмайди. Гап бундай, оғайни: ўша болаларнинг бизнинг «шефига қариндошлиги бор эмиши, дўстингиз экан, айтиб кўринг, даъво қилиб юрмаса, деяпти. Илтимос-да, оғайни. Кейин, Камолин масаласини ҳам бир ўйлашиб кўрамыз, хўпми?» Дабдурустан бу гапга ҳеч нима деёлмай қолдим, тилим сўзга айланмай, «Майли, кўрай-чи», деб ғудрандим.

Очик савдони қаранг! Шармандали савдо: сен — беш фарзандинг отаси, сочига оқ оралаган одам, ўғлинг тенги тирмизаклардан бас дегунча калтак еб, энди даввонгдан кечгин, биз ўғлингни кундузги бўлимга ўқишга ўтказамиз... (Қачон, қандай топишиши-я булар?!)

Ҳайдар, ошна, оғайни, ўзинг бир ўйлаб кўр, инсоф билан ўйлаб қара: бу қандай бедодлик! Отасини тепиб-тепкилаб, хўрлаб, ҳақоратлаб, шунинг эвазига — отасининг ғурури, иззат-нафси эвазига ўғлига мурувват курсатиш... У қандайин фарзандки, бу ҳақоратга, бу жирканч мурувватга кўнса! Раҳм қилинглар, эй инсонлар! Инсоф дегани инсон деган қалимага эгизак-ку!..

Синган — битар, чиққан — кирар, шишган — қайтар, лекин юрак-чи? Топталган ғурур, хўрланган иззат-нафс, абгор бўлган кўнгил-чи?! Бу гапни айтишдан олдин шунинг бир ўйлаб кўрмадингни, Ҳайдар ошна! Тўғри, ўқишга овуниб, баъзи бир одамларини ташлармикан, ўзгарармикан, деган умидда Камолиддинни кундузги бўлимга ўтказишни бултур ўзим сендан илтимос қилган эдим. Сен: «Уйлаб кўрайлик-чи», деб кўя қолган эдинг. Уйлаб-ўйлаб, энди сен мендан илтимос қилаясан — «шеф»инг учун! Ахир, ўзинг Камолини куёв қилмоқчи эдинг, аҳдлашган эдик-ку?! Бугун эса — кундузги бўлимга ўтказиш баҳонасида ҳам ундан кутулмоқчисан, ҳам боягидек илтимосларини бажариб, «шеф»ингга куда бўлмоқчисан! Демакки — бир ўқ билан икки... Баракалла, мерган ошнам, овинг бунчалар қақсон! Шаҳримни бердим сенга, биродар!

—...Мендан нима ёрдам керак? Дўхтирлар билан гаплашай...

...Гаплаш, гаплаш, Ҳайдар Самадович! Хўш, нима деб гаплашасан? Улар қўлларидан келганини қилишди. Агар сенинг қўлингдан келса — айт: «Бу энди ортиқ яшолмайди, дунёдан тўйган, кетгани маъқул, қўйинглар, буни ҳам, ўзларингни ҳам қийнаманглар, иложи бўлса, бирон дори бериб мушуқлини осонлаштиринглар», деб айт! Бир дўстлик қилгин, биродар, бир мартагина! Биламан, ўз-ўзингдан бировга мурувват кўрсатиш сенинг хаёлиңга келмайди, келса ҳам — олдин жумлажаҳонга жар солиб, миннат қилиб чиқасан. Шу феълингни билганим учун сендан бирор нарса сўрашдан аввал минг бир мулоҳазага бораман. Ваҳоланки, менга ҳеч қачон «йўқ» демаясан, лекин доим мана шундай лиқиллайсан, номатлуб ўринларда мурувват, қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўласан. Сенинг касбинг, сенинг қиёфанг шу — муаллақ бозлик!

Нега келдинг, Ҳайдар? Кет, тезроқ кет!..

Палатада одам бўлмаганида, Элчиев бу гапларни баралла, овоз чиқариб айтарди.

Бор эди, ўзидан бўлак яна беш киши бор эди — бирининг қўли, бирининг оёғи, бирининг бети, бирининг боши дока билан чандилган тагин беш бемор. «Фалокатлар палатаси» деб бежиз айтилмайди бу ер!

— Оғайним эди бояги, — деди Элчиев анчадан сўнг хижолатомуз кулимсираб, бурчақдаги каравотда ётган Музроб амакига. — Бирга ўқиганмиз.



— «Беш» олармиди? — деб сўради Музроб амаки қувлик билан илжайиб.

— Беш? Қанақа беш?

— Бирга ўқиган экансиз-ку, дарслардан «беш» олармиди, деяпман?

— Ҳа-а, — деди жилмайиб Элчиев, аммо гапнинг пайровини фаҳмламай, ажабланиб жавоб қилди: — Йўқ, ўртача ўқирди, ёмон ўқирди, десаям бўлади.

Музроб амакининг башарасига масхараомуз ифода қалқди:

— Олган, олган. Фақат, сиз кўрмагансиз, сезмагансиз-да...

Элчиев соддалик билан елка қисиб қўйди, бошқалар кулиб юборишди, ҳамма — ҳатто чап бурчакдаги, кўзи операция қилинган, кимлигини, қаерданлигини, фалокатининг тарихини бу ерда ҳеч ким билмайдиган, бир кимса йўқлаб ҳам келмайдиган тўнғ, одамови беморгача — ҳамма кулди. Демак, ўй-хаёллари билан бўлиб, уларнинг хангамасидан беҳабар қолган экан. Чамаси, нима ҳақдадир баҳслашишмоқда, аникрофи, Музроб амаки билан дераза тагидаги каравотда ўтирган маҳмадона бола — Ҳайбатилла одатдагидек масала талашмоқда эди, бошқалар эса шунга қулоқ тутган.

Музроб амаки — бу ердаги энг кекса одам, энг узок ётган бемор ҳам шу. Зинадан йиқилиб тушиб, бели синган. Етмишларни қоралаб қолганига қарамай жуда бардам, тиниб-тинчимас. Тили сал захарроғ-у, лекин ўзи зийрак, зукко чол. Билмаган нарсаси, кўрмаган балоси йўқ — дунёдаги жамини гапдан хабардор. Элчиевга диагнозни ҳам шу киши қўйди. Дўхтирларнинг тусмолини эшитиб, «Бекор гап! — деди. — Синдром-пидром эмас! Нервный стресс, последствие депрессивного состояния. Ҳаммада бўлиши мумкин».

Ҳайбатилла қариганда тус шу Музроб амакининг ўзгинаси бўлиб қолса керак. Унинг ҳам билмаган нарсаси йўқ, у ҳам ҳар гўрдан хабардор, ҳар гапга ҳозиржавоб. Ана шундай гапдонлиги, маҳмадоналиги бошига бало бўлибми, безори-лардан калтак еб бу ерга тушган чиқса ажаб эмас.

Сухбат, мунозарага ишқибоз Марсель исмли шофёр йигит бир-бирига ўхшаган бу икки «доно»нинг баҳсига доим чўғ ташлаб туради. Автомобиль ҳалокатига йўлиқиб, унинг бир қўл, бир оёғи жароҳатланган. Кунора гурас-гура бўлиб ҳамкасаба оғайнилари кўргани келади. Марсель оқсоқлана-оқсоқлана улар билан ҳовлига чиқиб, гоҳида ширакайф ҳолда қайтади.

«Ошиқ Ғариб» лақабини олган андижонлик талаба ҳам баҳсу мубоҳасадан четда қолмайди. Чиройли бир қиз ҳар кун кечқурун унга овқат кўтариб келади. «Ошиқ Ғариб» шу қизни деб калтак еган-да... унинг аксидан!

Яна ўз ўйларига шўнғиркан, Элчиев баҳснинг бир чеккасини эшитиб қолди.

Ҳайбатилла хонани бошига кўтариб жаврамоқда эди: — ...Уша Саидвақосини, олдида ул-бул деб туришади-ю, кетидан сўкмагани тополмайсиз. Ҳатто улфатлари! Мол-дунёга учиб, ёшгина йигит, ҳалиги йўғоннинг эрдан чиққан қизига уйланди-да. Бугун энди хотиннинг орқасидан гўддайиб юрибди, маҳаллада лақаби — «Кувё»! Сиз тагин «зар», «зўр» деб гапирасиз!..

— Сафсата, ҳаммаси сафсата! У ёғини сўрасанг, пулинг бўлганда сен бу ерда ётмасдинг, калтак ҳам емасдинг! Мабодо, калтак еганда ҳам, бу ерга тушганинда ҳам муомала бошқача бўларди, — дер эди Музроб амаки қандайдир аччиқ, истеҳзоли оҳангда. — Маънавий бойлик эмиш! Маънавий бой бўлиш яхши, лекин мол-мулкчи бой бўлиш-чи, ёқмайdimи? Бунақа бойнинг маънавий дунёси ҳам қашшоқ бўлмайди, билсанг. Негаки, давлат орттирмоқ учун ҳам ақл керак, фаросату тадбиркорлик керак. Ақлли одам, бадавлат одам чиройли ҳам бўлади. Гап ҳуснда эмас — ақлда, деймиз. Хунуқлар тўқиб чиқарган сафсата бу. Чиройли бўлишининг нимаси ёмон? Ҳамма ҳавас билан қарайди, кўрган кўзга хуш ёқасан, қизлар сени деб ўлиб қолади, «акажон»лаб кетингдан эргашиб юради. Қалай? Ақл, қуруқ ақлнинг ўзи эса, сени билган бита-яримта одамгагина маълум. Тўғри, боя айтганимиз: гап баҳода эмас — билимда, лекин «беш» олганга нима етсин! Ана

шунақа, бўталоқ, бу нарсаларни ҳам билиб қўйсалар зиён қилмайди!

— Биламиз! — деди Ҳайбатилла ҳам бўш келмай. — Ҳаммаси эски гап. Сиз барини тақдири азалга, фатализмга элтиб тақаяпсиз. Сизнингча...

«Пулинг бўлганда бу ерда ётмасдинг, калтак ҳам емасдинг...» Бир ҳисобда, чоли тушмагунининг мулоҳазаларида унча-мунча жон борга ҳам ўхшайди-ю, лекин ёшларнинг қулоғига ҳозирданоқ бундай гапларни қўйиш чаккимасмикан? Ҳаётда кўп куйган ситамзада одам кўринади бу Музроб амаки деганимиз. «Хув қора йиллари талай муддат ётиб ҳам чиққанмиз», деб гапирди, ўшаларнинг алами шекилли.

Ҳайбатилланинг сўзи чала қолди — эшикда энага кампир Сора опоқи кўринди:

— Овқат-повқат ҳам ейсизларми, айланайлар, ё гапни ўзиминан тўйиб бўлдимиз қорнинглар?

— Амаки, отам... — деди, икки қўлида иккита қаппайма қоғоз халта; эшикни очиқ қолдириб ичкари кирган Нусрат. Элчиев бир қалқиб, ўрнидан туриб кетаёзди.

Эшикда калтароқ бир халатни кифтига илган йирик гавадли одам — акаси Нажмиддин буй берди. У кириб, хонадаги ҳар бир бемор билан алоҳида-алоҳида сўрашиб чиққанидан сўнггина унга ўгирилди, Нусрат тўғрилаган курсига аста чўкаркан:

— Қани, хўжайин, яна ётиш-ку! — деди зўракилиги аён сезилиб турган хушвақт оҳангда. — Касалхонанинг ёвғони ёқиб қолдимиз дейман?

— Сўраманг. — Каравотда қордана қурган Элчиев илжайишга уриниб хижолатомуз бош кўтарди. — Келинг, ака.

— Келдик. — Акаси унинг қўлини кафтлари орасига олиб, «бардам бўл» дегандек бир силкиб қўйди. — Ушанда, чақирганинда келолмадим, ука, узр. Сира иложи йўқ эди.

— Энам яхши юрибдиларми? Янгам, жиянлар?

— Ҳаммаси яхши. Ўзинг қалай ётибсан? Зерикиб кетмаганинга қойил-э!

Худди ҳеч гапдан беҳабардек! Худди укаси шармандаларча қатли нафс қилиб эмас, шунчаки тумовланиб касалхонга тушгандек, холос! Кўнглининг дарёлигига қойил, ака!

— Овора бўлсиз-да. Қанча йўл!

— Нимага овора бўларканман — самолётга ўтирдиму лип этиб учдим-келдим. Иш билан, коллегияга чақришган экан. Уйинга борсам — шу гап, «Тоблари йўқ», деди келин.

«Тоблари йўқ» эмиш!.. Ким етказди экан? Ким бўларди, Нусрат-да! Ушанинг иши бу. Шартта телеграмма берган-қўйган, касофат. Аввал сал бери қарашини кутган, қартайиб қолган момасини ўйлабми, кейинроқ жўнатган хабарни. Ҳа, унда нима айб — ўз жонига жафо қилиб ўлим тўшагига тушган одамнинг биродарига, биродари нимаси, жиаргўшасига хабар юбориш гуноҳи азим бўлдимиз? У етказмаганда ҳам акаси барибир эшитарди, барибир келарди. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам у доим бошида, доим...

Элчиев шу акасини олдида ўзини бир умр қарздордек хижолатли сезади. Ҳаммавақт унга қандайдир яхшилик қилмоқчимиз дилига тугиб юрган, аммо бунинг на мавридини топа олган, на имконини. Эсини танибдики, кўр-қаватида кўргани мана шу — акаси Нажмиддин, шунинг эски-тускисини эгнига илиб, шунинг меҳру панохида катта бўлди. Оталари — ҳар қандай ишга аралашвермайдиган камсуқум, камхарж бир дуррадгор уста — рўзгорга ҳам, болаларнинг кийим-бошига ҳам кўпда эътибор беравермас эди. Яккақўл хонадонда улғайиб, тирикчиликнинг паст-баландини эрта илғаб етган тўнғич фарзанд Нажмиддин рўзгорнинг барча икир-чикир юмушларини тезда ўз қўлига олди. Уқшини кечкига алмаштириб, кундузи совхоз идорасида ишлай бошлади. Оталарининг пинжига кириб, ўзи ўқимай, укаларини ўқишларга жўнатди, баҳоли қудрат уларга кўмаклашиб турди. «Сен кетдинг-у, мен қолдим», деб таъна-таъма қилишлар хаёлига ҳам келган эмас. Ака-да, ака.

Укалари орасида у негадир Нуриддинга айрича қарарди. Уйланиш можароси бошланиб, оға-инилару қавм-қа-

риндошлар бош қўшмай юз ўгирган чоғда ҳам шу акаси унинг шаштини кесмади — кечкиброк бўлса-да, бир машина майда-чуйда, тўрт-беш оғайниси билан тўйга етиб келди, ғарибона ўтаётган базми қайтадан қизитиб, обод қилди. Кейин, укаси Тошкентда яшаб қолганида ҳам сира таъна отмади, балки ичида маъқуллади, ҳамон унинг бу ишидан мамнундек, келган-кетганида доим: «Шундай шахри азимда бемалол кириб-чиқадиган дару хонамиз бор-а!», деб фахрланиб юради. Укасининг камтарин ўй-жойи, камхаржгина рўзғори кўз ўнгида, лекин унинг матлаб-мартабасини улуғ санайди, унга ҳавас билан қарайди, олдига қўйилган бир парча нонни ҳам тавоф этгудек бўлади. «Шу сенинг инспекторлигинга директорлигимни бажонидил алмашардим, ке, шундай қилайлик», деб қолади гоҳида ҳазиллашиб.

Аммо, «шаҳри азимдаги дару хонаси»га мудом аллақандай қисиниб-қимтиниб қадам босади. «Меҳмонхонада жойим бор эди-е, зўр жой», дея-дея аранг бир кеча тунамоққа кўнади. Баъзан қачон келиб, қачон кетганини Элчиев билмай ҳам қолади. «Вақтим зиқ эди, ука, совхознинг ишини ўзинг биласан-ку!»

У қишлоқ хўжалиги институтида сиртдан ўқиган йиллари ҳам имтиҳон палласи укасиникига кўнмасди, келган кунини кетадиган кунни биррав хабар оларди, холос. «Шериклар бор», деб беш йил ҳам аллақайдаги бир нўгой кампирникида ижарага турди. Акаси жўнаб кетган кунлар Элчиев катта бир гуноҳ қилган каби ўзини қаёққа қўярини билмай дилтанг бўлиб юради.

Шуниси борки, Тошкентга йўли тушганда акаси албатта уникига бир кириб кетади. Одамни хижолатга қўядиган мўл-кўл совға-салом билан келади ҳар гал. Элчиевнинг тумшайганини кўриб: «Булар сенга эмас, шашинма, ука — болаларингга, келинимизга», деб қўяди. Айниқса, Мастурага ихлоси баланд, унинг саранжом-саристалигию пазандалигини таърифлагани таърифлаган. Қишлоққа боришганида-ку, «келинжон, келинжон» деб бошига қўйгудек бўлади, унинг ҳар бир сўзи гўё фармон. Беҳисоб юмушларини йиғиштириб, шуларнинг атрофида парвона бўлгани бўлган: «Тошкентдан укамиз Нуриддинбой келган, келинимизни ҳам олиб келган!» Гоҳ тоққа олиб чиқади, гоҳ даштга...

Ака келганда эр-хотиннинг типирчилаб қолишлари ана шундан. Элчиев бозору дўконга югурган, хотини бор пазандалик маҳоратини ишга солган. Бу манзиратлардан ўнғайсизланган ака тезроқ кетиш тараддудига тушади. Эр-хотин уни кузатиб, иззатига етолмай ҳар сафар доғда қолаверадилар.

«Шаҳарда яшайди, сарф-харажати кўп», дейдими ёки бошқа бир нияти борми, акаси доим Элчиевни аяб келади. Узоқ йили оталарининг қазосида ҳам уни ноқулай аҳволга солган. «Ака, ўйласангиз-чи, ахир, эл нима дейди, бизга ҳам ота эди, биздан ҳам фарз», деб ташвишга тушганида акаси бир гап билан унинг қўлини чўнтагидан чиқармай қўйган: «Сен қилдинг нимаю мен қилдим нима — икковимиз ҳам бирдай фарзанд!» Элчиев Тошкентга қайтган, маҳаллага маърака бериб, кўнгли сал-пал таскин топган бўлди-ю, лекин ҳамон акасининг ўша қилмишини эсласа, ўзини ёш боладек ночор сезади.

Боз устига акаси ҳар йили туғилган кунда уни йўқлаб, бисёр хижолатга қўярди. Уша кунни албатта ё ўзи етиб келади, ё бир талай майда-чуйда билан кимнидир жўнатади — таомилига айланган бу. Элчиев эса, унинг ўзидан тўрт ёшми катталигини билади, холос, туғилган кунни аниқ эсида ҳам йўқ. Шу боис, акасининг мурувватларидан баттар мулзамликда қолади. Мана, бу йил ҳам бир қўйни тандир-кабоб қилиб, ўғли Нусратни юборган эди...

Элчиев акасининг олдида ана шундай қарздор, хижолатманд. Лекин, бу ҳаддан ортқ меҳрибонликларнинг замирини ўйлаб, уларни қандай қайтаришни, қандай узишни билолмай боши гаранг. Мендан қарзинг борми, ака? Қарзинг — акалингми? Акалик ҳам қарзга кирса, бунинг тўлови йўқмикан? Бунинг тўлови — укаликнинг ўзи холосми? Мен уни қандай узаман, қандай қайтараман? Биламан, сен мендан ҳеч нарса кутмайсан, ҳеч қачон. Нега бундай? Менинг ҳамма ишим, ҳамма гапим — сенга маъқул. Одатда тескариси бўлиши керак-ку? Мен ана шуларни ўйлаб қийналаман, ака, сен эса буларнинг

барчасига биргина сўз билан жавоб қиласан: «Укам, ўзимнинг бир қориндан талашиб тушган укам!» Вассалом.

— Нусратингиз шу ерда... — деб қўйди Элчиев бошқа гап тополмай.

— Кўрдим. Э, у ҳам одамни... — Акаси бошидан бежирим телпагини олиб, энсасини қашлаган бўлди. — Уйланмайман, дейди касофат!

Амаки деган бундай пайда «Ие, нега уйланмас экан?» деб сўраши табиий, лекин Элчиев сўраёлмайди, оғиз ҳам очолмайди...

Нусрат — акасининг тўнғичи — политехника институтини битирганига икки йил бўлди. Уни-буни баҳона қилиб тез-тез Тошкентга келиб туради. Уқишга кирган йили бир-икки вақт амаксиникида яшади. Ўзи ҳам қиз боладан баттар тортинчоқ, бор-йўғи билинмайди. Камолиддин билан ака-укадек, рўзғорга дастёр бўлиб юрди. Кейин бир сафар отаси Тошкентга келганида нимадир дедими, ётоқхонага кетиб қолди, хабар олгани ора-сира кўринадиган бўлди. Уқишни битирадиган йили эса негадир бирдан қадамини узди. Сабаби маълум эди: Элчиевга ҳам, хотинига ҳам, бошқаларга ҳам...

Мана, бир йилдирки, у тагин Тошкентга ўрмак қўйиб қолди. Ўзи қурилишда прораб, кунни Тошкентда ўтади: гоҳ у иш билан, гоҳ бу иш билан келади. Бу галги ташрифнинг асл мудароси ҳам барчага аён. Амаксининг туғилган кунни баҳона эди, мана, энди анов ходиса сабаб, неча кундан бери шу ерда.

— Шу ерда ётиб юрганмиш, — деди Элчиев бир лаҳза сукутдан сўнг. — Айтинг, уйга борсин. Мен тузукман энди.

— Боради, бугун боради, — деб қўйди акаси ўйчанлик билан. — Узим ҳам уч-тўрт кун шу ерда бўламан. Қайтишда бирга олиб кетаман чоғи. Ҳайронман, кап-катта йигит, қўлида эллик-олтмиш одам... Бошим қотган, ука.

Бу битмайдиган савдодан Элчиевнинг ҳам боши қотиб юради. Шунни эсласа, бир дарди ўнта бўлади.

Жасура туғилган йили, чақалоқ баҳона юзкўрди, яраш-яраш қилиб биринчи марта хотини билан қишлоққа борган эди. Мастурани кўриб, қавм-қариндошларнинг арази пича ариган бўлди, «Бегона бўлса ҳам ўзимизникидай экан, ўзимизникидан ҳам асил экан», деб таърифлашди, «Майли, топгани билан қўша қарисин», дея дуо ўқиб, фотиҳа беришди.

Уша, узилган иплар қайта боғланган тотув, кўнгилли кунларнинг бирида — Элчиевнинг ёдида: чошгоҳ пайти ҳовли ўртасидаги баланд лойсупада қариндош-уруғлар чувир-чувир гап сотишарди — қўшни кампирлардан кимдир: «Болам мусофир бўлди, деб кўзёши қилиб ўтиргунча, анов бешикларни бир-бирига чагитин-қўй-да, Робия! Қани, сўнгин бегона бўлиб кўрсин-чи!» деб юборди. Эскичани қаттиқ тутадиган она бу гапдан гўё парқанот боғлади. «Майлими, келинжон, кейин бизди устимиздан кулиб, гина қилиб юрмайсизми?» дея Мастурадан изн сўради. Мастура анг-даранги кетиб, бу ғалати манзарани қизиқиш билан томоша қиларкан, индамай жилмайиб ўтираверди.

Шу тариқа, икки ака-уканинг ҳали бешикда биғиллаб ётган тўнғичлари «бешиккертти» қилинди-қўйди. Қани, энди бир-бирдан бегона бўлиб кўрсин-чи, бу савдога шоҳид кампирлар келиб — агар улардан ном-нишон қолган бўлса — нима қилишаркан!..

Бурноғи йили қишлоққа боришганда Элчиев хотинидан эшитди: «Кучук бўлгур Нусратимнинг шу қизгинангизга кўнгли борга ўхшайди. Уйланшдан сўз очсам, човуллаб беради. Сўрасам, ичимдагини топ, жимжит, — деганмиш янғаси — акасининг хотини. — Малол олмайсиз-у, овсинжон, шундай бир гап ҳам бўлган эди. Лекин энди замон бошқача. Илойим, тиришмага берай бу ишни қилган кампирларни, ўзлари-ку, қачон эди, таги тобут бўлиб кетишди, аммо мушздай боланинг шу амални улардан баттарроқ тутганга ўлайми! Энди замон бошқача, овсинжон, бу одатлар энди эскилик сарқити. Бир ёқдан ака-уканинг болалари бўлса, ака-сингилдай гап. Билмасам, нима қиларканмиз...»

— Келинг, ака, ўзларига қўйиб берайлик, — деди бир пайт Элчиев ўйчанлик билан.

— Нимани айтяпсан? — деб сўради боя Нусрат дамлаб кирган чойдан қўйиб, каравотма-каравот беморларга чой



ташиб юрган акаси унга ўгирилиб.— Ҳа-а. Менинг ҳам ўйим шундай, Нуриддинбой. Сен буни кўпам ўйлайверма, бир гапи бўлар.

Элчиев акасига тикилиб қолди.

...Ака-ука ўтин йиққани тоққа чиқдилар. Арчазорга етиб, қўшхона ташладилар. Эшакларга қараб туришни укага тайинлаб, қўлида арқону болта-батал, ака дарахтзор оралаб кетди. Елғиз қолган ука ҳам бекор ўтирмади: эшакларни галма-гал миниб пастдаги булоқдан сувлатиб келди; яқин атрофдаги қуриган-чириган шохларни териб, бир жойга тахлаб қўйди; чарчади, зерикди. Каттақон бир арчанинг шохига чиқиб олиб, теваракни томоша қила бошлади.

Яқин-узоқдан қуриган шохларнинг қарсиллаб сингани, шувиллаб ерда судралгани эшитилади. Кейин болта ишга тушади: тақ, тақ, тақ. Акаси, ўтин қирқяпти. Ана, у ҳансираб-ҳарсиллаб пастликдан бир боғ арча кўтариб келмоқда. Қўшхонага уч қадам харсанг ёнида елкасидагини ерга ташладию яна бепарво изига қайтиб кетди.

Тўртинчи боғ ўтини ҳам орқалаб келди-да, харсангга суяниб дамини ола бошлади. Этиklarнинг ичини хору хасдан тозалади, уст-бошини қоққан бўлиб ўрнидан турди. Бирдан атрофга аланглаб: «Нуриддин, хў Нуриддин!» дея чақирди. Ука жўртга эшитмаган олди, арчазор тумшукқа тикилиб ўтираверди. Ака яна, бу гал энди таҳликали овозда қичқирди: «Нуриддин! Нури-и-и!» Уканинг шумлиги тутди, сас чиқармасликка аҳд қилиб арчанинг шохига гўё қотди.

Ака изиллаб чор тарафга югура кетди: «Нури-и, Нурижон, айт, қаердасан? Майли, эшакка сен миниб борисан, ўтини ўзим кўтариб кетаман — айт, қаердасан? Қаердасан, Нурижон, айт, чиқақол, энди сираям урмайман, Нурижон...»

Арчазорни бир айланиб, эшакларнинг олдига келди-да: «Нуриддин қани?» дея ерда ағанаб ётганини бир тепди. Буни кўриб уканинг кулиб юборишига оз қолди, лекин дамини ичига ютди, ўтираверди.

Бу эрмак унга завкли туюлиб, акасини яна бирпас сарсон қилмоқчи эди. Ака турди-турди-да, қутилмаганда ўзини ерга отиб хўнграб юборди: «Энди отамга нима дейма-ан? Энди энамга нима дейма-ан?...» Уканинг унга бирдан раҳми келди, қўшилишиб йўғламоқчи, «Мана мен!» дея «пистир-маси»дан чиқмоқчи ҳам бўлди-ю, туйқус ўйланиб қолди: «Бу ерда яшириниб ўтирганимни кўрса — уради, уриб ўлдиради!»

Ака ерга қапишганга йўғлаб ётаверди, ука нима қиларини билмай кўрқув остида уни кузатиб ўтираверди.

Ўтира-ўтира зерикди, ака ҳам йўғлай-йўғлай ҳолдан тойдики, жимиган эди. Укани ваҳима босди: «Ўлиб қолган бўлса-я!» У апил-тапил дарахтдан тушиб, акасининг бошига келди, секин елкасига туртиб: «Ака, нимага йўғлама-япсан?», деб сўради. Ака бошини кўтардию эси офгандек бир нафас бақрайиб қолди, сўнг иргиб туриб уни қучоқлаб олди-да, «Укажон, укажоним!» дея қайтадан уввос солиб юборди. Унинг титроғи укага ҳам ўтди, у ҳам «Акажон, акажоним!», деганча ҳиқиллаша тушди...

Ушанда арчанинг тепасига чиқиб яширинган ука мана — ётибди, уни қидириб сарсон бўлган ака мана — унинг бошида ўтирибди. У ҳамон «ука»лаб йўғлаётгандек, ҳамон уни қидириб бўзлаётгандек. Лекин энди унинг йиғиси бошқача — буни ўзидан бўлак ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким билмайди, сезмайди ҳам. Укасининг хунук ишга — бежано-за кетмоқда чоғланганини эшитиб, неча юз чақирим йўлдан шамол бўлиб келган у. Сўнгги яқин ойлар ичида иккинчи бор нохушдан-нохуш хабарлар етаклаб келди уни. Икки сафар ҳам у мана шундай, укасининг бошида жимгина ўтириб-ўтириб кетади. Аммо бирор марта: «Сенга нима бўлди, ука? Нега бундай қилдинг? Дардинг нима, давонг нима, нимадан қийналяпсан?» деб сўрагани йўқ. Мана, бир соатлардан бери ўтирибди, ундан-бундан гапириб ўтирибди, лекин сўрай олмайди. Сўраб, озор топган юракка яна озор етказиб нима қилади? Ҳамма гапни ўзи билади-ку, ўзи сезади-ку — туғишган укаси, жонажон биродари, томирларида оқаётган қон бир, унинг кўпириш-тиниши ҳам бир хил... Пешоналаридаги ёзмиш ҳар хил, қисматлар ҳар хил. Укасининг дардлари, изтироблари унга маълум, унинг қийналганини кўриб ўзи ҳам қийналади, қийналади-ю, аммо

ҳеч бир ёрдам кўрсатолмайди. Пешона, пешонадаги битиклар...

Бугунга келиб эса, пуштикамарларидан бўлган фарзандлари туйфайли ана шу туйғуга, ана шу биродарликка шикаст етгудек...

Акасига, унинг тирикчилик ғами-ғурбатлари тамға босган ажнинларига, оқарган соч-соқолига термиларкан, Элчиевнинг ўпкаси тўлиб келди, ўзини туюлмай қолди.

— Э-ҳа, Нуриддинбой, ҳа?!— дея саросима билан ўрнидан туриб кетди акаси.

Элчиев йиғларди — акаси учун, акасини ўйлаб...

Қарзи қиёмат деганлари шу эмасми?

Кечкурун ишхонадан хизматдошлари келишди. Икки ҳафта бадалда бу тўртинчи бор хабар олишлари. Умулан, бошингиз ёстиққа тегмасин, айниқса, бунақа кўргилик билан касалхонага тушманг экан: одамнинг кети узилмайди, кўз кўрган анчайин кимса борки, йўқлаб келаверади. Кўпчиллик жонкуяр таниш-билишлар, ёр-оғайнию қўни-қўшни, ҳамкасабалар, албатта. Баъзилар «Қани, қанақа бўларкан?», дея азбаройи қизиқувчанлик важидан келса, «кўз кўзга тушганда ноқулай бўлишни» ўйлаб, шунчаки бурч юзасидан келувчилар ҳам топилади. Энг ёмони — кўрганда жинингиз кўзидиган, дардингиз ўн чандон кучаядиган кимсалар тоифасининг ташрифи. Лекин, иложингиз қанча: сизни кўргани, ҳолингиздан хабар олгани атай вақт сарфлаб келган, бир фасл тўзим берсин, башарасига бақрайиб ўтиришга, жўнаётганида қайта-қайта раҳматлар айтиб қолишга мажбурсиз — таомили шу.

Элчиев ўтган гал бу ерга тушганида-ку, билган билиб, билмаган билмай қолган эди. Аммо бу сафар... шаҳар бўйлаб жар солингандек, газетада овоза қилингандек, одам ёпирилди. Хунук хабарнинг тарқалиши осон, ишқибози ҳам кўп экан. Тавба, кимлар келмади дейсиз! Умирида бир марта учратганим, йўқми — худо билади. Дастлабки кунлар ҳеч кимни кўргиси, ҳеч кимга кўрингиси келмай деворга юз буриб ётган Элчиев аста-аста кўниди, айниқса, такрор келганлар билан сал-пал гаплашадиган, уларнинг сўроқларига жавоб қайтарадиган бўлди. Муддаонгиз амал олмай қолдими, тирикмисиз, тилингиз гапга айланадими, бу ёғига марҳамат қилиб саволларга жавоб берасиз! Жавоб!

Кунора тугунчак кўтариб Рўзиев келиб туради. Уйи шу яқин атрофда эди шекилли, албатта ё иссиққина ош, ё сомса олиб келади. «Келинингиз атай пишириб берди», дея бошида туриб, қистай-қистай едирмоқчи бўлади. Кошки булар Элчиевнинг томоғидан ўтса! Рўзиев эшикдан чиқар-чиқмас, хонадагиларга улашиб беради. Айниқса, бурчақда ётадиган шўрлик мусофирни ҳеч ким йўқламайди, савоб.

Элчиев Рўзиев билан унчалик яқин ҳам эмас, ош-қатиқ бўлган жойи ҳам йўқ ҳисоб. Қўшни бўлимда ишлайдиган бу оқдий, камписанд инспекторни, писмиқроқ кўриниши, одамга аралашавермаслиги учунми, ҳаммабоп Элчиев унчалик хуш кўрмасди. Учрашганда — салом-алик, тамом. Ниҳоят бир мартагина уйига борган. Ўғлини чуқуррон қилдираётган экан, бошқа хизматдошлари қолиб, негадир Элчиевни қистаб туриб олди. Элчиев бориб қозон-товоғига дош бўлди, кейин — отанинг ўзи қўрқоқроқмикан, юраги бов бермадими, хонадан қочиб чиқди — болани ётқизишда устага кўмаклашди. Бўлгани шу — бу фақиргина хонадоннинг фақирона бир маросимига қатнашди, холос. Ушандан бери Рўзиев уни ўзига яқин олади, қўлини қўйгиси келмайди. Мастуранинг айтишича, бу ерга келтирилганининг эртаси йўлақда йўғлаб турган ҳам ана шу киши — Рўзиев экан. Ажаб, ўзи писмиқ, одамовига ўхшайди-ю...

Элчиевнинг тагин бир қадрдони — Шомурод ака деган қоровул чол ҳам икки марта хабар олди. «Мана шундан бир татил кўринг, мулла Нуриддин, кампир берворди», деб бир гал қийиққада эртапишар гилос, кейинги навбат манти кўтариб келибди. Элчиевнинг нимасинидир ёқтириб қолганими, идорага кирган-чиққанида албатта тўхташиб, чой туткази, суҳбатга тортмоқчи бўлади. Утакетган содда, аломат чол. Биринчи сафар келганида, Элчиевнинг бу қилмишини биронинг жабридан деб билган чоғи, ўзича насиҳат қила кетди:

— Омон қолганингизга шукр қилинг, мулла Нуриддин.

Одамзоднинг бошидан нималар кечмайди! Ҳамиша «Шуни-сига ҳам шукр», десангиз ютқазмайсиз, иним. Қасд қилганлар паст бўлиб қолаверади, ҳа, гапимга ишонинг. Кимкики сизга ноҳақ озор берибдим, бир кунмас, бир кун ўзига ҳам аталгани бор. Жазои муқаррардан ҳеч кимса қочиб қутулган эмас, ҳа. Тепада у бекор ўтирибди дейсизми! Ҳаммасини кўриб-билиб, сарҳисобидан ўтказиб қўяди. Олдида иккита дафтар: савоб ишингиз бир дафтарга, гуноҳингиз бир дафтарга тушади. Қани, жавобидан бўйин товлаб кўринг-чи! Йў-ўқ, қутулиб бўлсиз! Шунинг учун бандаси ҳар бир қадамини ўйлаб босиши керак. Чакки қадам қўйдингизми, тамом, гуноҳ дафтарига бир чизиқ тортиб юборса, кейин у ёқда жавобини бераверасиз! «Қилма — топарсан» деган нақл ана шундан, мулла Нуриддин!

Чолинг бу содда фалсафасини эшитган Элчиев касалхонага тушганидан бери биринчи марта илжайиб қўйди:

— Э, бўлмай кетинг-э, ота! Дафтари бор денг...

— Бор, бор! — деди чол худди ўз қўли билан ушлаб кўргандек комил ишонч билан.

Дафтари бўлса... бу дунёдаги қабоҳату разолатни ёзиб битказишга варақлари етармикан? Савоб йўлига — савоб деб қилинган гуноҳлар-чи, уларни қайси дафтарга ёзади? Ё уларга алоҳида, учинчи бир дафтар очадими? Қоғоз дегани сероб экан-да у ёқда...

Элчиев кўнглидан кечган бу гапларни чолга билдирмади, албатта — кесса одам, оғриниши мумкин. Майли, шу ақидасига ишониб, шу ақидасига таяниб яшайверсин. Нафсиламри, энг оқил, энг адолатли йўл шу эмасми? Гуноҳ қилганга жавоб — жазо, савоб иш қилганга жавоб — сийлов... Қанийди, ҳамма ҳам ана шуни билса, ана шунга ишонса, амал қилса!..

Бу гал келганлар тўрт киши эди: бўлим бошлиғи Ортик Исломович, катта инспекторлардан Тўрамаатов, Зиёмухамедов, иқтисодчи Баҳром ва... Мўминбоев! Шу одамга кўзи тушган заҳоти аллақерига тиг тортиб юборилгандек бўлиб, Элчиев бошини эгиб олди. Сўнг, то кетишгунча у томонга қарамасликка тиришди: қараса, кўзининг қири тушса бас — яна тилади ўша тиг!

Мўминбоев билан беш-олти йилдан буён бирга ишлайди, аммо ҳануз ўнинг қанақа одам эканини билолмайди: дўстми, душман? Бир қарасангиз — кишининг раҳмини келтирадиган даражада содда-баёв, ҳатто ғариб, бир қарасангиз — ундан муғамбири, ундан доғулиси йўқ. Турки ҳам совуқроқ бўлгани учунми, кўпчилик хушламайди, чеккалаб туради. Бироқ у жон-жаҳди билан даврага қўшилиб олишга, диққат марказида туришга интилади. Кириб олган эса, ўзини дарров синашта тутиб, қовушган-қовушмаган ҳазиллари билан ё бировнинг кўнглини хуфтон қилади, ё бировникини вайрон. Лаҳза ўтмай, ўша одамнинг елкасига қўл ташлаб «дўстим»лашга тушади. Бояги гапи ҳазил-мутоибамиди ёки жиддийми — ажратолмай армонда қолаверасиз.

Айниқса, ўша кечаги луқмасидан бери Элчиев уни кўрса балони кўргандек безиллайди. Аксига, у ҳар сафар қўшилиб келади. Келгани билан кошки индамайгина ўтирса ёки одамга ўхшаб сўз қотса! Биринчи мартаси ҳали ҳеч ким сўрамаган, сўраш тугул, у ҳақда оғиз очишга ҳам истиҳола қилган гапни кўзгаб қолди: «Қани, эшитайлик-чи, нима қилдингиз? Қандай бўларкан?» Бу мардум бошлаган нарсасини кавлаб туб-тубига етмагунча қўймаслигини яхши билган Элчиев, ўша тунги машҳуротдан вужуд-вужуди титраб, лекин ўзини амал-тақал қўлга олиб: «Афсус, ҳушдан кетганимда қон ўз-ўзидан қотиб қолибди, — деди. — Шунинг устига ўғил кирган...» «Э-э, сувга тутмасиз-да, сувга тутиш керак эди!» деб қолмайдими шунда Мўминбоев! Бирга келганлар тамом мулзам тортиб, ерга қаради. Элчиев бу одамнинг фаросатсизлик орқасидами оғзидан чиқиб кетган гапини пардалаш, шу баҳона бошқаларни хижолатдан қутқазиб ниятида сўзни ҳазилга бурмоқчи эди, эпалаёлмади — заҳари юзага қаққиб қолди: «Энди сафар сиз айтгандай қиламиз-да, ука...»

Ишхонадан иккинчи дафъа одам келганда улар орасида Мўминбоевнинг йўқлигини кўриб Элчиев сал энгил тортиди. Келолмаганининг сабабини эшитиб эса ғалати аҳволга тушди. Бошда ичидаги аламни ёқимли бир эпкин силаб

ўтгандек бўлди-ю, кейин бундан хижолат чекди; яхшими, ёмонми — хизматдоши, унга ачинди, «Чатоқ бўпти, бола-чақали одамга жабр», деди. Келганлар негадир мийиқларида кулиб қўйишди.

Мўминбоевнинг уйини ўғри урганмиш. Куппа-кундузи. Уйда ҳеч ким йўқ экан. Кирибдию бор-будини шилиб кетибди. Мўминбоев ҳозир миллесама-миллиса чопиб юрганмиш...

Бу гапнинг тафсилоти Мўминбоев кейинги навбат келганида маълум бўлди. Хонадагилару бирга келган шерикларидан тортинмай-нетмай, кула-кула ўзи гапириб берди.

Уша кун ишдан барвақтроқ қайтиб, уйига борса, эшиги очик, лекин ҳеч ким йўқ эмиш. Хоналар тўс-тўполон: тахмон-тўрсиқ ағдарилган, кийим-кечагу буюм-жиҳозлар сочилиб, тўзиб ётибди. Шошиб қолган уй эгаси буларга қарамай, хуфя бисотларини текшириб кўришга ошиқиб турганида хотини ҳам ишдан келибди. Икковлашиб ҳамма-ёқ, ҳамма туйнукни кўздан кечириб чиқиб, лол қолибдилар: ҳеч нимага қўл теккизилмаган, бари жой-жойида! Бир вақт хотини ўзининг зёб-зийнатларини тафтигани ётоқ бўлмашига кирибдию дод солиб юборибди: тилла тақинчоқлари йўқ эмиш! Келинлик сепидан эсдалик яп-янги хитойи сочиққа ўраб қўйган экан — йўқ! Буни эшитиб эр парво ҳам қилмабди: уларни ўзи олиб берган — бир узугу иккита исирға — зирак, қолаверса, улар соф тилла эмас, анчайин тилла суви югуртирилган қалбаки буюмлар экан. Лекин сир-бой бермай, шартта милласдан одам қақириб, акт туздирибди. Бор бисотини суғурта қилдириб қўйгани зўр иш бўлган экан, оғзига сиққанича айтибди... Бир ярим минг сўм чиққанмиш!

Эртақ, қип-қизил эртақ, шарманда эртақ! Шуни ҳеч кимдан уялмай, ҳеч кимдан тортинмай, ўз оғзи билан, яна денг, мароқланиб гапириб ўтирибди. Уша пулдан юз сўми эшикни янгилашга кетгани чатоқ бўлганмиш, холос...

Сўзларини тинглаб туриб Элчиев бу кимсага баттар ачиниб кетди: «Қап-катта одам, баобрў бир даргоҳда хизмат қиладиган, бола-чақали одам! Пасткашликнинг, густоҳликнинг чеки йўқ экан-да...»

Мана, у, яна келиб турибди — илжайиб-ишшайиб, тағин бир дунё тухмату маломатни йиғиб, қўлтиқлаб! Эшиқдан кирмаёқ лафзидан изғирин уфургандек бўлди:

— Етибсиз, Элчиевич, маза қилиб, дамни олиб?! Яшанг!

Элчиев пинак бузмади — аллақачон эти ўлиб кетган; ёстиғини девор томон суриб суючон ўтираркан, «Келинлар», дея хизматдошларини қаршилаган бўлди.

Ишхонада янгилар катта эмиш: Нодир Файзуллаевич бошқа ишга ўтибди!

— Ростданми? — деди Элчиев беихтиёр ҳовлиқиб.

— Ҳа, шундай бўлди, — деди Ортик Исломович куйниб. — Кўтарилиб кетдилар.

— Жойига одам тайинлангандир? Ким экан?

— Ҳозирча йўқ, — дея хушламайроқ жавоб қилди бўлим бошлиғи.

Мўминбоев ҳиринглаб, тутуруқсиз луқма қўшди:

— Уларининг тузалиб чиқишларини пойлаб турибмиз энди!

Кейин собиқ бошлиқнинг яхши-ёмон жиҳатлари ҳақида гап кетди. Камчиликлари кўпроқ тилга олинди, албатта. Тўрамаатов билан Зиёмухамедов зўр бериб уни қоралашди, Ортик Исломович жон куйдириб ҳимоя қилишга уринди. Мўминбоев гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ён босиб, ўртада муаллақ турди. Баҳром негадир муҳокамага аралашмай, хомушроқ ўтирди.

Ҳамкасбарининг бирорта гапи Элчиевнинг қулоғига кирмади: янгилар уни ҳангу манг этиб қўйган эди.

Хизматдошлар кетишга шайланиб ўринларидан туришаркан, Мўминбоев ўзича яна аския қилмоққа уринди: — Янги бошлиққа тайинладиган гапингиз йўқми, Элчиевич? Айтинг, нима деб қўяйлик?

Келганидан буён бирон бир сўзига жавоб ололмаган кимсанинг бу ҳазили ҳам сабил кетди.

Элчиев ҳозир қаттиқ пушаймонликда қолган, изтиробда ўртанмоқда эди.



Уша кезларни эсласа, қандай чидаш берганига, қандай яшаганига энди ўзи ҳайрон бўлади. Айниқса, касалхонадан чиққан дастлабки кунлари на уйда ҳаловати қолди, на ишхонада. Уйи арининг уясидек гавжум: кўргани келганлар, тугун кўтарган аллақандай аёллар, воситачи даллоллар; кейин — мўмай ваъдаю таҳдидлар, миш-мишу ғийбатлар, ундан кейин...

Ишхонада-ку тушлик чоғи ҳам ташқари чиқолмай қолди. Учраган одам, илгари тузук танимайдиганларигача, тумшугининг тагига келиб юз-кўзига тикилади, тортинмай-нетмай ушлаб ҳам кўради, бош чайқайди, ҳол сўраш баҳона, жанжалнинг ипидан-игнасига қадар билиб олмоқчи бўлади: улар неча киши эди, қаерингизга уришди, можоро нимадан чиқди ўзи, кайфингиз бормиди, дўхтирлар нима дейиш-япти, терговчилар-чи, энди нима қилмоқчисиз — қаматасизми, йўқми... ва ҳоказо, ва ҳоказо. Кимдир затто «Ўлдириб кетишибди», деб эшитган эканми, Элчиевни кўриб ҳайратини яширолмади: кўзлари шокосадек бўлиб, турган жойида қотиб қолди.

Бўлимда ҳам қўллари бўшади дегунча шу масала, шунини муҳокама қилишади: терговда қаттиқ туриш керак, газетага ёзинг, ёзмасангиз, «ёпти-ёпти» қилиб юборишлари ҳеч гап эмас, бойвачча болалар экан, терговчилари ҳам бордир, дўхтирнинг хулосасини ўзгартирмася бўлмайди, бундан бу ёғига сергак, ҳушёрроқ юринг, унақаларнинг қўлидан ҳар иш келади... Нуқул ташвиш, нуқул таҳлика...

Булар бир сари, булар майли, терговга чақиравериб энкатинкасини қуришиб юборишганини айтинг! Бошда уни қувватлаб турган терговчи, навбатдаги сафар борганида бирдан тўнини тескари кийиб: «Ҳамма айб ўзингизда — кайфингиз тарақ экан, уларни қаттиқ ҳақорат қилибсиз, сўкибсиз, ўзингизни жавобгарликка тортиш керак!» дея дўғу давара билан қарши олса бўладими! Элчиев бир неча дақиқа тили калимага келмай ўзини йўқотиб турди-да, сўгкутилмаганда терговчининг олдидаги қоғозлардан дўхтирнинг хулосасини юлқиб олиб: «Бу нима, бу нима?!» деб бақириб юборди. Эшикни қарсиллатиб, чиқиб кетаркан: «Агар сенларда ҳақиқат қолмаган бўлса, борадиган жойимга бораман!» дея пўписа ҳам қилди. Тўғри қилган экан, кейинги гал борганида, ҳайтовур, уша терговчининг ўзи уни жуда мулоим пешвоз олди, «Учаласини ҳам қамаб қўйдик, лекин қийин бўляпти, ака, қийин...», деди негадир ўйчанлик билан.

Шу-шу, даъвосида маҳкам турган Элчиев қайтиб терговга бормади: билганини қилишсин энди! Аммо, қани тинчиса, қани дилидаги алам ҳовури босилса! Унутай-унутай деганида яна кимдир, нимадир ёдига солиб қўяди. Кечалари кўз ўнгига ўша қиёмат қайтадан жонланади, уйқулари қочиб, ўрнидан туриб кетади; кундузлари кўчада дуч келган кимса борки, бехос дўппослайдигандек туюлади. Хотинининг олдида, катта-катта бўлиб қолган фарзандларининг, кўрган-эшитган таниш-билишларининг олдида нимадандир айбдордек хижолат чекади, уялади. Уй, ўй, ўй...

Ана шундай азобли кунларининг бирида кечқурун ишдан қайтса — уйда бир тўда нотаниш хотин. «Бирон жойдан совчи-повчи келдимикан?» деган хаёлда индамай ётоқ бўлмасига кириб кетди. Плашини ечиб улгурмасидан изидан хотини кўрипти: Элчиевнинг олдида келишганмиш, Элчиевни сўрашаётганмиш. Анови масалада...

— Учта хотин,— дея ахборот бера бошлади Мастура.— Бировининг ўғли экан, бировининг укаси, бировининг эри. Учовлашиб келишибди, сиз билан гаплашишмоқчи. Ана, йиғлаб ўтиришибди. Айниқса, ўғли учун келгани: «Ҳали уйланмаган ҳам эди, ёлғиз ўғлим, жувонмарг бўлиб кетмасин, эрингизга айтинг», деб изилляпти. Келинчагини айтмайсизми! Бойвуччароқ кўринишгани билан яхши хотинлар экан, одамнинг раҳми келади...

Элчиев бирдан гутақиб, зуғум аралаш ўшқирди: — Узингнинг эрингга раҳминг келмайдими? Эрингнинг жони сабил қолганми?! Бор, ҳеч қаёққа чиқмайман — ҳамма гапимни терговда айтганман! Бошқа муомалага тоқатим йўқ!

Буниси ҳали чакана бозор экан, индинига бундан ҳам антиқароғи содир бўлди.

Тушдан кейин уни нотаниш бир киши сўраб келди. Хонасидан чақириб олиб, «Ҳолироқ жойда гаплашсак.

Нуриддин ака», деди. Бегона одамнинг оғзидан исмини эшитиб Элчиев таажжубланди, «Ҳай, юринг», дея уни коридор адоғидаги айвончага бошлаб чиқди.

— Келинг, хизмат!— деди унга бошдан-оёқ кўз югуртириб.

Ҳалиги киши панжарага суяниб пастга бир қараб олдию: — Ухў-ў, осмону фалак-ку! Одамни шу ердан ташлаб юборса, соғ қолармикан?— деди мужмал кулимсираб.

Минг мартаб бу ерга чеккани чиққан одам — Элчиев ҳам пастга назар ташладию дафъатан юраги орқага тортиб, сесканиб кетди: бояги гапданми, баландлик ваҳимасиданми — билолмади.

Етти қават пастда — кўча ҳар доимгидек гувиллаб турар, физ-физ машиналар ўтар, саноксиз оломон, етти қават баланддаги бир одамнинг дилида кечаётган таҳликаю ғалаёндан беҳабар, оломонлиги билан машғул эди. Одатдаги манзара...

— Гапиринг энди гапингизни!— деди Элчиев сездирмайгина панжарадан тисланаркан, бир қадар кўпол ва бесабр оҳангда.

— Гапирса-ак, гап бундай, акам...— дея унга тик боқиб сўз бошлади нотаниш киши...

Гап шуки, болалар боалик қилишган. Уша кунини озроқ отиб олиб, ўзаро ғижиллашиб туришган экан. Элчиев кўзларига балодек кўринганми, ўзларини тугтолмай қолишибди. Узр, минг бор узр. Оёғига тиз чўкиб тавба қилмоқча ҳам тайёр улар. Майли энди, бўлган иш бўлибди, бўлмаган иш ҳам бўлибди. Орада учта бирдек йигит жувонмарг кетмасин. Уларнинг ҳам ота-оналари бор, бола-чақалари бор. Узлари ҳам чакана йигитлар эмас: икитаси дўконда хизматда, қолганлари шуларнинг улфати. Катта-катта жойларда сўрайдиган одамлари ҳам йўқ эмас, томирлари анчамунча ерга борган. Бу савдо ўшаларнинг қулоғига етса, ранжишлари мумкин. Болалар-ку, турган гап, чиқиб кетишади бир кун, аммо кейин Элчиевга унча «чиройли» бўлмайди. Яхшиси, ишни чўзмабозор қилиб юрмай, келишиб қўя қолганлари маъқул. Элчиев даъвосидан кечса, битта машинали бўлади. Бунга кўнмаса...

— Унта беришмоқчи!— деди нотаниш киши аллақандай тантана билан.

— Ун минг сўмми?!— деб сўради нимадандир кўрқиб кетган Элчиев гангиброқ.

— Ҳа, камми? Кам бўлса...

Элчиев асабиёна бир ҳолатда чўнтақларини устидан шапшап урганча сигаретини қидира бошлади. Тополмади. Столда қолдирганини эслди. Баттар асабийлашди.

Хўш, кўнди ҳам, ўн минг сўмни олди ҳам, дейлик. Лекин — хўрлик-чи, хўрланганлари-чи! Юрак-бағри хун бўлганлари-чи! Уларни ким тўлайди? Чеккан азоблари, изтиробларининг ҳақи нима бўлади? Йўқ! Уни сотиб олишмоқчи булар, ёш боладек алдаб сотиб олишмоқчи! Сотиб олиб, устидан кулишмоқчи — яна хўрлашмоқчи, бир умрлик қийноққа солишмоқчи!

Йўқ! Йўқ! Алҳазар!

— Кам! Кам!— деди Элчиев қичқиргудек, жазава аралаш.— Юз минг!

— Ух-ў! Иштаҳалари чакимас-ку, акам!— дея қулиб юборди нотаниш киши.

— Кам эмас, бир тийин ҳам кам эмас!— деди Элчиев бирдан ҳовурдан тушиб, лекин ҳамон бояги қатъият билан.— Йўқ, ука, гап пулда бўлса... Кечирасиз, қаерда ишлайсиз ўзингиз?

Нотаниш одам довдираб қолди, кейин узундан-узоқ алламбалоларнинг номини тилга ола бошлади, аммо улардан биттаси ҳам Элчиевнинг қулоғига кирмади — хаёлида яқнаш бир гап айланарди: «Даллол, даллол... Бировнинг хунини пуллайдиган, куппа-кундузи пуллайдиган жаллоб... Қандай жирканч!»

Сўнг унга сарупо разм солиб қаради. Йўқ, қиёфасидан эсда қоларли бирон бир жиҳат тополмади; бошқалардан фарқлаб турадиган ҳеч бир белги ё қашқаси кўринмайди, ҳаммага баравар ўхшашиб кетаверадиган сийқа, жўнгина бир афт-ангор; ана, бунақа нусха кўчада сон-мингга, ўшаларнинг оддий вакили, ўшалардан биттаси... Аммо — биттаси, бит-таси!



— У-я!— Шундан бошқа гап айтмади Элчиев, шартта бурилдию ичкари кириб кетди.

Аччиқ устида келиб бу ҳангомани хизматдошларига сўзлаб берибди. (Кейин ўйласа, ўшанда шошган, хато кетган экан, қаттиқ пушаймон еди. Пушаймон нимаси!..) Биров кулди, биров ғазабланди, биров ишонмади, Мўминбоев эса одатдаги совуқ гапини қилди:

— Олавермабсиз-да, Элчиевчи?! Ҳа, юзингиздаги шишган-синган жойлар битиб кетди-ку! Пул ёнга қоларди. Бекордан-бекор ўн минг тутқазиб турибди-я! Ўн минг-а, ўн минг! Зап пулдор анойилар бор-да! Урнингизда мен бўлганимда...

Бошқалар бу гапни ҳазилга олишди, Элчиевнинг ўзи Мўминбоевга бир ўкрайиб, хонадан чиқиб кетди: ҳозир ҳар қандай ҳазил унга зилдан баттар ботадиган аҳволда эди.

Душанба кун эрталаб котиба қиз Манзураҳон уларнинг бўлимига бош суқиб: «Нуриддин Элчиевич, сизни Нодир Файзуллаевич сўраптилар, ҳузурларига кираркансиз», деб қолди тўсатдан. Нодир Файзуллаевичнинг олдида! Элчиев қаттиқ ҳаяжонга тушди. Нодир Файзуллаевич — энг катта бошлиқ, уни — Нуриддин Элчиевни қақиртирибди! Нега, нима масалада экан?

Гап шундаки, Элчиев ҳали бирор марта Нодир Файзуллаевич билан рўбарў бўлмаган, икки оғиз сўзлашмаган, табиийки, ўтирадиган хонасини ҳам кўрмаган эди. У ишга келган кезлари маҳкама эски бинода, уни хизматга қабул қилган бошлиқ ҳам бошқа киши эди. Ундан бери нечтаси аллашди, нечови келиб-кетди — ҳисобини ҳам билмайди Элчиев. Бу улкан даргоҳда у оддий бир ходим, кичкина одам, бошлиқ ўзи қақиртирмаса, унинг олдида сақич сўраб кирадимиз? Қолаверса, ундай бошлиққа тушгулик иши йўқ, ҳар қанақа юмуш бўлса бундайроқ, жайдари бошлиқлар билан ҳам битаверади. Нодир Файзуллаевич эса — катта бошлиқ, катта одам, арбоб. Уни ҳамма «ажойиб инсон, аjoyиб раҳбар» деб таърифлайди. Олдида кирган одам иши битмай, ноумид чиқмасмиш. Қайдам, бўлса бордир, ҳузурга кирмоқ у ёқда турсин, Элчиев у билан ҳатто қўл олишиб саломлашмаган ҳам. Аҳён-аҳён умумий йиғинларда узоқдан бир кўриб қолади, холос. Тўғри, бир пайтлар бир курсда ўқишган, аммо ўшанда ҳам тузук таниш эмас эдилар; у қўшни группада ўқирди, комсорг эди, доим башанг кийиниб аллақайёққа ошиқиб турарди. Молия оламида тўсатдан чақнаб, бу маҳкамага бурноғи йили раҳбар бўлиб келди. Айтишларича, бағоят тез кўтарилибди, келажаги порлоқ, яна ўсар эмиш.

Элчиев унинг ҳовлисини, уйини ҳам кўрган. Бултур отаси вафот қилганда бир автобус бўлиб боришган эди. Бодомзордаги обод, хушманзара маҳаллалардан бирида, топишга жуда ўнғай жойда яшар экан. Дарвоза тагида, бир тўп казо-казолар даврасида, бошида дўппи, эгнида чопон-белбоғ, ғарибона мунғайиб турган Нодир Файзуллаевичга кўзи тушиб, Элчиевнинг алланечук ичи ачишиб кетди; отасининг қазосини хотирлади, ўзича ниманидир таққослаб кўрди, уялди, хижолат кечди. Бироқ, дарвозадан ичкари кирди-ю, «Тўйми бу, азами!» деб ёқа ушлаб қолгудек бўлди: ана шундай дабдабаю асъаса! Ҳовли ҳам шоҳона, гулу гулзор эди; ўртада мрамар фаввораю баланд-баланд азамат ишқомлар...

Элчиевни ана шу киши йўқлатибди. Нима учун, нима масалада?

Унинг ҳузурига ҳайрат билан кирган одам у ердан ҳайрат билан, шалвираб, тутдек тўкилиб чиқди. Синиб, пажмурда бўлиб, бошқа кимсага айланиб! Энди ўзига келиши қийин, мушкул...

Йўқ, ўзи эмас, жасади чиқди у ердан — жони қолди, жонини суғуриб олдилар, шундай беозор, мохирона суғурдиларки, сезмай ҳам қолди, у сабил жонни ўзи чиқариб берди ҳисоб!

У ерга кирганида даставвал жозибадан кўзи қамашиб, ўзини йўқотиб қўйди. Жозоба уни юмшоққина жойга ўтқазди, ширин-ширин табассумлар қилди, тотли сўзлар айтди. Сўнг қаёқдандир мулоим бармоқлар пайдо бўлдию эркалаганча тамоми жойини силаб-сийпай бошлади. Ҳузурмисан — ҳузур! Сал мудраган экан, бояги жозоба оғзини очиб, тилининг устига нимадир солиб қўйди. Бол экан, бол! Бир маҳал тили музлаб, бор-йўғи билинмай

қолди. Шунда жозоба жозобали жилмайиб: «Бу матаҳ сизга ортиқча, халал беради, бусиз ҳам яшайвериш мумкин, қайтага яхшироқ бўлади», дея уни кесди, шартта кесиб ташлади. Жўнгина, осонгина! Ундан кейин эса жонига хужум бошлади...

Мана, энди у тилсиз, жонсиз бир гавда, қуруқ гавда, жасад...

Нодир Файзуллаевич уни жилмайиб қарши олди. Тўрдаги столдан туриб келиб, қўл бериб кўришди ва чоққина хонтахтанинг икки ёнидаги юмшоқ курсилардан бирига таклиф этиб, ўзи рўбарў ўтирди.

Одам бемалол ўз аксини томоша қилса бўладиган ярқирок, сербезак жиҳозлар; деворларда турли-туман рангдор суратлар, ҳайкалчалар, ёзувли, нақшбанд мис кўзалар; бурчакдаги пастак столда тартиб билан териб қўйилган чўғдек жилдлар, китоблар; хушбўй атир ҳиди... Музей дейсиз, музей! Томошахона! Элчиевнинг оғзи очилиб қолди. Нодир Файзуллаевич хонтахта устидаги қордек ёпинчиқни кўтарган эди, баттар ҳайрати ошди: антиқа ишлар, ликобчалар, финжонлар...

Бошлиқ узунчоқ биллур идишга минерал сув қўйиб узатди ва «Қани, марҳамат», дея шира-шарбатга ишора қилди.

— Оббо, Нуриддин ака, ей, ким десам, ўзимизнинг одам экансиз-ку! Бундай кириб ҳам турмайсиз, ҳар ҳолда, бир пайтлар бирга юрган, бирга ўқиган эдик. Шунчалик экан-да, яшанг-э!

Элчиев таажжубдан бир қалқиб тушай деди: «Ака»?! «Ака» деяптими? Билар экан, отим ҳам эсида! Мана, ранжиб гапиряпти. Айтганларича бор, бало экан бу одам, авлиё!» Ҳа, қўпичча шундай бўлади: кимнидир бировни орқава-ротдан ёмон кўриб, ёмонлаб юрамиз — бекордан-бекор, бесабаб. Балки у чиндан ҳам бемаза одамдир, балки олижаноб инсон деганлари шу чиқар — билмаймиз-да. Мана, Элчиев Нодир Файзуллаевични ўздан-ўзи ёқтирмасди. «Омади чопган бир олғир-да», деб ўйларди. Энди қараса, уни яхши билмас экан, холос.

Манзураҳон оппоқ сочқ тўшалган баркашда қаҳва кўтариб кирди. Нодир Файзуллаевич зарҳал гардишли нафис кулоқпиёлалардан бирини олиб унга тутган эди, Элчиев «Ўзингиз, ўзингиз», дея қайтарди, сўнг узрини айтиб, изоҳлади: «Ошқозон чатоқ». «Ҳа-а, ундоқ бўлса...», дедию бошлиқ яна ширинликларга манзират қилиб, қаҳвани ўзи ича бошлади. Ғалати: бир қултум ундан хўплайди, бир қултум минерал сув — томоғи оғримасмикан? Курсига ястаниб олган. Қараб туриб Элчиевнинг унга ҳаваси келди. Жуда бичими келишган, жуда кўркам, тўкис одам. Сочида битта ҳам оқ кўринмайди, қоп-қора, тўлқин-тўлқин, тишлари ҳам бенеуқсон, доналаб териб қўйилгандек; билагидеги соату эгнидаги либосларни айтмаса ҳам бўлади — олиймақом. Навқирон, пўрим йигитнинг ўзи! Бунақа каттакон маҳкаманинг бошиғи деса ҳеч ким ишонмайди. Ваҳоланки, бирга ўқишган, мана, ўзи айтиб ўтирибди, ёшлари ҳам баварар бўлса керак. Мансаб одамини шундай яшартирар экан-да, ажаб!

Аллақайёқдан паст, майин бир мусиқа, кўшиқ эшитиларди. Хона деворларидан таралаётгандек бу сеҳрли оҳанг Элчиевни ҳар тарафдан чирмаб олаётганга ўхшади — бамисоли қўшиқнинг ичида, орасида ўтирибди.

— Аҳмад Зоҳир... — деб қўйди Нодир Файзуллаевич. — Яхши кўраман. Одамни сел қилади. Ўзи афғон.

Қўлидаги қаҳвани ичиб бўлгач, у Элчиевдан ошқозон дардини суриштирди, ўзича маслаҳатлар берди, қандайдир ноёб дорини топишга кўмаклашаганини айтди. Кейин талабалик йилларига ўтди; ўзининг қаерларда ишлаганидан, нималардандир қийналганидан гапирди; Элчиевнинг оиласига, ишларига қизиққан бўлди, ҳамон оддий инспекторликда юрганига ажабланди, шунга боғлиқ бир латифа ҳам сўзлаб берди — хуллас, узоқ йиллардан сўнг қайта учрашган собиқ курсдошлар, кадрдон курсдошлар ўзини қандай тутса, шундай муомала қилди. Ана шундан кейингина асл муддаога кўчди, гапни бунга силлиққина буриб келди — билдирмай, сездирмай, малолсиз, бемалол.

Муддао шу эдики... Сиз билан биз энди болаларимизнинг тақдирини ўйлашимиз керак. Майда-чуйда жанжаллару сўроқ-терговлар, гувоҳлигу даъвогарлик дегандай машма-

шалар бизга энди ярашмайди. Айтишларича, қалтисроқ иш экан, нозик жойларга бориб тақаларкан. Агар бу иш чувалиб кетгудек бўлса, бошқа баъзи нарсалар ҳам очилиб қолиш хавфи бор эканки, унда... унда чатоқ бўлар экан. Ҳаммага — Элчиевга ҳам, Нодир Файзуллаевичнинг ўзига ҳам(!). Яхшиси, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверсин. Нодир Файзуллаевич ҳам, Элчиев ҳам аралашмаганлари маъқул. Начора, ёмонларнинг қўлидан ҳар иш келади, бало бас келсин уларга! Ваҳшийлар! Шуларнинг ҳам номини инсон деймиз-да, а, Нуриддин ака!..

Нодир Файзуллаевич узоқ гапирди. Унинг ҳамма гапи қўялидек, маъқулдек эди, Элчиев эриб-ийиб тасдиқлаб ўтирди. Айниқса, сўнги жумлалари қаттиқ таъсир қилди унга: «Ўғлингиз бор, қизингиз бор, шуларни ўйлашингиз керак, қўйинг бошқасини...» Беихтиёр кўзига ёш келиб кетди. Тўғри айтади бу одам, авлиё экан бу одам. Болалари бор, ўғли, қизи. Қизи, суюмли тўнғичи, илк орзуси, илк ҳасрати, бахти, бахтсизлиги...

Дафъатан қулоғи шанғиллаётганини пайқади у. Жимлик, қулоқни ёргудек сукунат. Бояги куй-қўшиқ нима бўлди, қачон тинди?

Ашула тулаган эди. Иззатнинг битди, байраминг ўтди, бу ёғи...

— Маслаҳат шу, Нуриддин ака!—деди бошлиқ стол оша унинг кифтига дўстона қўл ташлаб.

Маслаҳат шуки, давонгиздан кечасиз! Кечмасангиз...

Элчиев қўриқиб кетди, Нодир Файзуллаевичга мўлтираб тикилди: нима қил дейсиз? Ҳозир у, жонингни чиқариб бер, деса, тайёр эди Элчиев!

Бошлиқ узаляб столдан бир варақ қоғоз олди-да, ёнидан жимжима бир ручка ҳам чиқариб унга тутқазди. Бошқа ҳеч нима демади, жозибали жилмайибгина тураверди. Бу табассум, бу мурувват ёғдусидан мана шу кенг, нурафшон хона янада ёришиб кетгандек бўлди; ночор бир кимсаннинг юраги ҳам, афтода, аламоқ юрак ҳам!

Элчиев шоша-пиша: «Даъвом йўқ, ўзимдан ҳам ўтган эди», деган мазмунда тилхат ёзди-да, қоғоз бўлан ручкани Нодир Файзуллаевичга узатди. Бошлиқ қоғозга бир кўз югуртирдию: «Бўпти. Бунақа хатларни ёзишга уста бўлиб кетибсиз-а!», дея мақтаб қўйди ва ручкани қайтариб тутқазди: «Бу сизга. Олиб қўяверинг. Эсдалик. Суриядан олиб келганман».

Кейин Элчиевнинг қўлтиғидан олиб, «Мана шундай кириб-кириб туриш-да, Нуриддин ака», дея эшиккача кузатиб қўйди. Шу. Бўлган гап шу.

Элчиев унинг ҳузуридан чиқибоқ айвончага қараб югурди. Бориб ютоқа-ютоқа чекаркан, бир жумбоқдан мияси қизиб кетди: «Тавба, ўша безориларнинг бу улўсифат одамга нима алоқаси бор экан?..»

Чамаси, усталар ишлаяптими, пастки қаватдан бир маромда тўқиллаш товуши келарди. Болганинг бу зарблари «Бор! Бор! Бор!» дегандек бўлиб эшитилди Элчиевга...

У судралганча бўлимга кириб борганида ҳамма уни пойлаб ўтирган экан, дарҳол гирдини қуршаб олишди:

— Нима гап? Нима дейди? Янгилик борми? Қайси бўлимга?..

— Э, хотиннинг сингисига куда экан,—деди Элчиев бўш қопдек шалвираб жойига чўкаркан.

— Ким? Нодир Файзуллаевичми?!

— Йўғ-э, анови болалар.

— Қайси болалар? Их, уларнинг Нодир Файзуллаевичга нима алоқаси бор?! Қаердан келяксиз ўзи, Элчиев? Нима бўлди сизга?

— Қариндош бўлса бўлар!—деб шанғиллади бир бурчакдан Мўминбоев.—Берганнинг юзига қарама, дейдилар, бергандан кейин олаверсангиз-чи, нодон!

Ўша кундан бошлаб Нуриддин Элчиевни таниб бўлмай қолди. У бирдан ўзгарди. Ҳаммининг кўз ўнгида ўзгарди, бутунлай ўзгарди. Юриш-туриши ҳам, атрофдагиларга муносабати ҳам, бошқаси ҳам...

Ана шундай гангиб, ўзини, ўзлигини бой берган каби телбанамо бўлиб юрган кунларининг бирида эски қадрдонни Шомурод ака уни ёнига имлаб қолди.

— Эшитдим, ўғлим,—деди у қўлидаги доим тайёр чойини узатиб.—Бошингиздан не бир балолар кечганмиш. Бандасининг боши тошдан, ҳа, у ҳаммасига чидайди — мажбур-

да. Баҳонаи сабаб, бир ис чиқарвормасангиз бўлмайди энди. Омон қолган жондан садақа дегандек. Расми шу, бўтам.

Элчиевнинг дилида ҳам шундай бир ният бор эди. Кечқурун келиб хотини билан маслаҳатлашди, у ҳам маъқуллади. Икковлон ўтириб режа туздилар: ким-кимларни айтамыз, нима-нималар олиш керак. Узининг туғилган куни яқин экан, ўша билан қўшиб ўтказадиган бўлдилар.

Мастура эртасидан бошлаб тайёргарликка киришиб кетди. Элчиев ҳам жамғармасидан яхлитини кўтариб, бозор-ўчарнинг тараддудига тушди. Ҳозирлаган жойи етадимми, йўқми ўйлаб ўтирмай, кўрган одамнинг барини айтиб чиқди. Икки кун олдин акасига кўнғироқ қилган эди, у: «Бу сафар боролмасам керак, ука, совхозни комиссия босган,—деди.—Хафа бўлма, бирортасини жўнатарман, балки Нусрат борар...»

Элчиев хафа бўлди, вазиятини билатуриб ундан ранжиди: акасининг келишини, яхши-ёмон олдига уйининг тўрини тўлдириб ўтиришини шу гал айниқса жуда-жуда истоган эди. Барибир умид узмай ўша куни ҳам илнж билан йўл пойлади. Бир хуржун мева-чеваю тандиркабоб кўтариб етиб келган жияни Нусратни кўргач эса энсаси қотиб, баттар тажанглиги ортди.

Бу бало уни кейин бир зум тинч қўймади. Кундузи ҳовлида қўй сўйилиб, ўртадаги шийпонда маҳалла аҳли ошга йиғилганда ҳам, маслаҳатгўй отахони Шомурод ака ўғлининг машинасида кириб келиб, алқай-алқай дуо қилиб кетганида ҳам кўнгли ёришай демади, ичини ит тирнагандек пакар-паришон юрди.

Кечқурун, базм бошланганда хижиллиги хунобгарчиликка айланди. Худди муҳим бир нима етишмаётгандек, бу ташиш-тадориклари анчайин бачканадек, ҳамма уни масхаралаб ўтиргандек бўлиб туюлаверди. Ҳолбуки, кутилган деярли барча ҳозир эди. Фақат икки кишидан дарак бўлмади: қайнотаси билан дўсти Ҳайдар Самадовичдан. Қайнотасига кеча Мастурани юборган эди, «Бораман, албатта бораман», деганмиш. Ҳайдар Самадовичга-ку Элчиевнинг ўзи икки карра сим қоқиб, қайта-қайта тайинлади. «Бўпти, Элчиевич, бўпти, сизникига бормай кимникига борамиз!», деб ваъдани қуюқ қилди у. Мана, энди оғайнисини сарғайтириб, қорасини кўрсатмай турибди. Нега бундай бўляпти?

Зиёфат Элчиев кутмаганда зўр тантангага айланиб кетди. Уч хонаю ташқаридаги узун айвон лиқ тўла одам. Мастураю Жасуранинг қўли қўлига тегмайди, қўшни хотин-халаж ҳам кириб-чиқиб уларга қарашган, Нусрат ҳовлида буржсиётган кўра билан машғул, Низомиддин — бир ўртоғи ёнида, тўртинчи қаватга кабоб ташиб улгурмайди. Катта хонада эшикка яқинроқ — пойгадан жой олган Рўзиев бирпас ўтирса, бирпас чиқиб ул-булга кўмаклашган бўлади. Гапга чечан Турдиматов косагулликини ўрнига қўйиб, фарғонача шўх лутфлар билан базм аҳлига бирма-бир сўз бераётир. Гапирган одам «мана шундай тўкин, анқонинг уруғидан бўлак барча ноз-неъмат муҳайё шоҳона дастурхон тайёрлаган уй эгалари» шаънига сахийлик билан мақтов-маталлар ёғдириб, «ана шундай ғаройиб базмининг сабабчиси бўлмиш ажойиб инсон, ажойиб ота, ажойиб дўст, ажойиб иқтисодчи Нуриддин Элчиев»ни ҳамду саноларга кўмиб юбормоқда. Ажойиб, ажойиб!..

Нима, Нуриддин Элчиев олдин, шу зиёфатдан олдин ёмон одаммиди? Нобоп ота, нобоп дўст, нобоп ходиммиди? Нега келиб-келиб бугун, дастурхоннинг бошида уни бунчалик таърифлашяпти? Еки унинг қанақа одамлиги худди ҳозир, айна мана шу дақиқаларда маълум бўлиб қолдимми? Илгари қаёқда эди булар?.. Таомил. Ажаб таомил!

Элчиев гўё туш кўраётгандек, зиёфат унинг уйида эмас, ўзга бир жойда ўтаётгандек, мақтовлар ҳам ўзга бировнинг шаънига айтилаётгандек лолу маълул, ғалати бир ҳолатда ўтирарди. Кун бўйи бошқа гамда юриб, қорин ғамини нунтангиданми, ҳалиги дилғашлик туфайлими, устма-уст икки қадах ичдию маст бўлди-қолди. Ҳа, бу гаплар тушида кечмоқда, бу сўзлар тушида айтилмоқда...

Айниқса, боя хизматдошларидан эшитган янгилиги уни эсанкиратиб қўйган эди. Мўминбоев эшикдан кирар-кирмас, суюнчи олди: «Худо бераман деса, қўшқўллаб бераркан-да, Элчиевич!..» Гапнинг нимкосаси эса уйга



кирилганидан кейин аён бўлди. Бугун эрталаб Элчиевни Нодир Файзуллаевич яна йўқлатибди. Ортиқ Исломович бориб, унинг бир кунга жавоб олганини, узрини айтса, «шеф»: «Туғилган кунни экан, қатнашиш керак эди, афсуски, мен бугун Москвага учмоқчи эдим,— деганмиш.— Майли, коллектив бўлиб бориб, менинг номимдан ҳам табриклаб қўйинглار. Дарвоқе, унга аталган совғамиз ҳам бор...» Шундай деб у котибаси Манзураховни чақириб, Ортиқ Исломовичнинг кўз олдида унга буйруқ ҳозирлашни тайинлабди. Яқинда пенсияга чиққан Абдураazzoқовнинг ўрнига Нуриддин Элчиевни иқтисод бўлимининг бошлиғи қилиб ўтказиш тўғрисида буйруқ! Бу хабардан Элчиев ҳангманг бўлиб қолди...

Шовқин авжига минди, бировнинг гапни биров эшитмайди, кулги-қаҳқаҳа, кўпчилик сархуш. Базм қаҳрамони ҳам энди бир оз унутилгандек: ҳамма ўз гапи, ўз гурунги билан банд, қаерда ўтиргани, нима учун, ким учун келгани эс-хаёлидан кўтарилиб кетган.

Кимдир сўраганим, бир вақт Низомиддин магнитофонини кўтариб кирдию давра яна жонланиб, ялли тартибга эниб қолди. Куй-қўшиқ янграб, Баҳром билан Ҳабибулла деган йилгит ўртага чиқди, чайқала-чайқала ўйинга тушишди. «Айбдорнинг ўзлари ҳам турсинлар!», деб қолди Турдиматов. Кимдир қўлидан тортиб Элчиевни даврага судради. Қаёқдандир олдида хотини пайдо бўлиб, жилмайганча ўйинга чорлаб муқом қила бошлади. Бирдан ўйнагиси келди Элчиевнинг ҳам. Қўлларини белига қўйган тахлит, кифтларини учириб хотинининг гирдида чирпирак бўлиб айлана кетди. Даврада олқиш, хитоб, чапак: «Яша-анг, Нуриддин Элчиевич!», «Нуриддин ака ажойиб одам-да!» Элчиев ҳамон ўртада, негадир чимирилиб олган, юзи тўла жиддият, кўзларидан ёш чиқиб кетган — тўхтамай ўйин тушмоқда. Даврада қанча айланганини билмайди, бир пайт хотини тирсагидан ушлаб жойига ўтказаетганида ўзига келди. Пишиброқ қолибди-да, яхши эмас, яхши эмас, меҳмонларнинг олдида уят бўлади, тетик тутиси керак ўзини.

Бу вақт Мўминбоев сўз олиб, «ажойиб инсон»нинг шаънига яна кўп ажойиб хислатларни қўшиб мақтов ёғдирмоқда эди. У бирдан Элчиевнинг ўзига қараб сўзлай бошлади. Унинг бир гапи, йўқ, ўқи тўғри келиб Элчиевнинг юрагига санчилди. Кайфию карахтлиги қаёққадир учиб, у фавулудда хушёр тортиб кетди. Нега хушёр тортиди, нега ўша гапни эшитди?! Кайфи тарқашга тарқадий-ю, аммо бояги ўқ юрагига қадалиб тураверди.

Вақт алламаҳалга етиб, меҳмонлар қўзғалишди. «Яхши ўтирдингизми, ака?», «Хафа бўлмадингизми, укам?», дея алоҳида-алоҳида хўшлашиб уларни кузатаркан, яна бир ўқ юрагини тилкалаб юборди: останада талай кун бурун уйдан аразлаб кетган ўғли Камолиддин илжайиб турарди! Қўлида бир даста гул, алланимани қўлтиғига қистирган, фирт маст: «Табриклайман, дада...» «Бизнинг ўғил!» деди Элчиев уни меҳмонларига таништириб. Бу гапни фахр билан айтди, қаҳр биланми — билмайди, ёдида йўқ. Уғлини кўриб, юрагига қадалган қўшалоқ ўқдан вужуд-вужуди қақшаб кетганини билади, холос.

Меҳмонларни жўнатиб қайтиб келса — уй аллақачон супурилган-сидирилган, стол-стуллар жой-жойида, ҳамма-ёқ одатдагидек саранжом-саришта. «Бир зумда-я!» деб ажабланиб Элчиев: хайр-хўш қилиб кўчада хийла қолиб кетганини сезмабди. Ошхонада қошиқ-товоқнинг шакир-шуқури — кимдир ювмоқда шекилли. Айвонда қандайдир ғала-говур, қадаҳларнинг жаранги, кулги эшитилди. Элчиев даҳлизда оёғини ечаркан, узоқдан мўралади: Камолиддин, Нусрат, Жасура, яна тагин аллакимлар. Тик туришибди. Камолиддин, қўлида қадаҳ, ҳамма билан бир-бир уриштиряпти. Кейин, бир бурчакда Дина ҳам кўрингандек бўлди...

Элчиев индамай хонасига кириб кетди. Сўнги кунлардаги ташвиш-тадорикдан толиққанми, хотини донг қотиб ухлаб қолибди. Элчиевнинг ётгиси келмади, кўнгли аллатовур ғашланиб дераза олдида борди, энсиз тавоқасини очиб, чека бошлади.

Бир маҳал айвондагилар тапир-тупур қилиб қаёққадир чиқиб кетишди. Ҳаял ўтмай қўшни йўлакдаги бир деразадан

ҳовлига шуъла тушди, у ердан қўшиқ тарала бошлади: «Жизнь невозможно повернуть назад...»

Утган умр — ўтди, қайтариб бўлмас... Умр, умр... қайтариб, қайтариб... бўлмас, бўлмас...

Коса аллақачон тўлган эди, биргина томчиға маҳтал — лимиллаб турарди, бу ўй ана шу қалтис томчи бўлди... Элчиев ўз-ўзидан безовта бўлиб қолди. Негадир саросималаниб айвончага чиқди. Стол устида озгинаси ичилган шишага кўзи тушди. Ғайришуурий бир тарзда уни олиб пиёлага қуйди, сипқарди. Ҳеч қанақа таъсирини сезмади. Яна қуйиб, яна ичди. Яна, яна... Кимдир қуйиб бераверди. у ичаверди, қуйиб бераверди, у ичаверди. Шунда бир бал бўлди унга.

Мана, келишди, кетишди. Туғилган кунингни нишонламоқчи эдинг, одам айтдинг. Улар эса келиб сени ҳақорат қилиб кетишди, устингдан кула-кула, ёлғиз ташлаб кетишди. Бераҳмлар, жаллодлар! Анови ифлоснинг гапни қаранг: «Энди бунақа ҳар томонга сочиб-сарфлайвермасдан, қолганига битта машина олинг!» Мараз, мараз! Демак... ҳаммаси шундай деб ўйлайди! Ҳаммаси, ҳамма! Қандоқ уят, қандоқ шармандалик! Сен нодон эса, туғилган кунинг баҳона, тўртта яхши-ёмоннинг ўртасида ғуборинг пича ёзилиб, кўнглингдаги анови ланнати тош сал-пал эришига умид боғлаган эдинг — баттар бўлди, баттар! Уларнинг назарида, калтак еб омон қолганингни «нишонладинг», калтак еганингни «ювдинг», холос. Холос! Хўш, туғилиб, бу ёруғ оламда қирқ саккиз йил яшаб нима каромат кўрсатдинг узинг нима рўшнолик кўрдинг? Ишонган ўғлингнинг юриши бу. Ардоқлаб ўстирган қизинг эса қандайдир номардга эрмак бўлгандек, энди бир умр пешонасига мушлай-мушлай, пуштингни қарғаб ўтади. Ҳа, бу дунёда қирқ саккиз йил яшаб нима топдинг? Мана, шундай бир кунингда ҳатто аканг, туғишган аканг келмади, бир пайтлардаги қадрдон дўстинг юз бурди. Аканг — совхоз директори, катта одам, муҳим вазифалари бор, комиссиялар билан иш қўради, сеникига келгани кўли тегмайди унинг! Дўстинг... Ҳайдар Самадович! У келмайди сеникига келмоқдан нима фойда унга? У сени шунчақ лақиллатди — бир умр лақиллатиб келган. Хўв ўшанда ҳақ доғда қолдирмаганмиди сени? Хотининг-чи, Мастура-чи? Нега? Негаки сен кичкина одамсан, кичкина! Хўп, ана, бугун бўлим бошлиғи бўлиб кўтарилибсан! Лекин — нима учун қайси хизматларинг учун, ниманинг эвазига?! Уят, уят Алам, алам! Шармандалик, шармандалик! Бўлди, тур! Энди кеч! Тур! Энди фойдаси йўқ, тур! Энди ягона чораси шу Тур!

Кимдир унинг бўйнидан маҳкам чангаллаб ваннахонага олиб кирди, чап қўлини ваннанинг қиррасига қўйиб... Қани бўл, бўл! Тезроқ! Имиллама! Яна, яна, яна!.. Бу иш завқли эди шу тобда, ў, қандайин лаззатбахш эди!.. Ҳа, балли! Ан энди бўлди! Ана энди қутулдинг! Ҳаммасидан қутулдинг!

...Кейин, кечаси бир маҳалда Камолиддин чанқа уйғонган ваннахонага қараб чопган. Кириб қараса... оқ ётибди, хириллаб! Шу.

Кейин...

Қонми бу ёки лолазор? Лолазор бу, лолазор адир болалигида кўргани лолазор. Нима, у бола эмасми ҳали Қачон катта бўлди, қачон... Нега бўлмаса учяпти, боладеи учяпти? Лолазор адир бўйлаб учи-иб боряпти, учи-иб... Ш! адирдан ўтса, у ёғи қишлоғи... Утди, ўтди, лекин ян лолазор, қип-қизил лолазор. Қондек қип-қизил, қип-қизил қондек...

Олисан узук-юлуқ овозлар:

— Каттиқроқ босмайсизми! Жон борми, жон?

— Пинцет, пинцет!

— Енгим тушиб кетяпти, тортиб қўй, Нафис!

— Қўлларини кўриб, хирургми, деб ўйлабман. Қара, қоп қора юнг ҳаммаёғи. Ўзи хирург экан-у, қандоқ кесишн билмабди, дебман.

Кулги, қиқир-қиқир кулги.

— Жияни эмиш, жияни! «Қанча керак бўлса, майли дейди. Жинними ўзи!

— Гавдасини кўрдингми, хирсдек!

— Бўлди қилларинг энди, бас!

...Кўнди, кўнди! Нега кўзини очолмайди? Тамоми жой жонсиз-а: қўллари, оёқлари! Киприги мунча оғир... Қаер



келиб қолди ўзи? Кимлар булар? Ҳа-а... Киприклари, киприклари... Бир туйнукдан игнадек нур тушиб турибди, қондек нур, кип-қизил нур...

— Камолитдин, сизга нима бўлди?..

Бугун Музроб амаки билан «Ошиқ Ғариб»га жавоб бўлди. Тунов кунга Ҳайбатилла кетган эди. Улар кетгач, «Фалокатлар палатаси» янада руҳсиз, зерикарли бўлиб қолгандек туюлди. Янги ётқизилган беморлар ҳали ўзлари билан овора, хонанинг жонли ҳаётига аралашгани хушлари ҳам, мажоллари ҳам йўқ. Бири ўлар ҳолатда олиб келинди — автомобиль ҳалокати. Бири ичиб олиб ўзини учинчи қаватдан ташлабди. Хотини билан низога борган экан. Ана, қовурғаси синган, қилмишига минг пушаймон, шифтга боқиб ётибди. Музроб амакининг ўрини эгаллаган йигит эса пичоқ еб тушган. Сабаби ҳозирча номаълум — ўзи зўрға нафас оляпти. Фалокатлар палатаси, ҳалокатлар палатаси...

Музроб амаки кетаётиб Элчиевга: «Энди яшаш керак, биродар!— деди.— Берилгани ўзи жуда-жуда қисқа-ку!» Элчиев икки ҳафтада қадрдон бўлиб қолган бу ажойиб одам билан маънос кулимсираб хайрлашди.

Шанба бўлгани учунми, бугун уни кўргани кўп киши келди: қайнотаси, Йўлдош ака деган қўшниси, кунда-шунда Рўзиев, Жасура, Ҳайдар Самадовичнинг ўғли Санжар.

Қайнотаси кеча эшитибди. Бозорда Камолитдинни учратган экан, ўша айтибди. Йиғлаб кириб келди. Келиб ҳам Элчиевнинг бошида анчагача кўз ёшини тиёлмай ўтирди. Ушанда кампири тўсатдан ётиб қолиб, зиёфатга келолмаган экан. Обидийда аралаш узр сўради. Кампири ҳамон оғир эмиш. Бир қизу бир ўғил — ўзи билан ўзи, қарайдиган одам йўқ, мўйсафидликда касал боқиб ўтирганмиш.

«Кувёв, кувёв» дея сийлаб ўзини яқин олса-да, Мастура туфайлими, Элчиев қайнотасига унчалик рўйхуш бермас эди. Ҳозир унинг дарди-ҳасратини тинглаб ўтираркан, бир вақтлар дамига ош пишган, виқор-важоҳат билан юрган бу одам энди кўзига бирдан ғариб, афтодаҳол кўриниб, тақдир унга ҳам кўп қулиб боқмаганини — мансаб бериб, омад бермаганини ҳис қилди, ачиниб кетди.

Тушдан кейин овқат, кўк сомса ва бир даста лола кўтариб Жасура келди. У душанбадан янги ишга ўтганмиш.

— Қанақа жой экан ўзи?— деб сўради Элчиев.

— У ҳам лойиҳа институти,— деди бош томонидаги тумбочкани тартибга солаётган қизи.— Фақат сал узоқроқ демаса. Оқтепа тарафда. Нима бўпти, ярим соатлик йўл! Дина опам гаплашиб берди, таниши бор экан.

— Қизим, қўй ўша Дина опангни!— деди аччиқланиб Элчиев.

— Дада-а...— Жасура оғрингандек тикилди.— Сиз уни билмайсиз... Ана, ҳозир ҳам пастда турибди. Чикқани тортинди. Доим бирга келади...

Бир нафасдан сўнг Элчиев тортиниброқ сўради:

— Бу иккаласи нима қилмоқчи ўзи?

— Ким?

— Камол билан анови...

— Ҳеч нима,— деди Жасура қулиб.— Камолитдинни яхши кўрадим...

— Камолнинг ўзи-чи?

— Билмадим, унчаликмас шекилли. Раҳми келганидан...

— Бўлмаса, нега мунча?

— Э, дада, унақамас, сиз ўйлагандақамас. Дина опам яхши, жуда яхши. Бахтсиз-да шўрлик.

— Энди укангни ҳам... ўзидай қилмоқчимми?

— Дада!— деди Жасура қизариб.— Э, барибир тушунмайсиз!

— Майли, қизим,— деди Элчиев бирпасдан кейин бўшашибгина.— Сизлар энди ёш бола эмассизлар, ўзларинг биласизлар ҳаммасини. Борақол, кутиб қолгандир... Ҳа, шовшма, амакинг шу ердими?

— Шу ерда. Кечқурун келишмоқчи эди.

«Ажаб!— деди ичиди Элчиев қизи кетгач, боши қотиб.— Униси яхши кўрармиш-у, буниси «унчаликмас». Уйла-нишмас эмиш. Нега бўлмаса унда... Бахтсиз эмиш. Эрдан чиққани учунми? Ёки бошқа бирон қусури бормикан? Туғмас-тумса бўлса кераг-ов. Барибир, Камол билан бундай

илакишиб юриши... Ажа-аб, сенларни ўзим яратиб, энди ўзим тушунмасам!..»

Элчиев бугун биринчи марта ҳовлига чиқди. Эҳ-ҳэ, ҳамма гап бу ёқда-ку! Оёқда юрадиган бемор борки, бари ташқарида. Йўл-йўлаклар, зиналару ўтиргичлар одам билан гавжум. Ётавериб палатасини бир дунё деб кўникиб қолган экан-да.

Ҳаво энгил, мулойим, аммо теварақда димоқни ёрадиган намхуш бир ҳид кезади. Ут-ўлан ҳидими, бултурги хас-хазонларникими? Аралаш шекилли, аралаш. Қуёш! Чарақлайди, силайди, эркалайди: яшноқ дарактларни, шохларга қўниб турган вижир-вижир қушларни, сочдек майин, бир текис майсаларни...

Тавба, оламда шунча ранг, шунча жилва бор экан!.. Ҳафталаб дим хонада тўшакбанд ётган одам, фавқулодда бир мўъжиза устидан чиқиб қолгандек, боши гир-гир айланарди. Мўъжиза, ҳа, ям-яшил мўъжиза!

Элчиев дарактзор оралаб чўзилган озода йўлқадан этакка қараб йўл олди. Кўзлари атрофга тўймай боқади, қарахт оёқлари майшиб-майшиб кетгандек бўлади. Баҳайбат чинорлар пойидаги бир текис майсазорга тикиларкан, узоқ йили худди мана шундай авжи кўкламда отасини ерга қўйганлари эсига тушди. Бир-икки кундан кейин ака-укалар зиёрат қилгани мазорга боришса — дўмпайган қабр усти бир текис тиниқ майса билан қопланиб улгурибди. Ушанда ўйлаб кўрмаган экан, ҳозир дафъатан ҳайратга чўмди: майса унга чинакам мўъжизадек туюлди. Рост-да, шундай қилтириқ, нозик-нимжон бир гиёҳ тупроқ қатламини ёриб, ўзига йўл очади-я! Ҳар баҳор! Нимага талпинади у, нимага интилади? Қуёшгами, ёруғ оламгами? Ҳа, қуёшга, демакки — яшагга! Ҳаётга!

Кейин у болагини хотирлаб кетди. Бундай кезлар адирма-адир чопқиллаб эчки-улоғини жилдириб юрганларини...

Умуман, қизиқ: бугун у ёш боладек бўлиб қолган эди — ҳамма нарсига ҳавас билан, ҳайрат билан қараяпти. Худди бугун дунёга келгандек, буларни илк марта кўраётгандек! Гўё шу чоққача мудраб яшагану бугун, айни шу лаҳзада кўзи ярқ очилиб кетди.

Ҳа, мудраб яшаган, мудраб! Шунча йил идорада ўтириб чўт қоққан, не-не рақамлар билан иш кўрган одам, буни қарангки, ўзининг ҳаётини, ягона умрини бундай бир сарҳисоб қилишга эринган, фурсат топмаган экан — энди амин бўляпти. У ш а кўргилик баҳона, мудроқ ҳаётида бир чақмоқ чақнадию умрини қоқ иккига ажратиб, сония-сониясигача ёриштириб юборди...

Касалхонада ётган одам нимани ўйлайди? Бемор бўлса, дардини ўйлайди, албатта, тезроқ соғайишни ўйлайди. Аммо, Элчиев бемор эмас-ку? Унга фақат қон қуйилди, холос. Живандан олиб, унга қуйилди. Демак, ўзининг қони, ўзидан олиб, яна ўзига қуйгандек гап. Мана, энди у соппа-соф. Йўқ, унинг дарди дилида эди. Буни ҳеч бир дўхтир, ҳеч бир дори-дармон даволай олмасди.

Элчиев файласуф эмас. Лекин, одам боласи борки, мавриди келиб бир кун муқаррар кечаги кунини, бугуню эртасини бир сидра тарозига солиб кўради, шундан муносиби хулосалар чиқаради. Бинобарин, бу дунёда ҳар ким ўзича файласуф, ҳар кимнинг ўз аъмол, ўз ақидаси бор, бировники бировга андоза бўлолмайди. Қаердандир эшитган эди: ана шунга англаб етиш учун одамзод умрида лоақал бир марта жиддийроқ синовни бошдан кечирмоғи, қаттиқ бир ларзага тушиб кўрмоғи шарт экан. Токи, кўзи ярқ очилиб кетсин! Бўлмаса, дунёдан дийдаси юмуқлигича, гумроҳ ҳолда ўтиб кетаверади.

Элчиев бу қалтис сарҳисобда алам-надомат билан шунга амин бўлдики, қашшоқ, завқдан бебаҳра яшабди. Жўнгина рўзгузаронлик! Оддий қумурсқага хос тирикчилик ғами! Қорним тўқ, устим бут-ку, деб юраверибди — кўнгли тўқлигини ўйлаб ҳам кўрмабди. Эсиз умр! Бундай ғарибона ғамирсиб кун кечиргандан кечирмаган афзал!

Яна шунга иқрор бўлдики, ҳаётдан қўриқиб яшабди. Ҳеч ким онадан қўрқоқ ёки ботир бўлиб туғилмайди, теварақ-муҳит, қолаверса, ўзининг феъл-атвори шунга олиб келади. Қарабсизки, кўзига ҳеч нима кўринмайдиган ўт-олов ўспирин бир кун бориб аянч кимсага, сосяидан ҳам чўчидиган қўрқоққа айланибди. Негаки, у энди ўзидан

ортиб, ўзгалар тўғрисида ҳам ўйлай бошлаган, қайғура бошлаган. Элчиев ҳам шунга ўхшаб, аввалига хотинини, топган бахтини ўйлаб кўрқибди, кейин бола-чақасини ўйлаб кўрқибди, каттароқ бирор ишга бел боғлагани журъати етмабди, иккиланибди, ҳадиксирабди. Бориға шукр қилиб, қаноат қилиб юраверибди. Интилмабди! Қайғини эркин қўйибди — қаёққа сузса сузаверсин! Тизгинсиз, сарсари қалқиб юрган қайқ ногаҳон довулга учраб, чилпарчин бўлибди, ичидаги одам эса кўрқоқ, ношуд кимсага айланиб қолибди. Аслида, бошига тушган бу балолар ана шу қилмишларига яраша тақдирнинг бир жазоси — жавоби эмасми? Шомурод ака айтмоқчи, қани, энди бундан бўйин товлаб кўр-чи! Ҳа, бариға ўзинг айбдор, сендан бўлак гуноҳкор йўқ бу ерда!

«Бўшашма, Фарҳод! Тоғ бургути чўққини кўзламоса бекор!» Ҳаётга энди қадам қўйган йигитлик чоғларинг шоир лутф этган ана шу сўзлар сенга бир оқ фотиҳа эмасмиди! Бу сўзлар қулоғингда қўриқ қолибди-ю, уларнинг мағзини, маъносини ўйлаб кўрмабсан! Басирмидинг, Элчиев, ё бир гап уқмас меров! Қайғинг бор эди, эшак ҳам тайёр эди. Нима, кўлингдан эшак эшмоқ келмасмиди? Билагингда қуввату юрагингда кўр йўқмиди, эй банда? Ҳайдар Самадовичдан қаеринг кам эди, ахир? Нодир Файзуллаевичдан-чи?.. Кўлингдаги эшакни ўзинг шуларга тутқазган бўлсанг, энди жазосини тортаверасан, биродар! Мана, тортдинг ҳам!

Яна шуни англаб етдики, у ўта яхши одам экан, ў т а! Емон деган билан баробар! Камтаринлик соз, камсуқумлик соз, бироқ бунинг эвазига келадиган мукофот садақага, гоҳо ҳақоратга ўхшамайдими? Ахир, бировларнинг муруватига таянибгина яшаш оғир. У ишончсиз нарсаси. У бир фором шабада, эпкин мисол — эсганида хуш ёқади, аммо эсмай қолиши ҳам мумкинлигини ёдда тутиш керак. Одам ўзи ўшанақа шабада таратмоғи лозим, токи истаган чоғи...

Элчиевнинг тағин бир хулосаси шу бўлдики, ҳаёт деганлари саволлардан иборат экан, одамзоднинг бурчи, аъмоли — ана шу саволларга муносиб жавоб қайтармоқ; ҳар бирига ўз вақтида, бақадри имкон муносабат билдирмоқдир. Зеро, эртанги кун, тақдири шунга боғлиқ. Акс ҳолда, Элчиевнинг вазиятига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. У тутган йўл эса энг осон, энг ночор йўл... ж а в о б бўлолмас экан!

Боғнинг панжарасидан нарида гувиллаб, шовқин солиб трамвайлар, машиналар ўтиб турар, аммо уларнинг ҳеч бири касалхона кийимидаги, чап қўлини бўйнига осиб олган бу одамнинг ўйларини чалғитолмас эди.

У баҳор тантанаси аро сархушу хаёлчан кезиб юраркан, к е т м а й қолганига бугун илк бор пушаймон қилмади. Кўнглида чўкиб ётган анови лаънати тош ниҳоят ғойиб бўлгандек эди. Суюнди. Суюниб кетди!

...У палатага қайтиб келганида Марсель: «Биров сизга ташлаб кетибди», дея, дорвога суяб қўйилган иккита каттакон хўжалик сумкасига ишора қилди.

...Кўзини очса, тепасида бир қиз ўтирибди. Ҳам таниш, ҳам нотаниш. Аммо бирпасда шу қадар иноқлашиб қолибдиларки, ҳатто — ўпишибдилар! Жуда оддий, осонгина рўй берибди ҳаммаси...

Бу туши эмиш-у, ўнгида унинг кимлигини сира эслолмасмиш. «Дунёда энг азиз одамим — сенсан», деган эди-ку, ахир? Хотинидан сўрай деса, қандоқ сўз очишини билмай

ийманармиш. «Ростдан шундай бўлганмиди?», дебми? Нег ўзи эслолмайди, нега? Узоқ ухлабди-да. Узоқ ухлаганд зехн карахтлашади...

Чала мудроқ, чала уйғоқ ҳолатида ётаркан, киприклар зийидан... ўғилчасининг боши кўринди. «Тушимми?» де кўзини ишқаб қаради: йўқ, ўша, кенжатоғи — Жалолиддин Илжайганча эшиқдан мўралаб турибди. «Кўрқади», де онаси ҳали ҳеч олиб келмаган эди.

Элчиев сапчиб туриб уни бир қўллаб қучиб оларка кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Мана шу гўдакчалик ҳам бўлмайсанми?!— дея кимдир ёзғира-ёзғира Мастура кириб келди. Унинг ортид Нажмиддин акаси билан тугун кўтарган Нусрат кўринди. Кир, десам, турибди қўққайиб! Кўрқармишлар!

— Ким? Камолми?— деб сўради Элчиев кенжатоғи кучоғидан бўшатмай.— Майли, қўявер, икки кундан кей ўзим чиқиб кўраман.

Акаси билан Нусрат эртага жўнашмоқчи экан, хайрлаш ни келишибди.

— Бу ердан чиққанингда кейин қишлоқ томонга ўт борарсан!— деди акаси.— Кампирни кўриб, ҳам ав кўкалам, адирларга би-ир ўрлаб, а... Ўз қўлим бил семиртирган қўй маъраб турибди!

— Чиқай-чи,— деб қўйди Элчиев хижолатомуз илжай У тинмай ўғилчасига тегишар, уни қиқирлатиб тўймас э

— Ҳа, хўжайин, бугун бошқачасиз!— деди кулиб Мас ра.

— Бугун бир иш қилдим, хотин.— Элчиев бир, жиддий тортиб ўрнидан турди.— Катта иш!

— Қанақа иш экан, биз ҳам билсак бўладими?

— Ҳеч кимга айтилмайди,— деди Элчиев кўрсат бармоғини ҳазилга силкиб.— Махфий!

Мастура унга тикиларкан, таажжубда қолди: эри кў: яшариб кетгангами ўхшаб кўринди. Туф, туф, кўз тегма! Бемор Элчиев ўзини кўргани келганларни ўша кунни бор ўзи кўчага кузатиб чиқди.

\* \* \*

А л қ и с с а...

Дарвозаси тағида машина товуши эшитилганда Нс Файзуллаевич, эғнида банорас тўн, қўлида тоққа ишқомга шоти қўйиб, ҳавасакка хомтоқ билан машғул — Эшikka қаранглар!— деб қўйди айвон тарафга ўғ либ.

Дарвозага югуриб чиққан ўғли иккита каттакон хўж сумкасини кўтариб қайтди.

— Ким экан?— деб сўради Нодир Файзуллаевич нағ дан тушиб, айвонга яқинлашаркан.

— Танимадим. Бир таксичи. «Касалхона кийимидаги» қўлини бўйнига осиб олган киши бериворди», дейди Нодир Файзуллаевич ўйлиниб қолди. Таажжубл Сумкалардан бирини очиб, баттар ҳайрати с Одамнинг жонидан бошқа нарсаси бор эди. Одам жонидан бошқа! Бир чеккасидан тўртта минерал су учи чиқиб турарди.

Кейинги сумкадан букланган бир варақ қоғоз ҳам ч «Бизани кечиринг, ока. Ёшлик қилибмиза. Олло берсинла.

Ахрол, Шо



Шерали Сокин

# МАШАҚҚАТ ЗАВҚИ

Таниқли рассом,

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Баҳодир Жалолов «Рақснинг туғилиши»,

«Ҳосилни йиғиб-териб олиш»

монументал асарлари учун СССР

Давлат мукофотига тавсия этилди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, талантли рассом Баҳодир Жалолов ижодиди яна бир қувончли воқеа юз берди: Осиё, Африка ва Латин Америкаси VIII кинофестивали арафасида у тошкентликларга «Абадият элчилари» ва «Машаққатлараро юлдузлар сари йўл» монументал композицияларини тортиқ қилди. Республика кинематографчилар союзи Кино уйи фойесини безаб турган бу икки асар «Санъат тинчлик учун курашда» мавзуга бағишланган бўлиб, мазкур ишни бажаришда республикада хизмат кўраётган санъат арбоби Жавлон Умарбеков, умидли мусаввирлардан Зухридин Исломулов, Рустам Худойбергандов, Искра Шин иштирок этишди.

— Тинчлик учун кураш тўғрисида гап кетар экан,— дейди Баҳодир Жалолов,— беихтиёр кўз ўнгимдан бизга замондош бўлган оташин санъаткорлар, миллий-озодлик ҳаракатининг раҳнамоларидан бўлмиш Давид Сикейрос, Ҳанс Эрни, Освальд Гуаясагин сиймолари ўтади. Улар империализм ва реакцияга қарши курашда улкан ҳисса қўшган жамоат арбоблари ҳамдир. Мен суратнинг биринчи қисмида мазкур санъаткорлар сиймосини мужассамлаштириш орқали Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги миллий-озодлик ҳаракатининг машаққатли ва шонли йўлини ифодалашга интилдим. Назаримда, бу фикрни ёвузликни енгиб, дунё халқларига эркинлик, озодлик келтираётган инсон тафаккури рамзи бўлган фигуралар, айниқса, бўрттириб турибди. Композиция-марказида кабутар тутган қизча образи — осойишталик рамзи ўрин олган. Уни ҳар икки томондан эзгулик учун курашчилар сергаклик билан қўриқлаб турибдилар.

Деворий суратнинг иккинчи мустақил қисми Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган. Унда ўзбек киносининг босиб ўтган йўли, унинг жаҳон санъати хазинасига қўшган ҳиссаси Санъат Девондов, Сергей Эйзенштейн, Комил Ёрматов, Наби Ғаниев, Раззоқ Ҳамроев, Лутфихоним Саримсоқова сиймолари орқали акс этган. Ҳар икки композиция мавзу жиҳатидан бир бутунликни ташкил этади.

Санъат мухлислари ва мутахассислар томонидан юқори баҳо олган «Абадият элчилари» ва «Машаққатлараро юлдузлар сари йўл» монументал композицияларининг бадиий қиймати шундаки, рассом замин ва замон тақдири ҳақидаги фалсафий қарашларини, орзу-умидларини теран ифодалай олган. Рассом ерда ҳам, сувда ҳам, космосда ҳам боқий тинчлик ҳукм сурсин, демоқчи бўлади. Бунга асар фонидидаги квадрат чизиқлар ва доиралар ишора қилиб турибди.


...Мана, кўндалар парвоз қилаётган назоқатли, серзавқ аёллар сиймоси. Асарнинг жозиба кучи фикрингизни узоқ вақт банд этиб туради. Зеро, мазкур тасвир тўй тантаналарининг шунчаки иштирокчилари умумлашма образлари эмас, балки инсон гўзаллигининг илҳомбахш тимсолидир. «Қашмир қўшиғи» афсонаси асосида яратилган Баҳодир Жалоловнинг бу асари ҳам (мазкур деворий сурат Қарши шаҳридаги область театри фойесига ишланган) унинг бошқа асарлари каби эркин фикрлашга ва чексиз ҳаёл суришга имкон беради, чунки рассом бу композициясида ҳаёлот билан реал ҳаётни омўхта қила олган.

Баҳодир Жалолов ижодкор сифатида ўзини такрорлашни ёмон кўради. Бу фикрни юқоридаги афсона асосида ишланган «Бўрон», «Тўй» сахналари яққол тасдиқлаб турибди. У янги тасвир воситалари ҳамда шакллардан усталлик билан фойдаланиши натижасида биз севги-вафо, бахт-саодатни улуғловчи, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғолиб чиқишига, муҳаббат тантанасига ишонч билан суғорилган қадимги ҳинд афсонасидаги драматизмни, эпикликни яққол ҳис қиламиз.

Рассом «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» асарида эса коммунистик жамият қурилишида фаол иштирок этаётган, мўл-кўллик бунёдкорлари бўлган янги инсонни улуғлайди. Асар келажакка чўқур ишонч билан суғорилган, тасвирий санъат мухлисларида кўтаринки кайфият уйғотади. Ҳар учала асар учун умумий бўлган яна бир жиҳат шундаки, уларда мусаввир ранглар уйғунлигига эриша олган.

«Рақснинг туғилиши» ва «Ҳосилни йиғиб-териб олиш» монументал тасвирлари учун СССР Давлат мукофоти тавсия этилган Баҳодир Жалолов шу йилнинг ўзиде яратган асарлари билан бу юксак номга лойиқ эканини исботлади. Зеро, унинг «Абадият элчилари», «Машаққатлараро юлдузлар сари йўл», «Қашмир қўшиғи» суратлари моҳир рассомнинг янги ижодий доvon ошганлигини кўрсатади.







Ҳожиакбар  
Шайхов

## Дархон кўшиғи

ФАНТАСТИК ҲИКОЯ



у ғалати ҳодиса Ўзбекистоннинг олис тоғли қишлоқларидан бири — Дархонда, айна баҳор палласида содир бўлди. Кўм-кўк ўтланлар кўксини маржон-маржон шудринг томчилари юваётган айна субҳидам пайтида қишлоқ яқинидаги майсазор адирда чавандозлар йиғила бошлади. Алпқомат бу йигитларнинг эғнида яқтак, беқасам ёки оддий қора чопон, қалин пахталик шим; белларида шойи қийиқ қисиб боғланган, оёқларида — кирза ёки чарм этик, бошларида қулоқчин. Оқ, қорабайир, қашқа, араби, тўриқ отлар ҳализамон бошланадиган серзавқ кўпкари мусобақасини олдиндан сезгандай тоқатсизланиб пишқирар, кишнар, олд оёқларини кўтариб, худди кўкка учиб кетмоқчидай, осмонга сапчир эди. Чавандозларнинг баъзилари отларининг жабдуқларини тўғрилаш, баъзилари ёлини тараш, яна бошқалари совутиш билан банд эди. Атроф ёришиб борар, шарққа оға бошлаган тўлин ой нурида отларнинг жабдуқларидаги жез безаклар ялт-юлт қилар, у ер-бу ерда қамчиларнинг қисқа-қисқа виз-визлари қулоққа чалинар эди.

Чавандозлардан сал нарида, майсазорда томошабинлар — ёш-яланг, қари-қартанг тўплана бошлади.

Кўп ўтмай, тўрт томони тоғлар билан қуршалган улкан адирни Дархон ва унинг яқинидаги қишлоқлардан келган чавандозлару сон-саноқсиз томошабин босиб кетди.

Бир маҳал бутун адир бўйлаб ғала-ғовур бошланиб: «Келишяпти! Келишяпти!» деган овозлар эшитилди.

\* \* \*

Худди шу пайт осмонда ғайриоддий бир юлдуз ёнди. Дастлаб гоҳ ўчиб, гоҳ ёнаётгандай милтиллаб кўринган бўлса, дақиқа ўтган сайин йириклашаверди. Салдан кейин эса, гоҳ ўннга, гоҳ чапга, гоҳ пастга, гоҳ тепага қараб биллинар-биллинемас ҳаракатлана бошлади.

\* \* \*

Лекин бу ғалати юлдузга адирдагиларнинг бирортаси ҳам эътибор бермади. Шу тобда ҳамманинг нигоҳи тепароқдан ўтган тоғ йўлида пайдо бўлган машиналарга қадалган эди. Олдинда тўтиё рангли «Нива», сал орқада устида кўпкари ғолибларига аталган совринлар — бир неча қўй, эчки, гилам, телевизор,

Расми О. АСОМОВ чизган

радиоприёмниклар ортган «Газ—52» юк машинаси ҳамда ялтироқ зарбоф тўн кийган тўрт-беш отлиқ томошабинлар ва чавандозлар йирилган адир сари келишарди.

Бўлажак кўпкарини сабрсизлик билан кутаётган томошабинлар ҳам, юраклари така-пука ҳолда «жанг»га тайёргарлик кўраётган чавандозлар ҳам тарадудга тушиб қолишди. Кенг адир шовқин-сурон тўлқинида чайқаларди. Машиналару ҳалиги отлиқлар етиб келгач, ғала-ғовур тина бошлади.

«Нива»дан уч одам тушди. Томошабинлар уларни ҳурмат билан ўринларидан туриб қаршилашди. Чавандозлар ҳам мамнуният билан гувиллаб салом беришди. Келганларнинг бири — шу атрофдаги совхозлардан ташкил топган машхур агро-саноат бирлашмасининг бош директори, пахта ва чорва устаси Аҳаджон ота Олимов эди. Унинг шериги — Дархон қишлоқ Советининг раиси Мелиқўзи Солиев эди. Учинчи одам эса... Ҳа, мухтарам ўқувчимиз, шу бугун юз беражак ғаройиб воқеаларга маълум даражада сабабкор бўлган учинчи одам эса, Қашқадарё музофотининг машхур дostonчиси ва хонандаси, ўша — ўзингиз билган Қодир бахши Нурбой ўғли эди. Кейинги воқеалар кўпроқ шу одам билан боғлиқлиги сабабли унинг ташқи кўринишини батафсилроқ таърифлашга уринамиз. Қодир бахши ўзи куйлайдиган дostonлардаги қаҳрамонлардай новча, яғриндор, пишиқ, келишган гавдали киши эди. Унинг қуюқ қора мўйловининг икки чеккаси савол аломатидай буралган, чеҳрасида халқ орасида ўта машхур одамларга хос сертакаллуфлик ва самимият; донишмандлик зоҳир эди. Қўлида қора жилдга солинган ихчам дўмбира кўтариб олган.

Отлиқлар баковуллару машшоқлар экан, Мелиқўзининг имоси билан улар дарров отлардан тушишди. Лаҳза ўтмай, адирни карнай-сурнаю ноғоралар овози тутиб кетди.

Аҳаджон ота, Мелиқўзи ва баковуллар музика садолари остида ўртага тушдилар. Дархон қишлоқ Совети раисининг яна бир имоси билан музика ва ноғора садолари бир зумга тўхтади. Бирлашма бош директори сал олдинга чиқиб, халойиққа қарата:

— Мухтарам жамоа, азиз чавандозлар!— дея мурожат қилди. Адирга сув сепгандек жимлик чўкди, шунинг учун унинг вазмин оҳангда айтган сўзларини ҳамма эшитди.— Бугун биз бу ерга, қадимий удумларимизга кўра наврўз байрамини нишонлаш учун йирилдик. Аввало, сизларни ана шу байрам билан муборакбод қиламан!

Адирни тагин ғала-ғовур тутди. Ҳар икки даврадан: «Қуллук, қуллук! Ўзингизга ҳам муборак бўлсин!», деган овозлар эшитилди.

Аҳаджон ота кеча-кундўз меҳнат қилиб, бошқалардан ҳам фақат иш талаб этадиган камгап одам бўлгани учун дарров асосий масалага кўчди:

— Қани, энди азамат йигитларимиз чавандозлик маҳоратларини кўрсатсинлар! Ғолибларни совринлар кутади! Барча кўпқари иштирокчиларига омад тилаймиз!

Мелиқўзининг имоси билан яна адирда карнай-сурнай, ноғора овозлари янгради. Кейин қишлоқ Советининг раиси ялтироқ беқасам тўн кийган икки баковулга алланима деган эди, иккаласи зудлик билан отларга миниб, юк машинаси сари йўл олди. Машина кузовидаги қотма, бақалоқ кимса ошиғич энгашиб улоқни олди, баковулларга узатди.

Бош баковул улоқни тақимининг остига босди-да, «Чух, жонивор!», дея отига қамчи уриб, ҳаяжон ва шовқин-сурон тўлқинида чайқалиб турган чавандозлар давраси сари от чоптириб кетди. Кетма-кет ёрдамчи баковул ҳам отига қамчи босди.

Ниҳоят, ҳамма орзиқиб кутган кўпқари бошланган эди.

\* \* \*

Бу пайтга келиб осмон ёришиб улгурган, у мусатфо ва кўм-кўк эди. Табииники, унда ҳозир бирорта ҳам юлдуз кўринмас, лекин саҳарда пайдо бўлган ва энди биллиард шаридай ҳажм олган ғалати юлдуз ҳамон антиқа ҳаракатлар қилишда давом этар эди. Кутилмаганда у пастга қараб шўнғиди. Ажабо, у шу даражада тез катталаша бошладики, бир неча дақиқа ичидаёқ футбол тўпидек шаклга келди. «Тўп», чамаси, томошабинлар ўтирган майсазор тепалик

орқасидаги худди Чуст дўпписига ўхшаган тўрт қиррали япасқи тоғ чўққиси сари учаётган эди. Бир оздан кейин юлдуз (агар у юлдуз бўлса) сандалдай, сўнгра жажжи ўтовдай, охири диаметри ўн метрча бўлган улкан ликолдай кўриниш олди-да, ўша Чуст дўпписисимон тоғнинг қоқ чўққисига яқинлашди. Аммо шу захоти чўққи устини оппоқ туман қоплаб, ҳеч нарса кўринмай қолди.

\* \* \*

Кекса чавандоз Ислом қорининг олти яшар ўйинқароқ невараси Санжар одатда уйқуга тунги ўн икки, бирсиз ётмасди. Лекин кеча, севинчи ичига сигмай, анча барвақт ётди. Чунки буvasи эртасига каллаи саҳарда уни кўпқарига бирга олиб боришга ваъда берган.

Санжар тонгда елкасига буvasининг қўли тегиши билан отилиб турди-да, апил-тапил кийиниб, бирпасда сафарга тайёр бўлди. Бошига оппоқ салла ўраб, муллаёқа кўйлак устидан енгил адрас тўн, оёқларига махси кийган Ислом қори тўшақда икки йилдан бери оёқ-қўли шол бўлиб ётган хотинига мунгли назар ташлади. Ҳар гал ана шундай тикилганида, калласида бир савол айланарди: «Бу касофат дардни қаердан орттирди?»

Ислом қори неварасини олдига мингаштирганича, кўпқари ўтадиган адирга етиб келганда, мусобақа бошланиб кетган эди.

Санжар бир жойда сабр-тоқат қилиб ўтира оладиган бола эмас эди. Шунинг учун етиб келишлари билан буvasидан олдин отдан сакраб тушди-да, ўзининг севинч ва ҳайрат нури-ла ёришган қув нигоҳи билан чор-атрофни кўздан кечирди. У аввал, шубҳасиз, қизиқиш билан чавандозларга қаради, сўнгра гуж-гуж бўлиб майсазорда ўтирган томошабинларни назардан ўтказаркан, кўзининг қири билан Чуст дўпписига ўхшаган тоғ чўққисидаги аллақандай оқ нарса ни илғади, илғадию ажабланиб ўша ёққа тикилиб қолди. Бу нима бўлди экан?

Бу пайтга чўққида булут тарқаган, «дўппи»нинг қоқ устида чигиртканикидай ингичка оёқлари тўрт томонга ёзилган кумушранг улкан «ликоп» аниқ кўзга ташланарди.

Санжар буvasига қаради. Ҳамманинг фикри-зикри кийчүв қилиб улоқ талашаётган чавандозлар билан банд. Ислом қори бўлса, отини сал наридаги пастак дўлана танасига боғлаб келиб, энди томошабинлар сафига қўшилган эди.

Санжар буvasининг олдига ўқдай учиб келди.

— Бува, бува!— деди ҳовлиқиб, Ислом қорининг соқолини ушлаб ўзига қаратаркан.— Ҳув анави тоққа қаранг: бир нима кўнди. Ракетага ўхшайди!

Ислом қори чавандозлар ўйинини энди мириқиб томоша қила бошлаган эди, шўх неварасининг қилиғидан норози бўлиб:

— Уйинни кўрсанг-чи, тирмизак! Тоғда бало борми?!— дея койиб берди.

Санжар бунақа пайтларда бўш келадиган болалардан эмас эди.

— Бало эмас, ракета кўнди, бува! Қарасангиз-чи, ахир!..

— Бирор вертолёт қўнса кўнгандир-да, бор, халақит берма!— деб яна жеркиди буvasи.

— Вертолёт?— Бола яна тоққа қаради. У вертолётни яқиндан кўрмаган бўлса-да, унинг нималигини яхши биларди. Аммо тоққа кўнган нарса вертолётга сира ўхшамасди. Санжар буvasидан бирор иш чиқаролмаслигига кўзи етгач, унинг соқолини қўйиб юборди-да, «дўппи» устидаги ғалати нарсага тикилганча, бир зум тарадудда туриб қолди. Санжарнинг болалик ақли ҳар ҳолда бир нарсага аниқ етарди: ҳозир томошабинларнинг эътиборини кўпқаридан чалғитиш деярли мумкин эмас. Чунки кўпқари айни авжига чиқмоқда, адирни чавандозларнинг ҳайқириқлари, осмонга сапчиётган отларнинг пишқирган, кишнаган овозлари тутиб кетган эди. Шунинг учун бола чўққиға кўнган нарса вертолётми, ракетами — ўзи аниқлашга қарор қилди-да, бор кучи билан «Чуст дўппи» томонга югуриб кетди.

\* \* \*

«Ликоп»нинг пастки туйнуғи ўз-ўзидан очилди-да, эллипс шаклидаги эскалатор чўзилиб чиқди. Сўнгра ундан бирин-



кетин учта «космонавт» тушиб келди. Уччаласи ҳам жуда ғалати: иккитасининг бўйи тўрт метрлар атрофида, икки чаккасига жойлашган катта-катта кўзлари бўртиб чиққан (улар, чамаси, ҳалиги кимсаларга бутун чор атрофни кўриш имконини беради), эгниларида беқасамни эслатувчи йўл-йўл скафандр, белларидаги энлик белбоқа аллақандай тугмалар ва чироқчалар ўрнатилган; учинчи «космонавт»нинг бўйи, афтидан, ёшроқ бўлса керак, атиги икки метрча келар, унинг катталарга нисбатан ҳаракатчанлиги шундоқ кўриниб турар эди. Уччаласининг ҳам бўйнига фотоаппаратга ўхшаш бир нималар осилган, ўнг биллагига хийла катта соатсимон думалоқ асбоб маҳкамланган.

«Космонавт»лар «ликопн»нинг олдига ўтдилар. Дўпписимон чўққининг чеккасидан туриб ғала-ғовур ва шовқин-сурон тўлкинида чайқалаётган яшил адирга тикилдилар. Ҳа, улар ҳозир ажиб манзаранинг гувоҳи бўлиб турардилар: адир бўйлаб юзлаб чавандоз улоқ талашиб, чанг-тўзон кўтариб, майдоннинг гоҳ у, гоҳ бу томонига от суришар, чор-атрофни чавандозларнинг қий-чуви босиб кетган эди.

«Космонавт»лардан бири шеригига алланима деди шекилли, дўрдоқ лаблари худди пирпиракдек пириллаб бир неча бор очилиб ёпилди. Гўё унинг «фикри»ни тасдиқлаётгандек, шерикларининг ёйсимон қошлари бир неча бор кўтарилиб тушди. Сўнгра уччаласи ҳам белидаги тугмалардан бирини босган эди, ўша заҳоти бараваар ўриндан кўтарилиб, тик турган ҳолича пастга қараб учиб кетдилар. Тоғ этагига етганда, тепаликка қараб бор кучи билан чоғиб келаётган болани кўрдилар. Сал олдинда учиб бораётган каттаси ёш шеригига нимадир деди. Бўйи икки метрли «космонавт» белидаги тугмалардан бирини босиб, пастлай бошлади. У энди Санжарнинг истиқболга қараб учиб кетди.

\* \* \*

Пастда эса, кўпқари қизигандан-қизиб борар, чавандозлар давраси худди қозондаги зирвакдай биқирлаб қайнар эди.

Бу пайтда Аҳаджон ота, Мелиқўзи, Қодир бахши ва ўн чоғли мўйсифид (Ислон қори ҳам шу ерга тақлиф қилинган) майсага тўшалган катта араби гилам устида чордана қурганча ярим давра ҳосил қилиб ўтиришарди. Булар кўпқари ҳайъати аъзолари эди.

Шу пайт тракторчи Музаффар полвон отига аёвсиз қамчи босиб, ўн чоғли отлиқ даврасига ёриб кирди-да, тўртта чавандоз ҳар томондан юлқилаб-тортқилаётган улоқнинг сонидан маҳкам ушлаб бор кучи билан ўзига тортиди. Бундай кўққис ҳужумни кутмаган чавандозлар ўзларига келгунча Музаффар улоқни тақимиға қистириб, яшин тезлигидан олға интилди. Тўс-тўполонда аллакимнинг кескин кўтарилган қамчиси шундоқ бурнининг остидан визиллаб ўтди. Ҳа, қамчи барибир теккан экан шекилли, чавандоз энгаҳи аниша бошлаганини ҳис қилди. Отига яна устма-уст қамчи босди. Қутураётган қорабайир жон аччиғида кетма-кет кишнаб, осмони фалакка сапчидио ўша заҳоти ўқдай олға учди. У, бамисоли чавандозлар қуршовини пичоқ билан кесгандай қоқ иккига бўлиб, кўпқари ҳайъати ўтирган жой яқинидан ёриб чиқди. Полвон энди ҳеч кимга тутқич бермай, яна эллик метр чопа олса, марра уники эди.

Музаффар полвон, ниҳоят, улоқни ерга ташлаганида, томошабинлар қийқириб қарсақлар билан уни олқишлашди: Биринчи қолиб аниқланган эди. Баковул ғалабага эришган чавандозни қўли билан имлаб қақирди-да, унга бир парча қоғоз берди. Музаффар қоғозни олиб қорабайирини йўғалатганича, тўғри кўпқари ҳайъати ўтирган жойга яқинлашди. Мелиқўзи ўриндан туриб, қоғозга нима ёзилганини ҳаммага ўқиб эшиттирди:

— Фолибга бирлашма фондидан бир қўй, икки юз сўм дул берилсин! Қани, йигитлар, олиб келинлар!

Уч-тўрт йигит ҳалиги юк машинасидан жадаллик билан бир қўйни тушириб, қишлоқ Совети раисининг ҳузурига олиб келди. Мелиқўзи уни ва конвертга солинган пулни Музаффарга топшираркан, қўлини самимий қисиб:

— Меҳнатдаям, чавандозликдаям омадингизни бераверсин, ука!— деди жилмайиб.

Майдонни яна олқиш овозлари тутди.

Шу пайт даврада ўтирган кексалардан бири бахшига мурожаат қилиб:

— Полвонни олқишлаб бир терма айтиб бермайсизми, Қодирвой!— деб қолди. Яқин-атрофда ўтирганларнинг ҳаммаси бу тақлифни маъқуллагандай Қодир бахшига қизиқиш билан тикилди. Бу музофотда кексаларнинг ҳар бир гапи бамисоли қонун, сира икки қилинмас эди. Шунинг учун бахши беихтиёр дўмбирасини қўлига олиб, созлай бошлади.

— Яхшиси, сизга «Алпомиш» дostonидан бир парча куйлаб берақолай.— Қодир бахши шундай деди-да, даврадошларининг, «Қани, қани, битта бўлсин энди!», дея мамнуният билан маъқуллаганларини эшитиб, дўмбирасини шиддат билан черта кетди.

\* \* \*

Икки дароз келгинди томошабинларнинг орқа томонидаги майдонга оҳиста келиб қўнди. Энди ҳамманинг диққат-этибори бахшига қаратилгани учун уларнинг келганини ҳеч ким пайқамади. Келгиндилар аввал қўлларидаги аппаратларини бахшига йўналтириб, бир неча дақиқа оғизларини пирпиратиб, ўзаро алланималар ҳақида «шивирлашган» бўлишди. Сўнгра давранинг бир чеккасига бориб ўтиришди-да, дам бахшини, дам чавандозлар мусобақасини диққат билан кузата бошлашди.

Қодир бахшининг йўғон ва бўғиқ овозда бошлаган серзавқ қўшиғи адир бўйлаб янраганида, чавандозлар даврасида ҳайратланарли воқеа юз берди. Улоқни рақибларидан юлқиб олишга муваффақ бўлган Шерзод исмли чўпон йигит отининг бўйнига гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан қамчи босиб, даврани ёриб чиқди-да, тўппа-тўғри кўпқари ҳайъати ўтирган жой сари от солиб келаверди. Лекин у кўп чопмади. Бахши куйлаётган жойга эллик метрча қолганда, улоқни ерга отиб юборди, сўнгра отини оҳиста йўрттириб ўлиди давом этди-да, бахши куйлаётган давра тепасида тўхтади. Ажабо, кўп ўтмай кўпқари тўхтаб қолди, чунки чавандозларнинг бари бирин-кетин Шерзоднинг орқасидан келиб, даврани қуршаб олган, интиқлик билан бахшига қўлоқ тутган эди. Оғизларида оппоқ кўпик, толиққан, аммо хануз кукка сапчигиша шай турган зотдор отлар пишқириб-пишқириб нафас олади; чорпахил, кўкраклари яланғоч, чайир, забардаст чавандозларнинг қизиқиш ва ҳайратга тўла нигоҳлари Қодир бахшининг булбулдай сайраётган дўмбирасида қотган.

Бахши эса, аллақачон «Алпомиш» дostonини бошлаб юборган, у ўзбек ва қалмоқ баҳодирлари ўртасида шиддатли кураш таърифини қилар эди:

Ҳарчандки чирпинди Бойсуннинг хони,  
Йиқмоққа келмади бекнинг дармони.  
Кўкалош ҳам Алпомишдан кам эмас,  
Мени ўзбек йиқади деб ҳам эмас.  
Олишар майдонда икки шағол — маст,  
Иккови ҳам бир-бирига сир бермас...  
Икки полвон бўлиб турар бараваар,  
Кўп сўзларни Барчин сулув айтади.  
Сўзи Алпомишга ботиб кетади.  
Ғайрати ғайратга бекнинг етади,  
Ер сўзман шердил бўлиб кетади,  
Чирпиб Кўкалошни кукка отади...

Дўпписимон тоғ чўққисидан учиб тушган «космонавт»лар ҳам чавандозлар қуршовида қилиб кетган, лекин ҳамманинг фикри-зикри бахшида бўлгани учун уларни яна ҳеч ким кўрмаган эди. Бунинг устига, скафандрлари беқасам тусида эмасми, келгиндилар даврадаги одамлар билан бамисоли қоришиб кетгандай эди. Улар аппаратларини (булар синхрон таржима қурилмалари эди, чоғи) бахшига тўғрилаб, қандайдир мавҳум хатти-ҳаракатлар қилишаркан, бўртиб чиққан кўзларида чексиз ҳайрат, ҳаяжон ифодалари жилваланарди.

Қодир бахши бўлса, энди Алпомишга қарши жанг майдонига қиқши лозим бўлган яна бир қалмоқ баҳодирини тавсифлашга киришган эди:

Кўшқулоқ ҳам шундай бир зўр балоди,  
Курашининг тартиби шундай бўлади.  
Шумурти ёқалаб ҳар ёққа кетган,  
Ичида сичқонлар болаб ётган,  
Издан тушган пишак олтойда ётган,  
Шундай қалмоқ кўлин булғаб келади...  
Оҳ урса, оламини бузар товуши,  
Тўқсон молнинг терисидан ковуши...

Шу жойга келганда чор-атрофдаги чавандозу томоша-бинлар хаҳолаб кула бошладилар. Тер ва чанг босган ҳорғин, аммо мардонавор чеҳраларга мулоим табассум балқиди. Космонавтларнинг ёноқлари ғалати бир тарзда тез-тез тортишиб, ниҳоятда сермаъно кўзларида завқ-шавқ акс этди.

Бахши эса, илҳом париси оғушида ҳамон қўшиқ куйлашда давом этарди.

\* \* \*

... Ниҳоят, улар юзма-юз келдилар. Бўйи икки метрлик келгинди тоғ этагидаги дўнглик устига келиб «кўнган», ўйинқароқ кўзлари завқ-шавқ, айни пайтда хавотир ва кўрқув билан қақнаб турган Санжар эса, сал пастда — энди гуллай бошлаган дўлана дарахти қошида келгиндига тикилганича қотиб қолган эди. Улар бир-бирларини бошдан-оёқ кўздан кеңириб бир неча дақиқа туриб қолдилар. Ниҳоят, Санжарнинг сабри тугади.

— Салом, амаки!— деди у бақиргудек овозда, ҳаяжондан дўлананинг пастга эгилган шохини бор кучи билан қисар экан.

Космонавтнинг катта-катта кўзларидаги ҳайрат ва паршонлик ўрнини аллақандай илиқ, дўстона, айни чоқда айёронга бир ифода эгаллади. У дарров бўйнига осилган аппаратни болага тўғрилаб, лабларини пирпиратиб:

— Салом!— деб алик олди. Лекин буни шундай тез айтдики, Санжар илғаёлмай қолди, лекин ҳар ҳолда саломига алик олинганини тушунди. Бундан севинчи ичига сиғмай, ўша заҳоти асосий «гап»га кўчди:

— Бувам менга самокат сотиб олиб бердилар. Жа зўр! Жингиллоғиям бор. Хоҳласанг, катаяса қилдиришим мумкин...

Келгинди яна оғзини пирпиратди: «Майли». Санжар унинг «мли» деганини эшитди-ю, баттар суюниб:

— Бўлмаса, кетдик бизникига!— дея бақирди. Кейин ўзи ошиғич олдинга тушиб йўл бошлади. Улар тоғ этаги бўйлаб чўзилган ёлғизоёқ йўлдан-пастга жиларкан, бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетдилар. Келгинди мамнун ҳолда Санжарнинг елкасига қафти билан уриб қўяр, бола эса жиймайиб, келгиндининг юмшоқ сонларига шапатилар эди. Санжар бирпасда унинг Марсдан келганини билиб олди. Чунки, яқинда телевизорда худди шунга ўхшаганлар тўғрисида бир фильм томоша қилган эди-да. Гарчанд келгинди Марсдан келганини бўйнига олмаган бўлса ҳам, жажжи шеригининг кизгин тазийки уни кўнишга мажбур қилди.

Кўп ўтмай тоғ тугаб, бутазорлар бошланди. Қишлоқ болалари кўпинча беркинмачоқ ўйнагани шу ерга йиғилар, Санжар ҳам уч-тўрт марта уларга эргашиб келган эди. Лекин ўйинга Санжарни қўшиқмасди. Унинг ўйинбузиқилик феъллини яхши билишарди-да. Ҳозир бу ерда Найнов билан ( у келгиндига дарров исм ҳам қўйиб олди) маза қилиб ўйнаб юрганини кўришса, аламдан бурунларини тишлашармиди. Санжар бирдан шеригига:

— Мени қувла, амаки!— деб бақирди-да, ўзини бутазорлар орасига урди. Келгинди кўзларини пирпиратганича диққат билан Санжар чолиб бораётган йўлни кузатди. Баланд бутазорлар Санжарни кўмиб юборган, лекин уларнинг ҳали у ер-ҳали бу ерда шитирлаб қимирлаши натижасида ҳосил бўлаётган йўл боланинг қаёққа қараб югураётганидан белги бериб турар эди. Найновнинг кўзларида ҳам ўйинқароқ бир ифода пайдо бўлиб, пича энгашиганича, бесўнақай одимлар билан боланинг орқасидан чолиб кетди.

Шу тариқа улар бир-бирларини қувлаб, қишлоққа кириб келганларини ҳам билмай қолдилар.

Икки томонида сербарг тут, олча, ўрик ва олма дарахтлари оғушидаги ихчам-ихчам коттежлар сафи ти-

зилган текис асфальт кўчада Санжар ҳамон қуюндай елиб бораркан, бирдан тўхтади-да, орқасидан лўкиллаб чолиб келаётган Найновга ўнг томондаги коттежлардан бирини кўрсатиб:

— Келдик, амаки. Эсингда бўлсин: мана шу 26-уй бизники бўлади!— деди ва «меҳмон»ни ичкарига бошлади.

Хонага кира солиб, оёқ-кўллари шол бўлиб ётган бувсининг тепасига келди-да, шоша-пиша:

— Буви, буви! Меҳмон олиб келдим! Қаранг! Марсдан!...— дея хитоб қилди.

Буви неварасининг ҳамма гапини тушунди-ю, лекин «Марсдан» деган сўзни «Маскопдан» деб ўқди.

— Вой меҳмон бошлаб келган сендан ўргилай,— деди хира нигоҳини останада турган кимсага қадар экан, заъфарон чеҳраси пича ёришиб.— Қани, меҳмонни ичкарига бошла. Маскопдан келган бўлса, ҳўрматли одам экан. Қўшнимизни — Мастура кеннойингни чақирсанг, дастурхон тузаб, қовун-тарвуз сўяди. Айтмоқчи, буванг билан аданг келишмадимми?

— Улар кўпқари томоша қилишяпти. Меҳмонни мен ўзим бошлаб келдим!— деди Санжар яна ғурур билан.

Шу чоқ ҳайратланарли воқеа юз берди. Келгинди битта-битта босиб кампирнинг тепасига келди-да, оғзини пирпиратиб сўради:

— Нима, сиз бетобмисиз? Қаерингиз оғрийди?

Кампир ҳеч нимага тушунмай, ҳайрон бўлиб неварасига тикилди. Гап нимадалигига сал-пал ақли етган Санжар келгиндининг кўлидан тортиб ичкарига судрар экан:

— Кетдик, ичкарида меҳмон-меҳмон ўйнаймиз. Бувимнинг оёқ-кўллари ишламайди. Кетдик!..

Келгинди кўлини Санжарнинг панжасидан кескин тортиб оларкан, яна оғзини пирпиратди:

— Нега энди? Ахир... бу... жуда осон-ку...— шундай дея у аппаратини кампирнинг аввал бошига, сўнгра кўксига тўғрилади. Унинг юмалоқ кўзгучасида чирмашиб-чаттишиб кетган минглаб асаб толалари кўринди. Келгинди объективни оҳиста силжитиб яна кампирнинг бош мияси устига келтирди. Ниҳоят, ярқироқ толалар орасида қорайиб нўхатдай нукта пайдо бўлдию космонавт аппаратининг аллақайси тугмасини «шиқ» эткизиб босган эди, шу заҳоти нукта катталашиб, секин-аста оқимтир тус ола бошлади.

Лаҳза ўтмай... мўъжиза рўй берди: кампирнинг аввал кўллари ҳаракатга келди. У кўққисдан жон кирган бармоқларини беихтиёр кўзларига яқинлаштирар экан:

— Ё парвардигор!— деди товуши титраб. Кейин оёқларига ҳам қон югурганини ҳис қилиб, беихтиёр тиззаларини кўтарди. Ажабо, уни неча йилдан бери азоб-уқубатга гирифтор қилган бедаво дард бир лаҳза ичидаёқ фориг бўлган эди! Кампирнинг борлиқ вужудини таъриф қилиб бўлмайдиган бир қувонч, бахт ёғдулари чулғаб, бутун оламини тўлдирган бу нурафшонлик туфайли хуши бошидан учаёзди. Нега йилдан бери маъюслик, бахтиқаролик, хокисорликдан бошқа ифода акс этмаган кўзларини ўз-ўзидан қайнаб чиққан севинч ёшлари тўлдириди.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу ҳодиса ҳатто, бувасининг таъбирича, «орқаси сира ер искамайдиган» Санжарни ҳам турган жойига ҳайқалдек михлаб қўйди. Бироқ у атиги бир неча дақиқа тек турди, холос. Бирдан ўзига келиб, бор овози билан:

— Ур-р-ре-е!.. Бувим тузалди! Бувим тузалди! Кетдик, бувамдан суюнчи оламиз!..— дея қичқирди-да, ўқдай отилиб ўзини эшикка урди. Кўзлари энди мамнуният билан порлаётган «меҳмон» эса, кампирга «хайр» дегандай оҳиста кўл силкиб, лўкиллаганича боланинг изидан эргашди...

\* \* \*

Бахши илҳом париси оғушида ҳамон қўшиқ куйлашда давом этарди. Энди у Аллоҳнинг қалмоқларга асир тушгани ва ер ости зиндониде чеккан мислсиз азоб-уқубатлари ҳақида сўз айтиб, барча йиғилганларнинг кўнглига қайғу ва ғулув солмоқда эди:

Савдо тушиб бошга бўлдим саргардон,  
Кўзимга кўринмас ер билан осмон,  
Манзилим бўлибди қоронғу зиндон,  
Неча вақт эдим мен юртимда султон,

Энди мендан ўтиб кетди бу даврон...  
Учиб чиқай деса м қанот бўлмаса,  
Ғариб ўлдим, ҳеч ким мени билмаса,  
Азоб кўриб ширин жоним бу таида,  
Элу халқ ичида бўлдим шарманда...

Анча совиб улгурган отлар катта гилам устида ярим давра қуриб ўтирганларнинг қулоқлари ёнида ҳамон пишқириб нафас олар, уларнинг баъзилари яна давом этажак «жанг» шавқини туйиб, тоқатсизлик билан ер тепиниб кўяр эди.

Ажабо, паҳлавон чавандозларнинг чағг, тер босган чеҳралари энди тунд ва изтиробли кўринар, ҳатто айримлари кўйинларидан даструмол олиб, беихтиёр сизиб чиққан кўзёшларини бировга сездирмасликка интилиб артиб кўяр эди. Достоннинг Алпомиш қалмоқлар томонидан мислсиз жафоларга гирифтор қилинган жойига келганда, гилам устида чордана қуриб ўтирган мўйсафидлар хўнг-хўнг йиғлай бошлади. Сал наридаги дароз келгиндилар эса, бошларини қуйи осганча, ниҳоятда кичрайиб кетган кўзларини мунгли бир тарзда юмиб очарди. Уларнинг ҳам ғам-ғусса сиртмоғига илинганини ҳар ҳолда англаса бўларди.

Шу пайт дўпписимон тоғ чўққиси этаги бўйлаб учиб келаётган алланганининг қораси кўринди. Синчиклаб тикилган одам унинг Санжарни опичиб олган ҳалиги икки метрли келгинди эканини пайқашни қийин эмас эди. Лекин бу сафар ҳам уларга ҳеч ким эътибор қилмади. Чунки ҳамманинг диққат-эътиборини Қодир бахши тушмағур худди оҳанграбодай ўзига тортиб олган эди-да!

Элимдан айрилган лочин бўламан,  
Парвоз қилиб манзилимга кўнаман.  
Оҳ тортганда кўздан оққан ёш энди,  
Узоқ йўлда бордир қариндош энди,  
Биз кетармиз Бойсун музофотига,  
Эр Кайқубот, қадрдоним, хуш энди.

Икки метрли келгинди чавандозлар турган жойдан сал нарироққа келиб кўнди ва елкасидаги болани оҳиста ерга туширди-да, ўзи шошилмай шерикларининг даврасига бориб ўтирди. Санжар бўлса, ҳозиргина осмонда учи келганининг завқини ичига сиғдирилмай:

— Бува! Бува!.. Мен осмонда учдим!.. Бувимнинг оёқ-кўллари тузалиб кетди! Бутунлай!..— дея бор овози билан бакирганича Исло м қорини қидириб чопиб кетди. Шунда ҳам болага эътибор берувчилар кам бўлди. Улар Санжарга, болапақирнинг эси жойидамикин, ишқилиб, дегандай ҳайрон бўлиб қараб қўйишди, холос.

Бирдан томошабинлар даврасида турган чавандозлардан бири — бу Санжарнинг отаси эди — болани даст кўтариб тиззасига ўтқизди-да:

— Жим бўл, тентак, ҳозир бувангни топамиз!— деди ва зудлик билан чўнтагидан конфет олиб, унинг оғзига солиб қўйди. Санжар ширинлик деса ўзини томдан ташларди, шунинг учун ҳозиргина осмонда учганини ҳам, бувисининг фавқуллод дарди фориғ бўлганини ҳам бирпасда унутди.

Бу пайтда Қодир бахши достон айтишни тугатиб, чавандозларни яна жангга ундовчи терма ҳам тўқиб улгурган эди:

Ҳордиқ олди чавандозларнинг бари,  
Совумасин, аё дўстлар, кўпқари!  
Дархон аҳли сизга ғалаба тилар,  
Алпомишдай от суринг майдон сари!

Бахши қўшиғини шу сўзлар билан якунлар экан, дўмбирасини сўнги бор уч-тўрт карра зарб билан чертди-да, гилам устига қўйди. Атрофни: «Баракалла!», «Отангга раҳмат, Қодирвой!», деган олқишлару қарсақ овозлари тутди. Бахши қўлини кўксига қўйганча, бошини хиёл эғиб таъзим бажо келтираркан, чавандозларга қарата:

— Узр, йигитлар, кўпқарининг белига тепдим,— деди айбдор қиёфада,— навбат яна сизларга, томоша навбати бизларга!

Чавандозлар бамисоли эртақлардаги тулпорлардай учишга шай турган отларининг жилловини кескин буриб, кураш майдонига отландилар.

Келгиндилар ҳам аллақандай кўтаринки кайфиятда уринларидан туриб, тик ҳолатда, ракеталари қўнган дўпписимон тоғ чўққиси сари учи кетдилар.

Уларни бу сафар ҳам тиниб-тинчимас Санжардан бошқа ҳеч ким пайқамади. Бола қорабайир минган чавандознинг тиззасидан сакраб ерга тушди-да, келгиндиларнинг орқасидан шамолдай чопиб кетди.

## Шукри Аппазов

### Куз

Энди қуёш кеч уйғонар,  
Эрта ботади.  
Энди кўкнинг зилол юзин  
Булут босади.

Эшитилмас қушларнинг ҳам,  
Қуоқ баҳслари.  
Энди навбат сизга келди —  
Қарга саслари.

Япроқ титрар новдаларга,  
Ялингансимон.  
Унга боқиб тинақолмас,  
Шамол сарғардон.

Бўм-бўш богча айланар жим,  
Кўнгул зорига:  
«Ёшлигимни бермас эдим,  
Дунё молига...»



### Жунжикма

Жунжикма баҳорда!  
Жунжикма кузда.  
Ёмғирлар ва селлар  
Келса ҳам тиздан.

Жунжикма муз оқса  
Пинҳон жонда ҳам.  
Асрдай собит қол,  
Қаҳратонда ҳам.

Совуқлик... борсин ўз  
Музлари сари.  
Тошсин муз тафтдан  
Тоғ булоқлари.  
Совима, ширадор  
Шинни мисол, бас.  
Бир менинг ёнишим  
Бизларга етмас!

Оташ тафт урилсин,  
Бўғзимга тикка.  
Бизларга ярашмас  
Жоним, жунжикма!

Татарчадан  
Муҳаммад ЮСУФ  
таржимаси





**Хуршид  
Даврон**

**Малик Қаяумов  
Самарқандда**

Малик Қаяум Самарқанд аро  
Кезар — бўрон зулматни тўшаб,  
Қирғоқ кўздан йитган, адашган  
Оқ елканли кемага ўйшаб.

Фақат шундай адашар тоғда  
Музликлардан яралган ирмоқ.  
Қандай соз бу — беш қўлдай

билган  
Шаҳар бўйлаб адашиб юрмоқ.

Шердор узра чиқиб борар у,  
Дилда туйиб ғурур, ифтихор,  
Бу ифтихор кўксидан қайғу,  
Қувонч, ҳасрат, алам, умид бор.

Шердор — бу кенг, улуг  
бандаргоҳ —

Узра олиб чиқувчи зина  
Билан кўкка ўрласанг, ногоҳ  
Пайдо бўлар буюк хазина.

Унда гавҳар тошидек жим-жим  
Тўрт атрофда товланар бир-бир.  
Тиллақори ва Бибихоним,  
Шоҳизинда, нилий Гўри Мир.

Шердор узра олиб чиқувчи  
Бу айлана зиналар тоши  
Қон шимгандир бешумор томчи,  
Унга томган халқнинг кўз ёши.

(Ривоят бор: жанговар зангни  
Чалинг, дея, юракда сурур,  
Кўҳакдаги омадсиз жангни  
Кузатганмиш Шердордан Бобур).

Малик Қаяум ютиб нафасин  
Қадам босиб чиқаркан аста —  
Илғар: янғрар ўша жанг саси  
Беш асрлик йироқда, пастда.

Шунда туйар юрак қаҳрни:  
У ҳам жангчи!  
Ва бу сония  
У ҳам шошар қадим шаҳарни  
Қилмоқ учун ёвдан ҳимоя.

Аммо, осмон...  
Куйдек, қўшиқдек  
Юракларни қийнаган осмон,  
Қадим мозий кўксидан тигдек  
Олар уни суғуриб шу он.

Ва юксакда хаёллар суриб  
Кузатаркан қадим очунни,  
Эслатар у чўққидан туриб  
Водийга кўз тиккан лочинни.

**Жангчи ҳақида ривоят**

Ёв лашкари Чўпноотадан  
Тўпга тутар экан шаҳарни,  
Жангчи қулаб тушди жанггоҳда  
Қонга бўйаб яшил ўтларни.

Кўзи хира тортиб борарди  
Айри тушиб ёруғ оламдан.  
Шунда кимдир эгилиб деди:  
— Уғлим, тургин, бу мен — онангман!

Қора тортиб бормоқда само,  
Тургин, ёвдан айлагин халос.  
Жангчи жавоб бермади, аммо  
Куч бермади унга бу овоз.

Хира кўздан чекинарди нур,  
Майсаларга оқар эди қон.  
Кимдир титраб шивирлади:— Тур!  
Мен ёрингман, бўл менга қалқон!

Аммо совиб борарди сийна,  
Совир эди, совир эди тан.  
Кимдир унга эгилиб яна:  
— Тургин, — деди, — бу мен —  
отангман!

Ҳеч ким жавоб бермади унга...  
Жангчи сўнбор очаркан кўзин,  
Сўнги марта боқаркан кунга  
Бирдан туйди ўғлининг сўзин:

— Ота, сағир қолишим эмас,  
Қўрқув эмас дилни қийнаган.  
Ҳали ёшман, ҳали вужудим  
Ҳатто бир бор совут киймаган.

Ҳали қўлим қилич дастасин  
Ушламаган, тортмаган камон.  
Ҳали бир бор ўлим нафасин  
Туймаганман юзда, отажон.

Тургин, ота, қара, нақ туман  
Душман келар сарҳадма-сарҳад.  
Сен кетишдан олдин халқ, Ватан  
Учун жангга кирмоқни ўргат.

Шунда жанггоҳ узра қоп-қора  
Булулларни шамол чорлади.  
Улар кетиб, борлиқда яна  
Қуёшнинг шан нури порлади.

Яна тиниқ тортди ҳар сарҳад,  
Тиниқ тортди душман галаси  
Топтаётган она тупроқнинг  
Майсалари, боғу даласи.

Жангчи — ота кўзини очди,  
Юрак тўлди яна нидога.  
У ўғлини бошлаб, қиличдин  
Баланд тутиб кирди жанггоҳга.



## Мукофот

Ҳар йили Барселона шаҳрида испан шоирларининг мушоираси бўлиб ўтади. Учинчи ўринни эгаллаган шоир кумуш атиргул, иккинчи ўринни эгаллаган шоир олтин атиргул билан тақдирланади. Бош мукофот эса...

Бир бахтга тўлиб,  
бири қаҳрга,  
бири чақмоқ бўлиб,  
бириси — довул,  
шоирлар шеър ўқир,  
Ғолиб шоирга  
Тақдим этилажак тирик атиргул.

Нега ишора бу?  
Айтинг нимага?!  
Энг гўзал шеър учун на олтин, на пул —

Мукофотдир оддий тирик атиргул,  
гулзордан узилган қизил атиргул!

Бу ажиб тортиқда бир ҳикмат туйдим:  
Тирик атиргулда акс этиб турар  
ҳаёт деб аталган чаманнинг бўйи,  
ҳаёт деб аталган нафас жўш урар.

Ҳаётда кўп кўрдик — не-не улуг зот  
кўзи кетиб қолиб кумуш, олтинга,  
юрагин курашдан айлашин озод,  
тонгни сотганини зулмат ва тунга.

Ватан унутилиб,  
унутилиб халқ,  
кўрганмиз ёлғонга эгганларни бош,  
Олтин деб халқ чеккан қайғуга бефарқ,  
қўрқувдан оғизга олганларни тош.

Ҳақиқий шоирнинг оғзида эмас,  
юрагин қатида залворли тош бор.  
Шундан сатрлари олади нафас,  
Шундан сатрлари жангчидай бедор.

Юракдаги ул тош — тегирмон тоши  
ҳеч тиним билмагай, ором билмагай.  
Остидан зирқираб чиқар кўз ёши —  
Тегирмон тоши бор юрак ўлмагай!

Ўша тош остидан қонга беланиб  
чиқиб келар қуёш — ғолиб, барҳаёт!  
Уни олқишлайди тонгга беланиб  
боладай бокира, муқаддас ҳаёт!

Ҳа, ҳаёт — мўъжиза, мукофот эрур,  
сен кураш, сен яша, сен йиғла, сен кул!  
Кураш йўлларида сенга сочар нур  
Энг олий мукофот — ҳаёт — атиргул!

Бу кураш йўллари чағиртошли, тик,  
улар товонларга ханжар ботирар.  
Бу оғир йўллардан саф тортиб, тетик  
қадам ташлаб борар мағрур ботирлар —

Лермонтов, Вапцаров, Турди ва Хозиқ,  
шеърят диёрин қуёши — Пушкин.  
Уларнинг кўксига мукофотлар йўқ,  
уларнинг кўксига тақилгандир ўқ.

Мукофот уларни сармаст, шод айлаб  
Кўкка кўтармади қилиб пойидор.  
Уларнинг бўғзига сиртмоқни бойлаб  
Етти қат осмонга олиб учди дор.

Уларга мукофот берар ҳар тонг халқ,  
ўлим ҳам, мамот ҳам ётдир уларга.  
Мангулик олдида улар доим ҳақ,  
йўллари кўмилган алвон гулларга!

Гуллар муҳаббатнинг қадим рамзидир,  
дилдан-дилга элчи бўлгандир гуллар.  
Шу сабаб Ватан деб қурбон бўлган эр  
йигитлар қабрига қўйилар улар.

Чигатой саҳнига кириб кўр — Ойбек,  
Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор  
қабрининг тошида қуёшдек тирик,  
ҳаётдек анвойи тирик гуллар бор.

Қайдадир биз билмас эрлар мазори —  
Широқ, Усмон Носир, Номоз қабри бор.  
Уларни унутмас юртим баҳори,  
уларнинг қабрига гул қўяр баҳор.

Демак, тўлиб бахтга,  
тўлиб қаҳрга,  
бирингиз чақмоғу  
бирингиз довул —  
шеър битинг, шоирлар!  
Ғолиб шоирга  
Энг олий мукофот — тирик атиргул!

## Самарқанддаги озодлик хайкали қошидаги ўйлар

Хазонлар...  
Хазонлар боққа ҳукмрон,  
Тилларанг бўёққа бўянган олам,  
Озодлик хайкалин қошига бу он  
Эзгу ўйларимни олиб келдим мен.

Бу ерда кўксимга изтироб битган  
Қиссалар тошини иргитиб, тиниб  
Шу қутлуғ заминнинг қўйнида ётган  
Ботирлар руҳини чорлайман ёниб.

Кўз ўнгимда бирдан жонланар мозий,  
Кўз ўнгимдан бирдан кечар замонлар.  
Қулоғимга етар эрлар овози,  
Ердан япроқларга сачрайди қонлар.

Дарахтлар эрк дея курашган лашкар  
Қўлига инқилоб берган яловдек,  
Дарахтлар — эрк дея навқирон аскар  
Ёнган, озодликнинг ҳалби — оловдек.

Гувиллар қаршимда,  
Гувиллаб ёнар —  
Учқунларин кўкка учираш шамол.  
Озодлик!  
Ким сенинг тотингга қонар,  
Ким сенинг меҳрингни айлагай завол?!

Озодлик!  
Тилингда ҳайқириқ бўлган  
Сўзни ким ўчирар қабртошлардан,  
Озодлик!  
Уйқусиз кўзингга тўлган  
Тердай аччиқ, қонли ва шўр ёшлардан

Ким юзин ўғираш,  
Ким кечади воз,  
Ким уларсиз битар тарих варағин?!  
Боболар қошингда тиз чўкиб ўлган,  
Фақат сенга улар тиз буккан, холос!

Озодлик!  
Мадад бер навқирон дилга,  
Куй бергин, бўғзимни тўлдириб олай.  
Қудрат бер, бағишлай юракни дилга,  
Ғазаб бер, мен уни шеъримга солай!

...Олов ёниб турар пойингда,  
гўё

Бу олов озодлик ундирган гийёҳ,  
Бу олов тафтига юрагим қонар,  
Бу олов юрагим шаклида ёнар.



## «Девонул луғатит-турк» оҳанглари

Кетаман «Девонул луғатит-турк»ка,  
Ҳасратим, қувончим олиб кетаман,  
Мозийни бугунга, заминни кўкка,  
Қалбимни «Девонул луғатит-турк»ка  
Улай деб кетаман, бир кун етаман.

Қояларга чиқиб қушдек боқаман,  
Кўкшин япроқларда нурдек оқаман.  
Қора кўк чодирин сўз билан тилиб,  
Манрайган чақмоқни оламан юлиб.  
Кўксимга тилмочдек уни тақаман.

Қоп-қора тун чиқиб келар ботордан,  
Қип-қизил кун чиқиб келар тугордан,  
Уларга басма-бас елиб борарман,  
Бойчечаклар чанқаб чиқар қошимга.  
Томиримни ёриб, қоним берарман.

Аркўзлардан ҳатлаб, сойларни ичиб,  
Ятика шуғласин боламдек қучиб,  
Ўтлоқлар қўйинини оҳудек кечиб  
Етаман — эшикни аста чертаман,  
Кошгарий чиқади эшикни очиб.

У айтмас: — Шайтон, — деб, у айтар: — Баёт.  
У айтмас: — Улим, — деб, у айтар: — Ҳаёт.  
У айтмас: — Кечам, — деб, у айтар: — Эртан.  
У айтмас: — Бугуним. Айтар: — Будуним.  
— Хайр! — демас. Салом, — дер, — салом,  
набирам!





Шу йил 15—23 май кунлари бепоеён Ватанимиз пойтахти Москвада Ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ VIII семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг турли бурчақларида яшаб ижод қилаётган қирқ саккиз миллатга мансуб 300 дан ортиқ истеъдодли қаламкашлар саккиз кун мобайнида атоқли адиблар раҳбарлигида турли жанрда яратилган асарлари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар, жонли, қизгин баҳс-мунозаралар уюштирдилар: Ёшлик, бунёдкорлик, яратиш руҳи ва завқи билан йўғрилган бу учрашувлар чинакам адабиёт байрамларига айланиб кетди. ВЛКСМ Марказий Комитети билан СССР Ёзувчилар союзи биргаликда ўтказган мазкур ижодий анжуман кўпмиллатли совет адабиёти гулшанига истеъдодли ижодкор ёшларнинг катта бир отряди кириб келаётганини яна бир бор намоёниш этди.

Семинар-кенгаш ишида республикамизнинг бир гуруҳ ёш қаламкашлари ҳам муваффақият билан қатнашдилар. Қутлибека Раҳимбоева, Мақсуда Эгамбердиева, Мукаррама Муродова, Ҳамза Имонбердиев, Ҳамид Исмоилов, Шукри Аппазов сингари шоирлар, Кенгесбой Алламбердиев, Абулқосим Мамарасулов, Хайриддин Султонов, Акбар Юнусов каби носирлар, драматург Шароф Бошбеков, мунаққид Раҳимжон Отаевнинг рангбаранг мавзудаги асарлари семинар машғулотларида атрофлича муҳокама қилиниб, яхши баҳоларга сазовор бўлди.

Бутун мамлакатимиз адабий жамоатчилиги улкан тарихий воқеа — СССР Ёзувчилар союзи ташкил этилганининг 50 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган бир пайтда ўтказилган бу ижодий анжуман чуқур рамзий маънога ҳам эгадир. Бу ҳол адабиётдаги авлодлар эстафетасининг узвийлигини, унинг ҳаётбахш қудратини кўрсатувчи бир далилдир.

Ушбу саҳифаларда семинар-кенгаш иштирокчилари ижодидан намуналар ўқийсиз ҳамда уларнинг таассуротлари билан танишасиз.

## Унутилмас сабоқлар



ССР Ёзувчилар союзининг секретари, таниқли мунаққид Виталий Михайлович Озеров раҳбарлик қилган адабий танқид семинарида элликка яқин ёш ижодкор қатнашди. Қарийб ўттиз нафар ёш танқидчи ва адабиётшуноснинг қўлёмалари муҳокама қилинди. «Литературная учеба» журналининг бош муҳаррири Александр Алексеевич Михайлов, «Дружба народов» журнали бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Леонид Арамович Теракопян, М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг ўқитувчиси Казбек Султонов ва бошқа таниқли мунаққидлар қўлёмаларимизни атрофлича таҳлил этиш билан бир қаторда ҳозирги умумиттифоқ адабиёти, жумладан, танқидчилигимиз олдида турган муҳим вазифалар ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Адабий танқид семинарининг иши шундай самарали ташкил этилдики, ҳар бир ёш ижодкор асари билан таниқли мунаққидларгина эмас, балки бевосита семинар иштирокчилари ҳам танишиб чиқдилар ва муҳокамаларда фаол қатнашдилар. Мен ҳам арманистонлик Петрос Демирчян, озарбайжонлик Самир Тагизода, қирғизистонлик Холиқ Иброҳимов, қозоғистонлик Шуга Нурпеисованинг адабий-танқидий ва илмий мақолалари билан танишиб, муҳокамаларда ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирдим. Уйлайманки, бу ҳол тенгдошларим ижоди билан яқиндан танишиш ҳамда нуфузли муҳокамаларда қатнашиш малакасини ҳосил қилишда бениҳоя фойдалу бўлди.

Қирғизистонлик Холиқ Иброҳимов билан бўлган ижодий ва шахсий мулоқотлар менда айниқса кучли таассурот қолдирди. Аввало, ёш мунаққиднинг қизиқишлар доираси кенглиги мени мафтун этди. Холиқ муҳокамага тавсия этган адабий-танқидий асарлар мавзу, жанр ҳамда услуб жиҳатидан ниҳоятда ранг-баранг: Чингиз Айтматов ижодидаги миф унсурлари-га, ҳозирги қирғиз шеърляти ва достончилиги-га доир назарий, таҳлилий ҳамда проблематик мақолалар, қирғиз файласуфи

Азиз Солиевнинг «Дунёқараш ва ижод» монографиясию рус ёзувчиси Александр Грин асарларининг қирғиз тилига қилинган таржимаси муносабати билан ёзилган фалсафий-аналитик тақрирлар, тенгдош ижодкорларга хитобнома руҳидаги эҳтиросли эсселар... Бу асарлар семинар раҳбарлари ва қатнашчилари томонидан юксак баҳоланди. Хуллас, комил ишонч билан айта оламани, семинарнинг бошқа қатнашчилари қаторида, айтмаса, Холиқ Иброҳимов мен учун энг ёқимли кашфиёт бўлди. Уни истеъдодли мунаққидгина эмас, барчамизга ибрат бўларли даражада камтарин, ажойиб бир инсон, дилкаш дўст сифатида ҳам кашф этдим: «Қирғизистон» нашриёти 1982 йили ёш мунаққиднинг «Бадий бойликлар оламида» деб номланган илк адабий-танқидий китобини қирғиз тилида босмадан чиқарибди. Чингиз Айтматовнинг «Сомон йўли», «Алвидо, Гулсари» ва «Асрларга татигулик кун» асарлари таҳлиliga, умуман олганда эса, ҳозирги адабий жараён ва мифология масалалари тадқиқоти-га бағишланган ушбу китобни тақдим қиларкан Холиқ менга «шунчаки» бир воқеани айтиб берди. Китоб чоп этилгач, орадан кўп ўтмасдан Ч. Айтматов у ишлайдиган Тил ва адабиёт институти раҳбарига қўнғироқ қилиб, тўплам ҳақида илиқ гапларни айтибди ва муаллиф билан танишишга иштиёқ билдирибди. Лекин Холиқ атоқли ёзувчи ҳузурига борганини айтди. «Нима деб борай! Мана, асарларингизни бошлаб таҳлил қилган мен бўламан, дебми!..» — деди у.

Уйлайманки, бу жавоб — инсоний шайн ва камтарликнинг ажойиб ифодаси биз ёш ижодкорлар учун сабоқ бўла олади. Унинг ўрнида бошқа одам ҳали тўплам чоп этилмайдиганок таниқли адибдан олқини эшитиш пайига тушиб қолармиди, ким билсин. Ахир, ёш ижодкорларимиз орасида илк машқлариниёқ иложи борича мўътабарроқ зотларга ўқитиб, улардан «фатво» олишга уринадиганлари ҳам топилди-ку! [Ушалар қаторида ўзим ҳам бўлганимдан, очиги, бугун хикоятдаман].

Гап ўзимнинг адабий-танқидий машқларим ҳақида кетганда шунини айта оламаники, назаримда, уларнинг муҳокамаси ёмон бўлмади. Семинар раҳбарлари ва қатнашчилари қўлёмаларимнинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида батафсил гапиришди. Энг муҳими, адабий танқидчиликни бадий публицистика ва наср унсурлари билан «пайвандлаш», ҳозирги адабий жараён-га эстетика, психология, педагогика, социология, демография каби фанлар ва, умуман, ҳаёт муаммолари нуқтан назаридан ёндошиш борасидаги баҳоли-қудрат изланишлар кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Очигини айтганда, семинарда қадар рус тилини туппа-тузуқ билан, деб ўйлардим. Бир жиҳати, шунинг учун ҳам «Осмон тўла юлдузлар» эссею айрим мақола ва тақризларимни сўзма-сўз таржима қилдиришга «кўнглим бўлмай», ўзим рус тилига ўгира қолувдим. Ушанда биратўласи бадий таржимани боппладим, дея ўйлаган эдим ҳам. Лекин, муҳокамада билдирилган фикрлардан, шунингдек, Юрий Рюриковнинг эссега ёзган тақриздан шу нарсага иқроор бўлдимки, «сўзма-сўз таржима жуда паст савияда» экан! Бундан келиб чиқадиغان хулоса аниқ: демак, рус тилини ҳали кўп ўрганиш, бу ниҳоят-да бой ва мураккаб тилни пухта эгаллаш учун кунт ва сабот билан меҳнат қилиш керак. Менинг семинардан олган энг қимматли сабоғим мана шу бўлди.

Раҳимжон ОТАЕВ

## Семинардан сўнги ўйлар

**С**

еминар кунлари жуда кўп асарлар билан танишдик, таҳлил қилдик, баҳслашдик. Кўп нарса ўргандик: қандай ёзишни ҳам, қандай ёзмаслик кераклигини ҳам...

Еш драматургларнинг гражданик позицияси ҳақида, аниқсиз, жиддий гаплар бўлди. Мен семинарда бу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни айтдим. Кўпчилик гапларимга кўшилди, баъзи ўроқларни ишонтирмадим ҳам...

Биз «гражданик ҳисси», «гражданик туйғуси» деймиз. Менимча гражданик «ҳис» эмас, «туйғу» ҳам эмас. Гражданик — жамият равиши йўлидаги конкрет фаолият. Галатироқ гап қилишим ҳам мумкин: гражданикнинг ўлчови ҳам бор. Негаки, гражданик кимдодир кўпроқ, кимдодир камроқ. Гражданик шахсинг ижтимоий фойдали иш коэффициентини билан ўлчанади. Масалан, пахта йиғим-терими пайтида ҳаммамиз ўзимизни пахтакор ҳисоблаймиз. Лекин, аслида кимдир кўпроқ пахтакор, кимдир камроқ. Йўқ, мен этак тутиб пахта терадиганлар пахтакору, қолганлар пахтакор эмас, демоқчи эмасман. Дейлик, нон заводда кечаси билан нон ёпиб чиққан новвой ҳам пахтакор, ёки гидроэлектр станциясида навбатчилик қилаётган ижнер ҳам пахтакор, шахарни сув билан таъминлаш иншоотида ишлаётган мутахассис ҳам пахтакор. Лекин бевосита пахтазорда бўлатуриб, соя-салқин жойларда ошхўрликдан бош кўтармайдиган баъзи акаларимиздан кўра, пахтазордан бир неча минг километр нарида, қўлида қурол билан Ватанимиз чегараларини қўриқлаётган йигитларимиз кўпроқ пахтакордирлар. Чунки, ҳали айтиб ўтганимиздек, уларнинг ижтимоий фойдали иш коэффициенти юқори. Гражданик масаласида ҳам худди шундай.

Семинаримизда биз ҳал қилишга ўриниб кўрган масалалардан бири, қандай ёзиш муаммоси бўлди. Ҳа, бу мен ўйлаганимдан кўра анча мураккаб масала экан. Таниқли мунаққид И. Вишневская шундай деди: «Мен бир нарсдан ташвишдаман. Баъзи ёш драматургларимиз яхши ёзадилар, саводли ёзадилар, қизиқарли ёзадилар, лекин афсуски, бу пьесаларда жон йўқ, тирик одамлар йўқ». [Мунаққид бу ўринда ўз талабалари — Адабиёт институтининг айрим битирувчиларини назарда тутаётгандек туюлди менга]. Ушанақа пьесалардан бир нечасини олиб ўқиб чиқдим, бу гапларнинг нечоғли тўғри эканлигига ишончим комил бўлди. Уша асарлар ниҳоятда усталик билан ёзилган, замонавий драматургиянинг барча қонун-қоидаларига амал қилинган, персонажлар ниҳоятда ақли, доноларча сўхбат қурадилар. Лекин асар қаҳрамонларининг рўпарасидан қарасангиз туппа-тузуқ одамга ўхшайди, ён томонига ўтиб қарасангиз, эни 2,5 миллиметр — фанердан ياسалган. Асар гўё программаштирилган роботларнинг ўта интеллектуал сўхбатига ўхшайди...

Яна бир муаммо.

Семинар раҳбарларининг кўпчилиги замонавий мавзуда пьеса ёзган бир ёш драматургга эътироз билдиришди: «Бу асарингиз 70-йиллар драматургияси, у аллақачон эскириб қолган». Еш драматург ўстозлардан айнан шундай танбеҳ

эшитаман, деб ўйламаган шекилли, довдираб қолди: «Қачон эскирган экан, яқинда ёзганман-ку!» «Сиз ёзиб тугатган кунингизок эскириб қолган», деб жавоб беришди унга. Азбаройи қизиққанамдан ўша пьесани ўқиб чиқдим. Уқидиму, ҳайрон бўлиб қолдим. Асарда драматургиянинг барча компонентлари янги ва замонавий эди! Шунга қарамай, негадир, асар менда яхши таассурот қолдирмади. Негалигига анча пайт тушунолмай юрдим. Мавзу замонавий, асарда худди шу бугунги куннинг муаммолари ҳақида гап кетади, қаҳрамонлари бизнинг замондошларимиз, ғоявий жиҳатдан етуқ, макон, замон — бугунги кун. Асарда ҳамма нарса бор, фақат... пьеса йўқ. Қаранг, қизиқ ҳол — одатда, биз ҳурмат қиладиганимиз, эътиқод қўйганимиз драматургиянинг шу зарурий компонентлари ҳам асарни муваффақиятсизликдан қутқариб қолмаёттир. Гап нимада? Тўғриси, бу масала мени кўпдан қийнаб келарди. Миллий драматургиямиз муаммолари ҳақида ўйлаганимда шу саволга сира жавоб топа олмадим. Энди билсам ҳамма гап биз кўпда ҳурмат қилавермайдиган, «ёдимиздан чиқиб қолаверадиган» оддий нарса — драматургиянинг «арифметикаси»да, техникасида экан! Қанчалик жўн нарса. Биз, кўпинча, бугунги кунда саҳнадан туриб томоша залига фикр узатишнинг, ҳиссиёт узатишнинг усул ва услублари ўзгарганини, энди томошабин билан бошқача тилда гаплашиш лозимлигини беҳуда ўнарлик билан тан олмади келади. Бошқача қилиб айтганда, керакли нарсалар ҳақида гапираму, лекин ўша гапларни ёмон гапираму мингирлаб гапираму. Мингирлаб гапирган одамнинг нима деяётганини, мақсадини тушуниш эса амримаҳол бўлади.

Ҳўш, 70-йиллар услубида ёзилган пьесалар эскириб қолган бўлса, классикаримиз асарларининг ҳоли нима кечаяпти, деган жуда ўринли савол туғилиши мумкин. Тўғриси, бугунги кун театри уларни ҳам «аяб» ўтиргани йўқ. Масалан, ҳозирги кунда В. Шекспир фожиалари асосида саҳнага қўйилган спектаклларнинг муваффақиятини мазкур асарларнинг қандай саҳналаштирилганлиги эмас, қандай қисқартирилганлиги белгилайдиган бўлиб қолди. Яхши қисқартирилса яхши спектакль бўлади, ёмон қисқартирилса — ёмон. Бу бор гап.

Бизнинг драматургиямиз ривожига сезиларли даражада тўсқинлик қилиб келаётган «анъаналардан» бири, бу бизнинг «билағонлигимиз»дир. Ҳозир адабиётнинг бу тури билан мутлақо шугулланмайдиган кишига, «сиз драматургияни тушунмайсиз», деб кўринг-чи, ҳолингиз нима кечар экан!! Ҳамма билади, ҳамма тушунади. Лекин ўша билганимиз эскича тасаввур ёки драматургия ҳақидаги ниҳоятда умумий тушунчалар эканлигини тан олганимиз келмайди. Негаки, бизнинг маҳсулотимиз [пьесамиз] истеъмолчига [томошабинга] театр деб аталмиш ниҳоятда тез ўзгарувчан, «бекорор» организм орқали етиб боради. Бугунги театр биз билган театр эмаслигини, бу санъат йирик ва мураккаб фан эканлигини [мен илғор театрларни назарда тутяпман] тан олиш пайти етди, назаримда.

Ҳоҳида менга бир нарса жуда алам қилади: 2—3 та пьеса ёзиб, энди қўлим келиб қолганида ўша услуб эскириб, бутунлай бошқача драматургия зарур бўлиб қолади. Яна бошидан бошлаш, яна янгидан ўрганиш керак бўлади.

Театр санъатида [ўз-ўзидан драматургияда ҳам] нима ўзгарганини, қачон ўзгарганини, қай даражада ўзгарганини ўз вақтида сеза олиш, тушуна билиш учун драматургия билан жиддий ва изчил шугулланиш керак. Бошқача йўли тасаввур қилиш мушкул.

Яна бир гап.

Одамларни ҳаяжонлантирадиган, ларзага соладиган нарсалар ҳақида ёзилган асарлар керак! Баъзан, ҳеч кимни ҳаяжонлантирмайдиган, ларзага солмайдиган, лекин аслида одамлар ўша нарсалардан ҳаяжонланиши керак бўлган, ларзага тушиши лозим бўлган нарсалар ҳақида асар ёзиш ҳам муҳим эканлигини унутиб қўямиз...

Тўғри, драматургиямизнинг барча мураккаблиқларига, чалкашлиқларига калит топиб қайтдим, деб мактанолмайман. Билганларимдан билмаганларим кўпроқ. Лекин, мамлакатимиз ёш қалам аҳлининг бу йирик анжумани иштирокчиси сифатида шу нарсани комил ишонч билан айтишим мумкинки, бугунги ёш совет ёзувчилари халқ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, юксак ғоялар йўлида ҳалоллик билан хизмат қилаверадилар.

Шароф БОШБЕКОВ

## Ҳамза Имонбердиев

### Вақтнинг хажми қанча?

Уйлаб кўрсам, ВАҚТ деган  
Резинали тўрхалта.  
Неки тиксанг ичига,  
Сигаверар зўр халта.

Масалан, бир соатда  
Нималар қилиш мумкин?  
Китоб ўқиш, газета,  
Самокат минниш мумкин.

Дўстинг билан уришиб,  
Мумкин ҳатто ярашиш.  
Торт еяётган уканга  
«Ёрдамлашиш», «қарашиш».

Алғов-далғов қилиб, сўнг  
Мумкин йиғиш уй ичин.  
Кўчириш мумкин, ҳатто,  
Телефонда уй ишин.

Ҳа, шуларнинг барига  
Бир соатгина даркор.  
Бир кунда бу соатдан  
Эҳ, яна қанчаси бор.

ҲАРАКАТ зўр бўлса ВАҚТ  
Резинали тўрхалта.  
Неки тиксанг ичига  
Сигаверар зўр халта.



### Наргиза

Тушунмайин қолдим ўзимга.  
Кўзим юмсам, кўзимга —  
Кўринади доимо бир қиз —  
Синфдошим Наргиза, Наргиз.  
Соцдаги бант, хуштабассуми,  
Кўрсам дейман уни ҳар кун.  
Биринчида ўқиймиз икков,  
Яна ану Исоқов — «найнов».  
Наргизада бўлади кўзи,  
Худди синфда Наргизу ўзи.  
Ўтган кун солиб бор кучим,  
Фил ясадим Наргиза учун.  
Пластиндан. Кувонсин, дедим,  
Найнов аламдан бир ёнсин, дедим.

Хўп ажойиб фил бўлди, бай-бай,  
Бомбейдаги тирик филлардай.  
Кўтарилган тикка хартуми,  
Кўрсатгандим дадамга уни,  
Дадам деди:— Бўлмагин хафа,  
Бу фил эмас, бошсиз жирафа.  
Шунақанги бўлдимки изза,  
У ёғини айтмайман сизга.  
Тишга қўйиб шу заҳот тишни,  
Яна бошдан бошладим ишни.  
Наргизага эртаси кун  
Совға қилдим ўша филимни,  
Шундай бўлди Наргизнинг сўзи:  
— Ҳа, ўхшабди, эшакнинг ўзи.  
Йиғлаворсам керак ҳозироқ,  
Деб тургандим, кулвордим бироқ.  
Ҳа, тушунмай қолдим ўзимга...



### Муқаррама Муродова

### Харита олдидаги тасаввур

Болаликда:  
Теран уммонлар  
Баҳрлардан яралар эди.  
Мурувватли сахий дарёлар  
Водийларга таралар эди.

Энди билсам:  
Ҳотам дарёлар  
Ирмоқларни тутиб — ошаркан.  
Оқ денгизу Тинч океанлар  
Дарёларни ютиб яшаркан.

### Яқинлик

Куёш тонгда Денгиздан чиқиб,  
Кечда Денгиз бағрига ботар.  
Бу яқинлик соҳилда кезган  
Одамда бир ҳавас уйғотар.

Куёш ўти ўчмайди лекин,  
Денгиз йиғлаб туриб кулади.  
Оралари қандайлигини  
Ўзлари билади...



# Яхши ёзайлик, рост ёзайлик

**Н**ойтахтга биринчи боришим. Учларида юлдуз ёнган куббадор бинолар, қизғиш тусли муҳташам иморатлар ёдим кўзүсига ўрнашиб қолди. «Ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқнинг ўз қиёфаси бўлса, томоша қилиш завқли туюларкан, кўрганларинг эсингда қоларкан», деб ўйладим.

Мен «Саодат» журналида ишлайман. Бўлимим қишлоқ қурилишига оз-моз алоқадор. «Ҳамма қишлоқлар бир-бирининг кўчирмаси бўлиши шарт эмас экан. Жойларимизни замонавийлаштириш бутунлай бузиб-қуриш эвазига эмас, мавжуд гўзалликларни бойитиш ҳисобига амалга оширилса яхши бўларкан. Энди шунини ташвиқ қиламан», деган ўй кечди хаёлимдан.

Менга яна Москвадаги биз қатнашган мажлислар ёқди. Семинарнинг охириги кунини Бутуниттифоқ ЛКСМ Марказий Комитетида йиғилиш бўлди. Уттиз-ўттиз беш ёшлар атрофидаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони, фан доктори, композитор, ишчи, колхозчи — ҳуллас, турли касбдаги кишилар ўз ишлари, бугунги ижодкордан нималар куттишлари ҳақида гапирдилар. Икки соат икки лаҳзадек ўтди-кетди. Чунки ҳамма кўнглидаги гапини сўйлади, биров ёзиб берганини ўқиб бермади. Булар семинардан ташқари таассуротларим.

Мен Владимир Андреевич Костров бошчилигидаги семинарда иштирок этдим.

Муҳокаманинг биринчи кунёқ осетиялик таъсирчан қиз Елизавета Кўчиева, куйбишевлик шиддатли шоир Михаил Онищенко, мулойим, лекин топиб сўйлайдиган карелиялик Тойво Флинк, украиналик сокин, лекин теран шоира Светлана Корниенко, ҳуллас, кўплари яхши кўриб қолдим. Умуман, семинаримизнинг руҳи ҳаммамизга ҳам ёқди. Чунки баҳсимиз одил, ўртада шеърдан бошқа имтиёз йўқ эди. Ҳатто баъзиларга «Ўйлаб кўринг, балки энди ёзмайсиз» деган гаплар ҳам айрилди. Алам ўтганлар, йиғлаганлар топилди, бироқ семинар машғулотида кейин танқид қилган ҳам, танқид еган ҳам бир стол атрофида ўтириб чой ичавердик, ҳеч ким бир-бирини душман ҳис қилмади. Шеърга берилган бир одил баҳо тўғриси тўп-тўп бўлиб ғийбат уюштириб юрадиган баъзи давраларга семинаримиз руҳини жуда ҳам олиб келмоқчи хоҳладим.

Группамиздаги йигит-қизлар билан машғулотлардан ташқари ҳам кўп бор мулоқотда бўлдим. Улар ўз республикаларининг бугунги ёшлар шеърляти ҳақида гапириб беришди, мен ўзимизникиларни сўйладим. Айтиб ўтириб, шеърларини тўшунтириб ўтириб, Мўхаммад Солиҳ фалсафаси, Тоҳир Қаҳқор, Усмон Азим шиддати, Шавкат Раҳмон, Мўхтарома Улуғова, Хўршид Даврон лиризмнинг кучини, қудратини яна бир бор тўйдим. Ўзбек ёшлар шеърляти қардошларимиз даражасидан паст эмаслигидан суюндим, ғурурландим. Мени доим бир нарса ўйлантирарди. Баъзи давраларда «Шеъри яхши-ю, лекин лирик экан, граждонлик руҳи кам», деган баҳоларни эшитардим. «Ўзбекистоннинг бир дарахти ёки дарёси ҳақида ёзилган зўр шеър, ҳеч бўлмаса ўнга юракда шу тўпроққа меҳр уйғотади-ку! Ахир, юрт, эл учун бир яхшилиқ қилишдан олдин унинг митти майсасидан баланд тоғигача севиш керак-ку. Гўзаллик, муҳаббат ҳислари яшаган юракка ёвузлик уя қўрмайди, лирик шеърлар инсондаги шу азиз туйғуларни тарбиялайди, бу унинг граждонлик руҳи эмасми! Ахир, машҳур рус шоири Евгений Евтушенко ҳам «Резолюция билан эмас, эволюция билан урушларнинг олдини олиш мумкин», деган-ку, дея ўзим билан ўзим сўйлашардим. Москвадаги семинар кунларида фарғоналик шоира Мақсуда Эгамбердиеванинг бадийи кашфиётларга бой лирик шеърлари жуда яхши баҳо олди. Шунда ўйларининг тўғри эканига ишонч ҳосил қилдим.

Дўстларимиз билан суҳбатдан маълум бўлдики, автоном областлар, ўлкаларда вақтли матбуотда ёшлар ижодининг ёритилиши қийинроқ экан. Чунки газеталарнинг ўз вазифаси бор, журналлар йўқ ҳисоби. Биз бу жиҳатдан жуда бахтли эканимизни англадим: яхши нарса ёзсанг — бас, чиқади.

«Яхши ёзайлик, рост ёзайлик, олдимиздан оққан сувнинг

қадрини билайлик», дегим келди ўша суҳбатдан кейин ўзбек тенгдошларимга.

Тошкентга қайтиб келгач, семинаримизнинг ҳар кунидан айтажак гапларини топдим. Айниқса, Москвада ўтган кунларнинг икки лаҳзаси ҳеч эсимдан чиқмаса керак. Группамиз йиғилиб, хайрлашув оқшомини ўтказдик. Раҳбарларимиз дастурхон устида ҳаммага бир-бир сўз беришди. Навбат менга келганда: «Қўтлибека Раҳимбоева, Ўзбекистон ССР», деб эълон қилинди. Утирган хонамиз Ўзбекистоннинг номига тўлиб кетгандай бўлди. Бутуниттифоқ ёшлар кенгашининг ёпилиш кунини Георгий Эмин, Роберт Рожественский каби улкан шоирлар ўтирган минбардан юртимиз номи тўрт марта янгради. Шунда, биз бу ердан Хайриддин Султонов, Шароф Бошбеков, Қўтлибека Раҳимбоева бўлиб эмас, «Ўзбекистонлик Хайриддин Султонов», «Ўзбекистонлик Шароф Бошбеков», «Ўзбекистонлик Қўтлибека Раҳимбоева» бўлиб кетганимизни чуқур ҳис қилдим.

Агар Йўлдош Эшбеков, Мирза Кенжабоев, Эшқобил Шукуров, Абдували Қўтбиддинов каби шоирлар ҳам борганида, семинардан олган қувончимиз янада улканроқ бўлармиди, деб ўйладим.

Биз ҳаммамиз муҳокамага сўзма-сўз таржималарини тақдим этган эдик. Биринчи кунини семинаримизда Тойво Флинк исмли фин тилида ёздиغان шоирнинг шеърлари муҳокама қилинди. У сўзма-сўз таржималарини ўқиб берди, ҳеч ким англамади, фикр айтилмай ноқулай ҳол рўй берди. Шундан чўчиганимдан шеърларни кечқуруноқ группамиздаги йигит-қизларга тарқатиб бердим. Агар менинг ё Мақсуданинг қўлғезмалари биринчи кунини муҳокама қилинганида биз ҳам Тойво Флинкдай, сукунатдан ортиқ баҳо ололмасдик.

«Шеърларни рус тилида эълон қилишга ошиқмаслик керак», деган фикримдан қайтганим йўқ, лекин Бутуниттифоқ кенгашиларига, албатта, таржима яхши бадий таржима билан бориш керак экан.

Ҳуллас, Москвада ўтган кунлар яхши, барибир, энг яхшиси яна Тошкентга қайтишимиз бўлди.

Қўтлибека РАҲИМБОЕВА

## Давр талаби

**М**ен таниқли шоир Андрей Деметьев ва моҳир таржимон Яков Козловский раҳбарлигидаги семинарларда иштирок этдим. Бирида шеърларим муҳокама қилинган бўлса, иккинчисида таржимон сифатида қатнашдим. А. Деметьев семинарида, аниқса ленинградлик Ирина Знаменская, ереванлик Аюп Мовсес, душанбелик Зиё Абдулло каби ёш ижодкорларнинг шеърлари кўпчилиққа манзур бўлди. Бу шоирларнинг шеърларида чуқур ўйчанлик, ўз халқининг ўтмиши ва ҳозирги кўнига ихлос, шаклий изланишлар мавжуд. Менинг рус тилида ёзган шеърларим ҳам семинар раҳбарларининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Таржимонлар даврасида эса киевлик Оксана Пахлевская, москвалик Наталья Соколовская, кишинёвлик Людмила Фельдшер каби ёш таржимонларнинг номлари тилга тушди. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакики, таржимонлар семинарида қатнашган ижодкорларнинг деярли ҳаммаси уч-тўрт тилини мукамал ўрганган ёшлар. Мен ҳам Европа халқлари тилларидан (испан, француз, инглиз) ўзбек тилига қилган таржималаримни ва ўзбек классик шеърлятидан рус тилига ўтирган асарларимни ўқиб бердим. Бу ҳолат — замон талаби. Бир томондан, ҳозирги шароитда маданий алоқаларнинг кучайиши — тинчликнинг мустаҳкамланиши демакдир. Иккинчи томондан, ўзимизнинг забардаст классик шеърларимизнинг ҳар бири кам деганда зулласонаин бўлган. Наҳотки, бизнинг давримизда бу ҳол мушкуллашган бўлса!

Шунини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, кўпгина ресубликалардаги каби Ўзбекистонимизда ҳам жаҳон тилларида нодир лирик дурдоналардан оммавий ва чўнтақбоп китобчалар чоп этилса; бу ҳол янги таржимонларнинг ўсиб чиқишига, қолаверса, маданиятимизнинг янада равнақ топишига катта ёрдам берад эди. Ҳозирча эса «Ёшлик» журналининг саҳифаларида бу рубрика доимий бўлсин деб,

Ҳамид ИСМОИЛОВ





Муроджон  
Мансуров

# ПАРВОЗ ВА ИНҚИРОЗ

ёки икки дил  
изтироби

*Коммунистнинг маънавий қиёфаси. Раҳбарнинг хизмат бурчи, унинг партия Уставига, раҳбарликнинг ленинча нормаларига оғишмай амал қилиши, ўзига билдирилган ишончни оқлаши, давлат манфаатларини ҳамisha ҳимоя этиши...*

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида мазкур масалалар юзасидан ошкора ва принципал гаплар бўлди, айрим масъул раҳбарлар шаънига ҳаққоний танқидий фикрлар айтилди.*

*Дарҳақиқат, халқ хўжалиги ва маданий қурилишининг етакчи участкаларига софдиллик, коммунистик виждон билан раҳбарлик қилиши керак бўлган баъзи бир мутасадди кишилар манманлик ва шухратпарастлик касалига йўлиқдилар, кўзбўямачилик ва алдамчиликка берилдилар, шахсий ҳузур-ҳаловатлари деб давлат ва халқ манфаатларидан кўз юмдилар. Охир-оқибат ўзларини бадном этиб, меҳнаткашлар, кенг*

*жамоатчилик назаридан қолдилар. Бу мақолада коммунистик идеалларга, ўзига, ўзлигига хиёнат қилган бир собиқ раҳбарнинг армону ўқинчларини ва шу баҳонада ота-боланинг таассуфли муносабатини қаламга олдик.*



енинг бир математик дўстим бор. Нихоятда ҳалол, бир сўзлик йигит. Йигирма йилдан бери институтда катта ўқитувчи. Аммо билими, обрўси бир профессорниқидан кам эмас. У азбаройи ҳақгўйлигидан отаси билан айтишиб қолиб, уйдан чиқиб кетганига, мана, ўн йилдан ошяпти. Уни ўша вақтдаёқ эл-юртга танилиб қолган раис отаси... оқ қилган. Менинг бунақа шаккоқ ўғлим йўқ, деган.

Шунда ким уни тушунди, ким тоза айблади. Бировлар минг ҳақ бўлганда ҳам ўғилнинг отага ақл ўргатиши одобдан эмас, деса, яна бировлар унинг соддалигидан кулди: «Эй, банди лодон-а, отаннинг даврида эришадиганингга эришиб олмай-санми?! Унга таясанг-ку, ҳалигача докторликни ёқлаб, бир кабинетнинг эгаси бўлиб ўтирардинг-а! Истаган унвону мукофотлар сеники эди-я», деганлар ҳам бўлди. Лекин у шундай қудратли тиргақдан воз кечиб, «игна билан қудук казиш»да давом этди. Ун бир йил деганда кандидатлик диссертациясини ниҳоясига етказди. Шунда Москвадаги таниқли олимлар ҳам унинг истеъдодига тан бериб, илмий ишини ҳатто докторликка тенглаштиришди. Одамлар профессорликка эришиб топмаган обрўни у ана шу битта илмий ишидаёқ топди.

Бу орада ота ҳам гуруллагандан-гуруллаб, кимсан — донгдор раисга айланди. Сўнг яна ҳам юқорирок лавозимга — райкомнинг биринчи секретарлигига кўтарилди. Шунда уларни яраштириб қўйиш учун кимлар ўртага тушмади, кимлар гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан элчиликка бормади. Лекин на ўғил сўзидан қайтди, на ота инсофга келди. Уғил шартини қўймас, ота эса назарга илмасди. «Қим бўлиб кетибди, ақл ўргатади! Керак бўлса, ўзи бош эгиб келсин», дерди у.

Уғил эса «ҳали ҳам бўлса кеч эмас, қайтсинлар бу қалтис йўлдан! Воз кечсинлар сохта обрўлардан. Кимга керак бу кўзбўямачиликлар?»— дея шахтидан қайтмасди. Отасининг олдига бош эгиб бориш тугул, унинг ҳар қандай ёрдамини қайсарлик билан рад этарди. Улар ана шундай гина-араз ичида яшар эдилар.

Шу дўстим яқинда телефон қилиб:

— Уйда бўлсанг, бормоқчи эдим,— деб қолди аллақандай маъюслик билан.

Келди. У жуда хомуш, худди бошига қулфат тушгандек хаёлпаршон эди. Бир оғиз сўзни ҳам хотиржам айтолмас, ҳар гапида бир хўрсиник ва озор аралаш эди.

— Тинчликми?— дедим беихтиёр.

У аламли бош чайқади. Ерга қараб, оғир уҳ тортиди:

— Кошки эди... Уятга қолдик, уятга! Уларни бу йўлдан кайтарганимда, қайтара олганимда, шу гап йўқ эди. Бу шармандалик йўқ эди. Ахир бегонамас, ўз отам эди...

Мен таскин беришга уриндим:

— Сен уйдан чиқиб кетмаган бўлсанг ҳам бошқа гап эди...

— Ҳамма бало шунда!— деди у қутилмаганда баттар алам билан.— Уйдан чиқиб кетмаганимда, айбларини ҳар кун, ҳар соат юзларига солиб турганимда, ҳар турли ёмон ишлардан қайтариб турганимда балки шу юзқоралик йўқмиди?! Ахир, бошқалар билмаса ҳам мен отамнинг қандай йўлга тушиб қолганларини, охири яхшилиқ билан тугамаслигини, амал деб, мол-дунё деб борган сари кўзбўямачилик ботқоғига ботиб кетаётганликларини билардим-ку? Билардим-ку!

Мен унинг отасига ёзган хатларини эсига солиб, тасалли бермоқчи бўлдим. У қўл силтаб, чуқур тин олди:

— Хат нима?! Уриб хайдаганларида ҳам ўзим боришим керак эди! Олимликдан тушиб қолмасдим! Ҳеч бўлмаса, ўртага одам қўйсам, буваамларнинг олдларига ялиниб борсам бўларди-ку! Жон буважон, қайтаринг отамни бу ёмон йўлдан.

Улариниям, бизиниям шармисор этмасларидан қайтаринг. Бу кетишлари яхшимас, ҳеч бир ишлари тўғримас. Кейин пушмон қилиб қоламиз, лекин кеч бўлади. Юртда бош кўтариб юра олмай қоламиз, буважон. Ўзингиз тушунтиринг. Сиз ахир шу хонадоннинг улуғсиз!— дея илтижо қилсам бўларди-ку! Бўларди-ку.

У ўзини креслога ташлаб, бошини чангаллаганча бир зум жим қолди-ю яна ўртаниб туриб кетди:

— Отам оқ қилган бўлса, онам хайдамагандилар-ку! Ҳузурларига бош уриб борсам бўларди-ку! Ойижон, сиз айтинг,



сизнинг гапингизга кирмасалар, кимнинг гапига кирадилар?! Ахир бу кетишда бир нима бўлиб кетсалар ҳаммадан бурун сиз куясиз-ку! Сизга қийин бўлади-ку! Еки шу мол-дунёга, шу омонат турмушга зормисиз? Бу ҳаром-хариш нарсалар эрта-бириси кун бурниларидан булок бўлиб чиқса, сиз ачинмай ким ачинади? Кун қуяди?— дея ялиниб-ёлборсам бўларди-ку! «Хонлик»дан тушиб қолмасдим-ку! Нега эртароқ шу ақлим кирмади? Югуриб-елмадим? Отанинг эски ошналарини кидириб топмади? Ахир отам уларнинг сўзини олиши, инсофга келиши мумкин эди-ку! Ушанда мана бу шармандалик йўқ эди-ку, тўғрими?..

Мен энди унга таскин беришга ожиз эдим. Шундай бўлса-да, секин сўрадим:

— Хатларинг-чи? Ақалли жавоб ҳам қайтармадиларми?..

У ўкинч-ла бош чайқади:

— Қанийди ёзсалар. Ахир инсофга келтирган бўлардим-ку...

...Орадан бир ойча ўтиб, хол-аҳвол сўрагани дўстимни йўқлаб бордим. У катак дафтарга ҳафсала билан ёзилган бир хат келтириб, олдимга кўйди:

— Мана, ниҳоят... жавоб ёзибдилар. Лекин энди гишт қолидан кўчганда, бадном бўлиб бўлганларида бу тавба-тазаррулар кимга керак экан?! Шу ақллари илгари қаёқда экан? Шу хатни уёқдан — турмадан эмас, уйдан ёзсалар бўлмасмиди? Яхшилаб ўқигин-а, кечагина ўзини районнинг пайгамбари санаб, ҳокими мутлак ўзимман, деб юрган одамнинг тавбасини ўқигин-а! Кун кеча қўл остидагиларга зугум қилиб, оддий меҳнаткаш одамни назарига илмай, кадрдон дўстларини танимай кетган кимсанинг, хом сут эмган банданинг пушаймонларини бир эшитгин-а!

Дўстим ҳаяжондан ҳаприкиб борарди. Охири у, «тавба! Одам боласи ҳам шунчалик қалтис хато қиладими? Боши так этиб деворга тегмагунча кўзи очилмайдими?» деди-ю, оғир-оғир бош чайкаб, ташқарига чиқиб кетди.

Мен алланечук мужмал, хайратомуз туйғу ичиди мактубга кўз югуртирдим. Унга лўнда қилиб шундай ном кўйилган эди:

## Узр хат

«Ўғлим, ўртағимизда қандай гаплар ўтган бўлса-да, барибир жигарбандимсан. Дардимни сенга айтмай, кимга айтман? Мени кечир! Мендан ўтган экан. Ишим олға босиб, кимсан — Фалончи бўлиб юрганымда, ахир бир кун барибир ўзи бош эгиб келади, қаёққа борар эди, деб ўйлардим. Қаттиқ янглишган эканман! Сен ёзган хатларни ўқиб, сени масхараб қулганларимни эсласам, кўзларимга жиққа ёш келади. Ушанда сен менга ҳали яшашни билмайдиган гўр бир бола бўлиб кўринган эдинг. Гумроҳ бўлмасам, менинг давримда йўнаб-қулмайдими, тезроқ илмий ишини битириб олиб, профессор бўлмайдими, «ГАЗ — 24»ларда керилиб юрмайдими, деб сени айблардимми?! Бироқ, сен шахтингдан қайтмадинг. «Дада, ҳалиям кеч эмас, тўғри йўлга қайтинг, виждонингизга қулоқ тутинг, одамлар кечиради, шунда мен ҳам қайтаман уйга» дейишини кўймадинг, тепа сочимни тўкка қилвердинг.

«Ҳали сиз биздан номус қиладиган бўлдингизми?! Кимсан — бутун бошли районни ёққизиб-турғизиб турган Фалончи-евдан-а? Москваларга юбориб ўқитганда биз керак эдигу, энди пулимиз, ёрдамимиз керак бўлмай қолдимми? Ҳали Сиз тўғри бўлиб чиқдингиз-У, биз зери йўлга кириб кетдикми? Кеча тухумдан чиқиб бугун ақл ўргатадиган бўлдингизми?! Бор, истаганингча яшаб кўр! Уша диёнатинг билан қаергача борар экансан!» деб сени оқ қилдим. Уйдан қувиб чиқардим. Энди эсласам, жигарларим ситилиб оқаятганга ўхшайди. Кўзимни парда босибди. У — жаҳолат пардаси, такаббурлик, амалпарастлик, мол-дунёга йўллик пардаси экан. Бу парда ортида мен оқ-қорани, яхши-ёмонни, дўст-душманни, ҳатто суюкли фарзандимни ажратолмай қолибман! Бирон кимса, на ёнимдагилар, на ёр-биродарлар, на тепамда турганлар «Ҳой, нима қил-япсан, кўзингни оч!» демабди-я!

Эҳтимола, дезандир ҳам. Аммо тўғри гапга қулогим кар эди. Мен ўзимни ҳамшиша бегуноҳ санашга ўрганиб кетган эдим. Ана энди бюроу Пленумлар ўтиб, шидан кетиб, депутатликдан қақириб олиниб, лозим топилган ерда жазоимни тортиб ўтирарканман, қачон, қандай адашганимни, бир қадар тасаввур қилиб турибман. Лекин мени таассуфки, кўзим кеч,

жуда кеч очилди. Энди у хатоларни ювиш ҳам, тузатиш ҳам қўлимдан келмайди. Сен айтмоқчи, гишт қолидан кўчган.

Ҳар қандай киши ҳам гуноҳини бўйнига олгиси келмайди. Менга ҳам осон эмас. Лекин қанчалик оғир бўлса-да, ўғлим, мен сенга барини очиқ-ойдин ёзишга жазм этдим. Токи мен қандай қилиб бу йўллarga кириб қолганимни, ўзимни, ўзлимни унутганимни англаб етгин. Дунёда одамни тўғри бўлишга, ҳалол яшашга, ишлашга қўймайдиган кимсалар ҳам талайгина эканлигини билиб қўйгин. Мен билан: сен ҳалолсан, поксан. Институтда обрўйинг бор. Ниҳоят, диссертациянгни ҳам ёқлабсан. Ўз йўлингни топиб олганингдан хурсандман. Лекин эрта-бириси кун бирор масъулиятли ишни топширишганда мендек кунга тушиб ўтирма, деб қўрқаман. Амал ёмон нарса. Имони сўстроқ одамнинг бошини айлантириб қўядиган ҳам, ҳаволантириб юборадиган ҳам, бурнининг тагидан нарини кўрмайдиган қилиб қўядиган ҳам шу амал!

Назари пастроқ кимсаларнинг нафсини очиб, мол-дунё йиғиш касалига гирифторм эгадиган ҳам шу амал! Одамни синамоқчи бўлсанг, амал бериб кўр, деб бекорга айтмаган эканлар.

Биланман, менинг насиҳатларим сенга эриш туюлиши мумкин. Ахир бир вақтлар худди шу масалада мени неча бор огоҳлан-тирган эдинг. Мен эса қўлоқ осмаган эдим...

Хабаринг бор, мен яхшигина ташкилотчи, ишбилармон эдим. Экономикани ҳам бир яхши экономистчалик билардим. Хўжалик юртишда-ку, олдимга тушадиганлар кам эди. Шунанга экан, нимада янглишдингиз, қаерда тойғониб кетдингиз, дерсан. Энди хотиржам дўппини олиб қўйиб йўлаб кўрсам, мени шухратпарастлик кесали еган экан. Осон шухрат топиш, нима қилиб бўлса-да, план бажариш ва ном чиқаришга уриниб, шу боши берк кўчага кириб қолган эканман. Яширмайман, чўлда ҳисобдан ташқари ерлар очиб, пахта экиш ҳамда ўша пахталар ҳисобига райондагина эмас, областда биринчи бўлиб планин бажариш «ташаббускори» бўлиб чиққан ҳам ўзим эдим.

Кейин мен кашф этган бу кўзбўямачиликни бошқалар ўрганишди. Чўлда давлат ҳисобидан ташқари минг-миг гектар экин майдонлари пайдо бўлди. Чорва маҳсулотларини-ку, аҳолидан сотиб олинмайдиган гўшт-сут ҳисобига, сариёғ ҳисобига ўндирардик. Бориб-бориб, алмашлаб экишга ажратилган бедаполяримиз фақат қоғозда қолди. Урнига планин, оқибатда обрўни кўтармайдиган нарсани эктирар эдим. Ҳеч ҳайқмаганмисиз, дерсан. Йўқ, қинғир ишингни кўриб-кўрмаганга олиб қолмай, аксинча раббатлантириб турадиганлар бўлгандан кейин ҳеч нарсадан тап тортмай қолар экансан. Ҳеч ким билан ҳисоблашмай кўяр экансан.

Райком секретарлигига сайланганимдан кейин иштаҳам яна очилиб кетди. Уша «ташаббусларим»ни энди район миқёсда ёя бошладим. Атрофимга ҳам ўз-ўзидан ишбилармон чапастлар йиғила борди. Кадрларнинг қанчасини ўзгартариб ташладим. Мужмаллик қилиб, ҳайққанларнинг жавобини бериб, бир оғиз гапимданок ниҳатимни уқиб оладиганларни ёнимга тўплайвердим. Учар маслаҳатчиларим кўпайиб кетди. Уларнинг ёрдами билан ўз-ўзидан бригадирлик, бўлим бошлиғи, директорлик лавозимларининг «нархи»ни белгилаб чиқдик. Эҳ, у, шотирлар, шотирлар! Атрофимда айлиниб-ўргилиб, ҳамду-санолар ўқиб, мени кимларга тенг қилиб қўйишмади! Бошимни айлантириб, қай кўчаларга бошлашмади!

Энди билсам, ортиқча ерларга экин эктира-ектира, кўзбўямачиликларга бошлай-бошлай районни баланд дорга осиб қўйган эканмиз. Ҳосил мундайроқ бўлиб, куз ёмон келган йилларда бу, айниқса, сезилиб қоларди. Нима қиларимизни билмай, план бажариш учун ҳар қўйга тушардик. Пахта заводидигилар билан тил топишга уриниб кўрардик, хом кўракларни «КИР» аппаратларидан ўтказиб, номига пахта «ясаши»га тушар эдик. Бир кўзбўямачилик бошқасини тўғдириб чиқарар, биз фирромлик, алдам-қалдамлардан қутили олмай сарсону саргардон эдик. Шунда мен сенинг дашонларингни эслаб, уйқуларим ўчиб кетар эди. Ўзимни қўйрага жой топа олмай юрар эдим, мавсумдан қутилиб олган, бу ғам-аламларни яна унутардим. Шотирларим жонимга ора кирарди, мени ҳар турли машатларга бошлаб, димоғимни чоғ этмоқчи бўлар эдилар. Энди билсам мени кун-бақун ич-ичдан емириб, диёнатимдан, инсофу имонимдан жудо қилиб бораётган нарсалардан бири ҳам шу зиёфатлар экан. «Наполеон», коньягига қўшиб, мен ақли-ҳушимни ҳам ичиб юбораверибман,

Ҳаром-ҳаришининг фарқига бормайдиган бўлиб қолибман. Бўлмаса, отамнинг ўлигини ҳам бировларнинг зиммасига юклайманми?! Маъракасини тўйдай дабдабали қилиб ўтказаманми?! Шотирларимнинг гапига кириб, ошхона ходимларини хизмат қилдириб қўяманми? Сенинг ўшанда тик юзимда айтган гапларинг ҳали-ҳали эсимда.

— Шу маъракаи ҳам ҳалол, пешона терингиздан топган пуд билан ўткази олмадингиз-а?! Шунги ҳам ҳаром аралаштирдингиз-а?! Бу уйда ўзи ҳалол нарса қолдими?— деган эдинг.

Гапларинг қанчалик аччиқ, ҳақ бўлмасин, мен уларни тўғри қабул қилолмадим. Мен бамисоли ёниб турган тош эдим. Сен бу тошга сув сепгандек бўлдинг. Чарсиллаб кетдим. Негаки, «Ҳамма менга қуллуқ қилиши керак», деб ўрганиб кетган эдим. Ҳатто ёлғиз отаганимнинг ўлигини ўзим кўмишим кераклигини хаёлимга ҳам келтирмабман.

Энди билсам, бор ҳақиқатни, гуноҳу айбларимни юзимга тик айта оладиган бир сен экансан! Бошқа ҳеч ким журъат эта олмаган экан. Мен эса, мен — гумроҳ эса сени, ўз фарзандимни оқ қилиб, уйдан ҳайдаб юрибман. Шунчалик шишиниб кетган эканман, босар-тусаримни билмай қолган эканман. Бўлмаса шаънимга айтилган бир оғиз тўғри сўзни кўтара олмайманми? Икки қарияни «Маъракаи ҳам шунчалик дабдабаю асбаса билан ўтказадими? Яна бу кишим фалончи эмиш?..» деган гаплари учун қувғинга олибман-а! Ҳатто тегишли одамларга бўйруқ бериб, қаматиб қўймоқчи бўлибман-а! Шунчалик ҳам ҳаддимдан ошаманми? Яхшиям обкомдагилар вақтида адолат қилиб, хатоимни кўрсатишгани. Бўлмаса, ўша вақтдаёқ шарманда чиқаркан.

Гоҳо ўйлаб-ўйлаб, илгарироқ танобимни тортиб қўйишганда бу кунларга қолмасмидим, дея армон қиламан. Давлат ҳисобидан қўша-қўша иморатлар солиб, пора устига пора йўғиб, қўлга тушиб ўтирмасмидим? Гуноҳларим тобора ортиб, балки мана бу ерда ўтирмаган ҳам бўлардим. Лекин энди булар ҳаммаси пуч хаёллар!.. Айб ўзимда. Амал деб, шухрат деб, бўлганим сари бўлай деб ўзим адашдим. Ҳозир ўзим бадном эгдим. Районнинг каттаси бўла туриб кимлигимни, мени бу лавозимга кимлар, нима учун сайлаб қўйишганини унутибман. Биласанми, ўғлим, терговда менга энг таъсир қилган савол нима бўлди?

— Сиз мол-дунё йўғиш учун партияга ўтганмидингиз? — дея сўрашганида ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Негаки ич-ичимдан йўқ, деб турсам-да, тилим айланмасди. Одатдагича, аввало ён-веримда «лаббай, хўжайин!» деб тургувчи югурдак шотирларимни айбламоқчи бўлдим. Бироқ бунақа шотирлар ҳамшиша бўлган-ку? Улар битта мени эмас, не-не софдил кишиларни куйдириб, эл аро шәрмисор этмаган-ку! Йўқ, айб ўзимда. Қаллани ишлатишим керак эди. Мени азизлаб, ишбоши қилиб кўтарган қоракўзларнинг ғамини ейишим лозим эди. Мен эса ўз ғамини едим.

Лекин шундай бўлса-ди, менга учта нарса таскин беради. Бир — сенинг поклигинг, тўғрилигинг. Бу ботқоққа ботмаган бир фарзандим — сен борлигинг.

Иккинчиси — яхшиям район қурилишига зўр берганим. Бош план асосида уни тамомила қайта қурдирганим. Ҳеч бўлмаса, бу бинолар Фалончининг даврида бўлган эди, деб тилга олишадими-ку.

Учинчиси — минг қатла шукрки, баъзи раҳбарларга ўхшаб

суюқ йўлга кирмадим. Чиройли кўринган ҳар бир аёлга кўз олайтирмадим. Шотирларим шу йўлга бошлаганда, бор, мандан нима кетди, десам ҳозир адои-тамом бўлган бир одам эдим. Сенга бу хатни ёзиб ҳам ўтирмасдим. Ишон, ўғлим, нима қилган бўлсам — қилдим, тан оламан, лекин бу томондан покман. Виждоним тоза. Бўйинидаги жазоимни ўтаб, сиз фарзандларим олдига очиқ юз билан бора оламан...

Илгари қариялар, «бу дунё қайтар дунё, ҳеч бир ёмонлик бежасо қолмамай», десалар ишонмасдим. Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқар, ғирромлик билан узоққа бориб бўлмас экан. Ҳаётингга ҳаром аралашдими, бир кун миси чиқаркан. Эсиз, тиллодан қиммат бу гапларинг маъносига кеч, жуда кеч етдим.

Ҳеч бир инсон мендек адашмасин. Сенга ҳамшиша ҳалоллик тилаб,

инқирозга учраган отанг».

Икки дилнинг икки хил изтироблари. Бир азбаройи ҳалол-поклигидан, вақтида отасига қайиша олмаганидан виждони кийноқда, ўзи ўкинчда. Бошқаси даври келганда ҳалол яшай олмаганидан энди аччиқ-аччиқ надоматлар чекади. Лекин кеч, жуда кеч...

Бир кўра-била туриб, ўз падарини ёмон йўлдан қайтара олмаганидан, араз — гинага берилиб, қайтариш йўлини кидириб кўрмаганидан пушмонда. Ҳатто ўзини гуноҳкор ҳисоблаб турибди. Бошқаси эса, пешонаси деворга тақ этиб тегмагунча кўзи очилмаганидан, ҳеч кимга кулоқ осмаганидан армонда. Армон бўлгандаки, бемалҳам, бетаскин бир армон.

Бир охиригача курашмаганидан, ота тақдир учун куймаганидан азобда. Бошқаси энг буюк давлати — фарзандидан бекорга юз ўгиргани, оқ қилганидан, бутун қилмишларидан афсусда. Минг тавба-тазаррулар қилади. Лекин энди кеч, жуда кеч...

Мен дўстимнинг ижозати билан отанинг бу хатини, воқеанинг ўзини журналхонлар диққатига ҳавола этарканман, ноҳақдан-ноҳақ оқ қилинган ўғилнинг Ота олдидаги бурчи, қарзи қай даражада бўлиши кераклигини жуда-жуда билгим келди. Нима дейсиз? Унинг ўкинчлари ўринлими? Аразгиналари-чи? Нима қилса, бундай армонда қолмас эди? Ўзи айтгандек, агар ҳаракат қилса, елиб-югурса, босар-тусарини билмай кетган отани яхшиликка олиб бормайдиган бу йўлдан қайтара олармиди? Инқироздан асраб қола олармиди?

Яна собиқ секретаринг атрофидагилар-чи? Яхши кунда бирга бўлган, бирга иш кўрган идорадош, маслакдош ёр-дўстлари-чи? Наҳот улар ҳам бор ҳақиқатни, унинг камчиликларини бир коммунист сифатида тик юзига айта олмадилар? Нимадан истиҳола қилдилар, ахир? Улар қайтарсалар бўлармиди, уни бу тойғончок йўлдан?

Ва, ниҳоят, бу икки дил изтиробини қоғозга туширишдан максад шуки, она заминдан, атрофидаги софдил, захматкаш, принципиал одамлардан ажраб қолиб, маънавий фалокатга учраган собиқ раҳбарнинг ҳаёт йўли зора ўзгаларга сабоқ бўлса. Зора ўша гумроҳ ота каби манмансираб, ўзлигини унутиб юрган қимсалар бу мактубни ўқиб андак халғга толсалар.

Ҳалолликка, тўғриликка, тинчлик-хотиржамликка нима етсин, ахир!..



Жўра Саъдуллаев

# Фарғонадай сўлим бир чаман...

*Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси Ленин комсомолига доҳийнинг табаррук номи берилганига 60 йил тўлди. Бу қутлуғ сана бепоён мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланди. Комсомол ёшлар, бунёдкор замондошларимиз бу байрамни янги-янги меҳнат зафарлари, ижодий ютуқлар билан қарши олдилар. Байрам арафасида КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши теран раҳматий маънога эгадир. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур очеркда комсомолда тобланиб вояга етган уч авлод вакиллари, улар орасидаги жанговар эстафета ҳақида ҳикоя қилинади.*



УАЛЛИФ. Пешинга яқин эрталабки булутлар тарқаб, қуёш чарақлаб кетди. Эркин Носировичнинг чехраси очилди: «Йил йилга ўшамаслигини кўравериб кўзимиз пишиб кетган. Лекин бунақаси яқин орада бўлмаган — июнда ҳам осмон ёришмаса-я. Ғўзалар ерга епишиб ётибди. Энди қачон қаддини тиклайдию, қачон гул очиб, кўсак тугади!» Раис рўпарасида аччиқ кўк чойдан оз-оз хўллаб ўтирган мўйсафидга назар ташлади. Еши етмишдан ошган бўлса-да, тетик. Уткир кўзларида ажиб бир чақин. У Қодиржон ота Омонов, бир пайтлар бўз йигитлик чоғлари шу колхозда комсомол ташкилотини тузган, унга биринчи сарко-тиб бўлган. Ҳозир ота ҳикоясини бир дам тўхташиб, осмонга разм солди: «Бор экан-ку равшан жаҳон!» — деб қўйди. Кейин яна сукутга берилди.

Баланд тепаликка қурилган шийпонда ўтирибмиз. Бутун қишлоқ кафтдагидек. Олисда, кунботарда паст-баланд тепалар орасида Тўпаланг дарё кумушкамардек ярқирайди. Ҳозир авжи сув кўпайган палла. Қишлоқнинг жануби-шарқидан Қоратоғ дарёси ўтади. Обизанг эса, нақ колхоз марказидан шарқираб оқади. Қуйроқда — Шарғун сойи. Бу дарё ва сойлар салқини авжи саратонда ҳам қишлоқ ҳавосини мўйтадил қилиб, танга роҳат бағишлайди.

Шийпондан Узун посёлкаси, «Коммунизм» совхозининг қишлоқлари яққол кўзга ташланади. Термиз-Душанбе асфальт йўлида машиналар турнақатор. Пассажир поезди оғир гувиллаб ўтади. Темирйўл ерти — хурмозор. Нарирокда районнинг янги маъмурий бинолари қуёшда ярқираб кўз олади. Чор тарафга таралган тўғри асфальт йўллар четида бўйсирани хонадонлар. Бири-биридан кўркам, файзли уйлар.

ҚОДИРЖОН ОТА ОМОНОВ: Бу уйлар, бу турмуш осонликча юзага келгани йўқ. Ҳили-хиштимиз асли Андижоннинг Асакаси-дан. Билсангиз, Асаканинг биқинида Ниёзботир деган қишлоқ бор. У ёғи — адр. Сувга таҳчил, ери тошлоқ. Ер-сув ислоҳоти ўтказилиб, батрагу қароллар ўз чекига эга бўлганидан кейин ҳам одамларнинг касаси оқармади. Негаки, ер ёмон эди. Бир нима экиб, ундириб, тирикчилик қилиб бўлмасди-да.

Хотирам алдамаса, 1930 йилнинг январимиди-февралимиди, қишлоғимизга Йўлдош ота келдилар. Яктаки елкага илиб, чамбарак дўппини чаккага қўндириб юрган бўз йигитларимиз, денг. Тумонот одам тўпланди. Йўлдош ота ваъз айтмоқчи бўлиб, қишлоқ партиякасининг қотиби билан одамлар олдига чиқдилар. Узиям гапга чечан, фикри тиниқ киши эди...

МУАЛЛИФ: Ушанда Ниёзботирда катта кенгаш бўлди. Ота Ўзбекистон диёри яшнаб, тикланиб, шаҳару қишлоқда социалистик турмуш изга тушиб бораётганини айтдилар.

— Мамлакатимизда пахтага эҳтиёж кучаймоқда. Фарғона деҳқонлари Ёзёвонга юриш бошлади. Лекин Ўзбекистонимизда деҳқоннинг толмас билакларига зориқиб ётган ерлар беҳисоб.

Мирзачўл, Шеробод чўли, Жиззах-у Қаршида қанча-қанча унмудор ерлар бўш ётибди. Бу ерларга экин-тикин экиш учун куч керак. Чунончи, Сурхондарёни олайлик. У ёқларда сувлик ерлар кўп. Тўпроғи шунчалар серҳосилки, пиёз эксангиз, авжи етилганда осмонга тошдек тарсиллаб отилади. Биродарлар, келинлар, колхоз тузайлик-да, ер очгани, ўша томонларда ҳам социализм чироғини ёққани отланайлик!..

Ғала-ғовур авжига чиқди. «Сувга ташна бўлсак ҳам ўз жойимиз азиз», — деган овозлар ҳам, табиий, эшитилиб турарди. Ниҳоят, жуссадор, бутун вужудидан кўп балқиб турган бир йигит Отага рўпара бўлди: «Одам боласи умид билан яшайди, Ота,— деди у.— Умидимиз ушалса, Сиз айтганчалик бўлса, бораемиз!»

Ота йигитнинг гурзидай қўлларига назар ташлади. Кўзларида қувноқ жилва пайдо бўлди: «Сендай йигитлар бу савоб ишга отланса, Асакаси кетмайди ҳам», деди. Даврада кулги кўтарилди.

— Кимсан! Исмнинг айт, ука!

— Жума кўни туғилган бўлсам керак, Ота. Падаримизни Пирназар дейдилар. Жума Пирназар ўғлиман.

Ота халойиққа ўғиринди.



— Жума Пирназар ўғли гапирмоқчи,— деди баланд товушда.

Жулавой олдинроққа ўтди.

— Оғайнилар,— деди у,— Ниёзботирда тош теравериб чарчадик. Энди давлат ўзимизники бўлиб қолди. Хўп, денглар, Сарносиёга борайлик. Уша овлоқ ерларни ҳам гуллатиб, Ота айтганларидай социализм чироғини ёқайлик.

**ҚОДИРЖОН ОТА ОМОНОВ:** «Хулласи калом, Ниёзботирда туриб колхоз туздик. Унга ном қўйиш чоғи ҳам тортишдик. Баҳсга Ота якун ясадилар: «Сизлар катта ишни бошляясиз. Бу — мутлақо янги иш, ўртоқлар. Колхоз ҳам катта бир рўзгорда. Келинлар, колхозингизни «Янги рўзгор» деб атайлик».

Ҳаммамиз рози бўлдик. Шу кенгашдаёқ ўн чоғли хўжалик колхозга ёзилди. Отанинг таклифи билан Жумабойни расликка сайладик. Март ойининг бошларида вагон беришди. Кўч-кўронимизни ортиб, йўлга тушдик. Саккиз кун деганда Сарносиёга етиб келдик...

Поездимиз яёдоқ бир ерда тўхтади. Ташқарига чиқдик. Тизза бўйи қор. Юкларимизни туширдик. Поезд бир чинқирдию, оғир пишиллаб қўзғалди. Жумабой ёнига бир-икки эркакни олиб, шу яқин атрофдаги қишлоққа кетди. Сўпиёр қишлоқ Шўрси дарҳол от-улов ажратди, одамларни хонадонларга жойлаштирди.

**МУАЛЛИФ:** Бу томонларда бир замонлар Аширбой деган бой бўлган. Ариқ очтириб, сув чиқариб, боғ-роғ, экин-тикин қилган. Кимда-ким унинг рухсатисиз сув очса, моли талон, ўзи сарсон-саргардон бўлган. Уша бой очдирган ариққа ҳам, у яшаган қишлоққа ҳам халқ Аширжилон [Ашир илон маъносида] деб ном берган. Атрофларда қўл учиди, елка қисиб кун кўрадиганларнинг Бешкапа, Капар қалъа қишлоқлари бўлган.

Сурхондарёда Совет ҳокимияти ўрнатилгач, босмачилар бош кўтарди. Қишлоқ камбағаллари ўз-ўзларини ҳимоя қилиш учун қизил таёқ уюшмаларини туздилар. Сарносиё, Денов, Юрчи томонларда Аҳмадjon Ҳакимов, Ҳайит Ҳақназаров, Уроқ Ҳамидов, Қурбон Ҳакимов сингари комсомоллар қўлга қурол олиб, ёш Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун курашди. Босмачи Хуррамбек йигитлари пайт пойлаб комсомол аъзоси Яхшибойни қўлга туширишди. Соё бўйида уни кўпнаридай наридан-бери отга судратиб чопдилар. Сўнг жасадини Филдиоровуқ сойига ташлаб юборишди. Комсомол қиз Иқболни норасида боласи билан сўйиб кетишди. Бироқ, аксилинкилобчилар янги ҳаёт чечакларини сўлдириб битира олмадилар. Топталган, хазон бўлган ҳар бир чечак урнида ўнлаб янги куртаклар барг ёзиб, қуёшга талпинаверди. 1930 йилга келиб, Салим калта, Анвар, Иброҳимбек, Ҳайитбек, Мамаражаб босмачи тўдалари батамом тугатилди.

Асакаликлар кўчиб келишганида Сарносиё, Узун атрофларида Жўра Назаров, Облоқул Бобожонов, Ибодулла Собиров,

Раҳмон Сахибоев сингари большевиклар дастлабки қишлоқ хўжалик артелларини тузишганди.

**ҚОДИРЖОН ОТА ОМОНОВ:** Бизга тўқайзордан ер ажратиб беришди. Бўёғи — баҳор, вақт зиқ. Ҳеч нимани ўйлаб ўтирмай, ишга тушиб кетдик. Хотин-қизлар, кексалар буталар, қамиш-қиёқларга ўт қўйишади, биз каби ялов йигитлар қўлда кетмон, ер чопамиз. Болалар қамишларнинг томирини теради, бир четга чиқариб ёқади. Чигит экиш мавсуми чўзилиб, қўллар қадоқ бўлиб кетди. Эккан пахтаимизни 45 гектардан ошира олмадик. Тўқайзор орасидаги яланг жойларни шудгор қилиб, кенгайтириб чигит эдик. Кейин ариқ очиб, ўша «оролчалар»имизга сув ўтказиш чорасини кўрдик. Жумабой тўқай оралаб мўлжал олади, биз ортидан ариқ очиб кетаверамиз. Иш оғир, одамни шундай толиқтирадими... Бироқ чидаймиз. Бунақа пайтларда раис давра ясаб, уни-бунни аския қилади, кимдир қўшиқ айтади. Унга қолганларимиз қўшиламыз:

Яйраб учган турналар,

Эллар ошган турналар...

Яна ишга тушамиз. Бир кўни ариқ йўлини белгилаётим, Жумабой ака:

— Шу ерга тегирмон қурамиз, эсларингда бўлсин,— деб қолди.

Абдуғаффор ака бизга қараб:

— Бунинг авлиёми!— деди теп-текис ён-атрофга аланглаб.— Тегирмон қураармиш-а... Авало бу ерлардан сув оқизиб кўрсин-чи...

Кулишдик, лекин ишлай бердик. Негаки, Жумабойга, унинг ақл-идрокига қаттиқ ишонардик. Районнинг катта-кичик раҳбарлари келиб ишимизни томоша қилиб туришади. Ариқ қазияпмиз. Улар бош чайқаб, бизга ачинган бўлишади: «Йлгари бу ерларни бир совхозга бергандик, сув чиқара олмай, ерни ер қила олмай, одамлар тарқалиб кетди». Жумабой ака бундай гапларга қулоқ солмайди. Охири ерликлар «Қазиса қазибдида, ҳали бу атрофларга чигит эксин, ер қилсин бу тўқайзорни. Асакаси-ку, кетган»,— деб кулишади.

Ариқни ҳам қазиб бўлдик. Тўғон бошига Жумабой ака қўчқор етаклаб келди. Сув очдик. Бирам чиройли овозда, шилдираб оқади денг. Ҳув, ана, колхоз идорасини кўрдингизми, шу ердан сув кўпириб оқаяпти. Уша ариқ. Тегирмони пастроқда. Кўп йилгача бутун районга хизмат қилди шу тегирмон. Ўрни ҳозир ҳам бор. Аммо-лекин ҳозирги комсомолларга, ўғил-қизларимизга ҳайронман, билсангиз. Шундай бино ҳувиллаб ётибди. Уни тегирмон-музей қилиб қўйишса бўлади-ку!.. Энди бу, омади бир гап-да, ўғлим. Колхозимиздаги катта музей мудир Раъноҳон бир кўни уйимга борди. Ташвишдан тутун чиқади. Нима дейди денг! «Музейни жиҳозлаб бўлдик, ота. Очмоқчимиз. Лекин... омов топа олмаяпмиз. Бирор киши ясаб бермасмикин!» Билсангиз,



Ёшлик йилларини эслаганда.

ўшанда кўзимга ёш олдим. Замонга шукрона айтдим. Қандай даврларга етибмиз-а! Музейга қўйгани омов топа олмасак...

**МУАЛЛИФ:** Уша йиғилишдан кейин кўп ўтмай район комсомол комитетидан бир-икки вакил келди. Йиғилиш ўтказишди. Қодиржон Омонов, яна уч-тўрт йигит комсомол сафига қабул қилинди. Комсомол ячейкаси тузилиб, Омонов саркотибликка сайланди. Ёшлар ғўза парваришида ғайрат кўрсата бошлади.

Авжи ёз кези «Янги рўзгор»га Йўлдош Охунбобоев келдилар. Пахтазорларни айланиб кўрдилар. Сувчи йигитлардан бири шунда:

— Ота, айтганингиздай бўлмапти-ку!— деб қолди.

Охунбобоев Жумабой акага қараб:

— Бироз шошқалоқлик бу, Жумабой, жўжасини санагани кўзини кутса Асакаси кетадими!— дедилар қўлиб. Қулги кўтарилди. Кейин Отанинг чеҳраси жиддийлашди. Ҳалиги йигитнинг елкасига қўлларини қўйиб туриб:

— Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, ўка,— дедилар ўйчан.— Ҳаммаси бўлади. Меҳнат билан бўлади. Аста-секин бўлади. Мана, қара-я, бу тўқайзорлар орасида шу пахтазорлар бир маёқдай. Ҳозир тунлари чия бўри-ю, бўриларнинг овози уяқу бермаёқ керак! Шундай пайт келадики, ҳаммаёқ чаманзор бўлади. Тўпаланг бўйидаги бу тўқайларда обод қишлоқлар қурилади...

Ота «Янги рўзгор»га кейинги гал пахта терилаётганида келдилар. Терим тепасида турганларида ўша йигит бир қоп пахтани орқалаб ўтган. Уни таниб қолиб, Ота:

— Ҳа, ўғлим, ишларинг қандоқ!— деб сўраб қолдилар.— Уйландингми!

— Бўлмапти, Ота...

— Нега энди, ўғлим! Уйлан, бола-чақа қил.

— Қўлим калта, Ота...

— Шунинг олдироқ айтмайсанми, ўғлим,— Йўлдош Охунбобоев ёнверидан турган район раҳбарларига мурожаат қилди. Ерданчиси билан бир-икки кишини Сельпога юборди. Духоба, кийимлик атлас, рўмоллар, ун-гурунч, қанд-шакар олдириб келиб, йигитнинг қамиш капасига ташитиб берди. Бу — халқ оқсоқолининг камбағал йигитга давлат ҳисобидан кўрсатган кўмаги эди... Хайрлашаётганида Ота йигитни бағрига босиб, шундай деди:

— Ўзинга ёққан қизга уйлан, ўғлим. Давр-даврон сизларники. Ватанимиз Сизларнинг меҳнатингиз билан қудратли.

**ҚОДИРЖОН ОТА ОМОНОВ:** Жумабой ака бир куни Галабўта қишлоғидан Аширжилонга айланиб ўтди. Ерлари кулранг, сернам. Худди ўзимизнинг Қоратепаникига ўхшарди. Уша куни колхозчиларни йиғилишга чақирди. Андижондан пайдар-пай одам келиб турар, колхоз ҳам анча қаддини ростлаб олган эди. Жумабой ака ўзи кўриб келган ерларни ҳам ўзлаштиришни таклиф қилди. Бу фикрни ҳаммамиз қувватладик. Қодирали Аҳмедовни бошлиқ белгилаб, анча одам ажратдик. Кейинчалик Қодирали шундай гапни айтгани эсимда: Бир куни эрталаб уйғонса, кўрпани қалин қор қоплабди. Овқат тамом бўлган, одамлар ҳориган. Хотини Майрамхон кенжа ўғли Мамарасулни бағрига босганича қапада жовдираб ўтирганмиш. Уч яшар қизи Шарофатонга ёнида кўрпага ўралиб ётибди. Болаларига қараб турибдию, Қодирали: «Мен станцияга бориб, нон, озиқ-овқат келтирай»,— дебди-да, жўнабди.

Хуллас, у станцияга чиқиб, чойхонадан нон, қанд-курс олган. Уларни белбоғига тугиб, уйига келибди, энди чой ичишга ўтирган экан, раис Жумабой Пирназаров кирибди. «Ҳа, Қодирали, бахай!» «Одамлар чарчади. Озиқ-овқат йўқ. Куч етишмаяпти. Мен ҳам кетаман». «Эсингни йиғиб ол, дўстим. Бу кунлар ўтиб кетади. Эртага одам олиб, далага ўзим чиқаман».

Дарҳақиқат, эртасига ўн нафар йигит билан раис янги очилаётган ерга чиқиб келди. Биргалашиб, темир йўлгача йўл очишди, ариқ қазиб, сув чиқаришди. Биринчи йили тўқайзор орасидаги очикроқ жойларга чигит экишди.

Ушанда колхозимизда тўрт жуфт хўкиз, бешта от, беш плуг бор эди. Кейинги йили колхозимизга МТСдан учта трактор юборишди. Тўқайзорга ўт қўйиб, шудгор оча бошладик. Бута билан қамиш томирларига трактор плуги ҳам тоб бермас, тез-тез синиб турарди. Трактор ҳайдаб ўтса, изидан сизот суви шалдираб оқарди. Ерга капир, теша билан чигит экканмиз. Шу йили пахта ҳосилдорлиги аранг 20 центнерга етди.

Бутун колхозимиз янги ерга кўчиб ўтди. Қамиш капалар ясаб олдик... Уша йили комсомол Мамасанд билан Чиннихон



Жума Пирназаров ҳайкали олдида.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари

фарзандлик бўлишди.

Уша йили колхозимиз яхши даромад қилди. Жумабой аканинг ўзи айланиб юриб, қишлоқни янгидан планлаштирди. Тўғри йўллар солдириб, ҳар хўжаликка уй қурдира бошлади. Кейинги кузгача йигирма уч оила қамиш капаларни тарк этди.

**МУАЛЛИФ.** Ҳар йили тўқайзордан 30—35 гектар ер юлиб олинди, пахта экилди. 1938 йили ҳосилдорлик 28,5 центнерга етди. Раҳмонберди Раҳимов бригадаси 42 центнерга етказиб хирмон кўтарди. Тошпўлат Умрзоқов, Юнусохун Қурбонов сингари юқори ҳосил усталари етишиб чиқди. Комсомол ташкилоти ўсиб, унинг аъзолари юз кишидан ошди.

Ана шу йиллари колхоз комсомол ташкилотини бошқарган **ҲУРУМБОЙ АКА** ҳикоя қилади.

**ҲУРУМБОЙ УРУНОВ:** Отам колхознинг дастлабки аъзолари билан бирга кўчиб келганлар. Ушанда ўн уч-ўн тўрт ёшда эдим. Ерданчи чўпон бўлиб ишлай бошладим.

Кундузи яйлов кезиб, қўй-қўзи боқаман, кечқурунлари китоб тўрвामни қўлтиқлаб, мактабга қатнайман. Бироз саводим чиққач, комсомол комитетига ариза ёзиб бердим: «Стахановчасига ишлайман». Мени қувватлашди, бу ҳаракатга ёш пахтакорлар ҳам қўшилди. Комсомол ячейкамиз котиблигига сайландим. Кейин пахта звеносига ўтдим. Қирқдан ҳосил бердим.

**МУАЛЛИФ:** Ҳурумбой 1939 йил кузида ҳарбий хизматга қақрилди. «Янги рўзгор»дан бирваракайига 28 йигит Армияга жўнади. Абдумуталлиб Муртазоев, Девонаҳўжа Ниёзов, Қўлматжон Парпиевлар хизматни тугатиб, уйга қайтмиз деб туришганида уруш бошланди.

Эҳ-ҳе-е! Тўп судраб, снряд ташиб, жароҳатланиб, қанчадан-қанча йўлни босиб ўтмади йигит. Курск жангоҳида ўз тўпи билан душман «Тигр»ларини мажақлади. Ушанда «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Болтиқбўйи фронтда урушни тугатиб, кўксига қўша-қўша орден тақиб қишлоғига кириб келди.

«Янги рўзгор» колхози комсомол ташкилотига чиниққан эр йигитлар Улуғ Ватан уруши жангоҳларида фидокорлик, жасорат кўрсатишди. Колхознинг биринчи тракторчиси Жўра Парпиев танк взводиға командирлик қилди. Старший лейтенант Парпиев танкчилари Курск, Орёл, Киев шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Жасур танкичи Руминия, Венгрия, Чехословакия, Австралия тупроғида фашистларга зарба берди. «Қизил юлдуз», иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши орденлари, жанговар медаллар унинг журъату жасоратиға гувоҳ.

«Янги рўзгор» колхозидан 184 алп йигит Ватан ҳимоясига отланди. Улардан 109 киши эл-юрт озодлиги учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Уруш бошланганида комсомол ташкилоти ҳисобида фақат хотин-қизлару ўсмирлар қолди. Шунда Башорат Аҳмедова комсомол ташкилотчилиғига сайланди. Дала-ю фермада хотин-қизлар, чоллар, болалар, Хадича Норматова, Кароматхон Йўлдошева, Шарофат Абдуллаева, Рисолат Умрзоқова, Майрам Аҳмедова, Иноятхон Алиевалар фронтчи бригадалар тузишди. Комсомол ташкилоти йиғилишида қиз-келиндар: «Узим учун ва фронтдаги бир фидойи аскар учун меҳнат қиламан!» — деб сўз бердилар. Кундузи гўза чопиб, ойдин кечалари буғдой ўришди. Пахта териб, беда ғарамлашди. Қиш тунлари жанггоҳлардаги қаҳрамон солдатларга атаб кийим-кечак тикишди.

Навбатдаги ҳикояни тикланиш даврида комсомол ташкилотига етакчилик қилган ветерандан эшитсак.

**ТОПИБОЛДИ МАМАТҚУЛОВ:** Урушдан кейин Жумабой ота кадрлар билан ишлашни, хўжаликни бошқаришни кучайтирди. Юқори ҳосил учун юришнин олдида комсомоллар. Эсимда, колхозимиз комсомоллари областда кўп минг килограммчилар ҳаракатини бошлаб беришди. бу ташаббусни Сурхондарё область партия комитети маъқуллади. Қундуз ва Робихон Камбаровалар, Баҳрихон Тўраевалар қатори ўзим ҳам ҳар мавсум 12—14 тоннадан пахта терардим.

Ешларни қишлоқ хўжалик ишига кенг жалб қилиш учун Жумабой ота бир қанча река тузганди. Раисимиз спортни биринчи ўринга қўярди. Ҳашар қилиб, стадион қурдирганди. Сув бассейни ҳам барпо этилди. Отанинг ўзи ҳам миллий кураш бўйича мусобақаларда қатнашарди. Майдонга тушганида, унга тараф бўлгучи курашчи топилмасди.

Жумабой ота талабчан, сўзи кескирлиғига қарамай ҳазилкаш, очиккўнгли, одамларнинг аҳволини тушунадиган раҳбар эди. Бир кун бозорда бир чўпон қўлга тушиб қолибди: уч-тўрт қўйни сотаётган экан. Идораға олиб келишипти. Чўпон йигит титраб, қақшаб раисға рўпара бўлибти. «Нима қилаётган эдинг!» «Колхоз пул бермай қўйди, уч-тўрт қўйни пуллаб, онлага рўзгор қилиб берай дегандим». Жумабой ота ўриндан туриб, дераза ёниға боради-да, ҳовлиға қарайди. Тўртта ориқ-тирик қўй бир-бириға боғлаб қўйилганди. Уларни кўриб, раис: «Нима, каттароқ қўчқорлар йўқимди сотгани!» — деб сўрайди. «Бор, лекин булар семирмайди, деб сотмоқчи бўлгандим». «Бор, бухгалтер пул ёзиб беради, бозор-ўчарингни қилиб олгин-да, яйловға кетабер. Бу йил ўт яхши, қўй-қўзиларни семиртириб боққин», дейди раис.

Коммунист Жумабой Пирназаров ана шундай бағри дарё одам эди. Ушанто раиснинг хатти-ҳаракатини кўплар тушунмади. Ҳатто уни айблаганлар ҳам бўлди. Катта бир

йиғилишда раиснинг ўзи чўпон воқеасини эслаб, колхоз одамларнинг тўқлиғи, колхозчи оилаларининг фаровонлиғи билан қудратлидир деганди. 1954 йили колхозда пахта ҳосилдорлиғи 34 центнерға чиқди. Жумабой Пирназаров СССР Олий Совети депутатлиғига сайланди.

**ҲУРУМБОЙ УРУНОВ:** Колхоз ўсиб, юксалиб борди. Пахтачиликни, чорвани, бошқа соҳаларни жадал ривожлантиришдаги ютуқлари учун раис Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирланди. Қирқ центнерчилик ҳаракати кенгайди. Раҳмонберди Раҳимов, Тошпўлат Умрзоқов, Юнусхон Қўрбонлар бошлиқ бригадаларда рекорд ҳосил етиштирила бошланди. Пул даромадлари кўпайиб борди.

1958 йили колхоз давлатдан учта ҳайдов, саккизта чопиқ трактори, битта дон комбайни сотиб олди.

Жумабой ота пенсияға чиққанларидан кейин орадан кўп вақт ўтмай колхозчилар мени раисликка сайлашди. Бу пайтлар қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, механизацияни кенг кўламда жорий этиш палласи эди. Бу ишлар, айниқса, 1965 йил март Пленумдан кейин авж олиб кетди. Бу даврда колхоз дадил 33—35 центнерлик марранга эгаллаб бошлаганди. Жумабой ота кесалиғига қарамай тегиб, далаларни айланиб, пахтакор, боғбонларға маслаҳат бериб юрарди. 1970 йили 36,8 центнердан хирмон кўтариб, ялли даромадни 1 миллион 780 минг сўмға етказдик. Соф фойдамиз икки баробар кўпайди.

Буларни нимаға эслаяпман! Гап шундаки, даромадининг ўсиши ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар қурилишини кенгайтириш имконини берди. Колхозға мендан кейин Оллаберди Жумаев, Умаржон Мамажоновлар раҳбарлик қилишди. 1977 йили колхозға коммунист Эркин Рамазонов раис қилиб сайланди.

**МУАЛЛИФ:** 1970 йили колхознинг талантли раҳбари, ажойиб инсон Жума Пирназаров вафот этди. Бутун Сурхон диери, машҳур пахта устасининг ҳурматини жойиға қўйди. Сал ўтмай колхознинг йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишида Узун қишлоқ Советининг раиси Ҳанифа Қодирова сўзға чиқиб, «Янги рўзгор» колхозига Жума Пирназаров номини беришни таклиф қилди.

**ЭРКИН РАМАЗОНОВ:** Жума Пирназаров номли колхоз раиси: Унинчи беш йилликда колхозимиз қирқ центнерлик маррандан ошиб ўтди. Ҳамма техника-иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди. Алмашлаб экишға тўла ўтдик. Биологик усул, гербицидлар мўким юқори ҳосил олиш имконини бераяпти. Эндиликда бир центнер пахта етиштириш учун 30 иш соати сарфланаётир. Чорва ҳам фойдали соҳаға айланди. Умуман, ўн биринчи беш йилликда пахтани ўн, донни ўн беш, гўшт-сутни ўттиз-ўттиз беш процент кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз.

**МУАЛЛИФ:** Термиз-Душанбе йўлининг бўйида, Сариосиё билан Узун орасида бир гўша бор. Шундайгина йўл бўйдан маданият ва истироҳат боғи бошланади. У шон-шўҳрат майдонига туташ. Унг томонға бурилиш билан ўзиниғизни гўзал Фарғона водийсидагидек ҳис этасиз: йўл бўйлаб қатор тутлар барг ёзган, сўриларда ҳусайни, кишмишлар қуёшдан бол олиб, кўзларни қувонтириб турибди. Одамлар бу боғни кўрсатиб: — Жумабой ота Фарғонадан қаламчаларни олдириб келиб барпо этган узумзор, — дейишади.

Салгина юрсангиз:

— Жумабой ота бош бўлиб қурдирган клуб, — деган сўзларни эшитасиз.

— Бу чойхона тарҳини Отанинг ўзлари чизиб берганлар.

— Мана бу ариқ Ота изидан кавлаб борилган.

— Ота қурдирган мактаб...

Бу ерда ҳамма нарса коммунист Жума Пирназаровнинг табарруқ номини эслатади. Ҳар тонг мактабға ошиқаётган ўғил-қизлар чопқиллаб бориб, Ота ҳайкали пойига гулдастлар қўйиб ўтишади. Уз ишлари, ҳаёти билан мангу тирик бу инсон тўқайзорда ўзи барпо этган бу чаман қишлоқ ҳаётини, навқирон авлодларнинг оталар ишиға садоқатини зийрак кузатиб тургандай.





Келгуси йили бутун совет халқи, жаҳондаги прогрессив инсоният фашизм устидан қозонилган Буюк ғалабанинг 40 йиллигини кенг нишонлайди.

Тўрт йиллик машаққатли жангу жадалда Ўзбекистон фарзандлари ҳам Сталинграддан Берлингача ёвни қувиб, қадам-бақадам Ватан тупроғини озод этиб бордилар. Биз бугун кекса солдат, дея ардоқлайдиган табаррук отахонларимизнинг фарзандлари эндиликда юртимиз сарҳадларини, ёруғ кунларимизни, эртаси осойишта тонгларимизни қўриқлаб турибдилар. Совет солдати — тинчлик посбони деган рамзий ҳикмат бежиз айтилмаган. Бу рамз бизга ота-боболаримиздан мерос, у авлодларга ҳам эстафета каби топширилиши муқаррардир. Бу эстафета ҳақида ўртоқ К. У. Черненко умумармия комсомол етакчилари билан учрашувда алоҳида тўхталди.

Бу сонда ана шундай ветеранлардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқдамиз. Унинг номи сизга яхши таниш. Борис Тихомоловнинг онгли ҳаёти Ўзбекистон билан боғлиқ. У Улуғ Ватан урушида донг чиқариб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Собиқ учувчининг «Само жозибаси» трилогиясини ўқувчилар қизгин кутиб олдилар. Эътиборингизга қаҳрамон ҳақидаги очеркни ва унинг асаридан олинган бир бобни тақдим этаётимиз.

Юрий  
Ряженцев

## Умри ўзи бир достон



**Б**орис Ермилович сарғиш йўл-йўлли очбинафшаранг ақиқни обдон кўздан кечиргачгина жавондан брезент коржомасини қўлига олди. Арра кучли бир зўриқиш билан ғичирлаб олмос заррачалар сачратганча бўй бермас маъдан узра юра бошлади.

Учқунларнинг эпкинидан ўзини бир томонга олган Тихомолов тошни моҳирлик билан тарашлар, унинг кўзларидаги болаларга хос бахтиёрликни кўзойнақлар ҳам яширолмас эди.

— Назаримда — дея узилиб қолган суҳбатни улади у, — агар одам бирор-бир машғулота қизиқмас экан, тугади деяверинг. Машғул бўлдингми — яхши натижани қўлга киритгунча, қўйма.

У бу сўзларни кўпни кўрган, кучли одамнинг камтарона бир майинлиги билан шундай айтди-қўйди. Етмиш бешга кирганига қарамай, у ҳавас қиларли ва ҳайратланарли даражада ёш кўринар, хатти-ҳаракатлари ҳам жуда енгил эди. Бирда Камчаткадан Москвага келганда шундай бўлганди: вокзалга тушганидан кейин барваста бир такси ҳайдовчиси жомадонни юкхонага қўймоқчи бўлиб кўтарди-ю, шу пайтнинг ўзида қайта асфальтга қўйди.

— Отахон, жомадонингиздаги тошми!

— Топдинг, ўғлим, — деди Тихомолов жомадонни юкхонага жойларкан.

Эсимда, у мени ҳам биринчи учрашувдаёқ ҳайратга солганди. Мен собиқ учувчи, узоққа учадиган авиациянинг машҳур шунқори, таниқли ёзувчининг ҳузуридаман, Борис Ермилович мени мезбонларга хос назокат билан кутиб олиб, кабинетига бошлади. Бу жойга кирдимۇ ҳайратланганимдан

«вой-бў» деб юборганимни ўзим сезмай қолдим. Қўлбола жавонларда тоғ хрусталларининг ғужумлари кўзни олади, тарашланган ақиқлар порлайди... Шиша тувакчаларда денгизнинг ўзи ишлов берган қайроқтошлар. Мамонтнинг қозиқ тиши, ғалати чиганоқлар, йирик денгиз қисқичбақаси, денгиз типратикони...

Кейин билсам, Тихомолов меҳмонларни шу тариқа синаркан. Агар меҳмон ҳайратланмаса, кўрганларидан юраги ёнмаса мезбон оғзига талқон солиб, қуруқ, расмий бўлиб олади. Мабодо меҳмон ҳақиқатан ҳам ҳайратланса мезбон гул-гул очилиб кетади. Тошдан ясалган миниатюраларини — уришқоқ хўрозлардан тортиб Криловнинг «Тулки ва қарға»сигача кўрсатади...

Тихомолов ўз асарларини амалий санъатга онд турли кўргазмаларда намойиш этганини, ҳатто шахсий кўргазмаси ҳам бўлиб ўтганини билгач, ўзимни тутиб туролмадим:

— Бундай ишлар билан рассомлар союзига ҳам аъзо бўлиш мумкин.

— Қабул қилишса, аъзо бўлганим бўлсин, — дейди Борис Ермилович ҳазил оҳангида.

Тихомолов ўз олдига шундай мақсадни қўйса нима қилибди, деб ўйлайман... Ахир бундан йигирма йил аввал кўпчилик адабиётчилар у ҳақда тўғридан-тўғри шундай дейишганди: «Ёзувчилар союзига учиб кириб келди». Албатта бу гап билан Тихомоловнинг «Узоққа учадиган авиация қанотларида» қиссасига шаъма қилинган бўлса-да, барибир «Қаранг, омади бор экан» деган маъно ҳам йўқ эмас.

Унинг ўзи ҳам омадли эканини тан олади.

— Омади ёр дўстимиз учун!— дея қадаҳ кўтаришди капитан Тихомоловнинг жанговар дўстлари 1943 йилни кутиб олишар экан. Бу пайтда Тихомоловнинг ўзи Москва яқинидаги электричкалардан бирида контролёр ёки патруль текшириб қолишдан кўриб, аяч бир аҳволда «кўён» бўлиб борарди. Самолёт авария ҳолатида кўнғач, Тихомолов ҳужжатсиз, пулсиз қолган эди. У кейинчалик ўша тунда калавасини йўқотгани ҳақида шундай ёзади:

«Ҳозиргина босмадан чиққан газеталар саҳифаларидаги «Янги йилингиз қутлуг бўлсин! Янги йилингиз муборак бўлсин» деган сўзлардан вагон байрамона тус олган.

Менинг қаршимда қоракўлдан телпак кийган, сило бир қария ўтирибди. Бурнининг устига кўзойнак кўндириб олган бу киши ҳали бўёғининг ҳиди кўтарилиб улгурмаган «Правда»ни ўқимоқда... Газетадаги йирик ҳарфлар билан битилган «Фармон...»нинг ёзувлари менга оёғи осмондан бўлиб кўриниб турибди.

Орқада эшик гичирлаб, оғир очилади.

— Гражданлар, билетларингизни кўрсатишга тайёрланинг! Кимдир менинг гарданимга ургандай бўлади. Мен бўйинимни қисаман. Шу томонга қарашяптими ёки менга шундай туоляптими! Узимни фармон ўқиётган қилиб кўрсатишга тиришаман. Уқийман.

«...ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми...»

Орқадан билет тешадиганини қарсиллатиб менга яқинлашаётганларини ички қалтироқ билан сезаман. «Ҳа, жин урсин, нима қилиш керак! Қочсаммикин! Ноқулай». Михлаб қўйгандай ўтирибман. Уқийман:

«...Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш ҳақида...» Тўсатдан нигоҳим таниш ҳарфларларга қадалиб қолади. Нафасим бўғилади. Жин урсин, бўлиши мумкин эмас! Ахир бу менинг, менинг фамилиям-ку!

Мен нотаниш кишининг қўлидан газетани юлқиб оламан. — Мм-е-е-нига қаранг!— Джабланиб бақиради қаршимдаги одам.— Нима қиялпсиз, ўзи!..

— Шошманг, шошманг,— унинг қўлини нари туртиб, фармон мисраларига тикиламан. — Ахир бу менман-ку!

Барча йўловчилар биз томонга бўйинларини чўзиб қарашади...

Биринчи бўлиб қўшим ўзига келди. У мандан газетани тортиб олди.

— Мени кечирасиз, марҳамат қилиб айтинг-чи, йигитча, фамилиянгиз нима!

Мен гўё бировникини айтаётгандай ҳайқиб фамилиям, исми, отанинг исмини айтдим.

— Ҳа, тўғри! Жуда тўғри!— ҳайқириб юборди қўшим... Вагон жим бўлиб қолди, сўнг бирдан турли овозлар бир-бирини босиб кетди:

— Бўлиши мумкин эмас!

— Табриклаймиз сизни, табриклаймиз!

Бундай шароитда, албатта, жаҳли ёмон ревизор ҳам омадли «кўёни» чин кўнгилдан табриклайди.

— Қандай омадлисан-а, Тихомолов,— дея кутиб олишди унинг дўстлари.— Фронга келганинга энди тўққиз ой бўлибди-ю, Олтин Юлдуз тақиб олсанг-а!

Борис Ермилович ўзининг бундай юксак унвонга қандай тавсия этилганини йигирма йилдан кейингина билди. «Адабий мерос»нинг тузувчилари жангчи-ёзувчиларга бағишланган 78-жилдини тайёрлаш пайтида Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан мукофот қоғозларининг нусхасини юборишларини сўрашди. Борис Ермилович ўзининг бундай қоғози борлигини кўриш у ёқда турсин, билмаган ҳам эди. У шундай мазмунда уларга хабар берди. Тез орада нашриётдан иккинчи марта хат олди. Хат билан бирга архивдан топилаган мукофот қоғозининг нусхаси ҳам қўшиб юборилганди. «Энг қизғи шундаки,— деб ёзишган эди китоб тузувчилар,— полк кўмондонлиги Сизни Қизил Байроқ орденига тавсия этишган экан, юқорида турган бошиқлар эса...» Шу жойда Борис Ермилович Узоққа учадиган авиация Ҳарбий Советининг хулосасида битилган ушбу сўзларни ўқиб берди: «Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқ...»

Юрагида Ватан меҳри бўлган одам борки, жангга талпинарди. Тошкент ҳарбий комиссарлигидагилар унинг илтимосини қайтаришди. «Керак бўлганда қақриб оламиз», деб жавоб

беришди улар. Бироқ Тихомоловнинг яна омади келди. Қизил Армия Бош штаби қошидаги алоқа группасининг икки самолётини Тошкент аэропортига олиб келишиб, ангарга яшириб қўйишди. Тихомолов ҳарбийлар орасида Балашев авиация мактабида бирга ўқиган Вася Челишевни таниб қолади. Худди ўша одам дўстини тўсатдан бетобланиб қолган учувчининг ўрнига таклиф қилди. «Қўйиб юбормаяпти, деганинг нимаси,— қизишди у,— сен қисқа муддатли отпусқа ол, кейин...»

Тихомолов шундай қилиб ҳарбий учувчи бўлиб олди. Қамалдаги Ленинград, Сталинград шаҳарларига юк, ҳарбий алоқачиларни ташиди. Бироқ у жангга талпинишини қўймади, душманга шахсан даҳшат солишни истарди. Яна Тихомоловнинг омади чопди... «Мана, махфий хат,— деди бир куни командири.— Сени Тошкентдан қидиришган эди, биздан топишди. Узоққа учадиган авиация ихтиёрига командировка қилишимизни сўрашяпти. Агар қолишни хоҳласанг...»

Тихомолов учун урушнинг қийин заҳматлари бошланди. «Бир кечада уч марта жанговар учиш — бу албатта, кўп. Сўнги учини биз қандайдир ўзимиздан кетган бир ҳолатда ақунладик... Нишонни бутунлай қамраб олган прожекторлар остида кимнингдир самолёти портлар ёки шикастланиб паства шўнғир, гоҳ олов ва тутун орасида парашютларнинг оқ гумбазлари бирдан ёйиларди. Буларнинг ҳаммаси кўз ўнгимизда тез-тез бўлиб турарди...»

Запасдаги гвардия майори Тихомолов урушдан сўнг «Само жозибаси» трилогияси устида ишлар экан, ана шуларни ёзади. Лекин, бу парвозлар кейинги парвозлар олдида оддий машқ эканлигини Тихомолов хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Урушнинг айна иккинчи ёзида бутун жаҳон «Совинформ бюро» сининг ахборотини ҳайрат билан тинглади: «Самолётларимизнинг катта группаси Берлин, Кенигсберг, Данциг, Шитеттвендаги душманнинг ҳарбий-саноат объектларини бомбардимон қилди...»

«Рус самолётлари қаёқдан келиб қолди!»— деган савол устида фашистлар кўп бош қотиришди. Сўнг шундай хулосага келишди: руслар «мок»га ўхшаб қатнов қилишмоқда. Фронт линиясидан учиб, Берлини бомбардимон қилишгач, Англияга қўнишади. У ерда самолётларига ёнилғи қўйиб, бомбалар осинади, сўнг қайтишда Берлини яна бомбардимон қилишади. Улар совет самолётлари Москва яқинидаги аэродромлардан учаётганини тасаввур ҳам қилиша олмасди. Ахир Москвадан Берлингача бўлган масофа Болтиқ денгиздаги Эзель оролигача бўлган масофадан икки баробар узоқ эди. Қирқ биринчи йилгёқ «Ил-4»лар Берлини бомбардимон қилиш учун шу жойдан учишарди. Бироқ ўшанда ҳам улар тез-тез бензинлари тугаб қайтишди.

Хўш, энг аниқ ҳисоб-китобларга кўра ҳам ўшандай жанговар машиналарда бажариш мумкин бўлмаган рейдларни қандай амалга оширишди! Рейд олдида ўзига хос курсор ўтказилди. Сўнг бензинни тежашга оид барча таклифлар ўрганилди. Тихомолов Урта Осиёнинг тоғ ва саҳролари устида ўзи синаб кўрган кичик бир тахрибасини эслади. Қанча юксакроқ училса, Ғарбдан келаётган шамол шунчалик кучаяди. Тихомолов объектни бомбардимон қилгач, энг охириги баландликка кўтарилиб, тезликни бир ярим ва ундан ҳам кўпроқ оширган ҳолда йўловчи шамол билан қайтиб келарди. Бундай «турлисимлар» моҳир учувчиларда оз эмас экан. Лекин бари бир бош мақсадгача жуда оз кишиларгина етиб боришарди. Шу боис ҳам бунинг чораси олдиндан кўрилар эди.

Учиш дафтарчасида оддий парвозлар рақам қилинади. Жумладан, число, самолёт тури, қўйилган вазифанинг қисқача мазмуни. Қарайман: «1942 йил, 9 сентябрь. Ил-4. Берлин. Соат 10.10». Бор гап шу.

Аслида ўша галги парвоз оз бўлмаса, экипаж учун сўнги сиб бўлаётган эди.

Тихомоловнинг трилогиясини варақлайман:

«Биз прожекторлар нурига илиниб қолдик. Мен приборларни зўрга ажратаман. Енимизда снарядлар ёрилмоқда. Бир, икки, уч!.. Мана, бутун атрофимизни олов қамраб олди... Самолётимиз гулдуракли кенгликларда гўё осилиб турибди. Ҳеч нарсани эшитиб, кўриб бўлмайди... Нимадир гарданимга енгил урилади. Бирданга ҳаммаси тугади. Гўё мен эшикни орқадан епиб, машиналар тарақ-туруқига тўла, шоққин-суронли хонадан чиқиб кетгандайман. Чиқдим у кенгликларга сингиб кетдим. Мен йўқман...»

Тихомоловнинг яна омади чопди. Мана ер, деганда ўзига келди. Уқлардан илма-тешик бўлган машинани мўъжиза юз бериб булутлар ортига кўтарилиб, яширди. Ушанда мўъжиза туфайли самолётни Москва аэродромидаги таъқиқланган жойга қўндирди. Катта ғалва бўлди. Генераллар тушган енгил машиналар кетма-кет етиб келишди. «Оҳ», «ух» тортишди, самолётнинг сиртидаги снаряд парчаларини эсдалик учун чиқариб олишди. Олий қўмондонликка хабар беришди. У эса буйруқ бажарилгани ҳақида олдинроқ эшитган эди... Экипажлар Берлинни бомбардимон қилишлари билан Сталинга шахсан ҳисоб беришар эди.

Бу Тихомолов экипажининг эллигинчи жанговар парвози эди. Бизга қарши уришаётган давлатлар пойтахтлари ва йирик марказларига қилинган тўққизта машаққатли рейднинг саккизинчиси. Узоққа учадиган авиациянинг Берлинга учинчи марта ҳужуми эди. Бундай кўрсаткичга яна бир Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардия капитани Молодчев экипажигина эришган эди.

... Тихомолов Кремлга борарди. У ерда Тихомоловга юксак мукофотни Калининнинг ўзи топширади. Хурсандлигидан ичига сиғмайди. Бугун 13 январь. Ун учинчи! У полка ўн учинчи бўлиб келган эди, рўйхатда ўн учинчи бўлиб ёзилган. Ун учинчи каравотда ухларди. Сафдаги ўн уч кишидан бир ўзигина қолди!

— Мени болалигимда ташлаб кетишган,— ҳикоя қилади Борис Ермилович.— Ташландиқ болаларга эса ўн уч рақами омад келтиради. Қайси миллатдан эканлигини ҳозиргача ҳам билмайман. Фақат 1913 йилда Бокуда туғилганимни биламан, холос. Омадим бор экан. Мени нефть саноатининг ишчиси, яширин инқилобий ташкилотнинг актив иштирокчиси Ермил Михайлович Тихомолов ўзига ўғил қилиб олади.

...Тўрт яшар Борька ўзида йўқ хурсанд. Биринчи марта туғилган кунни нишонланмоқда. Биринчи марта бундай совға... У тилла тангани кафтлари орасига маҳкам қисиб олган. Бироқ отаси тангани Алёша тоғага тезда қайтариб беришини талаб қилмоқда. Ушанда соқол қўйган Алёша тоғасининг исми сохта бўлиб, асл исми Прокофий Жапаридзе эканлигини ва бу ном тез орада 26 Боку комиссарининг исмлари орасида порлаб туришини Борька қаёқдан ҳам билсин. Отаси эса имадандир ҳижолат тортиб ўтирган меҳмонга Борьканинг етимхонадаги сирпанчиқ паркетга қорни билан ётиб олиб, худди тегирмон паррагидай тез-тез айланиши, ўзини ғурур билан «Менинг исмим Рахитик» деб таништиргани ҳақида кулиб-кулиб ҳикоя қилади. Борька бу гапларга қулоқ солар, лекин бунинг нимаси кулгили эканлигига ақли етмасди. У ўзидан жуда мағрурланар эди. Ахир уникидек катта ва юмалоқ қорни ва мана бундай товонлари ичига кирган, тиззалари икки томонга керилган оёқлар кимда бор!!

Боланинг учувчи бўлиш орзусига биринчи зарба қўшни болалар томонидан берилди. Улар «мана шу оёқлар билан-а» деганларича Борьканинг устидан кулишарди. Шунда у оғриқни енгиб, кўз ёшларига ҳам парво қилмай оёғини «тўғрилай» бошлади.

Уларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келишгач, Борьканинг яна омади кулиб боқди. Уқиш ва ёзишни билгани учун уни иккинчи синфга қабул қилишди. Мактабдан қурилиш отрядига ер қазувчи бўлиб кетганда ҳам, Балашев бирлашган учувчилар мактабига киришда ҳам, ўқиш пайтида ҳам унга омад кулиб боқди. Уқишда ғайрат кўрсатган курсантларини муддати

қиққартирилган курсларга ўтказишди. Тўрт йил ўрнига бир йилу саккиз ой ўқиган Тихомоловнинг ўзи энди шу мактабда инструктор.

Урта Осиё ҳаво йўлларида парвоз қилишдек кўнгилда армон бўлиб ётган орзу ҳам ушалди. Қорақалпоғистоннинг ўша пайтдаги пойтахти Тўрткўлга йўлланма олди. Аэродромлардаги «кўчманчи барханлар», қум бўронлари, ёзини иссиғию, қишнинг бўронли шамоллари — ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди. Врачлар, геологлар, нефтчиларни ташиди. Бу ерда на ноқулай об-ҳавони, на вақтни тан олишар эди. У яна кейинчалик фронтда жуда қўл келган «чамалаб» учиш, йўловчи шамолда учиш каби парвоз усулларини шу ерда синаб кўрди.

Уруш охиригача Тихомоловнинг экипажи 200 дан ортиқ жанговар топшириқни бажариб келди. Узоққа учувчи авиация учун бу ҳазилакам учиш эмас. Шунинг учун ҳам Олий Бош қўмондон ставкаси секретариатини «Катта ўчилик»нинг Теҳронда бўлиб ўтган тарихий учрашувига олиб бориш Тихомоловга ишониб топширилди. Бундай ишонч жуда оз сонли кишиларгагина билдирилгани тарихда маълум.

У қандай қилиб ёзувчи бўлди, дерсиз. Ростини айтса, болалар сабабчи бўлишди. Биласиз, улар жуда ҳам қизиқувчан халқ, зеркишни билишмайди. У аввал болалар учун қизиқарли материал тўплади. Ҳикоя қилиб бериб, дастлаб «оғзаки ёзувчи» бўлди, сўнг ёзишга «уриниб» кўрди.

Тихомоловнинг китоблари ҳар хил баҳоланди. Лекин танқидчилар бир нарсани — муаллифнинг кичик воқеалардан катта умумлашмалар чиқара олиши ва ўзгалар кўролмаган нарсаларни илғаб олабилиш маҳоратини яқдиллик билан тан олишди.

Тихомолов отасининг: «Ўзинг ишлаб топмаган нарсани қўмсаса. Зотан, меҳнатсиз топилган ниманики бор — сенники эмас», деган сабоғини бир умрга эслаб қолди. Одамларга саҳийлик билан ва ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан хизмат қилди. Улар ҳам ўз навбатида жангчи-ёзувчининг фидойи меҳнатини муҳаббат билан эътироф этишди.

Китоб жавонидаги қўлбола ва антиқа ёдгорликлар қаторида йирик калибрли пулемётнинг бронзадан қуйилган оғир ўқини кўрди. Мезбоннинг қирқ йил наридаги ўлжаси бўлса керак, деб ўйладим. Адашибман.

— Бу ўқни Курилл оролларида олиб келганман,— деди Борис Ермилович,— ўқ океан ортидан олиб келинган манзара-ли дарахт танасида экан. Кемтигини кўряписизми! Бунақаси фақат АҚШда бўлади.

... Борис Ермилович осойишталик билан ёзув машинкасини чиқиллата бошларкан, гоҳо-гоҳо сирти кўнариб кетган Америка ўқига нигоҳ ташлаб қўяди. Бу ўқ унинг жанговар китоблари билан ёнма-ён турибди.

Само шунқори қоғозга энгашган. У курашларга тўла йиғитлик йиллари, бугунги шиддаткор ҳаётимиз ҳақида ёзмоқда. Оталаримизнинг маънавий меросини давом эттираётган ёшларга мурожаат қилмоқда. Бурч, садоқат, гражданлик туйғусини эъозлаш тўғрисида, бу она заминни, мусоффо осмонимизни авайлаб асраш ҳақида эҳтирос ва завқ билан қалам тебратмоқда. Келинг, бу меҳнаткаш инсоннинг ёруғ хаёлларига парвоз тилайлик.

Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ таржимаси





Борис Тихомолов

# БУЮК УЧЛИК

**Б**из каптарларнинг ғув-ғулашидан уйғониб кетдик. Кўзларимни аста очиб, ҳузур қилиб керишдим. Ҳаммаёқ жим-жит, осойишта, гўё уруш бўлмаган. Беш ой ичида тунги бедорликни, моторларнинг гулдирашию, шассиларнинг дўқир-дўқирини, прожекторларни, зенит тўпларининг гумбир-гумбирини анча унутиб қўйган эканман. Мана беш ойдирки, одамга ўхшаб ухлайман — кечаси ётиб, эрталаб тураман. Кўзларимни очшим биланоқ одатимча деразадан кўкка тикилиб қарайман, ҳавонинг авзойини, сахий, қадрдон Қуёшимнинг аҳволини билмоқчи бўламан. Шундай ёнгинамда тинчлик рамзи — каптарлар. Улар тинимсиз ғув-ғулаб болалик йилларимни эсимга солади.

...Тошкент. Шаҳар марказидаги осмонўпар тераклар. Магазинлар. Томлар бўғотиға ин қурган каптарлар худди ҳозиргидай ишқ оташида куйиб-ёниб, тонг саҳардан хониш қилади...

Кимдир йўлакдан оёқяланг шипиллаб ўтди-да, эшикни очди.

— Йигитлар, туринглар, ғазначи келди.

— Ғазначи? Қанақа ғазначи?

Ғалати гап бўлди! Одевлар ҳар томонга учди. Чаққон! Чаққон! Тезроқ ювиниб олиш керак, йўқса одам кўпайиб кетади.

Белоус бармоғи билан иягини қашиб қўйди.

— Қириниб олсак бўлармиди?

— Устарамни бериб тураман,— деди Глушаев. Белоус «ҳожати йўқ» дегандай бош чайқади.

— Керакмас, сартарошхонага бораман.

— Пули-чи?

— Ғазначи беради. Ахир, у бекорга келмагандир.

У сочиқ, совун, тиш порошогини олганича чопиб чиқиб кетди. Бир зум ўтмай эшик яна шарақлаб очилиб, Белоус мўралаб қаради:

— Ғазначи пул беряпти! Суткасиға йигирма икки ярим тумандан. Қойил-е!— шундай дедию ғойиб бўлди.

Йигирма икки ярим туман? Бу озми, кўпми?

Ранги заъфарон, камгап, қаттиққўл ғазначи олтин гардишли кўзойнагини бармоғининг учи билан тўғрилаб, яп-янги йигирма икки сўм қоғоз пулни санаб, устига беш тангани бостириб қўйди-да, ведомостни сурди:

— Қўл қўйинг.

«Туман» деб ғалати аталмиш бу чет эл қоғоз пулини умримда билинчи бор ушлашим эди. Хўш, бу туманларини нима қиламиз?

Жавоб ҳам ўша заҳоти топилди. Полковник Петухов шундай деди:

— Уртоқлар! Бу пулимизга элчихона ошхонасида овқатланамиз, Тайёр бўлганлар мен билан юрсин, қолганлар капитан Топорков билан боришади. У элчихонанинг қаердалигини билади. Қани, кетдикми?

Мен атрофга аланглаб экипажимни топдим. Борттехник ҳам, штурман ҳам, моторист ҳам шу ерда эди. Ие, Белоус қани? Радист кўринмасди. Қаерларда санғиб юрипти? Кутишга тўғри келди. Маълум бўлдики, борттехник Романов иккови сартарошхонага кетишибди. Вой, тасқаралар-ей.

Лекин улар ҳадемай келишди. Белоус хонага худди ёв қувгандай отилиб кирди. У ҳансираб нафас олар, кўзлари ёнар, икки юзи қизариб кетганди.

— Оғайнилар!— деди у аранг нафасини ростлаб.— Бу ерга нима учун келиб қолганимизни биласизларми?!— У шундай деди-да, ҳаммага тантанавор бир кўз югуртириб чиқди.

— Хўш, нега экан?— деб сўрадим жаҳлим чиқиб, бир таъзирини бериб қўйиш ниятида.

— Сталин Техронда экан!

Ҳаммамиз ўрнимиздан сапчиб туриб кетдик.

— Ним-а-а-а?!

— Рузвельт ҳам! Черчилль ҳам! Ҳаммаларини кўрдим. Глушаев бошини сарак-сарак қилди.

— Кўп валдирайверма! Шунинг гапига қулоқ солиб ўтирибсиз-а, командир?

Белоус хуноби ошиб кўкрагига бир муштлади.

— Елғон бўлса, тил тортмай ўлай!..

Бу бир бемаъни куракда турмайдиган гап эди, албатта: аллақандай бир радист шундай борса-ю, Сталинни ҳам, Рузвельтни ҳам, Черчиллни ҳам бир йўла кўрса!

Кулгимни босиб, масхараомуз сўрадим:

— Сен уларни қаерда кўра қолдинг, азизим?

Белоуснинг қони қайнагандан нафаси қайтиб, ғазабдан кўзларини чақчайтириб:

— Сартарошхонада,— деди шартта.

Гур кулги кўтарилди. Тўшақда ўтирган Куликов оёқларини кулгили осилтириб, ўзини ёстиққа юзтубан отди:

— Хўш, кейин ҳамманг... ҳаммаларинг соч-соқолларингни олдирдиларингми!.. О-хо-хо-хо-хо! Сен, ҳойнаҳой, Черчиллдан охири ким деб сўрагандирсан ҳам? Бизнинг Белоус антиқа одам-да:

Лекин Белоус ҳечам хижолат тортгани йўқ. У бизга таъна аралаш қараб турди-да, кейин йўлакка чиқадиган эшикни очиб қичқирди:

— Романов.

Романов ўша заҳоти жавоб қилди.

— Нима дейсан?

— Буёққа келгин! Мана булар ишошишмаяпти...

Романов кирди-да, кулаверганимиздан сочларимиз тўзғиб кетганини кўриб, бир жилмайиб қўйди.

— Уртоқлар, кулманглар. Ҳаммаси тўғри. Сартарошхонага киришимиз билан Сталин, Рузвельт, Черчилларнинг портретларига кўзимиз тушди. «Шоҳларингни портрети қани?» деб сўрадим сартарошдан. «Мана шу бизнинг шоҳимиз-да!— деди сартарош Сталиннинг портретини кўрсатиб.— У бу ерда улар билан келишиб олади!» «Ким билан?»— сўрадим мен. «Ким билан бўларди?— ажабланди сартарош.— Рузвельт ва Черчилль билан-да! Бугун шу учта катта раҳбар иштирокида конференция бўлади». Гап шу,— деб гапини тугатди Романов.— Эшитганимизни, билганимизни айтдик-да.

Биз хижолат бўлгандай, бир-биримизга қараб қўйдик.

— Ие, тўғрига ўхшаб қолди-ку,— деб ғулдиради Глушаев. — Ие, бўлмасам-чи, бор гап-да!— деб гап қистирди Белоус.— Нима, мен ёлғондан айтибманми?!

— Ҳа, майли, қани, кетдик,— дедим ўрнимдан турарканман.— Хўш, йўлбошловчимиз қаёқда?

Биз кўчага қандайдир бир кўтаринки кайфиятда чиқдик. Биз бир нарсани яхши тушунардик: ҳозир тарихий бир жараён юз

беряпти, Рузвельт билан Черчиллнинг бу учрашувга розилик берганликларининг ўзи, уларнинг совет қўшинларининг фронтдаги ютуқларидан ташвишга тушаётганликларини аниқ-равшан кўрсатиб турарди. Сартарошнинг «Шу бизнинг шохимиз-да!» деган сўзлари бежиз айтилмаган эди. Бу ерда Совет Иттифоқининг обрў-эътиборига жуда юксак ҳам жуда тўғри баҳо берилганди.

Биз шундай ҳаяжонланган эдикки, Чорсининг серқатнов қисмига қандай чиқиб қолганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Машиналар қаттиқ тормоқ бергандек покришқалар чийиллаб кетар, улар тўпланиб, йўлни дарров банд қилиб қўяр эди.

Жуда хижолат бўлганимиздан, шартта орқамизга қайтдик. Биз, одамлар ўқрайиб қарашса, аччиқ-аччиқ гап отишса керак, деб ўйлагандик, йўқ. Ие, бу қанақаси бўлди? Қаҳр-ғазабли чехралар ўрнига кулиб, ҳамма жилмайиб боқади. Шофёрлар кабиналаридан бошларини чиқариб, ҳайрихоҳлик билан қўл силташади:

— Утинглар! Утаверинглар!

Биз ҳам имо-ишора қилиб, дердик:

— Утаверинглар! Утаверинглар!

Шундан кейин ҳайдовчилар бараварига, аҳиллик билан алланималар деб қичқира бошлади. Тротуарлардан кетаётган бизга қараб кулимсирашар, улардан биттаси, катта мугуз кўзойнак таққан кекса эронли русчалаб деди:

— Утинглар, ўтинглар, йигитлар! Улар сизлар ўтмагунларингча биз юрмаймиз деб қичқиряпти.

Биз рози бўлдик. Шундай қадам ташлашимиз биланоқ ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди. Шундай сукунат чўккан эдикки, этикларимиздаги нағалларнинг тарақ-туруғи аниқ эшитилиб турарди. Биз мастона бир кайфиятда борардик. Кўнгиллари-хиз ватанимиздан фахрлини туйғуларига тўлиб-тошганди. Ҳа, бу ҳеч нимага қиёс қилиб бўлмайдиган бир қудратли туйғу эди!

Кўчани кесиб ўтиб орқамизга ўгирилиб қарадик. Бармоқларимиз бирдамлик ва дўстлик рамзи сифатида ўз-ўзидан мушт бўлиб тугиларди. Қўлларимизни бошимиз узра кўтарардик: «Раҳмат! Раҳмат».

Кўчалар анча бўшаб қолди. Машиналар ҳар томонга юриб кетишди.

Биз ғуж бўлиб борар эканмиз, чет элда юрганлигимизни бир зум унутмасдик, чет эл шаҳарларига хос бўлган белгиларни эслаб қолишга уринардик. Лекин ҳозирча кўзимизга ҳеч нарса ярқ этиб ташлангани йўқ. Айтайлик, худди Тошкентдагидай кўчалар, уйлар, дарахтлар. Одамлари ҳам ўшандай, фақат ҳар хил кийинган. Тўғри, баъзи бир нарсалар Тошкентнинг ўтмишини, НЭП йилларини эслатади: масалан, фонтанлар, кўчаларда ўтирадиган этик тозаловчилар. Мана, ўшалардан биттаси, чўткаларини тақиллатиб уриб, Техронда ҳар қадамда учрайдиган европаликлардан бирининг ботинкасини ярақлатиб мойлаяпти. У бўлса оёғини эринчоқлик билан қўяркан, зерикканидан теварак-атрофига аланглаб қарайди. Уни кўрдиму юрагим шиг этиб кетди! Бу киши ўзимизникиларданга ўхшар эди.

Жуда яқин борганимиздагина нимаси танишлигини аниқ билдим: кўзлари эди! Унинг қарашларида қандайдир ташвиш, ҳаяжон бор эди. У бизларга шундай бир соғинч, меҳр туйғуси билан боқардики, ёнидан ўтаётганимизда ўзимни тутолмай унинг кимлигини бошқаларга сездириб, кулимсираб кўзимни қисдим. У шошиб қолди. Юзи қизариб, севинчдан ёришиб кетди.

Бу одамни ҳам соғинч ҳисси қийнарди.

Совет элчихонаси бир замонлар бой эронли амалдорнинг мулки бўлган кенг кўрғонга жойлашганди. Катта боғ, киши қулочи етмас кедр дарахтлари, чинорлар, хилма-хил балиқлар сувиб юрган ҳовуз, унинг бўйида мажнунтоллар. Ариқларда сув жилдириб оқиб турганидан ҳаво салқин. Баланд тош девор элчихона территориясини беҳаё, беандиша қарашлардан тўсиб турарди.

Рузвельт бизнинг элчихонамизга тушганини эшитиб аввалига жуда ҳайрон бўлдик, лекин кейин ҳаммаси ойдинлашди. Маълум бўлишича, Гитлернинг топшириғи билан ашаддий эъсасчи штурмбанфюрер Отто Скарцени бошчилигида учинчи рейхнинг бир гуруҳ агентлари президент Рузвельтни Техрондан ўғирлаб кетиш ва уч давлат раҳбарини йўқ қилишга тайёргарлик кўраётганидан совет разведкаси хабар топган экан. Бу операция муваффақиятли якунлангудай бўлса, Гитлер Америка билан келишиб, урушни ўз фойдасига буриб юборишни мўлжаллаб қўйган экан.

Совет ва Англия элчихоналари ёнма-ён, Америка миссияси эса шаҳар чеккасига жойлашган эди. Немис разведкаси худди шунга умид боғлаган эди. Агар Рузвельт ўз элчихонасига жойлашганида кимгадир шаҳарнинг тор, қинғир-қийишқ кўчаларидан ҳар кун музокараларга қатнашга тўғри келарди. Бу эса хавфли эди.

Биз ҳадемай шаҳарга анча кўникиб қолдик, мамлакатнинг қоқоқлигини, социал тенгсизликни пайқай бошладик. Эрон пойтахти кўчаларида эскилик билан аңгилик, ўтмиш билан бугунги кун ғалати бир тарзда чатишиб кетганди. Файтонларга қўшилган отларнинг туёқлари тош кўчада тарақ-туруқ қилар, эски маркали автомобиллар моторлари тинимсиз гуруллар, японги «фордлар», «бьюиклар», «фиатлар» овоз чиқармай юришар, сал наридан туялар бошларини мағрур тутиб ўтиб қолишар, эшаклар эса беданаюриш қилиб боришарди.

Ола-була кийинган ерли аҳоли орасида ўзини қаёққа уришини, нима қилишини билмай юрган одамлар шундай ажралиб турарди. Башанг кийинган бу одамлар ё қўлинг ўргилсин лемозинларда сайр қилишар ёхуд тротуар четларида шунчаки бекум айланаб юришарди. Булар уруш кетаётган Европадан ўз мол-мулкини Техронга вақтида олиб кела олган, бу ерда ҳеч нимага зориқмай, кам-кўстсиз яшаётган ўзига тўқ, бадавлат қочоқлар эди.

Бу оломон ичида фашист агентлари ҳам бор эди, албатта. Эрон билан гитлерчиларга қарши давлатлар иттифоқи (уюшмаси) ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганига қадар Гитлерга ҳайрихоҳлигини яширмайдиган кекса Ризо шох, абвер резидентларига барча шарт-шароитларни яратиб берди. Ризо шох тахтдан воз кечиб, Жанубий Америкага қочди, лекин ўта махфийлаштирилган гитлерчи агентура шаҳарда қолди.

Буни яхши билган, АҚШ миссиясида жойлашган делегациянинг қолган аъзоларини кенгашга кузатиб қўювчи Америка ҳарбий соқчилари шаҳарда ҳар кун ўзига хос бир «томоша» кўрсатишарди. Бирдан, сира қутилмаганда қаёқдандир «виллислар» отилиб чиқишади-да, қаттиқ тормоз бериб тўхташади, пулемёт ушлаган эпчил йигитлар машиналардан тош кўчага дик-дик сакраб тушишади. Бирзумда — пулемёт оёқлари асфальтга қадалади, йигитлар эса оёқларини кериб, тротуарга ётишади-да, пулемёт кўндоғини елкаларига тирашади. Ёнларидан эса машиналар физ-ғиз ўтиб туришади. Йигитлар ўринларидан сапчиб туришади-да, «виллис»ни ўраб олишади, улардан кейин фақат тутун қолади.

## Мана буни учрашув деса бўлади!

Иккинчи куниёқ биз Техронда ўзимизни уйдагидек ҳис этдик. Магазин эгаларининг кўпчилиги русчада яхши гапиришарди, бу ҳам бизга жуда қўл келди. Йигитлар ҳайрон бўлишарди, лекин аслида бунинг ҳечам ажабланадиган ери йўқ эди: НЭП вақтида кўпгина Эрон фуқаролари жанубий шаҳарларимизда: Боку, Тошкентда яшаган, ўзларининг дўконлари бўлиб, тўғри келган нарсалар билан савдо қилишган.

Биз сув ўтмайдиган, синмайдиган, магнит тортмайдиган хилма-хил соатлар сотиладиган магазинларнинг деярли ҳаммасини айланаб чиқдик.

Кейин панжарага суянганимизча витриналар олдида узоқ туриб қолдик. Нозик қилиб ишланган, учига оқ ғилоф кийдирилган темир қўлчанинг соатни тасмачасидан ушлаб сув қўйилган шиша банкага ботиришини ҳайрат билан кузатардик. Иван Романов таъбири билан айтганда, соатларга бало ҳам урмасди.

Соатлар кўп эди. Ҳар хилидан бор. Циферблати қораси ҳам, оқи ҳам, тилла ҳал югуртирилгани ҳам турибди, соатларнинг этикеткаси бўлиб, уларда баҳоси кўрсатилганди. Лекин биз, Шарқнинг кўҳна шаҳрида, Техронда ҳеч тортинмасдан бемаъл савдолашиш мумкинлигини билардик. Дўкон эгаси бунга ранжимасди ҳам. Аксинча, роса савдолашгандан кейин ярим баҳосига мол сотиб олган харидорни буомни ўз баҳосига олиб, шунчаки пул тўлаб кетган харидорга қараганда анча ҳурмат, иззат-икром билан кузатиб қўйишарди.

Уйга қуруқ кириб бормаслик учун ҳар биримиз соат олишни истардиг-у, лекин савдолашишга юрагимиз бетламасди!.. Ҳеч тилимиз бормасди. Ана ўшанда Романов жонимизга ора кирди.

— Оғайнилар!— деди у.— Сизлар ҳеч нимани тушунмас экансизлар. Буни ҳечам уяладиган жойи йўқ. Бу ёғини менга қўйиб беринглар. Сизларга соатни мана мен ўзим олиб бераман! Ортиқча туман тўлашини нима кераги бор?

Ҳа, у бизга соат олиб берди. У, бу урф-одатнинг жуда нозик томонларни билар, оғзидан бол томиб, дўкон эгаларини эритиб юборарди. Бунинг учун Иван фуражканинг тагидан эски дўппи кийиб оларди. Энг керак пайтида, савдолашиш айна авжига чиққанда, бошидан дўпписини шартта юлиб олиб, полга ташларди. Кейин этигининг учи билан уни мижғалаб, ҳўжайиннинг чўзилган қўлини қайта-қайта силкитиб, кафтларига қасирлатиб уриб, ўзининг охирига баҳосини таклиф этарди.

Кўнгли эриб кетган дўкондор дарров рози бўлақоларди. У сув ўтказмайдиган, синмайдиган, магнит тортмайдиган соатлардан дастлабки баҳоси — 40 туман ёзилган қоғозини чуқур хўрсиниш билан юлиб олиб, уларни бу антиқа харидорга 15 туманга топширарди.

Бир кунни тушликдан қайтиб келаётиб Романов иккаламиз оғайнилардан ажралиб, шаҳарнинг нотаниш жойига бориб қолдик. Биз бирор мақсадсиз, шунчаки айланиб юрардик. Кўнглимиз чоғ, кайфиятимиз аъло эди. Қуёш саҳийлик билан нур сочар, чинор барглари енгил шабадада билинар-билинамас силкинар, қаердадир, уйлар бўғотида каптар ғув-ғуларди. Пастга, эски шаҳарга олиб борадиган тор асфальт кўчадан енгил машиналар шовқин-суронсиз ўтиб турарди, кажавалар ортган туялар салобат билан мағрур қадам ташлар, қулоғига чак юк ортилган эшаклар пилдираб борарди, араваларнинг ғилдираклари ғичирлар, ўткинчиларнинг кети узилмасди.

Дўкондорлар дўкони олдиға, тротуарга молини тоғ-тоғ қилиб уюб қўйиб, овозининг борича қичқириб, харидорларни чақирарди. Мева сотувчилар ўз молини кўкка кўтариб мақтарди. Апелъсин, қовун, қовурилган каштан ҳиди ҳавода кезиб юрарди.

Биз чорраҳага етдик-да, машиналарнинг ўтиб кетишини кутиб, бироз туриб қолдик. Баланд чўян курси устида турган, оқ қўлқоп кийган қаҳваранг юзли, новча полисмен қўлини тинимсиз силкитарди — ҳаракатни тартибга солиб турарди. Мана, у ўгирилди-да, машиналарни бошқа йўналишга буриб юборди. Йўл бўш эди-ю, лекин биз ўрнимиздан жилмадик. Биз ўнг томонда, тротуар устига осиб қўйилган вивескага маҳлиё бўлганча тикилиб қолгандик. Вивеска бизга жуда таниш бўлиб, икковимизга ҳам йигирма йил бурунги воқеани эслатди: кўм-кўк дала қўйнида тўқ сариқ қуён пахмоқ лунжларини шишириб карнай чаларди. Карнай ичидан товуш ўрнига жимжимадор араб ҳарфлари чўзилиб чиқарди.

— Уша!— деди Романов.— Улай агар ўша.

— Гапинг тўғрига ўхшайди,— деб қўшилдим мен.— Лекин ўшанда сўзлар русча ёзилганди: «Болалар дунёси!»

— Барибир ўша!— деди Романов.— Юр, бориб кўрамиз. Рус ҳарфларининг изи қолган бўлиши керак.

Биз яқин бордик. Вивеска жуда эски бўлиб, кейинги суртилган бўёқлари тагидаги дарз кетган жойлари шундай кўриниб турарди. Чинданам араб ҳарфлари тагида рус ҳарфларининг хира нусхаси кўзга ташланарди.

Биз бир-биримизга қараб қўйдик.

— Буни қара-я! Эски тошкентлик танишимизни учратиб ўтирсак-а!

— Демак, қаллоб Аҳмад тирик экан-да?— деб хитоб қилди Иван ва ўйинчоқлар осиб қўйилган кичкина дўкон эшиги томон юрди.— Ҳозир ундан, нега бундай қилдинг деб сўраймиз.

— Йўқ, сабр қил!— дедим мен дўстимни тўхтатиб.— Шошмагин. Сал ўзимга келиб олай. Биласанми, кел, уни хафта қилмайлик.

— Бўпти,— деб қўшилди Иван.— Нима кераги бор? У яхши одам. Кетдик.

Иван фуражкани тўғрилаб, кителининг этагини бир тортиб қўйди-да, эшикни дадил итарди.

Дўкон ичи қоронғи ва файзсиз эди. Елим ва чанг ҳиди димоққа урилларди. Пештахта ёнида ўтирган оппоқ сочли, қирғий бурнига катта кўзойнак кўндирган семиз одам, ўқийётган газетасини четга қўйди-да, стулдан оғир кўтарилди.

— Жанап афицер кўғирчоқ харид қилиш истайди?— хушмуомалалик билан бироз ҳайрон бўлиб сўради дўкон эгаси ва ғамгин кўзларини бир қисиб қўйди.

— Э-э-э... Биласизми,— деди Романов менга маънодор боқиб.— Бизга... Мушак керак эди.

Дўкон эгаси ажабланиб кўзойнагини пешонасига суриб қўйди.

— Кечирасиз, жаноби афицер, сиз, балки ҳазил қиласиз ё мен сизни тушунмайди, кечирасиз... Бизда мушак бўлмайди.

Романов дилисиёҳ бўлиб, лабларини қисдию, истар-истамас эшик томон юрди.

— Ҳа, майли,— деди у.— Афсус! Бўлмаслигини билувдим-а. Тошкентдаги Аҳмаднинг «Болалар дунёси» магазинида кўрган кўғирчоқлар бу ерда бўлмайди. Эсингдами?

Бу сўзларни эшитаркан дўкон эгаси қўлларини ялингансимон олдинга чўзди.

— Шошманглар, жаноблар!— деди у жонҳолатда.— Уша Аҳмад менман! «Болалар дунёси» менинг дўконим эди. Сиз Аҳмадни танирмидингиз?! Мен Аҳмадман.

У қўлини кўксига қўйганича, ҳаяжондан қизариб-бўзариб, саросимада кўзларини жовдиратиб нималарнидир эсламоқчи бўлар, бизлар, икки офицер унга кулимсираб қараб турардик. У бизларни узоқ ўтмиш йилларининг бирор воқеаси билан боғлашга уринарди, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. У бизни таниёлмади. Эслаёлмади.

— Агар сиз ўша биз билган Аҳмад бўлсангиз,— дедим мен,— сизда албатта мушак бўлиши керак. Иккита кичкина болани эсланг-а (мен болаларнинг қанақа бўлганини қўлим билан кўрсатдим). Улар «Болалар дунёси» магазинингизга ҳар кун келарди, кўғирчоқларни томоша қиларди. Бу яқиндагина, ўн саккиз йил бурун бўлганди. Янги йил арафасида эди. Сиз уларга иккита хонаки ракета сотгандингиз. Эсладингизми?

— Ҳа, ҳа! Икки бола...— деди Аҳмад шошиб қолиб.— Ҳар кунни, китоблари билан... Ҳа, ҳа, эсладим, болакай, лекин... мушакни эслаёлмайман. Уларга ракетани сотаётганимда, булар хонаки ракеталар деб айтдимми?

— Бўлмасам-чи!— деб кулди Иван.— Сиз ўшанда яна: «Янги йилда отсанг даданг билан ойинг хурсанд бўлишадди. Боринглар!»— дегансиз.

Аҳмаднинг юзи лоладай қизариб кетди. У хижолатдан бошини чангаллаб, калта қилиб олинган сочини тўзитиб юборди:

— Уларга хонада отинглар дедимми-а?! Ай, ай, ай, жуда уят иш бўптию! Болаларни алдабман-да... Худога ишонардим, кўрзонни ўкигандим. Эҳ, шўрпешона Аҳмад! Мен, агар бир ғайридинни алдасанг, тақводорнинг тўққиз гуноҳи тўкилади деб ўйлабман. Эҳ, жуда уяляпман!

Аҳмад бирдан қаддини ростлади. Оқ оралаган қалин қошлари кўзойнагини туртиб, пешонасига кўтарилдию, катта очилган кўзлари ниманидир эслагандай порлаб кетди.

— Қани ўша болакай? Уша бола сизмисиз?! Шундай сўқсур, ажойиб офицер ўша болами-а? Қойил-е!

Унинг кўнгли бузилиб, ўзи алланималарни гапирарди. Кейин бирдан эслаб қолди-ю, бизни уйга таклиф қила бошлади. Ҳозир дўконни бекитаман, уйда ажойиб, қўлбола вином бор, деди у.

Лекин биз жуда бандлигимизни баҳона қилиб, узр сўрадик-у, хайрлашиб чиқиб кетдик.

**Ҳ. РҶЗИМАТОВ** таржимаси





Иброҳим Ҳаққулов,  
Тилак Жўра

# «ТАБИАТДИР МЕНИНГ ДАВОМИМ...»

*«Табиат — одамнинг дил дарди ва изтиробларини  
даволайдиган улуг ҳақим. Табиат —  
ўқилган, ўқилаётган ва абадий ўқиладиган китоб.*

*Унинг ўзи — шоир, мусаввир.  
Табиат билан боғлиқ сўз унга  
муносиб бўлмоғи зарур».*

*Адабиётшунос олим*

*Иброҳим Ҳаққулов ва шоир Тилак Жўра  
инсоннинг табиатга муносабати, табиат билан  
боғлиқ шеърятимиздаги ютуқ ва  
камчиликлар ҳақида фикр юритадилар.*

*Аниқ далиллар воситасида илҳомсиз  
тўқилган ва зўраки қофиялаштирилган, шеърятдан  
йироқ шеърлар танқид қилинади.*

*Шеърятимиз келажаги учун масъуллик  
руҳи билан суғорилган мазкур  
мақолани эътиборингизга ҳавола этаётимиз.*

И. ҲАҚҚУЛОВ. ТАБИАТ ва ИНСОН муносабати ғоятда қадимий ва абадий жараён. Инсон фарзанди дунёга келибдими, табиат бағрида яшайди. Ҳаётининг яхши дамларини ҳам, ёмон фурсатларини ҳам она табиат билан ҳамнафас ўтказади. Табиат — доимий тириклик салтанати, мангу ҳаёт тантанаси. У мавжуд экан, битмас-туганмас гўзаллик дунёси ўлмайди. У боқий экан, одам дилини олижаноб ҳис-туйғулар, қуёшдай порлоқ, заминдай ардоқли фикру ғоялар тарқ этмайди.

Т. ЖўРА. Ҳа, инсон ва табиат — бир ўқини икки учи. Уларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Бу иккиликнинг ечими — Ҳаётдир. Мана шу иккиликнинг орасида уйғунлик, иттифоқ бор экан, ҳаёт бор, бўлади. Табиат ва инсон, мана, неча асрларки, бирликда яшаб келмоқда. Лекин бугун — техника жуда ривожланган, тараққиёт яшин тезлигида қадам ташлаётган бир пайтда, инсоннинг табиатга меҳри, масъулияти ҳар қачонгидан кўра ошмоғи керак. Чунки, эндиликда одамлар бир дарахтни, ёхуд бир ўрмонни кесиб, майсаларни пайҳон қилиб, табиатга шикаст етказаятгани йўқ. Балки, унга катта-катта талофатлар ҳам кўрсатишмоқда. Ҳалигача ҳам табиатдан завқ олиш, уни ардоқлаш ўрнига бузиб, сотиб, нафс йўлига қурбон қилаётганлар камми! Биз кўпинча чопилган дарахтга, отилган қушларга, оҳуларга қараб ўқиб қоламиз. Менимча, қалбимиздаги шу ўқиб-армон табиатга ёвузлик қилаётганларга нисбатан исёнга айланмоғи лозим.

И. Ҳ. «Табиат билан тил топишсанг ҳеч вақт камбағаллашмайсан. Сени бадавлат қиладиган табиат, одамларнинг фикр-мулоҳазалари эмас», — дейди қадимги юнон файласуфларидан бири. Бу гапни бирёқлама тушунмаслик керак. Ахир, дили табиат дилига туташмаган киши — «темир одам»нинг аини кўрниши эмасми! Унинг тош юрагига инсоний фикр-мулоҳазалар қандай сингади! Бир нарса дейиш қийин. Одамни мана шундай фожиялардан асрайдиган, уни доимо табиат оламиндан завқланишга, табиат билан ҳамнафас яшаш ва курашга чорлайдиган асосий воситалардан бири ШЕЪРИЯТДИР.

Т. Ж. Табиат ҳамisha ҳаракатда, ривожланишда. Шеърятда ҳам у ҳаракатда бўлмоғи даркор. Ушандагина ундаги бир манзара ёки ранг кўз қароғимизда шунчаки қотиб қолмайди. Табиатни қуруқ сўзларда таърифлаш, сифатларини баён этиш иллатлари барҳам топади. Гуллар очилди, қалдирғочлар учиб келди, жилғалар тўлиб оқди, қабилда гапирган билан ўқувчини завқлантириб бўладими! Мутлақо. Буларни унинг ўзи ҳам кўриб, билади. Шоир шеърхон кўриб туриб, гўзаллик моҳиятини илғай олмаган ҳодисаларни тасвирлашга эришиши керак.

И. Ҳ. Маълумки, табиат шеърятда ё тасвир объекти, яъни предмети, ёки поэтик тасвир воситаси сифатида аксини топади. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам у инсон қалби, руҳи, эҳтироси, дард ва кечинмалари билан мустаҳкам бириккан бўлган. Шарқ шеърятини тарихини хотирланг. Бу — ўзига хос табиат қомуси. Инсон ва табиат тасвири олий ифодаларни толган шеърини тарих. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридagi тўртликлардан тортиб, Фурқат ёки Авазгача бўлган ҳамма классикларимизнинг ижодиётида у ёки бу шаклда табиат яшайди, фаол иштирок этади. Бу жиҳатдан, айниқса, Алишер Навоий шеърятини мислсиз ҳазина, оламшумул маҳорат мактабидир. Навоийнинг машҳур рубойиси бор. Унда шундай дейилади:

Ешунгон эмиш қаро булутқа моҳим,  
Гардунни соғурмоғлиқ эрур дилхоҳим.  
Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,  
Невчар қаро қилмасун қуёшни оҳим.

Мана, табиатдан олинган рамзий образ. Образли ифода. Нуқтаи назар. Ва руҳий белоёнлик. «Қаро булут» — ўлим тимсоли. Лирик қаҳрамоннинг фожиага муносабати ҳам самовий ҳарактерга эга, яъни «гардунни соғурмоғлиқ». Қуёшнинг ботиши — табиий ҳодиса. Лекин унинг инсон қисматини гавдалантирадиган ташбеҳга олиб чиқилиши — фавқуллодда қайғули воқеага айланган. Биринчи сатрдаги қаро рангга қаранг. У «қаро туфроқ»да янада қуюқлашади. Аммо бу ҳали инсон оҳидан таралаётган сиёҳлик олдида ҳеч нарса эмас. Шунинг учун шеър қаҳрамони шундай фарёд чекадики, ҳақиқатда бизнинг назаримизда қуёш қаро кийгандай бўлади.

Т. Ж. Давр ва замонлар ўтиши билан инсоннинг табиатга қарашлари, ижтимоий назари ўзгариб борган. Шу маънода совет даври ўзбек шоирлари билан классикларимиз орасида ғоявий фарқлар ҳам бор. Лекин табиат барибир ҳамма давр ижодкорлари учун буюк таянч. Илҳом ўчоғи. Завқ, эҳтирос чашмаси. Тасаввурдан тортиб, тилнинг сеҳригача табиат руҳи бор. У замон нафасни ифода қилувчи бош омиллардандир. Ойбек, Ҳ. Олимжон, Миртемир, Уйғун, Зулфия, А. Мухтор каби адабиётимизнинг улкан вакиллари табиат тасвиридан ёлғиз жонлантириш, ўхшатиш, фикрни тўлдириш ёки ойдинлаштириш учунгина фойдаланган эмас, балки шу орқали давр муаммоларини ҳал этиш, катта ижтимоий умумлашмалар яратишда сабоқ бўларли асарлар ижод қилганлар.

И. Ҳ. Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» шеъри пейзаж тасвирининг кўркем намунаси. У шеърхонни «Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар», «пўлат яғринларин кўтарган ерлар».

Салқин саҳарларда  
уйқудан турган,  
Булоқ сувларига юзини ювган,  
Мармар ҳаволарнинг  
қўйнига чўмган,  
Зиллол бўшлиқларга  
кенг қулоч қўйган,

дили «мустақиллик ишқи» билан ёнган кўм-кўк далалар томон бошлаб кетади. Бироқ баҳор манзараси билан бошланган шеър охири-оқибатда «юлдузга интилган» мағрур давр, «пишиниб, терлаб...» меҳнатга чўмган бутун юрт фидойиларининг эрк ва кураш йўлларини ёритувчи яхлит пафосни қамраб олади.

Т. Ж. Ҳар бир шоир ижодида ўзи севган сўз ва образлари бўлиши аён. Бу сўз ва образлар кўп такрорланади. Шеърдан шеърга кўчиб яшайди. Ва ҳар гал янги-янги маънолар ташияди. Қизиғи шундаки, уларнинг асосий қисми табиат «луғати»га тегишли бўлади. Бу тамойил Ҳамид Олимжон шеъриятида ҳам мавжуд. Шамол, дарё, ой, баҳор — булар шоирнинг деярли ҳар шеърида бор. Лекин улар шунчаки такрорланмайди, балки конкрет руҳий ҳолатни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, «Ой жилва билан оқди чаманга», «Ой ваҳм, хаёлот нурига чўмилган», «Ой ҳам заиф боқадим, Юзи қаварган» каби тасвирлар лирик қаҳрамон ҳолатини яққол тасаввур қилишга имкон беради.

И. Ҳ. Сиз айтмоқчи, табиат «луғати»га эътибор, меҳр Ойбекда ҳам кучли бўлган. Мен бу ўринда улғу шоиримиз севиб ишлатган биргина образ хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу — юлдуз. Ойбек тасаввурда юлдуз абадиятдан шеър сўйлаши мумкин бўлган чексизликдаги «олтин зарра». Гоҳо олтин киприкли «гўзал қиз». Гоҳо кўкда қулаётган «оқшом чечағи». Эрк, умид, поклик, юксаклик тимсоли. «Санъат фалсафасини юлдузлардан ўқидим», дейди шоир. Ва юлдузлар билан бениҳоя улфат тутинади. Сирдошлик қилади. У оқшом юлдузига қарата:

Белгисиз диёрларнинг;  
Сир аралаш ёрларнинг  
Дўстиман... кўнглимни ол! —

деркан, дардлари ёзилади. Юлдузлар Ойбек учун бамисоли илҳом малаги. Шоир бу ҳақиқатни шеърларидан бирода харақтерлаб, дейди:

Кўкларда юлдузлар ҳадсиз, ҳисобсиз —  
Кулишар... Кўзимда яшнар учқунин.  
Олтин боқишлар-да шу онда ёлғиз  
Ечилиб кетади кўнглим туғунин.  
Ипак нурларига боғланиб қолиб,  
Абадий шеърларга бирдан толаман.  
Қўлимга суюкли созимни олиб,  
Чексиз дунёларнинг кўйин чоламан.

Ойбекнинг маҳорати шундаки, у ижодда юлдуз образига нечоғлик изчил мурожаат этмасин, унинг ғоявий-бадий ҳаракатини таъминлай олади. Жозибаси сифатларини бойитиб боради. Масалан, ёлғизлик дарди — адабиётдаги қадимий мавзулардан. Бу тўғрида кўп шеърлар битилган. Фикрлар айтилган. Ойбекда ўқиймиз:

Ёлғизмен, ёлғизмен, шундай ёлғизмен,  
Юлдузлар узокдир, еллар бегона.

Бор гап шу. Лекин бу теран талқин. Табиатдан танланган образлар тўла маънода мақсадга мувофиқ тушган.

Энди мана бу тафовутга эътибор беринг: «Юлдузлар, ёнмасдан туринг бир нафас, Севгилим кўзлари кулсагина бас!»; «Кўз деган ҳам шундай бўлурми, Қайдан олдинг кўша юлдузини»; «Севган юлдузимнинг иккиси сенда»; «Чарақлаган юлдуз бўлиб кул»; «Иложи бўлса эди, осмондаги юлдузини Сендаги ёниб турган жуфт кўзга ўхшатардим»; «Юлдузмисан, нима гап ўзи, Нега ерда бўлдинг намоеён»; «Юлдузларга боқ, жоним, зериксанг агар, Мен ҳам танҳо қолсам унга боқаман». Рамз Бобожоннинг шеър ва рубоиларидан келтирилган ушбу мисраларида ҳам фикрлар юлдуз образи атрофида айланади. Иккинчидан, ёр кўзларининг юлдузга ўхшатилиши сийқаси чиққан ташбеҳ, Шунга қарамадан, Рамз Бобожон уни турли вариантларда қайтараверган. Иккинчидан, бу мисолларнинг кўпида маъно жўн. Шунинг учун ҳам уларнинг эмоционал таъсири йўқ даражада. Шоир «Ҳаёт гулшани» шеърида яна ёзади:

Яна кўкда ой, юлдуз кулар,  
Яна оқшом табассум қилар.

Бу — оддий хабар. Бунда на «кўкда ой, юлдуз»нинг кулиши, на «оқшом табассуми» шеърхон қалбига ҳеч қандай ҳаяжон уйғотмайди. Биз бунинг сабабларини табиатга эстетик муносабатнинг юзакилигидан деб биламиз. Афсуски, бу шеърятимизда анча кенг илдиз отган иллатлардан ҳисобланади. Хусусан, табиат фаслларига доир шеърлар нурсиз. Руҳ билан битилмаган. Сўз ва образлардаги қайтариқлар тўлиб-тошиб ётибди.

Т. Ж. Мен сизнинг даъвоингизнинг аниқ далилларини Н. Нарзуллаев, Э. Охунова, Д. Файзий, Тўлқин каби қатор қаламкашлар ижодида ҳам кўраман. Н. Нарзуллаев шеърларида табиатдаги манзара ёки ҳодисаларни тавсиф қилиш бор. Бироқ образлилик, тасвирий жонлантириш малақаси айтарли сезилмайди. Унда табиат дунёси билан ботиний ҳамдардлик етишмайди. Унинг шеърларида, менимча, дарахт, гул гўё юлиниб намойиш этилади. Шунда илдиздан маҳрумлик ўша дарахт ёки гулларни ўқувчи кўз олдида жудаям жонсиз, тароватсиз этиб қўяди. Шоирнинг табиат хабарчиси бўлишга сира-сира ҳаққи йўқ. У — мусаввир. Табиат лавҳаларида одам руҳини уйғунлаштириб кўрсатишга қодир сўз мусаввири. Негадир, Н. Нарзуллаев масаланинг айни шу — асосий томонини инобатга олмайди. Унинг «Баҳор ёмғири» шеърида қўйндаги гаплар айтилган:

Шайдосиман мен баҳор ёмғирининг —  
Хушрўйликда танҳо она еримнинг.  
Ялт-юлт этиб чакнар момақалди роқ,  
Еру кўкда солиб титроқ, қалди роқ,  
Чақмоқ-яшин йиртар булут чокини,  
Муз ел сўйлар жала ёғажагини.  
Қалам йўнмай шоир, очмай туриб лаб,  
Ёмғир қўйди кўкдан челақ-челақлаб...

Нега шундай сўзларни шеър сифатида тақдим этиш керак! Унча тушунолмайман. Ҳамма ҳам баҳор ёмғирдан суянади. Она ерини севади. Момақалди роқнинг ялт-юлт этиб чакнашини кўради. Елнинг совуқ нафасидан жала ёғажагини сезгандай бўлади ва буларнинг барчасини ҳам оддий тилда шарҳлай олади. Фақат қофия бўлмайди, холос.

Худди шу жойда Н. Нарзуллаевнинг мазкур мисралари исён қилиши, бағри кўклам нафасига тўлган оҳанглари, баҳор ёмғирдай дилларни яшнатувчи руҳи, яшноқ бадий бўёқларга эга фусункор тили билан менинг сўзларимни инкор этиб ташлаши лозим эди. Йўқ, улар жим. Ғоявий-бадий мажолсизлик дегани мана шу бўлади.

Қайда экан менинг насибам,  
Денгиздами ёки дарёда!  
Топарманми яйлов айлансам,  
Ё тоғ қизи гўзал барнода!

Авалло, «Қайда экан менинг насибам»дан нима маъно аңлаш мумкин! Ризқими! Бу фикрлар қушлар тилидан ифодаланганда ҳам бошқа гап эди. Ушанда ҳам «денгиз», «дарё», «яйлов»дан сўнг «тоғ қизи гўзал барно» образининг келтирилиши худди ҳозиргидек, поэтик номувофиқликни билдирган бўлурди. Айни ҳолатда «денгиз» ҳам, «дарё» ҳам, «яйлов» ҳам образ моҳиятидан маҳрум қуруқ сўз, фикрий камбағаллик қурбони бўлиб турибди. Н. Нарзуллаевнинг «Севиб қолдим қайси

полани!» шеърда лирик қаҳрамон «лола излаб, лола термоққа» чиқади. Иттифоқо, «тоғ шамоли чопқиллаб келиб», «лола ҳидин» димоққа уради. Қарасаки:

Полазор-мас, қип-қизил гилам  
Тоғ кўксига тўшалиб ётар.

Майли, буни бир манзара деб қабул қилайлик. Шундан кейинги икки сатрдаги фикр бундай:

Юраркансан дил яшнаб кетар,  
Полазорнинг ҳусни сен билан.

«Полазорнинг ҳусни»ни ифодалаган лирик қаҳрамоннинг ҳамроҳи — бу гўзал «полазорлар ичра йўқолиб» [Х. Олимжоннинг «Полазорлар ичра йўқолдим» мисрасини ҳам эсдан чиқарманг] «кўнглига хуш ёққанини» теради [Нега кўнглига хуш ёқмаганини териш керак! Демак, омонат сатр]. Ва бир «дастасин саралаб» унга беради. Наҳотки, «кўнглига хуш ёққани» билан «сараланган бир даста» аини битта тушунчаллигини шоир фаҳмламаган бўлса! Ким билади, уятдан довдираган одамнинг сўзлари шунақа бўлармикин! Чунки:

Бир дастасин саралаб бердинг,  
Қўлларингдан олдим уялиб,

дейди лирик қаҳрамон. Мана, шеърнинг хотимаси:

Сен-ла кездим қирмиз далани,  
Аммо шунга ҳайронман, ҳайрон:  
Узинг айт, эй гулруҳсор жонон,  
Севиб қолдим қайси полани!

Шеър табиатга нисбатан бетарафликни акс эттириб турганлиги учун ҳам, шоирнинг «Севиб қолдим қайси полани!» сўроғи дилимизга санчилиб, руҳий мувозанатимизни буза олмайди. Умуман, ўқувчи шоирнинг «югуриб, елиб» «қирмиз дала»га чиқиши айтилган биринчи сатрларданоқ унинг кимни севиб қолишини аниқ тасаввур этади. Шунинг учун шеърга лоқайд боққан назари ўзгармайди. Қисқаси, бу шеърдаги воқеа тасвирнинг номукамаллиги туфайли ўқувчини ишонтирмайди. Аини шу номукамаллик туфайли бу шеърдаги табиат тасвири ҳам ўқувчига эстетик завқ бермайди. Ҳолбуки, ўқувчининг ҳиссиётини қитиқлаб, уни бепарволик гирдобидан чиқара олмаган шеър бадий асар сифатида қимматга эга эмас. Афсуски, Н. Нарзуллаевда шундай характердаги шеърлар сони озчиликини ташкил қилади, деб бўлмайди. Шоира Э. Охунова ижодида ўзгачароқ манзараларни кузатиш мумкин. Э. Охунова эл орасида танилган қаламкаш. Унинг ўз мухлислари бор. Лекин... Келинг, яхшичи, Э. Охунова ижодидан айрим намуналарни биргалашиб ўқийлик. «Денгиз — кулол» шеъри:

Денгиз мисли ўхшар уста кулолга  
Тўлқин отиб, обдон сувни пиширар.  
Ҳунар — обрў абадийлик кишига,  
Денгиз ҳам минг, миллион йилни кўролгай.

Шеър сарлавҳасиёқ кишини ажаблантиради: «Денгиз — кулол». Ғайритабиий ўхшатиш. Наники унинг тўлқин отиши «обдон сувни пиширар»ни хаёлга келтирса! Тилимизда «сув пишириш» ибораси йўқ. Ишлатилмаган. Кашфиёт сифатида эса у ўзини мутлақо оқламайди. Денгиз тўлқинлари — буюк шиддат, ҳаракат тимсоли бўлар. Уни ҳеч жиҳатдан «уста кулол»га қиёслаб бўлмайди. «Ҳунар — обрў абадийлик кишига» билан «Денгиз ҳам минг, миллион йилни кўролгай» — буларнинг бири боғдан, бири гўё тоғдан олинган. Демокчи-манки, образ мантикий мутаносибликка хизмат этмайди. «Денгиз мисли ўхшар уста кулолга» сатрида «мисли» ортиқча, зўрма-зўраки тиқилган, «ўхшар» бўлгандан кейин унинг кераги йўқ эди... Сўзларнинг бу тарзда эътиборсизлик билан қўлланилиши, ташбеҳларнинг зўрма-зўракилиги, фикрларнинг юзакилиги — булар ҳаммаси наҳотки, ижодий эҳтиёж маҳсули бўлса!

И. Ҳ. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Классик поэтикада ташхис деган бадий санъат бор. Ташхис (шахслантириш) табиатдаги нарса ва кучларни инсоний сифат ҳамда белгилар воситасида жонлантириб тасвирлаш йўли. Талантли санъаткор учун бу усул ғоявий-бадий кашфиёт яроғи. У шу воситада табиатдаги шаклсиз нарса-предметларни

хаёл ва тасаввур кучи билан шаклга солади. Қиёфаси ноаниқ кучларни реаллаштириб, инсон ва улар ўртасидаги боғланишларни тиклайди:

Шоҳид ўзи эрди, навосоз ўзи,  
Соқий ўзи, замзама пардоз ўзи.

Навойнинг ушбу таърифи ким ҳақида! Албатта одам тўғрисида деб ўйлайсиз ва навосоз, майпараст, замзама пардоз — ашула тўқувчи бир киши ҳаёлингизга келади. Ҳолбуки, Навоий «Ҳайратул аброр» дostonида жонли мавжудот билан тубдан алоқаси йўқ, шакл-шамойили инсон назаридан яширин хилқат — Аторуд [Меркурий] сайёрасини шундай сўзлар билан васф этган.

Асарнинг ҳам ғоявий, ҳам бадий мукамаллигини таъминлашга ёрдам берадиган мана шундай маҳорат усулларини классикларимиздан нега ўрганиб, чуқур ўзлаштирмаслик керак! Бугунги адабий жараёнда қатнашаётган, ҳатто том-том китоблари босилаётган шоирларнинг кўпчилиги, мен буни иккиланмасдан, дадил айта оламан, ўтмиш адабий меросимизни пухта билишмайди. Адабиётшунослик ва танқидчилик илми эса масаланинг оқибатларини тубдан очиб кўрсатишга киришганича йўқ. Ешларимизга келсак, уларнинг интилиш ва ҳаракатлари янада ташвишланарли. Очиқчасига гаплашайлик. Сиз ҳам шоирсиз. Инсоф билан айтинг: тажрибаларингизнинг классик шеърятимиз билан мустаҳкам алоқаси борми! Менимча, йўқ ҳисоби. Таъна қилаётир, деб билманг.

Т. Ж. Нега энди таъна бўларкан. Узингдан қочиб қутулмайсан-ку, одам. Еш қирққа етай деб қолди. Баъзи нарсалар энди кеч. Айримларига эришиш учун интилса бўлади. Классик шеърят мактабидан таълим олиш нечоғлик зарурлигини ҳис қилиб турилган. Ҳозирча бу тўғрида гапирмай кўя қолганим маъқул...

И. Ҳ. Унда сизга яна эътирозим бор. Ҳар бир шоирда тўғма фазилатлар бўлади. Бэзиз ўзликини топиш анча мушкул. Сизнинг шеърларингизда табиат шоирининг қалби ҳаракатланади. Табиатга ошуфталик — қонингиздаги туйғу.

Ёлғирнинг ёғишини,  
Қўшни аёл сизгир соғишини,  
Дарёнинг мавжини,  
Илонинг чипор рангини севаман...

Бу фикрларингиз бизга жўн туюлса-да, самимий эшитилади. Табиат барча гўзаллиги, хунуқлиги, ҳарорати ва совуқлиги билан дилингизга киришига шеърхонни ишонтиради. Бироқ яқин-яқинлардан буён сизда овозингизнинг таъсир пардаларига у қадар мос ва мувофиқ бўлмаган ҳайқириқларга рағбат сезилаётир. Буни «Исириқчи чол», «Юрак минбарингиздан сўзланган нутқ» шеърларини ўқиганда пайқадим. Уларда топилган образлар бор. Ифода равон. Барибир, «Бир қушчадай сайраш» иштиёқлари ўртаётган юрак садолари йўқдай.

Т. Ж. Эҳтимол. Узимга унча сезилмаган. Шоир — кайфият одами. Кайфият эса неча хил ранг ва оҳангларда товланади. Ҳар ҳолда, атайин таъини оғир гуноҳ биламан.

И. Ҳ. Қишлоқ табиати манзараларини миллий ранг ва деталлари билан идрок этадиган, қувончлари ёрқин лирик характер ҳис-туйғулари, фикр-қарашлари шеърларингизнинг бош йўналиши. Кейинги тажрибаларингизда бошқача пафос — дилга маънос чўкадиган оҳанг ва образлар тўғилмоқда. «Чорраҳадаги уй» — янги китобчангиздаги бир шеърда ёзасиз:

У ажойиб, у гўзал кунлар  
Сизмай қолди иссиқ бағримга.  
Қишдан қочган қушлардай улар  
Учиб кетди соғинч шаҳримга...  
Мен ҳовлиқиб кунларни эмас,  
Кунлар берган гулларни олдим.  
У ажойиб кунлар-ла, эмас,  
Сарғайган шу гуллар-ла қолдим.

Бу — руҳ сўзи, ниҳоят ҳақиқатини топган маҳзун руҳ алами. У йўқотиш азобларидан хаёлий баҳс этишга чорлайди. Бошқа шеърингизда:

Ҳўрсиниб ботади юлдузлар,  
Кузнинг сокин кечаларида...  
Тарновларнинг ўнсиз бўғзига,  
Майсаларнинг қонсиз юзига,—



дейсиз. Тиниқ тасвир. Аммо бу юлдузлар олдинги «юлдузларингизга» ўхшамайди. Улар «хотира кўчаларига» хўрсиниш билан боғмоқда. «Майсалар» ҳам ранглар.

Т. Ж. Умуман, шоирни ҳаётда фақат Қувонч ёки фақат Ғам чалғита олмаслиги керак. Шеър — дард дилдаги шодлик. Ғамнинг қувончли нигоҳидир. Чинакам шоир ҳеч пайт на табиатдан, на муҳитдан қониқа олмайди. Қониққан кунидеяқ тугайди. Шодликка душман бўлиш — ёвузлик. Инсоний ғамга ҳам. Ер юзидеяқ ҳақсизлик, хўрлик ҳануз эркин кезиб юрибди. Разил, «нонга тўйганда ҳам» кўзи маконга тўймак очоқларлар беҳад. Улар бировларнинг қонини сўради. Олис сарҳадларда қандай қирғин-қабоҳатлар содир этилаётганини эшитиб, билиб турибсиз-ку! Шоир мана шулар учун ҳам ўз этини ўзи ейди. Азобда яшайди. Билсангиз, бу — бахт. Танқидчилар билиб-билмай шоирдан баъзан бу бахтни қизганишади. Ҳатто унинг қувонч яллагичи бўлишига ҳисса қўшишади. Еки нотўғрими!

И. Ҳ. Тўғри, фақат қисман. На илож, «қонуншунос» олим мунаққидлар бўлган. Бор. Бундан кейин ҳам уларнинг издошлари етишиши табиий. «Инсон тўғрисидаги ҳақиқий фан — бу инсон», деган экан улўф Ғете. Шу «фан» билан қанча кенг, қанча чуқур шуғулланилса, бадий ижод ва истеъдод муаммоларига оид мулоҳазалар ҳам шунча янгилашиб, тараққийлашиб боради. Китобийлик, назарий маҳмаданалик иллатларига барҳам бериш имкониятлари кенг очилади.

Т. Ж. Тўтининг эгаси тўтига «Нега сен домд бир гапни такрорлайсан», дейишдан чўчиса керак. Чунки тўти бошқа гапни ҳам ўргат-да, деб айтиши эҳтимол. Айрим адабиётшунос ва танқидчилар ҳам тўтининг эгасини эслатадилар. Бўлмаса, яланғоч, ҳис-туйғулардан йироқ, на фикр, на оҳанг, на манзара акс этмаган ўнлаб тўппамларни кўриб, индамай юришармиди! Гўё улар бир нарса дейишса, шоир шеърини ишлаб бер, деб ёқасидан оладигандай. Ёшлар ижодига табиат ва инсон образи талқини борасида бирорта жиддий мақола ёзилди! Эсполмайман.

И. Ҳ. Афанди Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиб, ғоятда «муллолашиб», оддий сўзни ҳам қироат билан айтадиган бўлибди. Қорни очганда, хотинига:

— Хотино, ла чою нон-пони! — дер экан у.

Бундай тилдан зериккан хотин бири кун: «Ҳеч бўлмаса чой билан нонни қироатсиз айтсангиз бўлмайдимми!» — дебди. Унга жавобан: «Парча нонингни деб қироатимни бузаймуу!» — деган экан Афанди.

Бу — латифа. Лекин ҳанузгача маъно қиммати сақланган латифа. Адабиёт илми бўйича мутахассислашган, унвонларга эга қанча олим мунаққидлар бор. Андишасизликка йўйишса ҳам айтай: уларнинг бир қисми баъзан ўша қироатбоз Афандига ўхшамайдиларми! Афандининг тил ва фикр «қурол»лари эскича. Буларники, янгича — замонавий терминлар. Улик иборалар. Бунинг устига улар ўзлари билан ўзлари ўралашиб, фикран қотиб қолишган. Турли-туман «измлар» исканжасида яшашади. Шундай бўлгач, беш-ўнта фаол, жонкуяр танқидчи-ю, адабиётшунос қандай қилиб ҳамма масалаларни қамраб олишга улғуришади! Буни ҳам инobatга олиш керак.

Т. Ж. Нима деб оқламанг, ўзбек танқидчилигида муросабозлик кучли. Адабиёт истиқболини шижоат кўрсатиб ҳимоя этадиган маънавий-руҳий қувват етишмайди. Талантсиз шоирлар ижоди юзасидан жиддий танқидий чиқишларни кутиб кунларимиз ўтади.

И. Ҳ. Адабий танқиднинг, маълум фурсатларда, ғоявий-бадий савияси тубан асарларни вақт ва куч сарфлаб таҳлил қилавермаслик ҳуқуқига эгалигини ҳам унутманг...

Т. Аҳмадининг қўйидаги мисралари ҳам шеър деб тизилган. Китобда босилган.

Кел, қурдошим-сирдошим, қону қондошим,  
Нашъали, наволи боғимизга кел...  
Мана бу мажнунтол — толим шохлари,  
Туркман гўзалининг сочдайду сулуви.  
Мана бу шафтоли — нопармон гули,  
Мусаффо дилларга солмас ҳеч гулу.  
Мана бу чинордир — кекса танаси,  
Ўзбек йигитининг билагидай чўнг,  
Мана бу анордир, мана бу гилос —  
Заминдан таъм олмиш ва офтобдан ранг...

Табиатдан завқланиш самараси шуми! Шоир шундай тилда сўзлаши мумкинми! Бу тажрибасиз экскурсоводнинг

изоҳларига аяқин. Шафтолининг нопармон гули «Мусаффо дилларга солмас ҳеч гулу», деб ёзилибди. Фирт ёлғон фикр. Мусаффо дил гўзалликка, албатта, мусаффо шуур билан боқади ва истаса-истамаса, ундан ёниқ ҳаяжон — гулуга тўлади. «Ўзбек йигитининг билаги» қаерда-ю чинорнинг кекса танаси қаерда! Булар анчайин, тажрибасизликдан юзага чиққан камчиликлар эмас.

Т. Ж. Мақтов кечикса зарари бўлмас. Танқиднинг кейин сурилгани ёмон. Яқингинада Т. Аҳмадининг «Ойдин хаёллар» номли янги тўппамини арақлаб чиқдим. Адашмасам, унинг «Минорлар ва чинорлар» китобчасига бир мунаққид муносабат билдирган эди.

И. Ҳ. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида А. Шароповнинг тақризи босилганди. Унда тўппамдаги аксарият шеърларда мавзу сийқалиги, сўз устида ишлаш кам кўзга ташланиши фактлар тилида таъкидланган эди.

Т. Ж. Негадир «Ойдин хаёллар»да ҳам кескин ўзгариш бўлмаган. Табиат тасвирида ўша-ўша юзаки сифатлаш ва ўхшатишлардан [булар ҳам ғариб] нари ўтирмайди. Олтим мисралик «Гул таронаси» шеърда шоир Наманган боғларини сайр қилганини баён қилиб, гул таърифида ёзади:

Гулни кўйлар бу чаманнинг  
Ҳар бир хонаси:  
«Гул кўёшдир, гул оташдир,  
Гул — дилбари жон.  
Гул — нафосат, гул — назокат,  
Гул — муҳаббат, гул — садоқат,  
Гул — жону жаҳон,  
Гул дийдордир, гул мадордир  
Гул — кўзга зиё!»

Шеър эмас бу, балки ёмон шеърга ёзилган пародиядир. Аммо пародияда ҳам мақсад, фикр бўлади.

И. Ҳ. Мазкур шеърдаги «гул мавжланар юлдузлардай» мисраси менга ёққан эди. Қолгани, чиндан тугуриқсиз сўзбозлик. «Раънолар, ороларан Қучоқларда гул» сингари юзи ялтироқ, мағзи пўк сўзлардан таркиб топган бу шеър аслида танқиддан тубан. Бундай шеърларнинг тақдир чоп этилмасдан, нашриётдаёқ ҳал этилса хайрли иш бўларди.

Т. Ж. Қани эди, шундай бўлса! Назаримда, нашриёт муҳаррирларини ҳам яроқсиз ёхуд ўртамиёна шеърлар «се-ли» анча доводратиб қўймоқда. Улар баъзан китобнинг номи оқлайдиган шеър танлашга ҳам ожизлик қилиб қоладилар. Мана, Т. Аҳмадининг тўппами номи билан аталган шеър:

Бу боқий дунёни  
гоҳ бедов отда,  
гоҳ учқур қанотда  
Гоҳи пойи-пиёда  
кездим беармон.  
Кўрганларим — йўллар  
мовий кўллар,  
Ҳадсиз чўллар...  
Кўзим нурга тўлди —  
қолмади армон!  
Йўлларда ҳамроҳим —  
йўловчилар,  
Кўлларда ҳамроҳим —  
чаққон овчилар,  
Чўлларда ҳамроҳим —  
мол ҳайдовчилар,  
Гоҳида йўлдошим —  
дил овловчилар...

«Ойдин хаёллар» худди арқондай чўзилиб кетади. Наҳотки, шунча кўп кезган шоирда йўловчиларнинг бирор хислати, характери, кўллар, йўлларнинг файзи янгича образли мушоҳада уйғотмаган. Шоирнинг ўзлиги, ўз ички нигоҳи қани! Ҳа, ижодкор ўзини табиат бағрида камидея бир дарахтми, қушми, гиёҳми ҳолида эркин ҳис эта билмас экан, шундай нақлбозликлар бўлаверади.

Ёшлар шеърининг М. Солиҳ, У. Азимов, Х. Даврон, Ш. Раҳмон каби қатор талантли вакиллари ижодига қизиқшининг ортшига сабаб шуки, уларнинг шеърларида, у ё бу шаклларда табиат одам, одам табиат тимсолига кўчади. Яъни орада масофа йўқолиб, ажралмас бирлик жараёнлари поэтик тадқиқ этилади.

И. Ҳ. Садриддин Салимовнинг:

Ҳар бир гунча аввал менинг юрагимда гуллайди,  
Кейин гулға бурканада баҳор келиб кенг жаҳон.  
Тонгда олам аввал менинг юрагимда куйлайди,  
Мен шоирман, онажон,

дея ҳаяжондан энтикиши ҳам бежиз эмас-да!  
Т. Ж. Албатта! Саъдулла Аҳмад ёзгандай:

Бирлик ҳам ёвуздир баъзан илондай,  
Тан бир бўлса-ю, икки бўлса бош.

Рух ва борлик бир тану икки бош бўлиб қолса — бу фожиадир. Табиат билан инсондаги юксак бирлиكنи шеърятимиздаги оригинал ғоявий-бадий йўналиш кўламида тараққий қилдираётган бу ижодкорлар ёруғ машаққатлар эҳтиросида нафас олаётган замондошларининг фикру ҳислари, руҳий изтиробларини табиат манзара ва ҳодисаларини поэтиклаштириш услубида ифодаляптир. Айниқса, Муҳаммад Солиҳ шеърларидаги руҳий жозиба, тугилмаган образлар қароғидаги шиддат, наслак тозалиги таҳсинга лойиқдир.

Хуршид Даврон ўзини табиатнинг бир бўлаги ҳис қилади ва шу туйғуни бизга ҳам юқтиради:

Табиатдир менинг давомим,  
Туташ эрур бағрим бағрига.  
Умрим боғлиқ ою офтобо  
Дарё, дала, дарахтларига...

Табиатни ўзи билан бутунликда, ҳаракатда кўриш Ш. Раҳмон шеърларига ҳам шукӯҳ бағишлаб турибди.

Мен севиб яшарман умрбод,  
Булбулдай сайроқи сойларим.  
Бағримга босгунча қаритгум,  
Жувондай тўлишган ойларим,—

деб ёзади Шавкат. Бу хил шеърларни ўқиганда кўнги табиатдай яшнаб кетади. Одам яйрайди.

И. Ҳ. Табиат — одамнинг дил дарди ва изтиробларини даволяйдиган улуг ҳақим. Табиат — ўқилган, ўқилаётган ва абадий ўқиладиган китоб. Унинг ўзи — шоир, муассавир. Табиат билан боғлиқ сўз унга муносиб бўлмоғи зарур. Ачинарлиси шундаки, ўнлаб шоирлар

Табиат иккинчи боққан онамиз,  
У ҳам завол кўрмай кўкарсин-унсин.  
Бизни кучиб турган она табиат  
Енгини кўрмасин — гулласин, ўссин.  
Одамлар, ҳеч кимнинг руҳи сўлмасин,  
Табиат бахтига уруш бўлмасин, [Т. Нормат]

фикрлари савиясидаги илҳомсиз тўқилган маъноларни қофиялаштириш билан ўралашиб юрибдилар.

Т. Ж. Охирги йилларда баҳор мадҳида битилган шеърларнинг ўзини тўпласангиз том-том китоб бўлади. Ҳеч муболагасиз, ўшаларнинг аксарияти И. Азимбоевнинг «Баҳор келди, яна яшнади олам, Гулларга бурканмиш далалар, боғлар»ига монанд хабарнамо олди-қочди гаплардир.

И. Ҳ. Куз ва ёз баҳсидаги шеърлар-чи! Уларда ҳам аҳвол шу. Баҳор ва қиш тасвиридаги шеърларда табиий фарқлаишлар кўрингандай бўлади. Ёз ва куз мавзудидаги шеърларда эса сўз ҳамда фикрлар айқаш-уйқаш шаклларда ҳам намоён қилинаверилади. О. Холдорнинг «Ёз» шеъри — маънан саёз, кўнгилга етиб бормайдиган эҳтироссиз шеър.

Кафтим айвон қилиб далага боқсам,  
Дилмини яйратар гуллар, кўсақлар.  
Полизда қовунлар боғлайдир асал,  
Узумлар ранг олар, тўлишар анор.

Бу ўша шеърдан парча. Бундай маънан саёз шеърлар афсуски кам учрамайди. Уз назарида гоҳ «той-той оппоқ пахта бўлиб тойланган, гоҳ жиймайиб, «гоҳ далада лойланган», «ҳам солланиб сойлар узра сайланган ва «оппоқ кеча ёғдусида ойланган» кузни характерлаб, Отаёр қалам юритади:

Тароватли бир ҳис дилни тарк этмас бир зум,  
Ишқомларда жим-жим ёниб товланар узум.  
Енг шимариб, ҳар жабҳада кўрсатиб ўзин,  
Боғ-полизга, қир-адирга солиб янги из,  
Гоҳ жилмаяр, гоҳ далада лойланади куз.

Усмон Азимов «Кузнинг куйларига бўлмайди чидаб, Мен шунда ичимга ютиб шеъримни Куз бўлмас жойларга кетгим келади, Тарк этиб куз билан ошно еримни», дейди. Шунинг ўзи шоирлик-ку! У кузга термуларкан ўзини «кўшиқдан йироқ» сезади:

Кузнинг куйларини тинглаб мен фақир,  
Шеъримдан уялиб эгадурман бош.  
Куз минглаб қалбларини титратди, ахир,  
Мени тинглаб ҳатто сен тўкмадинг ёш...  
Энди мен шоирми!..

Отаёрга ўхшаш шоирларга айни шу салоҳият — кузнинг кўшиғию, охларини руҳан тинглаш иқтидори етишмаслиги сабабли барчага аён маъно йўлларида олислаб кетолмайди-лар.

Ижодда сон эмас, сифат муҳим. Дид ва савиясиз ёзилган юзлаб асарлардан, дард ва маҳорат билан яратилган биргина шеър қимматли. Адабиётда ўша қолади. Абдулла Орипов мўъжазгина шеър ёзган. У оддий манзара тасвири билан бошланади: Парчагина булут. Чексиз осмон. Адир. Унинг ортидаги ёлғизоёқ йўл. Лекин бу шунчаки манзара эмас. Олис хотиралар манзараси. Кўзни ёшлатадиган соғинч булут. Одам умри ҳар турли ҳодисалар, ташвишларга тўла. Шундай вақтлар бўладими, киши барча турмуш ташвишларини унутқун, ўзи билан ўзи ёлғиз қолгиси келади. Шунда нимадир одамни ортда қолган болаликка олиб қочмоқчи бўлади, нимадир ёшлик умри ўтган кадрдон масканларга етаклайди. Абдулла Орипов шеърда мана шу армонли туйғуни ифодаларкан, унда қисмат сўзини ҳам айтади:

Қисмат майин ичдим — аччиқ ва тахир,  
Туйдим эҳтиросинг самовий кучин.  
Дунёда одамзод яшамас, ахир  
Фақат иродасин синямоқ учун.

Шеър сўнгида яна ўша манзара: Парчагина булут. Чексиз осмон. Адир. Унинг ортидаги ёлғизоёқ йўл. «Барча ташвишларини унутиб шодон, Қайта олсам эди қошинга буткул...», дея гапни тугатади шоир. Аммо бу ўқувчида орзиқиш ҳиссини олдингидан ҳам кучайтиради. Шоирнинг «Куз хаёллари», «Баҳор» шеърларидаги дард, «Қайдадир гулшандан ахтариб висол, Ел кезар — тоғларнинг гўзал арвоҳи» байтидаги каби ажойиб ташбеҳлар, табиат ва инсон руҳининг уйғунлиги-чи!

Т. Ж. Шеърятимизда ушбу йўналишнинг Ойбек, Ҳ. Олимжон сиймосидаги ҳақиқий устозлари етишган. Миртемир шеърларининг ўзи бир олам. У унутилган, кўпинча эсга тушавермайдиган сўзларни тирилтириб шундай ишга соладики, бир сўз катта манзара, образ, ҳаракатни асосляйди. Миртемир шеърятининг тили — қушларнинг хониши, майсаларнинг илтижоси, мажнунтол ҳасрати, тошқин сойлар ҳайқирғини бағрига сингдирган хаёлий тил. Ёки А. Мухтор лирикасидаги фалсафий мушоҳадакорликни айтмайсизми! Рауф Парфи шеърятини ҳам юрак ўртади.

Фунчалар пуштиранг ва заъфар  
Зангори япроқлар шаҳрида.  
Фунчалар орзумдек ҳар сафар,  
Фунчалар қалбимнинг бағрида...  
Қалбимнинг бағрида бир жаҳон,  
Ғаройиб эртақлар айтади.  
Мен қайтиб келмасман ҳеч қачон,  
Фунчалар, албатта, қайтади.

Бу шеърнинг ўзи юрак айтган «Ғаройиб эртақ»дай. Рауф Парфининг бундай шеърларида сирли куч оташи ялғиланади. Одамни сўз сеҳрлаб қўяди.

Хуллас, ёшлар шеърятимиздаги юксак адабий аъналарни мукамал ўзлаштириб, жаҳон адабиёти тажрибаларидан бебаҳра қолмаган ҳолда ижодда табиат ва инсон тасвирларини ривожлантиришга интилишлари ҳам фарз, ҳам қарз. Табиат гўзалликларининг чек-чегараси йўқ. Бу гўзалликлардан Рух ҳақиқат ахтарсин. Тафаккур Эрк сахарларида кенг қулоч ёзсин. Юракда эҳтирос нурлари порласин. Асқад Мухтор яхши айтган:

О, она табиат!  
Сен билан як сонман.  
Сен менинг эркимсан, менинг қафасим.  
Жоним ширинлиги, тиркилим сендан,  
Соф ҳаводан олган нафасим.



Хадича Лутфиддинова

# ХАЁТ ҚАБИ УЛУҒ



Уткир Ҳошимов илк китобчаси биланоқ ўз ўқувчиларини топганига йигирма йилдан кўп вақт бўлди. Лекин ёзувчининг эл-юрт орасидан долзарб муаммоларни қидириб топиш ва уни ечишга иштиёқи ҳамон сўнгани йўқ. Ундан ортиқ ҳикоя ва қиссалар тўпламлари китоб жавонларимиздан ўрин олган. Унинг аксар қаҳрамонлари ўзи кўрган, кузатган, қалбида қайта тўғилган, ҳаётга чанқоқ ўт-олов ёшлардир. Бу қаҳрамонлар ҳаётдан ўз ўрни, қадрини излаётган, ўз тақдири учун курашаётган тарзда намоён бўлади.

Хиёнатга нисбатан ашаддий нафрат, ҳақиқат, гўзаллик йўлидаги кураш ёзувчининг эстетик идеалини ташкил қилади.

Айниқса, Уткир Ҳошимов асарларида яратилган бири-бирдан ажойиб замондош қизларимиз, аёлларимиз образи билан танишганингизда адабнинг аёллар дунёсини нақадар қизиқиш ва синчковлик билан кузатишига гувоҳ бўласиз. «Нур борки соя бор»даги Фариди, Шоира, Зухралар, «Баҳор қайтмайди»даги Муқаддам, «Узун кечалар»даги Ҳилалалар айни замон ва замин фарзандларидир. Лекин ҳаётни тушуниш, ҳис қилиш, ўз тақдирини ҳал қилиш борасида уларнинг тутган позициялари турлича.

Фарида ота-онасининг сояи давлатида ўсган, бахтни еб-ичишдан, ҳузур-ҳаловатдангина иборат деб биладиган қиз. Шунинг учун ҳам у ҳаёт ва меҳнатни, чин инсонни қадрлашда маънавий қашшоқлик қилади.

Шоира онасининг ахлоқий кирдикорлари туфайли ҳаётни пок ва беғубор деб тушуниш туйғусидан маҳрум. Алданган, ўз ифратини ўғирлатган бу қиз ўзини-ўзи оёқости қилаётганини англаб етмайди. У ифратдан ҳам, ғурурдан ҳам бенасиб.

Зухрани муаллиф Шоира ва Фаридида қарама-қарши ўлароқ ижобий позицияда туриб маъқуллайди. У ёш, иродали, ўзининг ҳам, ҳаётнинг ҳам қадрини билади. Маънавий баркамолликка интилувчи қиз.

«Баҳор қайтмайди»даги Муқаддам эса шаклланиб келаётган аёл образидир. Билими, касб-ҳунари бор, лекин ниманидир излайди. Анварда йўқ хусусиятни Алимардондан қидиради. Қидираётгани нима эканини ўзи ҳам билмайди — шижоатми, иззатми ё севгими! Ахир, Анвар уни жонидан ортиқ кўради-ку, ардоқлаб, авайлайди-ку!! Мана шу лаҳзада Муқаддам ўз эҳтироси ва эркига берилиб, ҳаётда қаттиқ алданади. Мухаббатга садоқату поклик туфайлигина эришиш мумкинлигини, қизлик ор-номуси ҳамма нарсадан азизлигини ўз вақтида англаёлмайди; буни у кечикиб, жуда кеч ҳис қилади. Дарвоқе, асарда тирик бир инсон ҳақида, унинг қилмиш-қидирмишлари ҳақида гап кетяпти.

Гулдек Муқаддам ким эдию ким бўлди! Уни деб Анвар илк пок туйғуларидан, Алимардон эса ҳаётда борлигидан айрилди. Оила барбод бўлди. Фарзанд мўрғак тасаввури билан бегона кишини ота деб таниди... Тинч ҳаётнинг остин-устун бўлишига, ҳаётини чигалликларнинг туғилишига асосий сабаб нима! Ким айбдор, ким гуноҳкор! Гарчанд кўз олдингизда ўз эркига зўр берган, манманликка берилган Алимардон намоён бўлса-да, йўқ, асосий сабабкор, гуноҳкор Муқаддам дегингиз келади. Лекин адаб Муқаддамни кўпда ҳам қораламаётгандек туюлади.

Алимардонни ҳам нопок деб аташга асосимиз йўқ. Чунки ёзувчи бизга уни: «Онаси неча йилдирки, уни уйлантиришни орзу қилар, аммо Алимардон унамас эди. Рост, у кўп қизларни кўрган, лекин ҳеч бири билан бирга бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди», деб таништиради. Қиз билан йигитнинг илк учрашувини эса: «Қизиқ, шунча йиллардан бери Анвардан кутиб юрган кескин ҳаракатларни Алимардон қилар, бу айёр йигитни уриб юборишни ҳам, индамаслигини ҳам билмасди...», ёки «Алимардонни учратгандан кейин билди. Анвар бўшанг экан, латта экан!», деб шу руҳда тасвирлайди. Айни чоғда Муқаддамнинг ахлоқига ҳам ишора қилади. Унинг муҳаббатдан кутгани фақат эҳтиросиди! Алимардонни йўлдан урган нима! Муқаддамдаги эҳтирос! «Муқаддам унинг қўллари чаккасидаги сочларига текканини сезиб, чўғ теккандай сесканди. Аммо туриб кетмади». Ўз туйғуларини, эҳтиросини ўз вақтида жилвлай олмади. Қиз Анваргагина эмас, ўз тақдирига, ор-номусига ҳам хиёнат қилди.

Инсоний муносабатлар, ҳаётини воқеалардан сюжет, конфликт қидириш Уткир Ҳошимов ижодида хос фазилат. Бутун инсоният еру-заминда тинчликнинг барқарорлиги ва келажак авлоднинг тақдирини ўйлаётган айни пайтда биз истеъдодли ёзувчимиз қаламидан умуминсоний идеалларни ташувчи образларни қидирамиз.

Ёзувчи «Дунёнинг ишлари» қиссасида мана шунга интилган. Бугунги кунимизга ҳам ёт бўлмаган ҳақ ва ноҳақлик, ҳақиқат ва ёлгон, меҳр ва шафқатсизлик каби қарама-қаршиликлар қиссадаги Она ва фарзанднинг ўзаро муносабатлари воситасида очиб берилади. Инсондаги маънавий гўзалликни илғаш, кашф этиш, уни адабиёт ва санъат асарларида куйлай олиш бахтига ҳамма ҳам сазовор бўлавермайди. Бунинг учун ижодкор, санъаткор ўз даврининг, ўзи яшаётган муҳитнинг муқаррар таъсирини бошдан кечириши, жамият негизини ташкил этган маълум тушунчалар ҳақида соғлом фикр юрта олиши, давр ва эл манфаати йўлида курашишни шон-шараф деб билиши жуда муҳимдир.

Одатда, ҳақиқий инсон умрининг сўнгги дақиқасигача яхшиликка эътиқод, гўзалликка, ҳаётга муҳаббат билан яшайди. Аввало, дунёда ҳалол туғилиб, ҳалолликда улғаяди, ҳалол турмуш кўриб дунёдан ҳам ҳалоллик билан видолашади. Агар «Дунёнинг ишлари»га бир назар ташласангиз, бу ҳақиқатга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Сиз унда умрини ҳалол яшаб ўтган Она сиймосини кўриб, руҳингизда бир олам мадад туюсиз.

Оддийгина, камсуқум, жуссаси нозиккина меҳнаткаш аёл — Онанинг ҳаёти ҳақида муаллифининг дам изтиробли, дам қувончли хотиралари диққатингизни жилвалаб олади. Беозор қалбга жо бўлган қуёшдек меҳрни, енгилмас эътиқодни, ҳеч бир бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган ҳалолликни ёзувчи бизга Она образи тимсолида рўйроқ кўрсатиб берди.

Гарчи воқеалар муаллифининг «мени» орқали баён қилинса-да, қисса кўнгилга бир юпанч бериш учун ёки, бошқача айтган-



да, ёзиш учунгина ёзилган эмас. Унинг замида бутун бир инсон тақдири, ўтмиш хотиралари, келажак орзулари ётибди.

Лекин авторнинг муддаоси ўқувчига ўтмишдан эртак сўйлаш эмас, балки, оналарни асранг, ҳаммадан яхшироқ севинг, уларни ҳар қанча эъозласак оз, демоқчи бўлади. Лекин у асар ичида бирон марта бундай сўзларни очик айтмайди. Аксинча, «Дунёнинг ишлари»ни ўқиб чиққач, юксак бадий маҳорат ва, энг муҳими, самимий қалб ҳарорати билан тасвирланган лавҳалар билан танишгач, ўзимиз шундай хулосага келамиз!

Ҳар бир новелла — ҳаётнинг бир парчаси. Қиссанинг асосий ғоявий мазмунини Онанинг дунёга яхшилик, эзгулик, меҳр-муҳаббат уруғини сепувчи зот экани, бу уруғни у энг аввало ўз фарзанди қалбига сеппиши ва шу туфайли олий инсоний фазилатларнинг давомдорлигини сақлаб қолишда беқиёс буюк хизмат қилаётганини таъкидлашдан иборат.

Қиссанинг етакчи образлари — Она ва унинг фарзанди. Бу образлар қанчалик конкрет бўлса (яъни, ёзувчининг ўзи ва унинг онаси), шунчалик умумийдир. Бирор марта на онанинг, на ўғилнинг исми шарифи қайд этилмайди. Она ўз ўғлига «ойи», аммага — «келинпошша», уста йгит учун «Пошша ойи», Зеби холага — «Пошша сингил...» ва ҳоказо. Она ўз фарзандини ҳалоллик, покликка йўғириб, янги дунёни танишга, ҳаётдан, инсониятдан, табиатдан яхшилик, гўзаллик қидиришга ўргатади. Келажак олдида, дунёдаги барча гўдаклар олдида инсоннинг қарздорлигини фарзанди онига сингдириб боради. Қиссадаги Она фавқулодда қаҳрамонлик қилган тарихий шахс ҳам эмас, ўзини элга кўз-кўз қиладиган, оналигини, меҳнатини пеш қилиб овозини кўтариб гапирадиганлардан ҳам эмас. У оддий, кўнгли тонгдек оқ, сахий аёл. Кичиккина жуссасида оламга етиб ортгудек меҳр оташи бор. Хушёр нигоҳи ер юзидagi барча қабиҳлик ва ифлосликларга тушса, нафратланади. У барча гўдакларга миллати, элатидан қатъий назар бегона деб эмас, инсоният давомчиси деб қарайди. Уларга бор муҳаббатини улашишга тайёр. Тиниб-тинчимас қўлларидан ҳалоллик рамзи — сут ҳиди анқиб туради. Ҳеч қачон ҳаётдан, одамлардан нолишни билмай ўтган муштилар Онанинг нозик оёқлари ҳамиша ерда дадил туради...

Қиссадаги ҳар бир кичик новелла ўқувчини ўйлашга, фикр юритишга ундайди. Онгини янги фикр билан бойитади. Илк новеллани ўқибди Онанинг: «Бодом ёлғиз бўлгани учун мева қилмайди», деган оддийгина сўзидан айрича маъно қидирамиз. Бу сўз орқали Она «одам — одамдан баҳра олиб яшайди, эзгулик мевасини қолдиради», деяётгандек туюлади. У ҳатто қўлетмас кўкдаги «етим юлдуз»нинг ҳам бошини силагиси, раҳмдиллик қилгиси келади. Осмонда лоп этиб ингичка из қолдириб ғойиб бўлган юлдузга ҳам бефарқ қарамайди.

«Эсиз... Бир бечоранинг жони узилди-я!», деб қўяди. Ахир бу ачиниш замирида инсонларга бўлган чексиз меҳр, ҳаётга муҳаббат туйғулари ифодаланган-ку. «Кўзингга қара, болам, чуқур бор», деб фарзандининг тушларида чироқ кўтариб юриши — бу, оналарнинг абадий уйғоқ қалби фарзандлари учун ақл чироғи бўлиб, йўлларини ёритиб туришининг рамзи-ку.

Ноаҳил ака-укаларнинг ўз оналарини хўрлаганликлари учун кўрқушга айланиб қолишгани ҳақидаги чўпчакни эсланг. Беихтиёр хаёлингизга янги фикр келади. Айни вақтда ер юзидagi кишиларнинг тинч-тотувлигига раҳна солиш, заминни ҳалокат ёқасига судраш билан она-Ерни хўрлаётган башарият душманларининг ҳам тақдири кўрқуш қисматиға ўхшаб фожиали бўлишига ишонгингиз келади...

Она бир кун иўлда кетаётиб, ёш боласини кўндиролмай, уни калтаклаётган нотаниш жувонга ўгит қилади. Бундан жаҳли чиққан ўғли: «Ҳамманинг ишига аралашаверасизми! Бировнинг боласи бўлса...» деганида шундай жавоб қилади: «Нимага бировнинг боласи бўларкан! Ииғлаб турган боланинг беғонаси бўлади мими!». Ҳа, бундай сўзни фақат онагина айта олади...

Ҳаётда кутилмаган тасодифлар, қийинчиликлар, синовлар кўп бўлади. Лекин она ҳамиша тотувлик ва яхшилик тарафдори бўлиб қолади. Фарзанди ҳаётда илк бора алданганидан азобланиб арз қилганида Она сут ҳиди анқиб турган қўллари билан унинг пешонасини силайди: «Қўявер, ўғлим. Фақат ўзинг бунақа қилмагин, хўпми!» — дея юпатади. Бола ноҳақ туҳматга учраганда ҳам Она «қўявер, ўғлим, фақат ўзинг бунақа қилма. Кўрдингми, ёлғон гапиргани учун ўртоғингни ёмон кўряпсан. Агар ёлғон гапирсанг, сениям ҳамма ёмон кўриб қолади», деб таскин беради. Ўғли севгилисидан бевафолик, дўстидан хиёнат кўрганида ҳам Она меҳрини қалқон қилиб, унга ҳамдард бўлади: «Фақат сен...»

Она ҳеч маҳал боласини ўзгаларга қарши қўймайди, қийналганида, алданганида сен ҳам ўчингни ол, деб айтмайди. Бундай ёмонликни сен қайтарма, сен одамларга хиёнат қилма, уларни алдама, деб уқтиради.

Онадаги бардош, қаноатни ўлчаб бўлмайди. Болалари туфайли эридан озор кўрганида ҳам ўзини мағрур тутади. Бировнинг кўнглини оғритиш, озор беришга, қарғашга тили бормайди. Қўшниси эридан нолиб, қарғганида Она уни инсофга чақиради: «Ошсиз уй бор, уришсиз уй йўқ... Қарғаманг бечорани», — дейди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, У. Ҳошимов қиссада ўз олдига қўйган мақсаднинг уддасидан чиққан. У яратган Онанинг оналик бурчи, аёллик бурчи, унинг яхшиликка эътиқоди, ёмонликка нафрати характерининг ҳамма қирраларида кўринади.





# Орзуларим бир жаҳон, аммо...

Редакциямизга иккита хат келди.

Биз уларни шарҳлаб ўтирмаймиз. Аввало мактублар билан танишиб чиқинг. Сўнгра суҳбатимизни давом эттирамиз.



Ассалому алайкум, ҳурматли редакция! Мен бу хатни сиёҳ билан эмас, кўз ёшим билан ёзганман, десам арзийди. Бошимга тушган «бу оғир савдолар» туфайли шу мактубни ёзишга мажбур бўлдим. Мен 1975 йилда мактабни аъло бабалар билан тугатдим. Шу йили Самарқанд кооператив техникумига ўқишга кирдим. Орадан бор-йўғи тўрт ойгина ўтди-ю...

Турмуш ўртоғим билан 10-синфда ўқиб юрган пайтларимда сезилгандик. У оилада ёлғиз ўғил эди. Техникумда тўрт ой ўқиганимдан кейин улардан совчи келди. «Ўзимиз ўқитамиз, агар ўқитмасак, бошим оловда ёнсин»,— деб қасам ичибдилар қайнотам. Дадам, «Қизим, куёвинг билан бирга ўқирсизлар, қудам алдамайди»,— дедилар. Ниҳоят, рози бўлдим. Бир йилга отпусқа олиб, қайтиб келдим. Кейин ўғлим туғилди. Турмуш ўртоғим шоферликка ўқиди. Ушандаёқ юрагим сезганди ўзи «Ахир мени ўқитаман дегандингизлар-ку?»— деб йиғладим. «Ўқийсиз, албатта, ўқийсиз»,— деб жавоб қилди у. Тўғри, ўшанда шароит йўқ эди. Ёш болам бор, рўзгоримиз мундайроқ эди. Хуллас, шароит тўғри келмади. Бунинг устига областимизда олий ўқув юрти йўқ эди. Сўнгра қизим туғилди. Ана-мана деб, орадан тўққиз йил ўтибди. Бу орада уч фарзандлик бўлди. Ҳозир кенжатайим — қизим беш ёшда. Катта ўғлим 1-синфни битирди.

Бултур кузда Навоий шаҳрида пединститут очилди. Биринчи йили ҳар ҳолда кирадиганлар кам бўлади, кириш анча осон, мен ҳам кирарман, деган умидда турмуш ўртоғимга мақсадимни айтдим. Аввал кўнмади, кейин мен йиғлайвергач, рози бўлди. Югур-югур қилиб ҳужжатларни тўғриладик. Вақт зик, имтиҳон яқин қолган. Шунда турмуш ўртоғим: «Дадам билиб қолса жанжал кўтаради, шунча кутдинг, яна бирон йил чидагин. Келгуси йили, албатта, рухсат олиб бераман, ўқийсан»,— деди. Мен рози бўлдим. Бир йил ҳадемай ўтар, келгуси йили борарман, деб ўйладим. Яширинча тайёрланиб юрдим.

Мана, орадан йил ўтди. «Энди ваъдангизнинг устидан чиқинг, рухсат олиб беринг, ҳадемай қабул бошланади», дедим. Уртоғим бақириб берди: «Эй, сенга энди ўқишни ким қўйибди уч бола билан! Одамлар нима дейди? Дадам барибир кўнмайди!» Лекин мен йиғлайвергач. «Ана, дадамдан сўра, рухсат берса боравер!»— деди. Мен, ялиниб-ёлворсам, зора қайнотам рухсат берса, деб ўйладим ва яна ҳужжатларимни тахтладим. Ахир рухсат сўрадим. Бироқ на қайнонам, на қайнотамни кўз ёшларим эрита олмади. Қайнонам «Энди уят-да ахир, учта бола билан ким ўқибдики, сиз ўқирдингиз» — деди. Қайнотам бўлса «Сенга нима кам, ёлғиз келин бўлсанг, айтганингни олиб берсам, қаерга десанг элтиб келса эринг, болаларинг бор. Бошингни қотириб нима қиласан, бормайсан»,— деб гапни чўрт кесдилар. Уйланавериб, касал бўлиб қолдим. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Кўзимга китобларим олов бўлиб кўринади. Худди улар мисоли бир чинни-ю, мен уларни асраб-авайлаб, энди манзилга етдим деганда, қўлимдан тушириб синдириб қўяётгандек эдим. Уйлаб-уйлаб, охири колхоз экономисти Эргаш акадан ёрдам сўрадим. У киши қайнотам билан ака-ука тутинганлар. «Сиз айтинг, кўндиринг, мени куйдирмасинлар, агар ўқиймансам, юрагимда армон бўлиб қолади. Ахир киши дунёга бир маротаба келади. Инсон умри ўзи қисқа. Шу қисқа умрни бирон бир қобилиятингиз етадиган, севган ишингизга ҳам сарфлаш керак-ку, ахир?»— деб ялиндим. У киши аввалига «рухсат олиб бераман» деб ваъда қилдилар, лекин ҳеч иш чиқмади. «Нима деса олиб бераман, айтганини муҳайё қиламан, лекин ўқитмайман»,— дебди қайнотам.

Хаёлимда фақат ўқиш. Кўпчиликнинг отаси-ку, эҳтимол ёрдами тегар, деган ниятда колхоз раисининг хузурига бордим. Раис ҳам «Қизим, майли, мен айтиб кўраман, кўнса ўқийсан, кўнмаса иложим қанча. Энди ўзинг тушунасан, учта боланг бор. Биров тўғри тушунади, биров нотўғри. Вақтида ўқиш керак эди. Мен кўп аёлларни кўрганман. Ўқишга киради-ю, кейин бола-чақа деб ташлаб кетади»,— деди. Мен, «Раис бува, сиз қайнотамни кўндириб беринг. Ҳар қанча қийналсам ҳам ишлайман. Уларга зарарим тегмайди. Сиртдан ўқийман, болаларимни ҳам саришта қиламан, оиламни ҳам»,— дея ялиндим. Қайнотам сал кўнгандай бўлибди. Лекин шарт қўйибди. «Ўзини, болаларини эпласа майли, билганини қилсин» дебди. Хурсанд бўлиб консултацияга қатнай бошладим. Бу орада бориб, уларга ҳам қарашиб турдим. (Улар ҳар йили ёзда кўчиб кетишади. Дача қилиб олишган, полиз экинлари, моллари ўша ёқда). Бир кун консултациядан келсам, қайнотам дўқлаб қолди:

- Қаерда эдинг?
- Консултацияга боргандим,— дедим.
- Бормайсан консултацияга!
- Нима учун?

— Мен сени учта болалик бўлганингда шаҳарма-шаҳар диқиллатиб қўймайман (шаҳар биздан ўн километрча нарида). Агар ўқийман десанг, орани очик қил, уйдан чиқиб кет! Агар эринг сени деса эрингниям, болаларингни олиб кет, бўшат ҳовлини! Сенларга бу уйни мен қуриб берганман. Ана, керак бўлса, уй қуриб олинган,— деб бақирди.

— Менда нима гуноҳ, дадажон?— деб йиғлаб юбордим,— молингизга қарадим, колхоздаям ишладим. Нима десангиз, шуни қилдим. Энди мен ҳам орзумга етайин, ўқий, ҳамма қатори билимим бор. Мактабни зўрга битирганлар келиб ўқитувчилик қилиб юрибди. Ахир мен улардан кўра яхшироқ ўқигандим. Барибир бораман ўқишга, лекин уйдан кетмайман. Шунда қайнотам кўзларимга бакрайиб туриб, нима дейди денг?

— Сен ўқиш учун эмас, бошқа нарса учун борясан. Суюқоёқни уйга қўймайман,— деди.

Миямнинг қопқоғи отилиб кетгандек бўлди. Менинг ўқишдан бўлак ҳеч қанақа мақсадим ҳам, ниятим ҳам йўқ эди-ку? Нега энди мени шунчалик ҳаёсизга чиқаришади? Ҳаёт кўзимга шунчалик қоронғи кўриниб кетдики, неча марта ўзимни бир бало қилиб қўйишга ҳам аҳд қилдим. Лекин турмуш ўртоғим алдаб-авраб тасалли берди: «Мени ўйламасанг болаларни ўйла, тинчгина яшаб юргандик-ку, қўйгин шу ўқишингни», деб ёлворди.

Тўғри, унингча тинчгина яшардик. Лекин ҳар гал эшигимиз олдида ўқиганлар ўтиб кетишганда мен ичимдан эил кетардим. Уларга ҳавасим келарди, хаёлан осмонда юрардим.

Хуллас, уйдагиларнинг измидан чиқа олмай, шумшайиб қолавердим. Мана, эртага имтиҳон. Мен бўлсам қон ютиб ўтирибман. Эсиз, қандай яхши орзуларим бор эди-я. Узим ўқиган мактабимга келиб, мен ҳам болаларга таълим берман дегандим. Орзуларим барбод бўлди. Уқий десам, оилам бузилади, ўқимасам... Колхозда ҳам ишлашим мумкин-у, лекин мақсадим ўқитувчи бўлиш эди. Кечалари тушларимга кирарди. Бир соат дарс ўтсам бас, кейин армоним йўқ эди...

Мен эндигина 26 ёшга кирдим. Дунёдан ҳали умидим кўп. Ҳали курашиб кўраман. Ниятимга етгим келади. Қани энди мен ҳам ўқитувчи деган шарафли номга муяссар бўла олсам! Сизлардан илтимос, ёрдам кўлини чўзсангиз. Менинг ниятим поклигини уйимиздагиларга тушунтирсангиз. Шояд армонларим ушалса. Мен ҳам ҳамма қатори ниятимга етсам. Севган ўқишимга кирсам.

Салом билан, нотаниш синглингиз САЛИМА.  
Навбахор райони.

## МЕНДАН МУАЛЛИМ ЧИҚАРМИКАН?



изнинг оиламиз педагоглар оиласи. Мен ҳам яқинда педагогика билим юртини тугатиб қишлоғимга қайтаман. Муаллим бўлишим керак. Бироқ рости, бу касбга менда заррача меҳр йўқ. Бўлмаса, нега бу ўқув юртига кириб ўқидинг, деб сўрарсиз.

Бунинг учун мен ўзимдан бошқа ҳеч кимни айблай олмайман. 10-синфда ўқиб юрганимда менда механизаторлик орзуси бор эди. Аммо баъзи кишиларнинг гапига кириб, бу ниятимдан воз кечдим, натижада ихтиёрсиз шу билим юртига кирдим. Оиламиздагиларнинг ҳаммаси ўз касбларини севади. Уларга

жуда ҳавасим келади. Қани эди мен ҳам ўз касбимни севадим, севолсам.

Уқитиши тугатишимга ҳам саноқли кунлар қолди. Хайронман, нима қилишимни билмайман. Оиламиздагилар бу ўқитиши яхши тугалласанг институтга киргизамиз, деб юришибди. Аммо мен олдин ёшлик қилган бўлсам, энди ҳамма нарсага тушуниб етдим. Лекин энди кеч бўлмадимикан? Ахир уч йил умрим шу педагогика билим юртида ўтди, яқинда диплом оламан. Бошим қотиб қолди, нахотки кўнглим истамаган касбни қилиб, бир умр қийналиб юрсам?

Ҳурматли редакция ходимлари, сизлардан илтимос қиламан, менга бирор йўл-йўриқ кўрсатсангиз. Мен энди нима қилай?

Мендан ҳақиқий педагог чиқармикан?

Салом билан, О. ИНОБАТ.

Вақт югуриқ, давр шиддатли, замон масъулиятли. Бу омиллар ҳозирги ёшлар зиммасига янги вазибалар юкламоқда. Тўғри, совет ёшлари бу вазибаларни шараф билан адо эта олади. Чунки, уларнинг аксари қисмига юксак онглилик хос. Улар меҳнатни ижтимоий ҳаётнинг биринчи шарти деб биладилар. Лекин шу билан бирга ҳозирги ёшларни олтишинчи, ҳатто етмишинчи йиллар ёшларидан фарқлаб турувчи факторлар, социал ва маънавий-маданий шарт-шароитлар ҳам мавжудки, булардан кўз юмиш мумкин эмас.

Гоҳо меҳнат коллективларида, ёш оилаларда ёки турли хил кечаларда қизгин мунозаралар, тортишувлар устидан чиқиб қоласиз. Бундай баҳслар «айбдори» одатда ёшлар бўлади. Бу табиий, албатта. Ёшларни ҳаяжонга солаётган, ўйлантираётган масалаларнинг қамрови кенг: касб танлаш, илм олиш, муҳаббат ва садоқат, оилавий тотувлик, ишхонадаги муносабатлар, меҳнатга муносабат, бошлиқлар ва қўл остидагилар билан муомала, ахлоқан поклик... Буни биз бугун эълон қилаётган бир мавзудаги икки хат ҳам тасдиқлаб турибди.

Биз бу масалалар хусусида сиз азиз журналхонларнинг фикрларингизни билмоқчимиз. Шу мақсадда «Ёшлик»ни қизиқтирган саволлардан иборат анкета эълон қилаётимиз. Анкета саволлага рўй-рост ва объектив жавоб қайтарсангиз, деган умиддамиз.

### «ЁШЛИК» АНКЕТАСИ

1. Қилаётган ишингиздан хурсандмисиз? Касбингизни ихтиёран танлаганмисиз ёки...

2. Меҳнат фаолиятингиз бошлангандан буён маънавий ҳаётингизда ўзгартириш рўй бердими? Дунёга, одамларга муносабатингиз ҳозир қанақа?

3. Сиз ишлаётган коллективда ёшларга ишонч, иззат-ҳурмат жойидами? Уларга масъулиятли вазибаларни ишониб топширадиларми?

4. Сиз ҳар жаҳатдан тўқис деб биладиган, эргашадиган одамнингиз борми? У сиз учун ҳали ҳам ҳурматлими ёки ишончингизни йўқотганми? Нега?

5. Касбдошларингиз орасида лаёқатсиз бўлса-да, тузуккина лавозимни эгаллаб турганлар борми? Сиз уларга боқиб, нималарни ўйлайсиз?

«Тиргак»сиз, ўз кучи, билими билан обрў қозонган танишларингиз озми, кўпми?

6. Чин муҳаббатнинг борлигига ишонасизми? Ёки бу — китобий гап, деб ҳисоблайсизми? Ўзингиз севиб, севилиб (оилали бўлсангиз) турмуш қурганмисиз?

7. Оила қуришда ота-онанинг розилиги шарт, деб ўйлайсизми? Ёки сизнингча эскирган тушунчани?

8. Танлаган йигитингиз (қизингиз)нинг қайси фазилатига кўпроқ эътибор берасиз? Умуман, сиз одамлардаги қандай хислатларни қадрлайсиз?

Саволларимиз шу. Илтимос, жавоб билан бирга иш ё ўқиш жойингиз, ёшингиз, оилавий аҳволингизни ҳам ёзиб юборсангиз. Исм-фамилия кўрсатиш — ихтиёрий.

Мактубларингизни кутамиз, азиз журналхонлар!





## «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик»

Журналимизнинг шу йил 5-сонида ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» номли мақоласи босилган эди. Унда Тошкент шаҳрида мевали дарахтлар камайиб кетаётганлиги натижасида

Ўйиб  
пайтахтимиз ўзининг анъанавий қиёфасини йўқотаётганлиги куйиниб ёзилган, шаҳримизни боғ-роғ қилиш билан боғлиқ масалалар кўтарилган эди. Мақола кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмоҳўжаев Тошкент область партия комитетининг IV пленумида мақолада кўтарилган масалаларнинг ниҳоятда долзарблигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Тошкент шаҳар партия комитетининг VI пленуми қатнашчилари ҳам Тошкентни ва шаҳар атрофи зоналарини ободонлаштириш бош плани қониқарсиз бораётганлиги, бу эса «Ёшлик» журнаlide ёритилганидек, табиатда қайтариб бўлмас жараёнлар рўй беришига олиб келганлигини айтиб ўтдилар. Мақола муносабати билан биз республикамизнинг турли бурчақларида яшаётган, турли ёш, касб, лавозимдаги кишилардан кўйлаб хатлар ола бошладик.

Бу сондан эътиборан ана шундай мактубларни диққатингизга ҳавола этиб борамиз. Зеро, мақолада тилга олинган муаммолар фақат пайтахтимиз учунгина алоқадор бўлиб қолмай, у республика аҳамиятига молик масала ҳамдир.



ен бир журналхон сифатида Дадахон Нурийнинг «Ёшлик» журнаlinинг бешинчи сонида босилган «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласини ўқиб чиқдим. Автор ўз мақоласида шаҳримизнинг икки миллионлик халқи номидан фикр юритиб, жуда савобли иш юзасидан қалам тебратган. Менинг ёшим етмишдан ошди. Мақолани ўқиб, кўп йиллар бурун ўзим кўрган Каримбойнинг ўрикзори, Эшонхўжа аканинг олмазори, Мусабекнинг гилосзори, бир қанча мевали боғларни, кўчаларда эгилиб, меваси кўплигидан шохлари синиб ётган дарахтларни кўз ўнгимдан ўтказдим. Бу боғ-роғларнинг колхоз тузилишигача бўлган ҳолати, ундан кейинги даврдаги файзу баракасини эсладим. 1966 йилда бўлиб ўтган зилзиладан кейинги Тошкентни, янги қурилишлар тўғрисида қирқилиб йўқ бўлиб кетган боғ-роғларни, улардаги тугатиб бўлмас меваларни эсладим.

Оиламизда ўн икки жон эдик. Ишком-ишком узумимиз, қанчадан-қанча олма, ўрик, шафтоли, гилос, олча, қизилсултон, кўксултон каби мевали дарахтларимиз бор эди. Ези билан ундаги мевалардан ердик, боғи йўқ, шаҳарда турадиган кўни-кўшниларга тарқатардик, қолганларини қуритиб қоқи қилиб олардик. Уни қишда ивтиб, қоқисини еб, шарбатини маза қилиб ичардик. Езда ҳам, қишда ҳам оғзимизга мева тегиб турарди. Бу воқеаларни набираларимга гапириб берсам, улар ҳайрон бўлиб ишонгилари келмай туради. Айрим кишилар ўз боғларидан чиққан меваларни бозорга олиб бориб сотишни, уят деб билардилар, чунки деярли ҳаммининг уйда мева-чева бўларди, Урда ва Бешёғочдан у ёғи янги шаҳар, қолган қисми эски шаҳар деб аталарди. Эски шаҳарда яшовчилардан кўпининг боғи бўлиб, боғдан чиққан меваларини бозорга олиб бориб сотишарди. У вақтда килолаб эмас, челаги, бир савати савдо қилинарди.

Мана, замонанинг зайли билан Тошкент тубдан ўзгарди, аҳоли сони бир неча баробар кўпайди. Кўп қаватли бинолар қад кўтариб, шаҳар ҳуснига ҳус қўшди. Натижада бизнинг атрофимиздаги «Саноат», «Молотов», «Самара» каби колхоз ерларидаги мевали боғлар ўрнида ҳам тўрт-беш қаватли бинолар қурилди. Кун сайин мевали дарахтларнинг камайиб, аҳоли сонининг кўпайиб бориши, халқнинг мевага бўлган талабининг ошиши нарх-навоининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Ҳозир шаҳар атрофида етиштирилган, Тошкент области-нинг айрим районларидан ва Фарғона водийсидан келтирилган ҳўл меваларни ҳар ким истаганча «гилос — беш сўм, ўрик — тўрт сўм, олма — уч сўм» деб сотмоқдалар. Бор имкониятдан фойдаланиб, мевали дарахт ўтқазиб, шаҳар аҳолисини ҳўл мевалар билан таъминлаш, фикримча, ҳеч кимнинг эсига келмайди. Сир эмас, уддасидан чиққан «учарлар» шаҳар бозоридаги меваларни арзон нархда сотиб олиб, бошқа республикаларга олиб бориб, хоҳлаган нархда пулламоқдалар.

Ўтган йили дам олиш учун Фарғона областидаги «Чимён» санаторийсига борган эдим. Санаторийнинг ташкил топганига энди беш-олти йилгина бўлибди. Атрофи кенг, соялайдиган жой йўқ. Аммо, жуда кўп мевасиз дарахтлар ўтқазилган. Сўхбат вақтида «Нима учун мевали дарахтлар экмадингизлар!» деб сўрадик. Бош врач ёрдамчисидан, «Мевали дарахтлар экиш мумкин эмас», деган жавоб олдик. Нима учун мумкин эмас, манзарали дарахтлар берган сояни мевали дарахтлар ҳам беради-ку, ундан шу ерда дам олувчилар ҳам фойдаланади-ку! Аслида ундай эмас, айрим раҳбар ўртоқларнинг фикрича мевали дарахт узоқ яшамас эмиш, мевали дарахт бор жойда пашша бўлар эмиш, ундан ташқари ўтган-кетган

болалар тош отиб, шохини синдириб кетармиш. Шу ҳам баҳона бўлди-ю...

Автор ўз мақоласида Тошкентдаги 426-боғча, 14-мактабда мевали дарахтлар экиб, тўғри иш қилганликларини қайд этган. Ундан ташқари Фурқат кўчасидаги мевали дарахтларнинг йўқ бўлиб кетгани, ТошДУ атрофидаги боғлар ўрнида чинор, қайрағочлар ўсиб ётганини ҳам тўғри кўрсатган.

Ҳақиқатан, шаҳар атрофидаги айрим катта-катта майдонларга кўз ташласангиз, нуқул чинорлару, қайрағочларни кўрасиз. Масалан, Октябрь районидаги 40-мактаб тўғрисида катта жойни эгаллаган майдон худди ўрмонни эслатади. Ифлос, ахлатлар уюм-уюм бўлиб ётибди. Бир туп ҳам мевали дарахт йўқ. Шу каби Собир Раҳимов район партия комитети ва район ички ишлар бўлими атрофида бўлган ўн беш-йигирма гектар келадиган майдонда ҳам турли хил мевасиз дарахтларга кўзингиз тушади. Нима учун шу жойларга мевали дарахтлар экиш мумкин эмас!

Ундан ташқари шаҳримизда икки томонлама машина қатнайдиган эни эллик-олтмиш метрлик Абай, Софийский каби кўчалар бор. Шу кўчаларнинг ўртасидаги ва атрофидаги бўш жойларга ҳам мевали дарахт экилса бўлмасмикан! «Чумчуқдан қўрқиб тарих эммагандек», Тошкент ободонлаштириш бошқармаси ҳам қимдан, нимадан чўчиб, ҳамма ёқни чинор, акация, қайрағоч дарахтларига тўлдириб юборди! Айниқса, болалар дам оладиган лагерларда, мактаб ва боғчаларда мевали дарахтларнинг бўлиши ҳаммага хуш келарди. Мен баъзан иш юзасидан 81-боғча, 11—111—224-мактабларда бўлиб тураман. Бу боғча, мактабларда уч юздан минг тупгача бўлган мевали дарахтларга киши ҳавас билан қарайди. Айниқса, 224-мактабдаги хилма-хил олмаларни айтмайсизми! Нима учун айрим боғча ва мактабларда бунинг аксини кўрасиз! Айниқса янги қурилган мактабларнинг спорт майдонлари атрофига турли хил мевали дарахтлар ўтқазилса, болалар ҳам, катталар ҳам роҳат қилмайди! Катта-кичик кўчаларга, участкаларга қирадиган тупикларга мевали дарахтлар экиб, парвариш қилишни шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги «Абдулла Набиев», Октябрь районидаги «Илғор», «Абдулла Қодирий», «Тинчлик», Акмал Икромов районидаги «Акмал Икромов» маҳалла аҳолисида ўрганса арзийди. Халқимизнинг «Кўзи тўймагунча ўзи тўймайди» деган нақли бор.

Шаҳримизни боғ-роғларга бурканган чиройли ва фаровон маконга айлантирсак, ўзимиз ва келажак авлод учун муносиб истиқбол, моддий ва маънавий неъмат яратган бўламиз.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,  
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси,  
шахсий пенсионер.

«Ешлик» журналининг май ойи сонида эълон қилган мақолангиз биз боғбонларни беҳад хурсанд этиб юборди... «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласини ҳамма бригадамиз аъзолари биргаликда ўқиб ҳаммаси тўғри, вақтида кўтарилган масала деган қарорга келдик.

Нега энди шаҳар деган ном олган жойларга мевали дарахт «ортиқча» бўлиб қолмоқда? Нега энди шаҳар бошлиқлари

мевали дарахтларга ўғай кўз билан қарашмоқда? Ёки мевали шаҳарликлар яхши кўришмайди? Бизнингча, яхши кўришадими. Ҳатто ўша шаҳарларнинг мутасадди ташкилотларидаги раҳбарлар ҳам яхши кўришади. Фақат жон куйдиришмайди, холос! Журналингизда ёзилгандай, ишни осонлик билан «дўндириш»га, кўпроқ қоғозда бажаришга ўрганиб қолишган.

Ободонлаштириш бошида турган масъулиятсиз кишилар фақат Тошкентдагина эмас, республиканинг кўплаб шаҳарларида топилади. Шунинг учун «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласи ҳамма учун ўртак бўлиши керак деб ўйлаймиз.

Шаҳарда йўл қондасини сал бузганингиздан тортиб, қаттиқроқ гапирганингиз учун ҳам штраф олишади. Нега энди мевали дарахтни кесаётган ёки синдираётган кишилардан штраф олинмайди? Бизнингча, штрафнинг энг каттасини ана шундай зараркунанда одамларга солиш керак!

Ажойиб мақолангиз учун, бизнинг кўнгилдаги гапларни ёзганлигингиз учун катта раҳмат.

Бўстонлик район Фрунзе номли колхоз 15-боғдорлик бригадасининг барча аъзолари номидан, бригада бошлиғи  
**БЕРДАЛИЕВ**

\* \* \*

Ҳақиқатан ҳам гўзал шаҳримиз Тошкентнинг боғу-бўётонга айланттириш ўрнига манзарали дарахтлар маконига айланттириб юборилаётганлигини ҳаммамиз ҳам кўриб турибмиз. Масалан, Қорақамиш массивида, «Тельман» ва «Революция» хиёбонларида мевали дарахтлар мутлақо йўқ деса бўлади.

Тўғри, манзарали дарахтлар иссиқ кунларда сояси билан роҳат келтиради, лекин мевали дарахтлар эса фақат соягина эмас, балки мева ҳам беради.

**С. МУҲАММАДЖОНОВА**

\* \* \*

Мен ўша сизлар танқид қилган ташкилотлардан бирида ишлайман. Бироқ тўғри гапга тан бериш керак. Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» номли мақоласида айти тилимнинг учиди турган гаплар ёзилибди.

Сир эмас, шаҳарда мева кўпайтириш вазифаси ҳисобланган айрим масъул шахслар меваларнинг сарасини танлаб-танлаб ейишни билишади-ю, дарахт ўтқазилганда келганда ўзларини уёқ-буёққа ташлашади. Чунки мевали дарахтни меҳнати — тўғривоғи, ташвиши кўп-да! Шунинг учун кўпинча биз «ташвиш»дан берироқ юриб, бир амаллаб ишни тебратиб туришни яхши кўраимиз. Эртаги кун билан ишимиз йўқ!

Салом билан А. С.  
Тошкент



# ПАНЧАТАНШРА

Русчадан Иброҳим ҒАҒУРОВ таржимаси

## Бешинчи ҳикоят



Бир ўлкада жуда катта банан дарахти ўсарди. Қарға унда ўз оиласи билан макон қурган эди. Ҳар сафар қарғалар бола очганда, дарахт қавагидан қора илон чиқиб, уларни еб кўярди. Қарғалар бу фалокатдан қанчалар безорижон бўлмасинлар, неча замонлардан бери яшаб келган қадрдон уяларини ташлаб кетишни хоҳламасдилар. Чунки:

Қарға, оху ва қўрқоқ эски жойдан кўчмаслар,  
Лекин ботир эр ва фил кезиб юрар юртма-юрт.

Кунлардан бир куни қарғанинг хотини эрининг пойига тиз чўкиб ялинди:

— Хўжам, бу қонхўр илон дастидан ўлар бўлсак, ўлиб бўлдик. Ҳамма болаларимизни еб кетди. Менинг бошқа тоби-тоқатим қолмади. Бу ерлардан бошим оққан томонга учиб кетсам дейман. Бошқа дарахтга кўчайлик. Тўғри айтганлар:

Дўст йўқдир соғлиқдан кўра ишончли,  
Касалликдан ортиқ ёвуз душман йўқ.  
Ҳаммадан қудратли—боланинг меҳри,  
Баридан ёмонроқ—очлик кулфати.

Ундан ташқари:

Таскин топарли ахир, даласни сув босган,  
Уйига илон кирган, хотини бузуқ чиққан!

Бунинг устига ўз ҳаётимиз ҳам хавф остида қолмоқда. Қарға хотинидан ҳам кўпроқ алам чеккан бўлса-да, шундай деди:

— Жоним, ўрганган эски уямизни ташлаб қаерга борамиз? Менга ишон, ул ашаддий душманимизни мен албатта ҳийла билан енгаман.

Давоми: Боши журналнинг 7-соннда.

Хотини ишонқирамай деди:

— Бу илон жуда заҳарли, қандай қилиб уни енгасан? Эри деди:

— Унга ёлғиз ўзимнинг кучим етмайди. Лекин менинг донишманд дўстларим бор, улардан яхши маслаҳат оламан. Уларнинг ёрдами билан золимдан ўч оламан.

Қарға шу сўзларни қаҳру ғазаби тошиб айтгач, тагида суюкли дўсти шағал яшайдиган дарахтга учиб келиб кўнди. Шағал билан ҳурматини ўрнига қўйиб саломлашди, унга ўз бошига тушган қайғу-аламларни сўзлаб берди ва охирида илтимос қилди:

— Азизим, бизга тўғри йўл кўрсат! Палапонларимизни илон ютапти, бизни дарду ҳасрат адо қиляпти.

Шағал деди:

— Нима қилиш кераклигини мен биламан. Ғам чекма, биродар. Золим қора илон ўз тубанлиги туфайли албатта ўлим чоҳига тушади. Эшитмаганмисан:

Лайлак очкўзлик қилиб балиқларни хўб қирди,  
Лекин шум қисқичбақа унинг бошига етди.

Қарға сўради:

— Бу қандай бўлди?

Шағал ҳикоя қилди:

## Олтинчи ҳикоят

— Катта сарҳовуз бўйида бир пайтлар лайлак яшарди. Қариб, мадори қолмагач, у очликдан ўлмаслик учун муғамбирлик йўлига ўтмоқчи бўлди. Ҳовуз бўйида ўтириб, ўзини қаттиқ ташвишга ботган қилиб кўрсатди. Ҳатто ёнгинасида сузиб юрган балиқларни ҳам пайқамасандай эди. Ҳовузда балиқлардан ташқари қисқичбақа ҳам яшарди. У лайлакка яқинлашиб, ундан сўради:

— Холажон, нега ўлжаларингизни ушламай, жимгина ўтирибсиз? Нега мунча маъюс бўлиб қолдингиз?



Лайлак жавоб берди:

— Бир пайтлар мен тўйиб овқатланар, сен билан вақтларимни хуш ўтказар эдим. Лекин энди бошимизга ёмон бир хатар тушадиганга ўхшайди. Мен ҳам шу туфайли қариган чоғимда қийналиб қоламан шекилли. Шунинг учун бугун ичимга чироқ ёқса, ёриydi.

Қисқичбақа сўради:

— Сизни қийнаган нима экан, холажон?

Лайлак деди:

— Бугун ҳовуз бўйидан балиқчилар ўтиб қолишди, уларнинг гаплари қулоғимга чалинди. Айтишларича: «Катта ҳовузда балиқлар кўп, бугун шаҳар биқинидаги кўлда ов қилайлик. Эрта ё индин бу ҳовузга тўр ташлайлик». Агар улар ростдан ҳам шундай қилсалар, ҳаммаларингиз ҳалок бўласиз, унда мен ҳам яшай олмайман, чунки ҳаёт аввалгидай бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам бугун қаттиқ хафаман, иштахам йўқ.

Бу кўрқинчли хабарни эшитиб ҳовузнинг барча аҳолиси жон талвасасига тушиб, лайлакка ялина бошлади:

— Холажон! Энажон! Опажон! Уртоқжон! Узинг доносан! Бахтсизликини билган унинг чорасини ҳам билади. Бизларни ўлим чангалидан қутқар.

Лайлак айтди:

— Мен қуш бўлсам, одамлар билан қандай уришаман? Сизларни фақат бошқа, чуқурроқ ҳовузга ўтказиб қўйишим мумкин.

Шунда унинг ёлғон сўзларига учган ҳовуз аҳли бири олиб, бири қўйиб унга ёлворибди:

— Холажон! Уртоқжон! Меҳрибон қардошимиз! Мени, мени ҳаммадан олдин қутқар! Эшитмаганмисан:

Кимки бўлса матонатга ёр,

Нияти пок, сўзи устивор,

Дўст бошига хатар тушганда,

Қутқармоққа бўлади тайёр.

Ёвуз ниятли лайлак ичида кулиб, ўйлабди: «Боппаб лақиллатдим. Балиқларни маза қилиб ейдиган бўлдим». У, балиқларнинг илтимосига кўра, уларни тумшугида кўтариб учар, сўнг баланд қоя устига элтиб ер эди. У кунни билан тўйиб овқатланар, яна ҳовузга қайтиб келиб, балиқларни ёлғон-яшиқ гаплар билан юпатар эди.

Ниҳоят қисқичбақа ҳам жонини қутқариш ғамига тушиб қолди ва лайлакка ялина бошлади:

— Холажон! Мени ҳам ўлим чангалидан қутқар!

Лайлак унга қараб туриб ўйлабди: «Ҳадеб балиқ еявериб меъдам сусайиб кетди. Қисқичбақани ҳам татиб кўрай, унинг таъми бутунлай бошқача бўлса керак». Шундан сўнг у қисқичбақани кўтариб ҳавога парвоз қилди. Бир неча ҳовузлардан ўтди. Улжасини қуёшда ялтираб ётган қоя устига ташламоқчи бўлаётганда, қисқичбақа бирдан сўраб қолди:

— Қани ўша чуқур ҳовузингиз, холажон?

Лайлак кулиб жавоб берди:

— Анави ялтираган қоятошни кўряпсанми? Ҳовуздан балиқларни шу ерга олиб келаман. Энди навбат сенга етди! Қисқичбақа пастга қараб, усти балиқ қилтаноқларига тўлиб кетган даҳшатли қояни кўрди: «Эвоҳ!»

Ғараз ҳукмрон ерда маккорлиқнинг чеки йўқ,

Душман ўзин дўст дейди, дўст айланар душманга.

Жаҳолатга берилган ёвуз,

Фосиқ дўстга ишонма асло.

Хавфсизроқдир ундан душманинг,

Авлороқдир илон ўйнаган.

Ҳаммаси равшан — лайлак барча балиқларни еб қўйган, улардан қилтаноқларигина қолган. Нима қилай? Узоқ ўйлаб ўтиришга вақт йўқ.

Хатлар олсда экан, кўрқинч зиён етказмас,

Офат юз берган чоғда дарҳол чорасин кўринг.

Лайлак мени қояга ташлаб улгурмасдан қисқичларим билан унинг бўйнига ёпишай».

У шундай қилди. Лайлак нарироққа учмоқчи бўлди, аҳмоқлигидан қисқичлардан қутулолмади. Қисқичбақа унинг калласини узиб олди. Сўнг унинг нилуфар илдизига ўхшаш бўйинини кўтариб, ҳовузга, балиқлар ҳузурига қайтди.

Балиқлар сўрашди:

— Нега қайтиб келдинг, биродар?

Қисқичбақа лайлакнинг бўйинини уларга кўрсатиб, деди:

— Лайлак ҳовуздаги балиқларни алдаб, уларни қоя устига ташлаб, сўнг еб қўйган экан. Бундан хабардор бўлиб қолдим унга ҳужум қилиб, бўйинини узиб ташладим. Мана у. Кўрқманг. Энди ҳовузини аҳли тинчлик-омонликда яшайди.

## (Бешинчи ҳикоятнинг охири)

Мана шунинг учун ҳам айтяпман-да: «Лайлак очкўзлик қилиб...»

Қарға деди:

— Қадрдоним, тушунтириб бер, қандай қилиб бу золим илондан қутулай?

Шағал жавоб берди:

— Подшо саройига бор. Биронта сарой кишисининг олтин занжири ва ёки дур шодасини ўғирлаб олиб, илоннинг инига обориб ташла. Ана ўшанда илон бачча-ғардан қутуласан.

Қарғалар дарҳол саройга қараб учдилар. У ерда подшо хотинлари либосу безаклари, дуру забаржадлари, тилла занжирларини ечиб ташлаб, ҳовузга шўхлик қилиб чўмилирдилар. Қарға олтин занжирни илиб-кўтариб ҳавога парвоз қилди. Ўз уяси томон учди. Буни кўрган ҳарам оғалари ва бичилган қуллар калтаклар кўтариб қарға учган томонга чопдилар. Қарға эса, тилла занжирни илоннинг инига ташлади-да, ўзи нарироққа учиб бориб, қараб турди. Подшо хизматкорлари дарахт устига чиқиб, кавакда қора илон бошини шишириб ётганини кўрдилар. Улар илонни калтаклаб ўлдириб, тилла занжирни олиб орқаларига қайтдилар. Шундан сўнг эр-хотин қарға бахтли турмуш кечирдилар.

Шунинг учун айтяпман-да: «Кучинг етмаса агар...» Шундай, ақл ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтади. Тўғри айтганлар:

Оқил ақли билан зўр, тентақнинг кучи оздир,

Ҳайвонларнинг шоҳини тадбиркор қуён енгди.

Қоратака сўради:

— Бу қандай бўлди?

Даманака ҳикоя қилди:

## ЕТТИНЧИ ҲИКОЯТ

— Урмонда ўз ҳукмронлигидан кеккайиб кетган Мандамати деган арслон яшарди. Урмон махлуқларини аёвсиз қирар, ҳеч кимга шафқат қилмас эди. Кунлардан бир кун шу ўрмонда туғилган, лекин жонларидан тўйиб кетган қулонлар, тўнғизлар, қўтослар, чиябўрилар, қуёнлар ва яна бошқа кўп жониворлар йиғилишиб, бошларини қуйи эгишиб, тиз чўкиб ҳайвонлар ҳукмдорига ялина бошладилар:

— Паноҳо! Нега сен барча дарранда-жаррандаларни бекорга қириб ташлайверсан? Бу ноҳақлик, шафқатсизлик! Ахир, дейдилар-ку:

Ғараз билан иш қилиб

Аблах ботар гуноҳга,

Қайта туғилиб минг бор,

Минг бор қулфатин чекар.

Бизни нобуд қилма, раҳминг келсин жонимизга. Сенга ҳар кун ичимиздан бир биродаримизни юборамиз. Ушанда, пушти паноҳимиз, сен ҳам тўқ бўласан, биз ҳам тинчиймиз. Подшо амри вожиб! Айтилган-ку:

Ўз ҳайлининг ғамини чексин доимо подшо

Фалокатдан асрасин боғбондай ўз боғини.

Ҳукмдорнинг давлати — тобелар қилган тухфа,

Емиш, ичмиш, либоси, шон-шавкат, хазинаси.

Ранятга яхшилик шоҳга шухрат келтирар,

Зулм тухумин сочган топар албат ҳалокат.

Бу сўзларни эшитган Мандамати шундай деди:

— Бу таклифингиз менга маъқул. Бироқ, агарда сиз

менга ҳар куни биттадан ҳайвон юбормасангиз, ҳаммангизни бутунлай қириб ташлайман.

Шундан сўнг махлуқлар ўрмонда кўрқмасдан юрадиган бўлдилар. Ҳар куни навбати келганда арслонга ҳолдан тойган, қариган, тушқунликка тушган ва ёки ўз хотин, бола-чақаси учун кўрққан ҳайвон емишга жўнатилиб турилди.

Кунлардан бир куни навбат куёнга келди. Шерикларидан бу хабарни эшитган куён ўйланиб қолди: «Қандай қилиб золим арслоннинг ўзини ҳалок қилиш мумкин экан-а? Айтгандай:

**Ҳар нарсага моҳирдир оқил,  
Тиришган етадир нията.  
Чидамли кимни енгмас,  
Еқмас кимга ширин сўз.**

Мен енгаман ушбу арслонни».

Куён вақтни чўзиш учун шошилмай юриб бораркан, арслонга панд бериш йўлини ўйларди. Урмон шоҳи ҳузурига у кеч қоронғу бўлганда етиб борди. Очиқиб кетган арслон: «Эрталаб бўлсин, ҳамма ҳайвонларни тутиб ғажиб ташлайман», деб яниб ўтирарди. Худди шу пайт куён келиб қолди. У таъзим қилиб шоҳ қошида бўйинини эгиб турди. Унинг кеч келганидан дарғазаб бўлган арслон қаттиқ ўкириб юборди:

— Ҳов, тирранча! Жуда кичкина экансан, бунинг устига, бир ўзинг келибсан. Бунинг устига, кечикиб ҳам қолдинг. Мен ҳозир сени ейман, эрталаб эса барча махлуқларни қириб ташлайман!

Шунда куён унга яна бир қарра ҳурмат билан қуллук қилди-да, деди:

— Шоҳим, бунга мен ҳам, бошқалар ҳам айбдор эмас. Агар хоҳласангиз, бўлган воқеани айтиб берай.

Арслон деди:

— Комимга тушмасингдан бурун тезроқ айтиб қол.

Куён ҳикоя қилди:

— Шоҳим, бугун навбат менга етган эди. Урмон аҳли мен билан бирга яна беш куённи қўшиб сенга жўнатишди. Бироқ йўлда келаётсак, чуқурлик ичидан қандайдир бир арслон чиқиб келди-да: «Қаёққа боряпсизлар? Паноҳингиз ким, айтинг?» деди. Мен унга: «Аҳд қилингани бўйича биз бугун пушти паноҳимиз арслон Мандамати ҳузурига емиш бўлгани бормоқдамиз», дедим. У эса: «Бу ўрмон меники. Шунинг учун ҳам, аҳдимизга кўра барча ҳайвонлар менга бўйсундилар. Сиз айтган ўша Мандамати фирт қароқчи. Бор, менга уни чақириб кел. Ким кучли бўлса, ўша подшолик қилсин, емишга ажратилган ҳайвонлар унга тегсин», деди. Унинг амри билан мана қошингда турибман, шоҳим. Шунга кеч қолдим. Нимә қилсанг, яна ўзинг биласан, шоҳим.

Мандамати бу сўзларни эшитиб, айтди:

— Укам, мени ўша қаллобнинг қошига бошла. Менинг қаҳрим қандайлигини билиб қўйсин. Кейин кўнглим ўз ўрнига тушади. Айтганлар-ку ахир:

**Ғалабадан муддао — давлат, ер, сув, одамлар;  
Фойдани кўзламасанг, уруш бошлаб нетасан!**

Куён унинг сўзларини маъқуллади:

— Сен ҳақсан, шоҳим. Жангчини ҳақорат қилсалар, унинг туғилган ерини тортиб олмоқчи бўлсалар, кечиктирмай жангга кириши керак. Бироқ анави арслон мустаҳкам жойда яшайди. Ушанда бирпасга ташқарига чиққан экан. Қалъадаги ёвни енгши осонмас. Эшитмаганмисан:

**Мингта фил бир бўлсин, мингта суворий,  
Уларнинг бари лекин бир қалъага арзимас.**

Яна:

**Камончи қалъа узра кўп аскарни қулатар,  
Қалъа кўр, деб бекорга айтмаган билимдонлар.**

Мандамати бу сўзни эшитиб, деди:

— Укам, менга ўша найрангбозни кўрсат. Қаерда бўлмасин, барибир уни ўлдираман. Эшитмаганмисан:

**Касаллик ҳам душманлик хавфлидир, оёққа тур!  
Ўз ҳолига қўйсанг гар, ҳалок айлар муқаррар.**

Куён айтди:

— Рост. Шундай бўлса ҳам, ҳар қалай, у менга жуда қудратли бўлиб кўринди, ваҳоланки, душманнинг кучини билмай туриб, урушга кириш ақлсизликдир. Эшитмаганмисан:

**Душманнинг ва ўзининг чамасини билмаган,  
Жангда ҳалок бўлади, ўтда парвона мисол.**

Яна:

**Кучи ориқ уруш қилса, қавий душманга қарши,  
Тиши синган филдай бўлиб ортга қайтар шарафсиз.**

Мандамати деди:

— Бу билан сенинг ишинг бўлмасин. Фақат, уни менга кўрсатиб қўй. Қалъада бўлса ҳам тутиб оламан.

Куён деди:

— Ундай бўлса, шоҳим, ортимдан юрсинлар.

Куён арслонни қудуқ бошига олиб келди ва шундай деди:

— Шоҳим, сенинг шавкатингга ким ҳам дош бералади? У сохта подшо сени кўриши билан қалъасига кириб кетибдир. Яқинроқ кел, уни сенга кўрсатай.

Мандамати сабрсизлик билан деди:

— Укажон, тезроқ кўрсат.

Куён унга қудуқни кўрсатди. Сув тубида ўз аксини кўрган арслон қаттиқ наъра тортди. Қудуқдан янада қаттиқроқ акс садо эшитилди. Мандамати бунинг эшитиб, шундай деб ўйлади: «Жуда кучли арслон экан». У ўзини қудуқ ичига олди. Арслоннинг ҳалок бўлганини кўрган куён бўлган воқеани ўрмон махлуқларига оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берди. Шундан сўнг барча ҳайвонлар ўрмонда шоду хуррам бўлиб яшайвердилар.

Шунинг учун айтяпман-да: «Оқил ақли билан зўр...»  
Қоратака айтди:

— Бу қарға ва палма меваси тўғрисидаги эртатка ўхшаркан. Гарчи куён ғалаба қозонган бўлса ҳам, барибир қурбсизлар улуғларни алдамасликлари керак.

Даманака деди:

— Қавий ҳам, ожиз ҳам шаҳдам, дадил иш қилиши керак. Эшитмаганмисан:

**Дадил бўлсанг, омад сеники,  
«Қисматим шу!» дейди кўрқоқлар.  
Иккилаб ўтирмагин сен,  
Ютқизсанг ҳам айб бўлмас шунда.**

Худолар ҳам доимо тадбиркорларга мадад берадилар.  
Айтилган-ку:

**Матонатли бўлсанг агар, худолар ҳам мададкор,  
Вишну ҳамда қўшлар шоҳи йигчини қилди голиб.**

Тағин:

**Йигчининг маккорлигин Браҳман билолмади,  
Вишну тусига кириб шоҳ қизини ўпди у.**

Қоратака сўради:

— Ғалабага сабаб бўлган матонат ва маккорлик қандай?  
Иккинчи шағал ҳикоя қилди:

## Саккизинчи ҳикоят

— Гаудлар мамлакатида Пундхравардхана деган шаҳар бор. Бу ерда ўз ҳунарларида ғоятда моҳир икки оғайни йигчи ва аравасоз яшардилар. Улар ҳунар орқасидан топган пулларини сахийлик билан сарф қилишар, майин ва рангоранг қимматбаҳо кийимлар кийишар эди. Уларини гулу чечаклар билан безашар, мушку анбарлар сепишар эди. Улар эрталабдан кечгача ишлаб, оқшом тушгар, ясениб, майдонлар, эҳромлар, ибодатхоналарни сайру томоша қилишарди. Бўш вақтларини улар мана шундай ўтказишарди. Кунлардан бир куни шаҳар аҳли байрам қилиб, ясениб-тусаниб, эҳром олдида сайр қилиб юрарди. Йигчи ва аравасоз атрофда айланиб юрган одамларнинг безалиб бўялган чеҳраларини томоша қиларкан, саройнинг юқори ошиёнасида гулгун қизлар қуршовида ўтирган подшо қизига кўзлари тушди. Қизнинг чеҳраси гулдай яшноқ, икки кўкраги нақш олмадай таранг, толма бели нафис ва юмшоқ, қайрилиб тушган, хушбўй мойлар суртилган ипакдай майин кўнғир қора сочлари худди булутдай қорайиб кўринар, қулоқларини безаган тилла зираклар муҳаббат илоҳининг арамчиси билан баслашаман дер, нигори худди янгигина очилган нилуфардай гўзал, бир қараган одам ундан нигоҳини бошқа узолмас, ҳусни одамнинг хушини худди ширин уйқу каби элитар эди.

Йигчи бу мислсиз хурилиқни кўриб, Манасижининг

бешала ўқидан бирваракай ярадор бўлди ва уйга базўр етиб келди. Унинг кўз ўнгидан подшо қизининг пари чеҳраси нари кетмасди. Уйга келиб, оҳ-воҳ чекиб ўзини йиғиштирилмаган тўшакка ташлади. Шоҳ қизининг хаёли билан ётаркан, шу байтларни ўқиди:

Гўзаллик ва фароғат эгиз десалар,  
Эвоҳ, адолатданмас, борми исботи!  
Жойлашди юрагимда зебо чеҳраси,  
Танам ўт бўлиб ёнар унинг ҳажрида.

Яна:

Кимки телба бўлмаса,  
Ўз уйини қўриқлар.  
Юрагимга ўрнашдинг,  
Ўт қалайсан тиммасдан.

У туни билан вужудига ишқ ўти тутатиб, тўлғаниб чиқди. Эртасига келишганларидай аравасоз ясашиб йигчи дўстиникига келди. Ошнаси йиғилмаган ўринда чалқанча тушиб ётар, ранги паға бўлиб кетган, дам-бадам оҳ чекар, хўрсинар, кўз ёш тўкар эди. Аравасоз уни бу аҳволда кўриб, деди:

— Дўстим! Сенга нима бўлди бугун?

Ошнаси азбаройи уялганидан ҳеч нарса деёлмади, шунда маънос бўлиб қолган аравасоз байт ўқиди:

Тўғрими, сирингни дўстандан яшириш!  
Дўстандан шубҳаланмоқ тўғри бўларми!  
Кўнги қўйиб ишонган дўстинг  
Она каби бўлар сенга қадрдон.

Аравасоз турли касалликларнинг белгиларини яхши билар эди. У қўлини йигчининг юрагига қўйиб, деди:

— Ошна, менимча, сени касал қилган иситма муҳаббат иситмасига ўхшайди.

Аравасоз шундай сўзлар билан ошнасининг қулфи дилини очиб, уни юрагидаги дардини айтишга ундади. Ошнаси шу байтни ўқиди:

Дардингни айт дўстингга,  
Содиқ қул, маҳрамингга,  
Соҳиб фармон султонга,  
Бахтинг йўлдошинг бўлғай.

Ана шундан сўнг йигчи подшо қизини кўргандан кейин ўзининг қандай аҳволга тушганини бирма-бир сўзлаб берди. Аравасоз ўйланиб қолди, сўнг деди:

— Бу подшо — кшатрий. Сен эса, вайша. Муқаддас тузуқларни оёқ-ости қилгани кўрқмайсанми?

Йигчи жавоб берди:

— Одат бўйича кшатрий уч табақадан уйланиши мумкин. Бу подшонинг вайша табақасидан бўлган хотиндан туғилган қиз бўлса керак. Шунинг учун мени ўзига оҳанрабодай тортиб турибди.

Аравасоз йигчининг сўзларини эшитиб, деди:

— Энди нима қилдик?

Йигчи деди:

— Мен не билай? Дўстим бўлганинг учун юрагимни очдим-да.

У жим бўлиб қолди. Аравасоз унга маслаҳат берди:

— Ўринингдан тур, ювин, овқатлан. Асло қўғурма.

Унгача мен бирор нарса ўйлаб топарман. Кейин сен у билан истаганингча ошиқ-маъшуқлик қилаверасан.

Дўстининг сўзларидан кўнгли кўтарилган йигчи ўрнидан туриб, одатдаги ишлари билан машғул бўлди. Аравасоз бўлса ёғоч Гаруда ясади. Уни ҳар турли анвойи бўёқларга бўяди, унга мурват ўрнатди. Гаруда шу мурват ёрдамида ҳавога кўтарилди оладиган бўлди. Эртасига аравасоз ёғоч Гарудани дўстига келтирди.

— Агар сен учинчи истасанг, мана шу ёғоч Гарудага ўтиргин-да, мурватни бура. Ерга тушадиган пайтингда мурватни орқага бурайсан. Сенга айтадиган гапим шу. Бугун кечаси ҳамма ухлаган пайтда ўзингга Нараяна тусини бериб, баданингни безатиб чик, сўнг Гарудага ўтириб осмонга уч, сарой томига бориб қўн, ана шундан кейин подшо қизини нима қилсанг, ўзинг биласан. Шоҳ қизи юқориги ошиёнадаги кўшқда бир ўзи ухлайди.

Шуларни айтиб, аравасоз қайтиб кетди. Йигчи куннинг қолган ярмини интизорликда ўтказди. Тун қоронғуси тушгач, у ўзига турли мушкн атрлар сепди, оғзини лазиз сувлар билан чайди, нафис либосларини кийиб, уларни гуллар билан безади, бўйнига чамбар ва бошқа турли анвойи безаклар тақди, ниҳоят, дўсти айтгандай қилиб ёғоч Гарудага ўтирди. Юрагига Мадана салгина тегиб ўтган шоҳ

қизи саройнинг юксак ошиёнасида ойга жилмайиб ётаркан, баногоҳ йигчини кўриб қолди. Қизнинг кўзига у Вайнатаяни миниб олган Нараяна бўлиб кўринди. Шоҳ қизи қаттиқ ҳаяжонга тушиб, ўрнидан турди ва ҳурмат билан деди:

— Е илоҳо! Тушимми, ўнгимми? Нечун менга бунчалар иззат? Айт, амрингга мунтазирман.

Шоҳ қизининг сўзларини эшитиб, йигчи эркаловчи хумор товуш билан салмоқланиб деди:

— Жоним! Бу ерга сени деб келдим.

Шоҳ қизи деди:

— Бироқ мен инсон боласиман-ку.

У жавоб қилди:

— Сен менинг кўкдан ҳайдалган аввалги хотинимсан. Неча замонлардан бери сени эркаклардан ҳимоя қилдим, мана эндиликда сенга гандхарвалар одати бўйича уйланаман.

Қиз рози бўлди. «Бу мен учун улўғ шараф», деб ўйлади. У қизни хотин қилди.

Шундан бошлаб, улар кечалари ишқ лаззатларига бериладиган бўлдилар. Бир-бирларига муҳаббатлари кундан-кунга зиёда бўлиб борарди. Тун адоғида йигчи ёғоч Гарудасига ўлтирар, хайрлашиб: «Мен Вайкунтха осмонга кетдим», дерди.

Ҳеч ким беҳабар уйга қайтарди.

Бир кунни ҳарам оғалари шоҳ қизининг баданида муҳаббатнинг излари борлигини сезиб қолдилар. Ваҳимага тушиб, дарҳол шоҳга хабар қилдилар:

— Паноҳо! Бир қошиқ қонимиздан кеч, раҳм қил. Сенга айтар арзимиз бор.

Шоҳ рози бўлди. Улар билганларини маълум қилдилар:

— Паноҳо! Биз хизматингда ҳушёрмиз. Ҳарамингни қўриқлаймиз. Шундай бўлса ҳам, недурки, малика Сударшананинг авзойини кўрсак, ундан эркак лаззат олаётганга ўхшайди. Нима қилишмишни ҳам билмаймиз. Шоҳимиз, ўзинг ҳал қил бу мушуқлини.

Шоҳ қаттиқ изтиробга тушиб уйлабди:

Ташвиш туғилади қиз билан бирга,  
Эрга бериш керак уни муносиб,  
Ҳушёр турмоқ керак оиласига,  
Қиз фақат отага қулфат келтирар.

Яна:

Қиз туғилса, она ҳушдан айрилар,  
Катта бўлса, ўртоқлари безовта.  
Эрга берсанг, йўлдан озарми дейсан,  
Қизинг борми, турган-битгани азоб!

Яна:

Муносиб эр чиқарми унга,  
Нуқсонлари йўқми яширин!  
Шундай ташвиш чекади бирга  
Ота ва олам парвардигорни.

У оғир ўйларга ботганча хотини — маликанинг олдига кириб, деди:

— Азизим! Хизматкорларнинг ўртасида нима гап бўлаётганини бил. Нега бизга Кританта ғазаб қилмоқда? Нега у бошимизга бундай қулфат юборди?

Хизматкорлардан нималар бўлаётганини билган малика ташвишланиб қизининг хосхонасига йўл олди. У қизнинг лаблари тишлангани, баданларида бармоқ излари кўкариб қолганини кўрди. Малика ундан сўради:

— Шаънимизга иснод келтирдинг, шумоёқ! Қиз бола ҳам шундай бўладими? Ким олдига келаётган киши? Гапир ростини!

Қиз бошини қўйиб эгиб, Вишну қиёфасида қўйнига кираётган кимса ҳақида сўйлаб берди.

Унинг ҳикоясини эшитган маликанинг чеҳраси очилиб, ҳаддан ташқари қувониб кетди. Бу хабарни тезгина шоҳга етказди:

— Шоҳим, қувончли хабар олиб келдим! Ярим кечада қизимизнинг олдига улўғ Нараянанинг ўзи келаётган экан. Гандхарвалар одати бўйича унга хотин бўлибди. Бугун уни дарчадан кўрагимиз. Билиб қўй, у одамлар билан сўзлашмайди.

Шоҳнинг елкасидан оғир юк тушиб, анча енгил тортиди ва бесабрлик билан кеч тушишини кута бошлади. Тун ярим бўлгунча назарида юз йил ўтгандай бўлди. Ниҳоят, айтилган пайтда подшоҳ ва малика дарчадан қараб турган эдилар, осмонда Гарудага миниб олган, одамнинг кўзларини қамаштирадиган даражада ясашиб безанган, қўлида ойбол-



та, чўқмор ва бурғу кўтарган аллаким пайдо бўлиб, сарой ошиёнасига келиб кўнди. Шоҳ ўзида йўқ шоду хуррам бўлиб, маликага деди:

— Дунёда биздан кўра бахтлироқ одам йўқ. Улуғ Нараяннинг ўзи келиб қизимизни эркалатаётган экан. Тилаган тилагимиз рўёбга чиқди. Мен мислсиз қудратли қуввимиз кўмагида бутун дунёни ўзимга бўйсундираман.

Бу орада мамлакатнинг жануб ёғида яшовчи, ҳукми остида тўққиз миллион тўққиз юз минг қасаба бўлган подшо Викрамасенанинг ўлпончилари ҳар йилги солиқни тўлашни талаб қилиб келиб қолдилар. Нараяннинг ўзи менга куёв бўлди, деб ғурур ва ифтихорга тўлган шоҳ уларни совуқ қарши олди. Ўлпончилар дарғазаб бўлдилар:

— Эй, шоҳ! Солиқни тўлайдиган муддат ўтиб кетди. Ёки бизнинг аввалгидай иззат-хурматимиз йўқми? Афтидан куч-қувватинг ҳаддан зиёд ошиб кетган, шекилли. Викрамасенадай номдор ва улуғ, мисоли олов ва тўфон, заҳарли илон ҳамда ўлим худосидай даҳшатли шаҳаншоҳ билан беллашмоққа қандай ҳаддинг сизгади?

Шоҳ уларга ҳеч нарса демасдан жўнатиб юборди. Ўлпончилар Викрамасена саройига келиб, бўлиб ўтган гапларни ошириб-тошириб, қўшиб-чатиб сўзлаб бердилар. Викрамасена қаҳрланиб ўзини кўярга жой тополмай қолди. У аркони давлати, хайлу хешини олиб, шоҳ Пундхравардхана устига лак-лак лашкар тортиб, асьёса-дабдаба билан келди:

**Қочолмайди уммонга,  
Беркинолмас тоғларга,  
Шоҳ тушажак қўлимга,  
Қаттиқ жазо берарман.**

Викрамасена тўхтовсиз йўл босиб, шоҳ Пундхравардхана мулкига бостириб кирди. Қочиб омон қолган халойиқ бизни ҳимоя қил, деб шоҳга ёлвордилар. Бироқ шоҳ нима бўлаётганини билиб турса ҳам, ортиқча ташвиш чекмади.

Эртасига Викрамасена лашкарлари пойтахтга етиб келиб, уни қамал қила бошлагач, вазирлар, коҳинлар, сарой аъёнлари шоҳга мурожаат қилдилар:

— Олампааноҳ! Шаҳримизни ғаддор душман қуршади. Нега ваалинеъматимиз бунчалар бепарво?

Шоҳ деди:

— Сиз ҳам парво қилманг. Мен душманимизни қандай мажақлаб ташлашни биламан. Эртага эрталаб унинг қўшини қай кунга тушажанин ўз кўзларингиз билан кўрасизлар.

Шоҳ шаҳар деворлари ва дарбозаларини қаттиқ қўриқлашни тайинлади, сўнг Сударшанани чорлаб, эркалаб шундай деди:

— Қизим, мен қуввимизнинг қодир кучига ишониб уруш бошладим. Кечаси улуғ Нараяна келганда, эртага эрта билан ёвни қириб ташлашни ундан илтимос қил.

Тун киргач, Сударшана ота илтимосини эрига баён этди. Йигчи қулиб деди:

— Жоним! Мен оддий аскарларни кукун қилиб совуриб юбораман. Утган замонларда мен Хириянкашип, Кансу, Мадху, Кайтабху ва бошқа минглаб сеҳрли девмаликларни оппа-осон маҳв этганман. Бориб отанга айт: «Асло ташвиш чекманг. Эрталаб Нараяна ўз ойболтаси билан душман қўшинларини қириб ташлайди», де.

Сударшана буларни очилиб-сочилиб отасига хабар қилди. Шоҳ бағоят хурсанд бўлди. Жарчиларга жар солмоқни буюрди: «Кимда-ким эртага эрта билан жангоҳда калласи олинган Викрамасена қароргоҳидан қимматбаҳо буюмлар, нон, олтин, филлар, отлар, қурол-аслаҳа ўлжа туширса, ҳаммаси ўзиники бўлади». Бу хабарни эшитган халойиқнинг юраги дадил бўлиб, бир-бирлари билан кенгаша бошладилар:

— Бизнинг шохимизни шунчалар зўравон душман ҳам қўриқтолмайди. У эртага албатта душманни маҳв этади.

Бу орада йигчи муҳаббат лаззатларидан қониб, ором оларкан, ўйларди: «Нима қилсам экан? Ёғоч Гарудага ўтириб учиб кетсам, ишқимнинг хазинасини йўқотаман. Викрамасена қайнатамни ўлдириб, унинг қизини асир қилиб олиб кетади. Агар жангга кирсам, ҳалок бўламан. Орзу-армонларим поймол бўлади. Лекин суюкли хотинимдан айрилсам, мен бу дунёда яшай олмайман. Кўп сўз кимга

керак? Ҳар томонда фалокат мени қуршаб келмоқда. Жангга дадил кирмоқдан ўзга чора йўқ. Шояд, Гарудага миниб жангоҳга тушганимни кўрган ёғийлар мени Васуде-ва деб ўйлаб тумтарақай қочиб кетсалар. Айтганлар-ку:

**Ўз кучига ишонган  
Мард йигит жангга кирса,  
Айриликларни енгиб,  
Парчалар тўсиқларини.**

Йигчи жангга тушишга аҳд қилгандан сўнг коинот қаватларида Вайнатая Вишнуга хабар берди:

— Илоҳо! Курраи заминда, Пундхравардхана ўлкасида бир йигчи сенинг тимсолинга кириб, подшо қизи билан ишқбозлик қилмоқда. Жануб мамлакатининг подшоси Пундхравардхана ҳалок этиш учун юриш бошлаган. Йигчи қайнатасига ёрдам беришга қарор берди. Шуни билиб қўйки, бу жангга агар йигчи ҳалок бўлса, унда одамлар ўртасида жануб ўлкасининг подшоси улуғ Нараяна устидан ғалаба қозонди деган мишмишлар тарқалади. Кейин одамлар иймонларини йўқотадилар, урф-одатлар, қурбонликлар қилмай қўядилар, эхромларни бузиб ташлайдилар, сенга иқтидо қилгучи уч таёқли дарвешлар сулуқдан қайтадилар. Илоҳо, яна ўзинг донороқсан.

Улуғ Васудева эшитганларини яхшилаб ўйлаб кўрди-да, деди:

— Сен ҳақсан, қушлар шоҳи! Ҳақиқатан ҳам, йигчида биздан зарраи мавжуд. Бизнинг мададимиз бирлан у ғолиб чиққай. Мен унинг вужудига кираман, сен эса ёғоч Гарудага; менинг ойболтам унинг ойболтаси бўлғай.

— Амри вожиб!— деди Гаруда.

Бу орада йигчи Нараяннинг қутқуси билан Сударшанага деди:

— Мен жангга кирганда улуғ машъаллар ёқиб қўйилсин, кўкда худолар бизнинг ишимиздан рози бўлсинлар.

У шундай деб ўт ёқиш расмини адо этди. Уруш анжомларини кийди, ҳадялар тарқатди. Мана, шуълалари адоқсиз осмон соҳиби қулиб бошини кўтарди, у нилуфар ҳавзасининг дўсти, қиз чеҳрасидай гўзал шарқий осмоннинг беназир беэагидир. Шаҳарда ғалабадан дарак берувчи ноғоралар чалинди. Пундхравардхана шоҳи жанг майдонига тушди, ҳар иккала қўшин жанговар саф чекди, пиёдалар икки қанотдан жангга кирдилар. Йигчи оддий одамлар бошига олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсалар сочди, сўнг халойиқни ҳайратга солиб Гарудага минди-да, саройнинг юқори ошиёнасидан кўкка кўтарилди, ўз лашкари узра учиб келиб, бурғусини чалди.

Бурғунинг шиддатли сасини эшитган филлар, отлар, аробалар, пиёдалар тирақайлаб қочишга тушдилар. Бировлар азбаройи қўрқиб кетганларидан иштонларини ҳўллаб кўяр, бошқалари ваҳимага тушиб чинқирар, учинчилари заифлашиб, шалвайиб ерда думалаб ётар, баъзилари эса кўзларини осмонга тикканча, турган жойларида қотиб қолган эдилар.

Дарвоқе, худолар жангни томоша қилгани қизиқиб йиғилдилар, Деварожа Брахманга деди:

— Улуғ Нараяна биронта яримхудо ёҳуд девмаликни жазоламоқчи шекилли. У Нагарига ўтириб бекорга жангга кирмайди.

Брахман ўйланиб қолди:

**«Ҳари мудҳиш, қонли болтасин  
Кўтармайди ожиз одамга,  
Филларга тенг келар арслон  
Чивинга ташланмас қутуриб».**

Худолар шулар ҳақида ўйланар эканлар, йигчи ойболтасини Викрамасенага қараб отди. Ойболта шаҳаншоҳни қоқ иккига бўлиб ташлаб, яна йигчи қўлига қайтиб келди. Барча Викрамасенага тобе ҳукмдорлар бу ҳолни кўргач, ўзларини уруш аробаларидан таппа-таппа ерга ташлаб, Вишну тимсолида жангга кирган йигчи олдида қўл қовуштириб, ер ўпиб турдилар.

— Илоҳо! Саркардаимиз йўқ. Лашкар бошсиз қолди. Бизнинг қонимизни бағишла. Амрингга мунтазирмиз.

Вишну қиёфасига кирган жангчи деди:

— Сизга омонлик бераман. Қайнатам Супративарман не деса, дарҳол амрини адо этгайсиз.

Қарам ҳукмдорлар таъзим қилиб бошларини эгдилар:

— Узинг ҳақсан.

Йигчи Супративарманга барча ўлжа олтин, кумушлар, филлар, отлар, тўпу тўпхоналар, қимматбаҳо нарсаларни топширди. Қозонган зафарининг шўхрати оламга таралиб, шоҳ қизи билан бахтиёр турмуш кечирди.

Шунинг учун ҳам айтаётирман: «Матонатли бўлсанг агар...»

Қоратака деди:

— Қароринг қатъий бўлса, кўзлаган мақсадинг сари дадил бор. Оқ йўл!

Даманака арслон қошига жўнади. Арслон олдига келиб қуллуқ қилди-да, ўтирди.

Арслон сўради:

— Нега анчадан бери кўринмайсан?

Даманака жавоб берди:

— Шоҳим, мен бу ерга зарур иш билан келдим. Кўнгилни хира қиладиган гап бўлса ҳам, барибир уни сенга айтишим зарур. Сенинг фойданг шуни тақозо қилади. Қўл ости-тингдаги кимсалар баъзан шундай йўл тутишлари ҳам ўринли. Аксинча, вақт ўтгандан сўнг уни орқага қайтариб бўлмайди.

**Шоҳо!** Тилёғлама маддоҳлар кўп оламда,  
Тили аччиқ, лек фойдали кишини топиш қийин.

Пингалака ундан ҳурмат билан сўради:

— Бу билан нима демоқчисан?

У жавоб берди:

— Шоҳим! Сенинг ишончингга кириб олган Санживаанинг ичи қора. Бир куни иккимиз ёлғиз қолганимизда менга ёрилиб айтди: «Сенинг шоҳинг қанчалар зўр бўлмасин, унинг ҳам заиф томонлари бор. Шунини билиб олиб, кейин уни ўлдираман». Бугун Санживака ўз ниятини амалга ошироқчи. Мен сени огоҳлантириб кўяй, деб келдим, о, отамнинг ҳукмдори.

Пингалака ақл бовар қилмайдиган бу сўзларни эшитиб, худди баҳор қалдириғида қолгандай талмовсиради, ҳаяжонга тушди, ҳатто тили калимага келмай қолди. Даманака эса унинг кўнглидан нималар кечаётганини англаб, деди:

— Вазирдан бундан ортиқ ҳеч нарса кутиб ҳам бўлмайди. Бекорга айтмаганлар:

Сарафроз этолмас бахтнинг худоси  
Вазир билан подшоҳни баробар.  
Оғир юкдан елкалари эзилиб,  
Бировни қулатади аршидан.

Шунинг учун:

Чириган тиш, зирапчани дарҳол сўғуриб ташла,  
Кўкрагида кин сақлаган вазирларни четлаштир.

Ва яна:

Бошқалардан юксалганда шоҳ лутфи-ла мулозим,  
Кибри ортиб, аввалгидай ғайрат билан ишламас.  
Бурчини ҳам унутиб, у ҳоким бўлгиси келар,  
Тождорни йиқитай дер, фитна уясин қуриб.

Санживака деганимиз энди барча ишларга бошини суқяпти.

Пингалака бунга жавобан деди:

— Лекин у менга мулозим. Нега у ўзгариб қолибди?

Даманака деди:

— Бунинг сира ажабланарли ери йўқ. Айтилган-ку, ахир:  
Мулозимлар ёнадилар шўхрат ўтида,  
Фақат ожиз қолганда, бўларлар содиқ.

Арслон айтди:

— Мен барибир унга ҳеч қандай ёмонлик тиламайман.  
Эшитмаганмисан:

Ҳирслик эрса-да вужуд, у бизга қадрлидир,  
Севги азоби ёмон, лек авайлаб асраймиз.

Яна:

Иши қора, сўзи қаттиқ бўлса ҳам,  
Яхши кўрган кишимизга кечирамиз барини.

Даманака деди:

— Энг хатарли томони ҳам шунда. Шоҳимиз бошқа барча қулларидан йироқлашиб, лутфу карамларини фақат Санживакага бағишлайдиган бўлдилар. Энди эса ҳўкиз тахта-га чиқишни кўзлаётир. Эшитмаганмисан:

Шоҳнинг карами билан олий иззат кўрганга  
Лакшми ҳам пайдарпай тўхфалар етказгайдир.

У, мабодо, сенга ғоятда қадрли бўлганда ҳам, воз кечмоқ даркор, зотан, у ўз бузғунчилиги билан сенга зиён етказди. Унинг мислсиз куч-қуввати мабодо бирон нарсага ярайди деб ўйласанг, сен қаттиқ янглишасан.

Ҳирс ўтида қутурган филдан етмас манфаат,  
Ғайрат билан ишлаган ожизлик айбин ёпар.

Шубҳасиз, шоҳимнинг унга раҳми келади. Лекин бунга ҳожат йўқ. Ахир:

Билимдон дўстларнинг сўзидан чиқса одам,  
Ўз аршидан қулайди, душманига емиш бўлар.

Арслон айтди:

— Азизим! Барибир ундай дема. У қошимга юкиниб келганда, ўз ҳимоятимга олгайман. Буни унутмагандир, ахир.

Даманака деди:

Минг уришгин ёмонни — тузалмайди бадиқирдор.  
Тўғри бўлмас ит думи қанча мой сурган билан.

Тағин:

Олижаноб одамнинг  
Оз иши ҳам кўпдайдир.  
Баланд тоғнинг қорига  
Тушган ой нуридайдир.

Лекин:

Кўнгли бузуқларнинг ҳеч  
Яхшилиги кўринмас.  
Тунд Анжан тепасида  
Ой нури қора тортар.

Ва яна:

Яхшини паст маҳв этар,  
Жоҳиллар — ёруғликни.  
Одобсизга дўстлик хайф,  
Ношукўрга — яхшилик.

Тағин:

Аҳмоқ билан сўзлашиш — чангалзорда шеър айтиш,  
Шўрхоқ ерга сув қўйиш, қуруқ жойга гул экиш.  
Ит думини тўғрилаш, ўлганга анбар суртиш,  
Кар қулоққа сўз айтиш, кўр юзини безашдир.

Шоҳим менинг сўзимга кирсин. Яна бунинг устига:  
Барча — маймун, шер, илон бир сўзнинг айтгандилар,  
Кирмай улар сўзига оғир панд едим, дўстлар.

Арслон сўради:

— Бу қандай бўлди?

Даманака ҳикоя қилди.

Давоми келгуси сонда





Ислом  
Шоғуломов

## ГАРОВ



илиция бўлимасининг хоналаридан бири. Тўра Очилович столга кўксини бериб нималарнидир ёзмоқда. Стол устида пичоқ, қўл соати, сирға, узук, билакузуклар. Тўра Очилович ёзишдан тўхтади, тақинчоқларни бирма-бир қўлга олиб кўздан кечи-ради.

**ОЧИЛОВ.** (Узига-ўзи). Товба, шунча ашёвий далиллар, гувоҳу исботлар ва яна ўзининг иқрорномаси бўлса. Шулардан кейин қандай қилиб унинг жиноятини енгиллатар эканман? Йўқ. (Ўрнидан туриб кетади). Протоколни қайта ёзолмайман. Жиноят жазосиз қолмаслиги керак. Лекин... ўртоқ Дўстматовнинг ўртада туришлари... Қизиқ, йўлтўсар ўғри қаёқдаю, бу киши қаёқда? Йигирма тўрт йил ҳалол ишладим, илтимосларга қулоқ солмадим, тазйиқлардан чўчимадим, хизматимнинг қолган озгина муддатини ҳам ҳалол ўтайман. Йўлтўсар ўғри Жавлон Узаров жазоланиши керак. (Столга ўтириб протокол ёзишни давом эттиради. Эшик оҳиста очилиб, рафикаси Ҳакимаҳон кўринади.)

**ОЧИЛОВ.** [Шошмасдан ўрнидан туради, ҳайрон бўлиб сўрайди] Ие, ҳа, тинчликми, онаси?

**ҲАКИМАХОН.** Тинчлик.

**ОЧИЛОВ.** Унчалик тинчликка ўхшамайди. Кўзларингда аллақандай ташвиш...

**ҲАКИМАХОН.** Унда айтинг-чи, қанақа ташвиш экан?

**ОЧИЛОВ.** Ҳар қалай «бельгийский» пальто ташвиши эмас. Лекин жиндек ҳайрон бўлиб турибман. Менинг ишхонамга келадиган одатинг йўқ эди. Бунинг устига андак тортиниб ҳам турибсан. Модомики ўз одатингни бузиб ва яна бунинг устига тортинчоқлик ҳам қилган экансан, демак, илтимос билан келгансан. Тўғрими?

**ҲАКИМАХОН.** Ҳозир кимни тергов қиляпсиз, билсам бўладими?

**ОЧИЛОВ.** Буни ҳеч қачон айтмайман. Шунча йил бирга яшадик, одатимни биласан.

**ҲАКИМАХОН.** Дадаси, ўртамиздаги муҳаббат ҳурмати, ўттиз йиллик эр-хотинлигимиз ҳурмати, кимни тергов қила-ётганингизни ҳозир билишим керак.

**ОЧИЛОВ.** Тавба, бу сенга нима учун керак бўлиб қолди? Менинг терговчилигимнинг эр-хотинликка, муҳаббатга нима алоқаси бор?

**ҲАКИМАХОН.** Дадаси, мен сиздан таъна эшитгани келганим йўқ. Сиз ҳозир Жавлон Узаровни тергов қиляпсиз.

**ОЧИЛОВ.** (Ҳайрон) Ҳўш, фараз қилайлик. Лекин бунинг сенга нима алоқаси бор?

**ҲАКИМАХОН.** Қарор ёзишдан олдин қизингизнинг тақдирини бир ўйлаб кўринг, деб келдим. Эсингиздами, шу йил қишда, гупиллаб қор ёғаётган кун кечаси Жамилани қароқчилар тўсиб ечинтирмоқчи бўлганда бир йигит ўртага тушиб, муштлашиб, ўзи қони қушга бўялса ҳам қизингизни қутқарган эди, эсингиздами?

**ОЧИЛОВ.** Ҳўш, айтавер-чи.

**ҲАКИМАХОН.** Қизим шўрликнинг ҳам олтин тақинчоқларини, ҳам ифратини сақлаб қолган ўша бечора йигит бўлмаганда Жамиланинг аҳволи нима кечарди? Нега анграйиб турибсиз, гапирсангиз-чи?

**ОЧИЛОВ.** Ҳакима, нима бўлганда ҳам биз давлат идорасида ўтирибмиз. Гапинг бўлса тезроқ айт, мен ўзимни ноқулай сезяпман. Яхшиси, қизинг масаласини кечкурун уйда гаплашайлик.

**ҲАКИМАХОН.** Қизингизни қутқарган йигит мана шу Жавлон Узаров бўлади!

**ОЧИЛОВ.** (Ниҳоятда ҳайрон). Нима? Нима дединг?!

**ҲАКИМАХОН.** Ҳа, худди шу йигит ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бизнинг оиламиз обрўси, номусини сақлаб қолган. **ОЧИЛОВ.** (Тўсатдан ҳушёр тортиб). Қизиқ... жуда қизиқ... Менинг Жавлон Узаров устидан тергов олиб бораётганимни сен қаёқдан эшитдинг?

**ҲАКИМАХОН.** Айтолмайман. (Кулиб). Биз ҳам сир сақлашга устамиз.

**ОЧИЛОВ.** Йўқ, илтимос қиламан. Ҳалиги ўзинг айтган муҳаббатимиз ҳурмати, ўтиниб сўрайман, айт!

**ҲАКИМАХОН.** Айт-май-ман!

**ОЧИЛОВ.** Бўлмаса сўхбатни ҳам тугатайлик. Аслини олганда тергов кетаётган пайтда сенинг бу ерга келишинг ва менинг ҳам сен билан бу тарзда гаплашиб ўтиришим тергов қондасига тўғри келмайди. Қонунни бузишга ҳаққим йўқ!

**ҲАКИМАХОН.** (Жаҳл билан ўрнидан туради). Демак, Жавлон Узаровнинг жиноятини енгиллатишга ёрдам беролмайсиз, шундайми?

**ОЧИЛОВ.** Қўлимдан келмайди.

**ҲАКИМАХОН.** Қизингизнинг ҳаёти хавф остида турган бўлса ҳам-а?

**ОЧИЛОВ.** Уни ҳимоя қиладиган ташкилотлар бор, милиция бор.

**ҲАКИМАХОН.** Битта милиция сиз бўлсангиз!

**ОЧИЛОВ.** Мен ёмон бўлсам, яхшилари ҳам бор.

**ҲАКИМАХОН.** (Йиғлаб чиқиб кета бошлайди. Эшик олдида тўхтаб, бироз иккиланиб турган, сумкасини очиб, хат олади-да, орқасига қайтади). Майли, сиз шартингизни бузманг, аслида мени эмас, қонунни севасиз. Онангиз қонун учун туққан сизни.

**ОЧИЛОВ.** (Хатни олтуриб) Нима бу?

**ҲАКИМАХОН.** Аввал ўқинг, кейин биласиз!

**ОЧИЛОВ.** (Хатни олиб, синчиклаб кўздан кечиради, уёқ-бу ёғини ағдариб кўради). Саводсиз одам томонидан чап қўл билан ёзилган. (Ўқийди). «Ҳакима опа, биринчи шартимиз шуки, ушбу хатни Жавлон Узаров устидан тергов олиб бораётган эрингиз кўрмаслиги керак. Уқиб бўлгач, хатни ё кўйдириб ташланг ёки уни бизнинг ўзимизга қайтариб беринг. Жавлон, эсингизда бўлса керак, қизингизни безорилардан ҳимоя қилиб, сизларни қарздор қилиб қўйган. Қарз ҳали тўлангани йўқ. Ана шунинг эвазига Жавлоннинг билиб-билмай қилиб қўйган шўхлиги милиция томонидан кечирилиши керак. Эрингиз олиб бораётган тергов кеча тугади. Бугун қарор ёзилади. Иккинчи шартимиз шу: Жавлон бутунлай озод қилиниши керак ёки олти ой муҳлат билан мажбурий хизматга кесилса ҳам бўлади. Бу эрингизнинг тергов санъатига боғлиқ. Агар шу икки шартдан биронтаси бажарилмаса, қизингизнинг ҳаёти яна хавф остида. Кимдир уни хилватда чавақлаб кетса, биз айбдор эмасмиз. Яъни айтмоқчимизки, тўланмаган қарз



учун қизингизнинг боши гаровда турибди... **СИЗНИ ҲУРМАТ-ЛОВЧИЛАР».**

(Тўра Очилович хатни ўқиб бўлгач, бармоқлари билан столни чертганча анча муҳлат жим қолади. Сўнг ўзига-ўзи гапира бошлайди). Ҳа, чап қўл билан ёзилган бу хат. Лекин, унинг автори қамалиб чиққан бўлиши керак. Қонунни билади, жуда яхши билади. Қилган жинояти қайси моддага тўғри келса, енгиллашни ҳам билиб олган. (Хотинига) Охуни қачон олувдинг?

**ҲАКИМАХОН.** Бугун эрталаб.

**ОЧИЛОВ.** Қандай топширишди сенга? Конвертга солинган-мида?

**ҲАКИМАХОН.** Ҳовли супураётувдим, кимдир кўча эшикни от келдисига олиб, гупиллатиб уриб қолди. Сўнг эшикни қия очиб, сизга хат бор деди-да, шуни ташлаб дарҳол эшикни ёпди. Хатни ердан олиб, мен ўлгур ҳам дарров ўқишга тутинибман. Уқиб бўлиб ҳовлиқиб кўчага чиқсам, ҳеч ким йўқ.

**ОЧИЛОВ.** Соат нечалар эди?

**ҲАКИМАХОН.** Соат ўнлар бор эди. Москвадан сўнгги ахборот эшиттирилаётувди шекилли.

**ОЧИЛОВ.** Соат ўнда ахборот эмас, марказий газеталарнинг обзори берилади.

**ҲАКИМАХОН.** Ишқилиб, Москва гапираётувди-да.

**ОЧИЛОВ.** Нега дарров келмадинг?

**ҲАКИМАХОН.** Мактабда дарсим бор эди-ку?

**ОЧИЛОВ.** Демак, хатни куйдириб ташлашингни маслаҳат беришибди-да?

**ҲАКИМАХОН.** Биринчи шартлари шу экан.

**ОЧИЛОВ.** Ҳакима, менга бир пиёла чой қуйиб бер. Сал ўзимни босиб олай. Ана деразининг пештахтасига чой дамлаб қўйганман, шакфда пиёла ҳам бор. (Хотини ўрнидан туриши билан хатни тортмасига солади, бошқа бир қоғозни олиб ҳовучида ғижимлай бошлади. Хотини қуйиб берган чойни ичиб бўлгач, сўзида давом этади). Лекин бу хатни куйдириб ташлаганимиз маъқул. Икковимиздан бошқа одам билмаслиги керак. (Чунтагидан гугурт чиқариб, қўлидаги қоғозни ёқади. Кулини кулдонга босиб, хотинига юзланади). Мана, хоним, биринчи шартлари бажарилди.

**ҲАКИМАХОН.** Раҳмат дадаси. Энди иккинчи шартлари нима бўлади? Қизингизга боғлиқ бўлмаса ҳам гўрга эди.

**ОЧИЛОВ.** (Уйлиниб). Менга қара, онаси, бордию қизингни вақтинча бирор ёққа жўнатиб турсак-чи?

**ҲАКИМАХОН.** Нега? Уларнинг шартини бажармайсизми?

**ОЧИЛОВ.** Жоним, мени тўғри тушунгин, ваъда берган тақдиримда ҳам, бу дарров ҳал бўладиган иш эмас. Аввало, мен бошлиқ билан маслаҳатлашиб олишим керак. Ундан кейин... хуллас, дарров битмайди-да, ахир. Яхшиси Жамилани Москвага стажировкага жўнатамиз. Майлими?

**ҲАКИМАХОН.** Эрта-индин аспирантурани тугатиб, кандидат бўлай деб турган қизгинамни-я?

**ОЧИЛОВ.** Ҳа, майли, бу гапларни уйда гаплашсак ҳам бўлар. Энди, жоним, борақол, бу ерда узоқ ўтиришинг яхши эмас.

**ҲАКИМАХОН.** Дадаси, намуноча ҳайдамасангиз, ўзим ҳам шошиб турибман. Иккинчи сменада дарсим бор... Лекин менга тайинли жавоб айтмадингиз-ку?

**ОЧИЛОВ.** Жавобини олгани келиб қолишади, деб ўйлайсанми?

**ҲАКИМАХОН.** Бордию, келиб қолишса-чи?

**ОЧИЛОВ.** Жавобини терговчининг ўзидан олар экансизлар, деб айтгин.

**ҲАКИМАХОН.** Яна юрагимга ғашлик соляпсиз.

**ОЧИЛОВ.** Юрагингни беҳуда ғашлама. Ҳеч нарса сезмагандек юравер. Бунақанги таҳдидли хатлар биринчи марта келаётгани йўқ. Йигирма тўрт йилдан буён жиноятчилар билан олишаман, бунақанги хатлардан йилга учтадан олганимдаям, ўрта ҳисобда етмиштасини олиб ўқиб чиққанман, етмиштасига ҳам жавоб бўлган, ташвишланма, онаси, бунисига ҳам чора топамиз. Энди борақол.

**ҲАКИМАХОН.** Йўқ, дадаси, менга ваъда бермагунингизча, бу ердан бир одим ҳам жиймайман.

**ОЧИЛОВ.** Нима деб ваъда беришим керак?

**ҲАКИМАХОН.** Жиноятини енгиллатасизми ёки... ўзини қамоқдан бўшата оласизми?

**ОЧИЛОВ.** Демак, мен жиноятчининг олдида таслим бўлар эканман-да, шундайми?

**ҲАКИМАХОН.** Қизингиз учун, мен учун бир марта ён

берсангиз асакангиз кетмас эди. Ахир, одамлар қўлидаги имкониятдан фойдаланиб нималар қилишмаяпти? Қўша-қўша участка солганлар бор, қўша-қўша машина олганлар бор! Қачон қарасангиз оғизларидан қонун, бурч, виждон! Билиб қўйинг, агар қизингизга бир гап бўлгудек бўлса, сизни у дунёю, бу дунё кечирмайман!

**ОЧИЛОВ.** Онаси, айтдим-ку, кўп ташвишланма деб. Аввало, қизингизга айт, ҳеч нарса бўлмайди. Уни эҳтиёт қиламиз. Ҳаётим, обройим, борингки оилам учун ҳафиз туғилган пайтда ҳам барибир, мен ўзгармайман. Мен ўша-ўша Тўра қайсарман, қайсарлигимча қоламан. Лекин, Жамилани бугун албатта Москвага жўнатамиз, мен ҳозир институт раҳбарлари билан гаплашаман... Энди бор, ҳаммаси жойида бўлади.

**ҲАКИМАХОН** (Кўзида ёш, кулади). Сўз берасизми?

**ОЧИЛОВ.** (Маъноли кулиб) Ҳа. Терговни ҳам қайтадан бошлашга тўғри келади.

**ҲАКИМАХОН.** (Хурсанд) Раҳмат, адажониси. (Ўрнидан туради) Тезроқ уйга бориб, бу хушxabарни Жамиллага айтгай, суюнчи олай. У шўрлик кўрққанидан кўчага чиқолмай ўтиргандир.

**ОЧИЛОВ.** (Хушёр тортиб) Хатни қизингизга кўрсатганмидинг?

**ҲАКИМАХОН.** Вой, дадажониси-ей, сиздан берухсат унга нега кўрсатар эканман? Фақат мазмунини айтиб берувдим, ҳолос.

**ОЧИЛОВ.** Чакки қилибсан. Лекин бўлар иш бўпти, бориб айт, кўрқмасин, терговни қайтадан бошлайман. (Ҳакима йўрғалаб чиқиб кетади). Ҳа, терговни қайтадан бошлайман. Жавлоннинг якка ўзи йўл тўсганига шубҳам бор эди. Шубҳам тасдиқланди (Тортмадан ҳалиги хатни олади, қисқич билан авайлаб ушлаб уёқ-буёғини ағдариб кўради). Кеча қариндошиман, Жавлонни бир кўрай деб ялинган йигит шайқанинг аъзоси бўлса ажаб эмас. Ҳа-ҳа, худди шундай. Демак, мана бу хатни ҳам ана шу «қариндоши» ёзган. Терговни тугатганими Жавлон сезган, демак, тажрибаси бой экан, унинг... Лекин, янглишибсан, қароқчи, мен, шерикларингни топмагунча, барибир, ишни якунламоқчи эмас эдим. Ўзимни ишни якунлагандек қилиб кўрсатиб, сенинг ўша пайтдаги ҳолатингни бир кузатмоқчи эдим. Демак, шошиб қолибсан-да? Сенлар шохида юрсанг, мен баргида юраман!.. Лекин, қизиқ, жуда қизиқ. Менинг қизим Жамилани у тасодифан қутқардимикан, ёки пухта ўйлаб қилинган бир ишмикан бу? Ҳа-ҳа, калаванинг учини топаётганга ўхшайман. Уртоқ Давлатовга телефон қилишим керак. (Номер теради) Жалил Давлатович, бу ўзингизми? Ассаломуалайкум, тергов бўлиmidан Тўра Очиловман. Мен илтимосингизни қайта-қайта ўйлаб кўрдим... Фақат нима сабабдан жиноятчининг гуноҳини енгиллатишимни сўраётганингни аниқ билсам эди, эҳтимол қариндошингиздир? Олдимда ҳеч ким йўқ, бемалол, телефоним параллел ҳам эмас, бемалол гапираверинг. (Телефон трубкасини кулоғига тутганича анча туриб қолади, юзи ёриша боради). Тушундим, Жалил Давлатович. Демак, келинингиз кечки мактабда дарс беради, қайтаётганда номаълум безорилар икки марта унинг йўлини тўсишди. Тасодифан, ўша кўчадан ўтиб бораётган Жавлон Узаров икковида ҳам келинингизни қутқаради. Демак, тўғри тушунибманми? Яна бир нарсани сўраб олсам майлими? Мабодо, келинингиз номига мен қилган яхшилик эвазига энди менинг жиноятимни енгиллатишга ёрдам бер, бўлмаса, сени учинчи гал ҳеч ким қутқариб қололмайди, деган мазмунда хат ёзилган эмасми? Қаранг-а, кеча келган дейсизми? Тушунарли, ҳаммаси тушунарли. Раҳмат, Жалил Давлатович, албатта ҳаракат қиламан, (Телефон трубкасини қўйиб, хурсанд бир кайфиятда хонани айлана бошлайди.) Соз, жуда соз бўлди! (Ҳалиги қоғозга ўралган хатни олиб тикилади). Хат эмас, бир мўъжиза, жиноят тилсимотини очиб учун бир калит бўлди-ку бу! Оббо Жавлон-ей, сен ашаддийларидан экансан-ку! Демак, ишинг тушиши мумкин бўлган одамларни сен аввалдан қарздор қилиб қўяра экансан. Узоқни кўзлаб мўлжалга олган кишиларингнинг одамларини шерикларинг талаётган бўлади, шунда сен тасодифан жиноят устига келиб қолган бўласан, ҳўжа кўрсинга роса муштлашасан ҳам, ўзингни мисли йўқ қаҳрамон қилиб кўрсатасан. Оббо муғомбир-ей... «баҳорда очиладиган гулга кузда салом бериб қўяман», деган гапга амал қилар экансан-да. Йўқ, Тўра Очиловдан осонликча қутула олмайсан. Энди бутун шайқангни қўлга оламиз. Шу битта хатинг билан муҳлатингизга яна муҳлат қўшилидиган бўлди. Охир қўлга тушдинг-ку, айёр тулки...

## АВТОРЛАРИМИЗ

**Эркин АЪЗАМОВ.** Бойсунда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Чироқлар ўчмаган кеча», «Отойининг туғилган йили», «Олам ям-яшил» тўпламларининг муаллифи.

**Хуршид ДАВРОН.** 1952 йили Самарқанд областидаги Чордара қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетини битирган. «Қадрдон кўёш», «Шаҳардаги олма дарахти», «Тунги боғлар», «Учиб бораяпман қушлар билан» китобларининг муаллифи. «Ёш гвардия» нашриётида хизмат қилади.

**Нурилло ОСТОНОВ.** 1955 йили Самарқанд районидаги Туркман қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Шеърлари республика матбуотида кўплаб эълон қилинган. F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида илк китоби чоп этишга тайёрланмоқда. Ўзбекистон радио-

сининг пропаганда редакциясида муҳаррир.

**Хадича ЛУТФИДДИНОВА.** Наманган областида туғилган. В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. «Ёш ленинчи» ва Сурхондарё область «Ленин байроғи» газеталарида хизмат қилган. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспиранти.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ.** Бухоро областида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини битирган. Филология фанлари кандидати.

**Тилак ЖҲҲРА.** Бухоро областида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Айни пайтда шу университетининг «Таржима назарияси» кафедрасида ўқитувчи. Унинг «Райҳон», «Олам остонаси», «Юлдузлар табассуми» тўпламлари чоп қилинган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

## АВТОРЛАРИМИЗ

«Ёшлик» («Молодость») — ежесечасный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. ҚУДРАТОВА

Журнал макетини М. ОВСЯННИКОВ тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар:

Бош редактор ўринбосари — 32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърят, адабий танқид ва санъат

бўлимлари — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим —

32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ёшлик»дан олинди» деб изоҳлаши шарт.

Босмахонага 27.06.84 й. да туширилди. Босишга 8.08.84 й. да руҳсат берилди. Р — 13862. Қоғоз формати 84×108 1/16. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 146373 нусха. Буюртма № 3845. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26.



График рассом Темур САЪДУЛЛАЕВ асаридан.

© «Ёшлик», № 8. 1984.  
«Ёш гвардия» нашриёти.